

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

**Р.Мавлонова, Б.Нормуродова,  
Р.Раҳмонқулова**

**ТАРБИЯВИЙ ИШЛАР  
МЕТОДИКАСИ**

**(ўқув қўлланма)**

Тошкент  
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси  
“Фан” наширёти  
2007

Ушбу қўлланмада бошланғич синф ўқитувчиларининг тарбия-  
вий ишларини ташкил қилиш мазмуни, мақсад ва вазифалари, синф  
раҳбарининг иш фаолияти, синф жамоасини ўрганиш, синфдан ва  
мақтабдан ташқари тарбиявий ишларни режалаштириш, ўқувчи  
маънавиятигини шакллантиришда маънавият ишлари бўйича дирек-  
тор ўринбосарининг вазифалари, мақтаб, оила ва маҳалла ҳамкор-  
лиги ишлари, тарбиявий тадбирларнинг ўқувчи тарбиясидаги ўрни  
ёритиб берилган ҳамда тажрибали ўқитувчилар ижодидан намуна-  
лар, методик тавсиялар берилган.

Мазкур қўлланма олий ўқув юрти талабаларига, бошланғич синф  
ўқитувчиларига, ота-оналарга ва тарбиявий ишлар билан қизиқув-  
чиларга мўлжалланган.

### ***Тақризчилар:***

п.ф.д., профессор Н.Файзулина  
п.ф.д., профессор У. Махкамов

ISBN 978-9943-09-455-0

© Ўзбекистон Республикаси ФА  
“Фан” наширёти, 2007 йил

## КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Қомуси саҳифаларида ҳар бир фуқаронинг илм олиши, ўз ижодий куч ва қобилиягларини ҳар томонлама ривожлантириш таъкидланади. Ҳозирги замон мактаби тубдан янгиланмоқда. Мамлакатимизда «Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг қайтадан кўриб чиқилганлиги мактабнинг бугуни ва келажаги яна-да порлоқ бўлишига ундейди.

Ёш авлодга тарбия беришдек мураккаб вазифани ҳал этишда мактаб жуда катта аҳамият касб этади. Айни шу жойда ёшларимиз ижтимоий жамият ва илмий техника тараққиёти талабларига жавоб бера оладиган мукаммал маълумотларни оладилар. Мактаб ёшларнинг дунёқарашларига пойдевор ҳамда ғоявий эътиқодлари учун негиз яратади, уларнинг иродаларини шакллантиради, ҳалқимиз баҳт-саодати йўлида сидқидилдан меҳнат қилишга тайёрлади.

Ўқувчиларга тарбия бериш, уларга таълим бериш билан мустаҳкам ва яхлит бирликда амалга оширилади. Аммо, тарбиянинг ўз вазифаси, мазмуни, шакл ҳамда услублари бор. Ўқув тарбиявий жараённинг узвийлиги мактаб олдига қўйилган энг муҳим педагогик қоидалардан бири ҳисобланади, шунинг учун ҳам синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишлар бевосита ўқув жараёни билан боғлангандир. Дарсдан ташқари машғулотлар ўқувчиларда асосий вазифалари бўлмиш илм олишга иштиёқ уйғотиш, қобилияти ва искеъдодларини рӯёбга чиқаришга имконият яратишдан, мактабни муваффақиятли тутатиш, касб-корга интилиш ҳиссини тарбиялашдан иборатдир. Ёшларнинг қундалик эҳтиёжлари, интилишлари, талаб ва қизиқишлигини фақат дарс жараёни билан қондириб бўлмайди. Синфдан ва мактабдан ташқари машғулотлар ўқувчилар фаолиятининг барча қирраларини қамраб олмоги лозим. Ҳар бир ўқувчи билан яккана-якка ишлаш, уни ижтимоий-руҳий жиҳатдан ўрганиш синф фаолиятига янгича мазмун олиб киради.

Ёшларнинг ғоявий-сиёсий онгини шакллантириш, уларда атроф-муҳитга, жамиятга онгли муносабатда бўлиш, жонажон Ватанни чексиз садоқат билан севиш, ҳалқимизнинг миллий қадриятларини эъзозлаш ҳиссини таркиб топтириш – ватанпарварлик тарбиясининг мағзи бўлмоги лозим.

**I. БЎЛИМ.**  
**СИНФДАН ВА МАКТАБДАН ТАШҚАРИ**  
**ТАРБИЯВИЙ ИШЛАР**

**1-§ Синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишларнинг  
мақсади ва вазифалари**

Ўзбекистон Республикасининг истиқоллга эришуви ҳамда ўз мустақил сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий йўлига эга бўлиши, ҳалқ хўжалигининг турли соҳаларида, жумладан ҳалқ таълими тизимида ҳам ўсиб келаётган ёш авлод таълим-тарбияси билан борлиқ жараёнини қайта кўриб чиқишини тақозо этмокда.

Ҳозирги пайтда, фан ва маданиятнинг энг сўнгти ютуқлари асосида келажагимиз бўлган ёш авлодни ҳаётга тайёрлашнинг самара-ли шакл ва услубларини излаш ниҳоятда зарурдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги фармонида кўрсатилганидек, жамиятда юксак маънавий фазилатларни камол топтириш, миллий мағкурани шакллантириш, ёшларни бой маданий меросимизга, тарихий ачъаналаримизга, умуминсоний қадриятларга ҳурмат, Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ислоҳотларнинг ҳал қилувчи омилидир.

Синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишларнинг самарадорлигини ошириш аввало комил инсонни шакллантиришнинг энг замонавий ва қулай йўналишларини топиб жорий этишга боғлиқ. Ушбу Концепция ҳам худди шу мақсадда, шахс камолоти босқичларини белгилаб олишга йўналтирилган.

Тарбиявий ишларни давр талабига жавоб берадиган ҳолга келтириш учун тарбиянинг асоси бўлган барча ғоялар қайтадан кўриб чиқилиши, асосий эътибор бола шахсига қаратилиши, йиллар давомида тўпланган ижобий тажрибадан унумли фойдаланиш зарурлигини тақозо этади.

Тарбиявий ишлар ҳукуқ-тартибот органлари, ижодий уюшмалар, Давлат ва нодавлат жамғармалар, қўмиталар ва ташкилотлар билан ҳамкорликда олиб борилади.

Инсон шахсининг камол топиши жуда мураккаб ва узлуксиз жараён давомида шаклланади. Унинг тарбиясига ота-онаси, мактаб, маҳалла, дўстлари, жамоат ташкилотлари, атроф-муҳит, оммавий ахборот воситалари, санъат, адабиёт, табиат ва ҳоказолар бозосита таъсир кўрсатади.

Юқоридаги барча ҳаётий эҳтиёжларни вужудга келтиришда ўзаро ҳамкорликнинг таъсир доираси орқали шахсни тарбиялаш ва тарбиянинг бирлигини таъминлаган ҳолда, уни шахс сифатида шаклланишига салбий таъсир кўрсатадиган муҳитдан ҳимоя қилиш зарур.

Тарбиянинг бош мақсади – ёш авлодни маънавий-ахлоқий тарбиялашда халқнинг бой миллий, маънавий-тарихий анъаналарга, урф-одатлари ҳамда умумбашарий қадриятларга асосланган самарали ташкилий, педагогик шакл ва воситаларни ишлаб чиқиб амалга жорий этишдир.

Тарбиянинг асосий вазифаси – шахснинг ақлий, ахлоқий, эркин фикрловчи ва жисмоний ривожланиши, унинг қобилияtlарини ҳар томонлама очиш учун имконият яратишидир.

Бунинг учун: – ёшларни эркин фикрлашга тайёрлаш, ҳаёт мазмунини тушуниб олишига кўмаклашиш, ўз-ўзини идора ва назорат қила билишини шакллантириш, ўз шахсий турмушига мақсадли ёндашув, уларда режа ва амал бирлиги ҳиссини уйғотиши;

– ўқувчиларни миллий, умуминсоний қадриятлар, Ватанимизнинг бой маънавий мероси билан таништириш, маданий ҳамда дунёвий билимларни эгаллашга бўлган талабларини шакллантириш, малака ҳосил қилдириш, тобора ўстириб-бойитиб бориш ва эстетик тушунчаларини шакллантириш;

– ҳар бир ўсмирнинг билимдонлигини ва ижодий имкониятларини аниқлаб, уларни ривожлантириш. Инсон фаолиятини турли соҳаларда жорий қилиб кўриш. Болалар ижодкорлиги, иқтидорини юзага чиқариш ва янада қўллаб-қувватлаш учун шарт-шароит ҳозирлаш;

– инсонпарварлик одоби меъёрларини шакллантириш (бир-бинини тушунадиган, меҳрибонлик, шафқатлилик, ирқий ва миллий камситишларга тоқатсизлик), муомала одоби каби тарбия воситалари (ноҳақликка, ёлғончилик, туҳмат, чақимчиликка тоқатсизлик) кенг қўланиши лозим.

– ватанпарварлик, дунёвий фикрлаш, жамиятимизда яшайдиган

одамлар билан ўзаро муносабат-мулоқотни ўрганиш, ўз халқига, давлатига, унинг ҳимояси учун ҳамиша шай бўлиб туриш, Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатларнинг рамзларига ҳурмат билан қараш, ёш авлодни Ўзбекистон Конституциясига, Байробига, Гербига, Мадҳиясига, Президентига садоқатли қилиб тарбиялаш;

– қонуний жамоа ахлоқи ва турмуш қоидаларига ҳурмат билан қарашни тарбиялаш, шахснинг ноёб қирраларини белгиловчи фуқаролик ва ижтимоий масъулият ҳисларини ривожлантириш, ўзи яшаётган мамлакатнинг равнақи, Инсоният тараққиётини барқарор сақлаб қолиш учун фидойишик, экологик таълим-тарбия;

– мустақил давлатимиз – Ўзбекистон Республикасининг ички ва ташқи сиёсатига тўғри ва холисона баҳо беришга ўргатиш. Унинг тинчликсеварлик, демократия ва бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, ошкора-очиқ ташқи сиёсатига ва ўз халқининг турмуш даражасини оширишга йўналтирилган, фуқароларни ижтимоий ҳимоя қиласидиган ички сиёсатини тўғри тушунтиromoқ керак;

– турмушда энг олий қадрият ҳисобланган меҳнатга ижодий ёндошиш фазилатларини шакллантириш;

– соғлом турмуш тарзига интилишни тарбиялаш ва ривожлантириш, муносиб оила соҳиби бўлиш истагини шакллантириш;

– ёшларимизни эркин мустақил фикрлашга ўргатиш.

Тарбиянинг асосий тизими қўйидагича бўлиши лозим :

– тарбия – тарбияланувчи шахсини олий ижтимоий қадрият деб тан олиш, ҳар бир бола, ўсмир ва ёш йигит-қизнинг бетакор ва ўзига хослигини ҳурматлаш, унинг ижтимоий ҳуқуқи ва эркинлигини эътиборга олиш;

– ёшларда истак ва имконият мувофиқлиги туйғусини қарор топтириш;

– миллийликнинг ўзига хос анъаналари ва воситаларига таяниш;

– шахслараро муносабатларда инсонпарварлик, педагоглар ва ўкувчилар ўртасидаги бир-бирига ҳурмат муносабатлари, болалар фикрига эътибор қилиш, уларга меҳрибонларча муносабатда бўлиш,

Амалда тарбиявий жараён яхлит ва узлуксиз ишига ва турли ёшдаги, болаларни қамраб олишга алоҳида аҳамият бериш лозим.

Ўсмир йигит ва қизлар нафақат бўлпруси катта ҳаётга тайёргарлик кўрадилар, балки ана шу ҳақиқий ҳаёт билан яшайдилар.

Синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишлар ўкувчиларнинг

қизиқиши, истаклари, хоҳиш ва эҳтиёжларига суюнган ҳолда улар-нинг дарсдан бўш вақтларида ўқув-тарбия жараёнини тўлдиради. У ўқувчиларнинг ижодий қобилиягларини, ташаббускорлигини оширишга имконият яратади. Синфдан ташқари ишларнинг ўзига хослиги шундаки, тўғарак, клуб дастурларининг ранг-баранглиги, улар мазмунидаги янгиликлар ўсмир йигит-қизларнинг шахс сифатида шакланишлари учун янги имкониятлар яратади.

## **2-§ Синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишлар концепцияси**

«Синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишлар» концепцияси Халқ таълими вазирлиги томонидан 1993 йили тасдиқланган эди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида қабул килинган янги «Таълим тўғрисида»ги ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги Қонунлари, Республика мажлисизда маънавиятта алоҳида эътибор берилётганлигидан далолат беради. Хукумат ва вазирлик қарорларини ҳаётга татбиқ этиш, таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш мақсадида мазкур концепцияни қайта ишлашга тўғри келди. Янги таҳрирдаги концепцияни Қори Ниёзий номидаги ЎзПФИТИ олимлари гуруҳи, Республика Таълим маркази мутахассислари ва Халк таълими вазирлиги ходимлари томонидан тайёрланди.

Концепцияни тайёрлашда Халқ таълими ходимлари, кенг жамоатчилик фикрлари инобатта олинди.

Фуқаролик фаолияти ўз давлати олдидаги ҳуқуқ ва бурчларини тан олишни, жамият белгилаган яшаш ва аҳлоқ меъёrlарига онглириоя этишни, меҳнат ва жамоада фаолликни, маънавий етукликни барқарор этади:

— ислоҳотларнинг тақдирни ва самараси учун жавобгар, юритмизнинг эртанги куни ва истиқболи учун фидойи шахсларни шакллантириш борасида устувор давлат сиёсати юритувчи;

— сиёсий онглилик ва ижтимоий фаоллик, яъни давлатнинг ички ва халқаро сиёсатини тушуниш ва идрок қилиш. Ватанпарварлик ва байналмилалликни ҳис этиш, ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаол қатнашишга шай туриш;

— халқ давлат олдидаги фуқаролик бурчи, яъни қонунчилик таомилларини, ўзининг Ватан, маҳалла, оила олдидаги ҳуқуқ ва бур-

чларини билиши, уларга қатыи амал қилиши. Қонунчиликнинг бу-  
зилишига муросасиз муносабатда бўлиш;

- шахснинг маънавий, аҳлоқий сифатларини тарбиялаш;
- жамиятда юксак маънавий фазилатларни камол топтириш,  
шаклланётган миллий мағкурани ўқувчи - ёшлар онгига мукам-  
мал етказиши;

— кишиларни ўз-ўзини чуқур англашини, мустақилликнинг  
моҳиятини тобора теран тушуниши ва унинг қадрига етиши, мил-  
лий тафаккур такомиллашувини, тарихий ҳурлик, мустақиллик ру-  
ҳининг уйғонишини таъминлаш, маънавият соҳасида сиёсатимиз-  
нинг асосий мақсадига айланишини тушунтириш.

Ҳозирги пайтда аҳлоқий ва маънавий жиҳатдан тарбиявий иш-  
ларни ўсмирлар орасида кучайтириш зарур. Аҳлоқи йўқ, инсон он-  
гли ижтимоий шахс бўла олмайди. Шунинг учун аҳлоқий тарбия  
шахснинг ҳар томонлама ва эркин шаклланнишида асосий ўрин эгал-  
лайди.

Мактаб ва мактабдан ташқари таълим муассасалари тарбиячи-  
лари (ўқитувчилар, синф раҳбарлари, маънавий - маърифий тарбия  
ишлари бўйича директор ўринбосарлари, болалар етакчилари ва  
бошқалар) жамоаси олдида доимо ўқувчиларга умуминсоний аҳлоқ  
қоидалари асосида ҳаёт кечиришни ўргатишдек муҳим вазифа ту-  
ради.

Фанни ўрганишга мухаббат уйғотиш, билимга ташналик фази-  
латлари аҳлоқий тарбиянинг ажralmas таркиби қисмидир. Бола-  
ларнинг ўқишидаги муваффақиятидан унинг гуруҳидаги ўрни аниқ-  
ланади, атрофдагиларнинг у билан муносабати белгиланади, ўқиши-  
даги муваффақият — боланинг аҳлоқий тарбиясини юқори дара-  
жага кўтаради.

Ўқувчилар қалбida юксак маънавиятлиликни шакллантиришда  
китоб ва китобхонликнинг ахамияти беқиёслигини тушунтириш  
зарур.

Китоб ёшлар учун ҳаёт мактабидир. Шу сабабли билим манбаи  
бўлган китобни севиш, уни ўқиши ва кўз қорачиғидек сақлай би-  
лиш, ўқиши учун уни танлай олиш ва ўқиши маданиятини билиш ке-  
рак. Бу ишда устозу мураббийлар ва кутубхона ходимлари ўқувчи-  
ларга ёрдам беришлари лозим.

### **3-§ Тарбия мақсадини ишлабчиқиши тұғрисида**

Тарбия – бу инсонни ижтимоий тажрибалар билан, унинг барча шаклларида - билим, ҳис-ҳаяжон, эстетика, одоб-ақлоқ қоидалари билан таништириш ва индивиднинг ички үзига ҳос жиһатларини, имкониятлари ва лаёқатларини ривожлантириш бўйича фаолият ҳисобланади. Мана шу тарбиянинг асосий манбаи - шахслар бўлиб қолади - бу жамият ва индивиднинг үзидир. Тарбияланаётган шахс мақсадлари ва қадриятлари тизимида индивидуал ва ижтимоийлик нисбатлари муаммоси, тарбия назариясида эса марказий муаммо бўлиб, шахс жамиятдан ташқарида юзага келмайдиган жонзот ҳисобланади. Жамият үз навбатида шахслардан ташкил топади. Жамият шахслар ўзаро муносабатлари жараёни натижаси ва жараёндан иборат. Шахссиз жамият йўқ ва демак, жамият уларга боғлиқ бўлади. Баъзиде шахсни микросоцици, жамиятни эса макросоцици деб, атайдилар. Бу билан материя ҳаракатланиши ижтимоий шакли, икки асосий таркибий қисми тұғрисида гап бораётганлигини таъкидлайдилар. Шахс ва жамиятнинг яқин бир-бирига боғлиқлиги турли томонлардан қаралиши мумкин. Бироқ, шахс ва жамият бир нарса ва бир хилда ўхшаш бўлиши нимаси билан фарқ қиласди? Унинг фарқи ҳажмига алоқадор бўладими: кичик шахс - катта жамият ёки яна бошқа муҳим фарқлари борми?- деган саволларга жавоб бериш учун ўзаро боғлиқлик, мана шу доирадан чиқиши муҳим. Мана шу ижтимоий субъектлар функцияларининг үзига ҳослиги нималардан иборат.

Шахс жамият эмас. У жамиятда пайдо бўлиб, ўзини амалга ошириш жараёнида маданиятини ўзgartиради, баъзан маданияти ривожланишида шунчалик илгарилақ кетадиган ўн йиллар, баъзиде ҳатто асрлар давомида жамият хотирасида қолади.

Ўзида жамият маданияти- унинг инъомларини мужассам этганилиги сабабли, шахс ижтимоий тажрибани, уни янгича талқин қилишда, маънавий ва моддий қимматликларни яратишда, қайта англашда мустақил автоном бўлиб қолади.

Бундай шахс унинг замондошлари учун маълум бўлган ёки бегона тажрибани олиб киради, фақат вақт ўтиши билан аста-секин жамиятга кириб боради. Бундай шахс ўзини жамиятга қарши қўйиши, унга қарши чиқиши ва у билан курашишга киришиши мумкин.

Жамият – бу қадриятлар ўз мактабини яратадиган, ўзининг си-қилишиб қолишига ҳар қандай субъектни хизмат қилишга мажбур этишга интилевчи, ўзининг мавжудлигини сақлаб қолиш учун шахсни ютиб юборишга қодир, ўзини ҳаракатлантирувчи ижтимоий бирликдир. Шу билан бир вақтда, жамият инсонлар түплаган маданиятни сақлаб қолиш ва одамга етказиш усули демакдир. У одамлар түплами умумийлиги ва уларнинг муносабатлари натижаси ифодаси ҳисобланади.

Шахс ва жамият ижтимоий ҳаётнинг икки асосий субъекти сифатида иштирок этадилар. Ҳатто энг қулай ижтимоий шароитларда ҳам (ҳатто энг ноқулай ижтимоий шароитларда ҳам), улар бирлашмайдилар ва улар ўртасидаги фарқ камаймайди. Маълум шароитларда улар бир-бирларига қарама-қарши туришлари мумкин.

Тарбия – жамиятдаги ҳодиса сифатида ўсиб келаётган авлоднинг жамият ҳаётида, турмуши, ижтимоий ишлабчиқариш фаолияти, ижоди ва маънавийлигидаги иштирок этиши мураккаб қарама-қарши ижтимоий-тарихий жараён ҳисобланади. Уларнинг одам бўлишлари, ривожланишлари, шахсийликлари ва индивидуалликлари, жамиятнинг ишлабчиқариш кучлари муҳим элементлари, шахсий баҳтларини яратувчилари бўлиб иштирок этадилар. У ижтимоий тараққиёт ва авлодлар кетма-кетлигини таъминлайди.

Тарбия- ижтимоий ҳодиса сифатида унинг моҳиятини ифода этувчи қуйидаги асосий белгилари билан ифодаланади.

1. Тарбия ўсиб келаётган авлодни ижтимоий ҳаёт ва ишлабчиқариш шароитларига жалб этиш, улар билан эскираётган ва ҳаётдан чиқаётгандарини алмаштириш амалий эҳтиёжидан келиб чиқсан. Натижада, болалар катта бўладилар, ўз ҳаётлари ва меҳнат қобилиятини йўқотаётган катта авлод ҳаётини таъминлайдилар.

2. Тарбия – доимий, зарур ва умумий категория. У инсоният жамияти юзага келиши билан бирга пайдо бўлади ва жамиятнинг ўзи яшар экан, у ҳам мавжуд. У жамиятнинг мавжудлиги ва доимийлиги, унинг ишлабчиқариш кучларини тайёрлаш ва инсонни ривожлантиришини таъминлашнинг муҳим воситаси ҳисобланганлиги учун тарбия зарурдир. Унда қонуний ўзаро боғлиқликлари ва бу ҳодисанинг бошқа ижтимоий ҳодисалар билан ўзаро боғлиқликлари акс эттирилади. Тарбия- ўқитишининг бир қисми сифатида таълимни ҳам ўз ичига олади.

1. Тарбия ижтимоий-тариҳий ривожланиш ҳар бир босқичида, ўзининг вазифаси, мазмуни ва шакллари бўйича аниқ тариҳий хусусиятга эга бўлади. У жамият ҳаёти хусусияти ва ташкил этилиши билан боғлиқ, шунинг учун ўз даврининг ижтимоий қарама-қаршиликларини акс эттиради. Синфли жамиятда турли синфлар, қатламлар ва гуруҳларда болаларни тарбиялаш асосий тенденциялари баъзан қарама-қарши бўлади.

2. Ўсиб келаётган авлодни тарбиялаш – уларнинг ижтимоий тажриба асосий элементларини ўзлаштиришлари ҳисобига, уларни катта авлод ижтимоий муносабатлар тизимиға ва ижтимоий зарур фолиятига жалб этишлари жараёни ва натижаси асосида амалга оширилади. Катталар ва болаларнинг ўзаро ижтимоий муносабатлари ва ўзаро алоқалари, таъсирлари ҳар доим уларни болалар ёки катталар англаб этишларидан қатъи назар, тарбиявий ёки тарбияловчи ҳисобланади. Энг умумий шаклларида бу ўзаро муносабатлар болалар ҳаёти, соғлиги ва овқатланишларини таъминлашга, жамиядда уларнинг ўрнини ва уларнинг руҳий ҳолатини аниқлашга қаратилган. Катталар болалар билан ўзларининг тарбиявий муносабатларини англаб етишлари ва болаларда у ёки бу сифатларни шакллантириш мақсадларини ўз олдиларига қўяр эканлар, уларнинг муносабатлари янада педагогик, англаб етилган, мақсадга йўналтирилган тус олади.

Катталарнинг ижтимоий ҳодиса сифатида тарбия ҳусусиятлари ни англаб етишлари асосида, жамиятда болалар ва жамият манфатлари йўлида тарбиялаш қонунларидан тушунилган ва мақсадга мувофиқ фойдаланишга интилиш юзага келади. Катта авлод тарбиялаш муносабатлари тажрибаларини умумлаштиришга, уларда намоён бўладиган тенденциялар, алоқалар, қонунларни ўрганишга, улардан шахсни шакллантириш мақсадларида фойдаланишга онгли равишда мурожаат этадилар. Мана шу асосда педагогика-тарбия қонунлари тўғрисидаги ва болалар ҳаёти ва фаолиятини онгли равишда ҳамда мақсадга мувофиқ бошқариш мақсадларida, улардан фойдаланиш тўғрисидаги фани юзага келади.

Шундай қилиб, тарбия-ижтимоий ҳодиса-жамият ва индивид-нинг ҳаётини таъминлаш усули сифатида зарурдир; У маълум тарзда шаклланган ижтимоий муносабатлар ва жамият ҳаёт тарзи натижасидаги аниқ тариҳий шароитларда амалга оширилади; уни

амалга ошириш асосий мезонлари – шахснинг хусусиятлари ва сифатлари ҳаёт талабларига мос келиш даражаси ҳисобланади. Тарбия ижтимоий ҳодиса сифатида бутун ижтимоий ҳаётнинг табиий бир қисми ҳисобланади. Шунинг учун унинг қарама-қаршиликлари, ижтимоий ҳаётнинг энг умумий қарама-қаршиликларининг информациидаси ҳисобланади. Тарбия акс эттирадиган бундай қарама-қаршиликлар қаторига қотиб ва эскириб қолган ишлабчиқариш муносабатларининг ишлабчиқариш кунлари ривожланишини ортга суриш натижасида юзага келувчи қарама-қаршиликлар киради. Бу қарама-қаршиликлар ижтимоий тарбияда, ўсиб келаётган авлодни тайёрлашга консерватив ёндашишлар мустаҳкам ўрнашиб олиши кўришида намоён бўлади. Бизнинг мамлакатимизда ижтимоий ҳаётни ва ишлабчиқариш кунларини фақат давлат мулкчилиги асосида ташкил этилиши ишлабчиқариш ўсишини ортга суришга олиб келди. Давлат мулкчилиги ва режалаштирилиши устунлиги ижодий шахс фаоллиги ва ташаббускорлигига кўпинча тўқсунлик қиласиди. Халқ таълими тизимида бу ўзининг мазмунни, шакли ва методларини қандайдир расмийлаш ҳамда бир хиллиги билан ифодаланади. Тарбиядаги бошқа бир қарама-қаршилик ҳаёт талаблари ва шахснинг ижтимоий ҳаётга ва ишлабчиқариш фаолиятига тайёргарлиги даражаси ўртасида юзага келади. Ҳаёт талабларини англаб этиш, мана шу талаблар асосида тарбия мазмунини ва ташкил этилишини кўра билиш илмий-техник тараққиёт ривожланишидан ортда қолади. Ушбу қарама-қаршилик чуқурлашиб боргани сари ўсиб келаётган авлодни замонавий тайёрлашга халақит қилувчи «қалпоқ» ва консерватив ҳолатларни ўз вақтида аниқлаш ҳамда йўқотиш зарур бўлади. Уни ҳал этиш таълим ва тарбия мазмунини мунтазам ва мос равишида ҳал этишни, таълим ва тарбия методларини ташкил этишни ҳаёт талабларига жавоб бера оладиган қилишини талаб этади. Мана шу ижтимоий ҳаёт янги шароитлари ва унга болаларни тайёрлаш эскириб қолган усуллари ўртасидаги қарама-қаршилик ҳисобланади. Тарбиядаги учинчи қарама-қаршилик инсондаги мавжуд табиат кучлари, инсон табиати ривожланиши, унинг чекланмаган имкониятлари ва жамият ижтимоий ҳаётидаги бу ривожланиши чекловига сабаб бўлувчи дастурлаштирувчи шароитлар ўртасида юзага келади.

Эркинликни чекловчи обру жамият истеъододларни сўндиради, одамларни бузади, илтифотли мансабдорларга ва бефарқ расмият-

чиларни ижтимоий ҳаётда тўсиққа айлантиради. Демократик жамият моддий- техник баъзасини ривожлантира бориб, турли ижтимоий муносабатларни такомиллаштириб, ҳар бир инсон шахсининг ижтимоий ҳаёт талабларига мос ва унда мавжуд табиий куч, истеъдод ва қобилиятларга нисбатан ривожланишининг ҳақиқий шароитларини яратади.

Тарбиянинг тўргинчи қарама-қаршилиги – боланинг фаоллиги унинг ижтимоий ҳаётда, турли муносабатларда, муомолаларда иштирок этишга интилиши ва ҳаёт жараёнида амалий, ҳақиқий иштирок этиш учун тажриба, билимлари, малака ва кўнгилларни иштирок этиш-маслиги ва унинг табиий ҳамда ижтимоий етук эмаслиги ўргасида кузатилади. Ушбу қарама-қаршилик болалар учун идрок этишга, тарбия жараёнида фаол иштирок этишга ҳақиқий ҳаракатлантирувчи куч, рағбат ҳисобланади. У болани фақат тарбиявий ўзаро муносабатлар объекти сифатида эмас, балки субъект сифатида ҳам ижтимоий ҳаётда иштирок этишга таълим-тарбиявий тайёрлапшга сабаб бўлади.

#### **4-§ Тарбия тизимини ижтимоийлаштириш**

Тарбия тизимининг ривожланиши жараённинг ривожланишида акс эттирилади, яъни ижтимоийлаштириш, ўзини тарбиялаш ва касбий таъсир кўрсатишда ўз ифодасини топади. Бу жараёнлар учта асосий субъектлар шахси билан шакллантирувчи- жамият, индивиднинг ўзи ва педагогнинг био объект билан ўзаро муносабатлари давомида амалга оширилади.

Жамият тўғрисида тўхталиб ўтамиз. «Ижтимоийлаштириш» тушунчаси тарбия назариясида жуда кенг фойдаланилади. Тадқиқотчилар унинг қадриятили кўрсатмалари ва тарбиялаш тамоийларига қараб тушунтирадилар. Ҳатто, бу борада маълум анъаналар юзага келган, катта илмий материал тўпланган. Социалогик ва психологияк адабиётларда ижтимоийлаштириш жуда фаол таҳлил қилинади. Шу билан бирга ижтимоий ҳаётда жамият ва шахс ролини талқин қилиш, албатта, қарама-қарши бўлган ижтимоийлаштириш концепциясининг шаклланишига олиб келади. Қаттиқ ижтимоийлаштириш деб, аталувчи концепция тарафдорлари, функционал мактаб вакиллари бу жараённи шахсни ижтимоий тизимга тўла жалб этиш сифатида белгилайдилар.

Социология ижтимоийлаштиришни таҳлил қилишда, «мосла-

шиш», «кулайли», «төнгли» мувозанати тушунчаларига таянади.

Уларнинг тадқиқотларидағи асосий вазифа – индивидларни ижтимоий муҳитта мослаштириш ҳисобланади.

Бу концепцияга «янги инсонпарварлаштириш» тарафдорлари қарши. Улар ижтимоийлаштиришда ўз қобилиятлари ва лаёқатларини яратувчи шахсни ҳамда шахснинг ўзини амалга ошириши ва ўзини намоён этишига түсінлик қилаётган элементларни танқидий енгизни күрадилар.

Бироқ, биринчи ҳолатда, маълум тарзда ишлаб чиқылган муҳитта таъсир кўрсатиш тўғрисида гап юритилаётган бўлса, иккинчи ҳолатда, «ижтимоийлаштириш ва шахс» тушунчаларини тўла адаптириш содир бўлмоқда. Таълим тизимидағи ижтимоийлаштириш деярли чиқариб ташлашга, унинг ўзини тарбиялаш билан алмаштиришга, тарбиячи касбийлиги эса шаклланадиган шахснинг мустақилигини таъминлаш вазифасини юклатишга ҳаракат қилинмоқда. Биринчи нуқтаги-назар ижтимоий ҳаёт тараққий этган асосларини қайта ишлабчиқиши муаммосига эътиборни кучайтиради, иккинчиси эса маданий ижодкорликни шахс ижодий қобилиятларига эркинлик беришга қаратади.

Маълумки, бу икки қарама-қарши нуқтаги назарлардан бирортаси ҳам амалий ҳолларда тарбия амалиётини такомиллаштиришга олиб келмайди. Тўғри, шахс ички дунёсини ижтимоий манфаатлар билан тўла борлаб қўйишга йўл қўйиш мумкин эмас. Лекин, барibir жамият инсонга таъсир кўрсатади ва таъсир кўрсатишни ҳисобга олмай бўлмайди. Ижтимоийлаштириш- муҳит, жамиятнинг шахсга таъсири демакдир. Шу билан бирга таъсир кўрсатиш, бу етарли бўлмаса ҳам шахснинг ташкил топишида жуда зарур ҳисобланади.

Жамият – «умуман, алоҳида куч – ўзига ҳос инсоний муносабатлар ва ўзаро алоқалардир. Бу нарсалар бўлмаса, одам ҳам барibir муҳитта жуда мослаша оладиган ҳайвонлигича қолади ».

Муомолалар давомида юзага келадиган инсонлар муносабатлари – мана шу жамият демакдир.

Биз ижтимоийлаштириш тўғрисида гапирав эканмиз, одам ҳам, гуруҳ ҳам, биомуҳит ва космос ҳам инсон кўзига кўринишиб ва унинг қалбида акс этиб, мақсадга мувофиқ бўлмаса ҳам, тасодифан (кўриниши бўйича, моҳияти бўйича эса муқаррар ва қонуний)инсонга таъсир кўрсатиб шахсни шакллантиради. Ҳақиқатда кўзга кўринимас таъсир кўрсатиш, назорат қилиб бўлмайдиган жараён. Муҳит-

нинг у ёки бу элементлари қачон, қандай кетма-кетликда, қандай нисбатларда шахс билан муносабатларга киришишини билиб бўлмайди. Ҳатто уларнинг ҳар бирини аниқлаш ҳам мумкин эмас. Бироқ муҳит шахс учун шаклланиб бўлган, дунёқарашига ёд бўлган фаолият шароитлари ва тамойилларини мажбур қилишда қувончи-ни ҳис этиш қийин бўлади. Агарда дунёқараши шаклланмаган бўлса, унда ҳам одамдан ноқулай муҳит таъсиридан қониқишини талаб қилиб бўлмайди. Одам ўзи ўз ҳаётини ташкил этади, у нима қилиши кераклигини ўзи танлайди: дунёга қараб хурсанд бўлади, агарда унда ўз ҳаётини кўрса. Бироқ, тақдир шахсан танлаш имкониятини чегаралайди. Тақдир бошқалар томонидан амалга оширилган, аввалги авлод танлаган мавжуд вазиятни одам олдига қўяди, у билан баҳслациб бўлмайди. Уни мерос каби, шахсий турмушнинг бир қисми ёки асоси сифатида қабул қилиш керак ва мана шу тажрибага ҳурмат билан муносабатда бўлиш керак. Муҳит ўзида инсонга монанд ахборотларни етказади, шахс юзага келиши тўғрисида маълумотлар беради, шу билан бирга бу ахборотларни инсонга мажбуrlамайди. Хоҳловчилар уни ўзлаштириши мумкин. Шунда унинг ҳаёти тақдирга қарши бўлиб қолмайди, тақдири ривожланишига тўсиқ бўлмайди. Унинг дунёга муносабати – қувончли ёки амалий шаклда бўлмасин, мазмуни бўйича анча чуқур бўлади.

Шунинг учун жамият гўёки табиий равишда болага ўзининг яхши томонини намоён этишга, унга «кулиб боқишига» ҳаракат қиласди. Мана шу ҳаётта кириб келаётган инсонга, ўзига ҳос муносабат фақат бефараз эмас, балки жамиятнинг ғамхўрлиги ҳамдир. У асрлар давомида шаклланган энг тўғри тамойиллаштириш йўлидир. Фақатгина мана шу нарса шахснинг табассум қилишига олиб келиши мумкин. Индивидни муҳиттга жалб этиб, инсонни кенг жамоа ва ҳодисалар билан муносабатларда бўлиши имкониятини тақдим этишда, уларнинг жавоблари шахс учун баҳолаш шахсий мезон ишлабчиқишида асосий меъёр бўлиб қолади-мана шунга ижтимоийлаштириш дейилади. У касбий тарбиявий фаолиятдан ҳам иборат эмас, балки нисбатан мустақил жараён ҳисобланади, шахсга роль ўйинини «қийинлаштириш» алоҳида вазифасини бажаради. Мана шусиз, у англаб етилмаган бўлиб, жамиятда яскаланиб қолади. Шахс маданиятни яратувчиси, муҳитнинг томири-ижодий шахсни яратишида зарур шарт. Ва ижтимоийлаштириш жараёнини мустақиллигини тан олиш, бу жараёни инсонпарварлаштириш йўналиши-

ни такомиллаштиришдаги ҳар қандай уринишлардан воз кечиши-ни англатмайды. Инсонпарвар бўлмаган, янги шахснинг фаоллиги сабабсиз бостирилиши, индивиднинг лаёқати, интилишлари ҳисобга олинмай ижтимоий вазифаларни мажбурлаш содир бўладиган ин-сонга муҳитнинг таъсир кўрсатиши билан ижтимоийлаштиришга йўл қўйиб бўлмайди. Ижтимоийлаштириш – бу шакланаётган шахснинг ва унинг келажакда мумкин бўлган шаклини белгиловчи бирликнинг ўзаро алоқалари жараёнидир. «Инсонпарварлаштириш» тушунчasi кўпинча маънавийлаштириш доирасига тааллуқли деб тушунилади.

Ҳозирги кунда бу кенг қўлланиладиган тушунча, умумий йўналиш аҳамиятига эга. Инсонпарварлаштириш асосий вазифа сифатида қаралмоқда, уни ҳал этмай туриб ижтимоий тараққиёт тўғрисида гапириш мумкин эмас. Инсонпарварлик – бу инсон қандай бўлиши, унинг моҳияти қандайлиги тўғрисида ўйлаш ва ғамхўрликдир. Бу ўзини англашдир, ва шу билан бир вақтда, мавжудликни ҳимоя қилишдир. Шахснинг қимматини тасдиқлап, шахсни фақатгина восита сифатида қарашга ҳар қандай урунишларни доимий-сизлиги ифодасидир. Шундан сўнг инсонпарварлик шахсни ижти-моий шахс сифатида қарашни кўзда тутади. Ижтимоий ҳаётда субъектининг барқарорлигини таъминлаш механизмини шакллан-тириш – бу роя ҳисобланади. Ҳар қандай ижтимоий гурӯҳ, каттами ё кичикми, ҳамда шахс ва жамият озми кўпми шаклланган ўзғоясини пайдо қиласиди. Роя объектив бўлмаган дунё кўринишини эмас, бал-ки роя етказувчи сақланиб қолиши таъминланадиган доирада дунё-га қараш тизимини ишлабчишибга йўналтирилган. Албатта, роя чуқур ривожлантирилган бўлса, агар субъектнинг бошқа субъект-лар билан алоқаси ҳисобга олинган бўлса, унда бундай объектив онг ижтимоий ривожланиши умумий тенденциясига ҳам қарама-қаршилик қиласиди, ҳатто деярли мос келиши мумкин. Лекин у би-лан ҳеч қачон батамом бирдай бўла олмайди, чунки жамият ва унинг алоҳида субъекти ўхшашиб, бундай бўла олмайди.

Ғоясиз – марказга интилган йўналиш субъектнинг мана шу би-лимлар тизимисиз- ижтимоий фикр умуман мавжуд бўлмайди, улар марказга интилган кучларни энтропия кучларини, субъектнинг бу-зилишини енгиш воситалари ҳисобланади. Ғоялар доирасида асо-сий ижтимоий қадриятлар тўғрисидаги билим юзага келади, ишлаб чиқиласиди. Бу билимлар маънавий маданият шаклланиши учун асос

бўлиб қолади, унинг ёрдамида фоя доирасида мавжуд қадриятлар учун ҳос бўлган эгоистик акцент йўқотилади, инсонпарварлапшириш тўғрисида тасавурлар шакллантирилади.

### 5-§ Тарбия тизимида педагогик тизим

Ижтимоийлаштириш таъсири ва ўзини тарбиялаш, одатда, яна бир жараёнга – шахсни тарбиялаш деб аталган, яъни педагогнинг касбий фаолияти билан боғлиқdir. Ушбу фаолиятнинг моҳияти – ижтимоийлаштириш ва ўзини тарбиялаш жараёнларини бошқаришдан иборат. Ҳақиқатан ҳам, сиёсий ва педагогик жараёнларда ўхшашликлар кўп. Уларнинг иккиси ҳам кўплаб омилларга жуда боғлиқ. Сиёсатнинг «имкониятлар санъати» каби тушунчаси педагогикага ҳам мос келади. Кўпинча бундай имконият ҳажми билиб туриб ошириб юборилади, баъзан, аксинча, камайтирилади. Баъзан инсоният ҳамжамияти маънавий ҳаётни юксак обрули одамлари гўё «тарбия тўғрисидаги масалани бекор қиласдилар» масалан, Л. Н. Толстой шундай ёзди: «...тарбия, биз ўқитиш, тарбиялашни хоҳламас эканмиз, мураккаб ва қийинлигича қолади. Агарда бошқаларни биз фақат ўзимиз орқали тарбиялашимиз мумкинлигини тушуниб олсак, унда тарбия масаласи йўқолади ва ҳаёт тўғрисидаги масала қолади: ўзим қандай яшашим керак! (Толстой Л.Н., асарлар тўплами, 22 том, I. 1984 й. 19т. 346 бет).

Бундай тарбия тўғрисидаги масала шунга қарамай қолади. Ҳатто «ўзимиз қандай яшашимиз керак!»- деган саволни ҳис этишга эътиборни жалб этсан ҳам, биз бошқа саволлардан ҳоли бўлмаймиз: «одамлар орасида қандай яшаш керак!», «ўз ҳаёт талаблари ҳаёт талаблари билан мос келиши қобилиятига қандай қилиб эга бўлиш мумкин?» охирги саволни ҳал этганда, одам (биринчи нафбатда бола, лекин баъзида катталар ҳам) ички ва ташқи таъсирни тизимлаштириш, уларга мос равишда жавоб қайтариб, шахс шаклланишини тушуниб ва боғлашга ёрдам берувчи педагог, ўқитувчи томонидан тушунтилилади.

Ўқитувчига бўлган замонавий талаблар, асосан уч олий вазифаларни қамраб олади:

1. Фан бўйича;
2. Педагогик маҳорат;
3. Олдиндан берилган самара билан мос равинида ўқиш жараёнини лойиҳалаштира билиш малакаларига эга бўлиш.

Ушбу вазиятда ўқитувчи ҳақида гап боради. Агарда тарбиялайнувчи ўқитиш бўйича уй вазифаларини бажара олмайди деб, ҳисобласак, унга камроқ талаблар қўйиш керак. Лекин шу ерда бир гапни айтиб ўтиш зарур. Боланинг ақлий ривожланишининг асоси бўлиб хизмат қилувчи, унинг жисмоний ривожланиши шартлари билан таниш бўлмаган аёл, аниқ ва тўғри ҳаракат қила олмайди- деб, ёзди Геткин. – ўқитиш техник методларини билмаган аёл, боланинг ўн марта ўз онаси бўлса ҳам (ҳатто шундай мумкин бўлмаган ҳолатда ҳам) ҳақиқий инсонни тарбиялай олмайди, бола тарбиясини унга ишониб бўлмайди.

Шундай қилиб, Ёлара Оеткин нуқтаи назаридан она қанчалик меҳрибон, боласини севадиган ва севимли одам бўлмасин «ўқитиш техник методларини» билмас экан, бола тарбияси жараёнидан четлаштирилиши керак. Бу нуқтаи назарда, касбий тайёргарликни талаб этувчи жуда муҳим иш сифатида тарбия масаласига қаралмоқда. Тарбиячи бу ерда яққол ўқитиш вазифасини ҳам бажаради.

Касбий тарбиячи зарурми?

Албатта, чунки бу ерда мураккаб тизим- тарбиялаш тизими фолияти тўғрисида гап бормоқда, у тизим турли субъектлар ҳаракатларига раҳбарлик қилиши ва бошқариши керак.

Тарбиячи инсон ҳаётида баҳтли болалик ролини тушуниб, индивидни шакллантириш жараёнини маданиятга, ижтимоий ҳаёт қарама-қаршиликларига ва билимга йўналтирилиши керак. Натижада, бола ва ҳаёт иттифоқи янада кенг ва жараёни бир йўналишда боради. Жамият шахс қобилиятларини чекламайдиган, унинг ўсишига тўсиқ бўладиган бундай вазиятни қуриш зарур бўлади. Бундай вазият мувофиқлиги педагогик жараённинг мажбурий шарти ҳисобланади. Шахс ривожланишининг энг эрта босқичларида жамият эҳтиёжларига унинг муносабати шакллана бошлайди. Бу муносабат тарбияланувчининг биринчи педагоглари – ота-оналарининг ўта меҳрибонликлари сабабли эгоистик кўриниш олиши мумкин.

Кўпчилик ота-оналар ўз болаларининг барча талабларини бажашибга ҳаракат қиласидилар ва тўлақонли ҳаётта тайёрлаш, асосий йўли мана шундан иборат деб ҳисоблайдилар. Бундай тарбиячилар жамият олдидағи ўз масъулияtlари тўғрисидаги тасаввурларини йўқотадилар. Баъзан бу ҳолат ҳаттоқи англаб етишган бўлса ҳам, болага меҳр қўйган тарбиячиларни хавотирга солмайди, улар ўз вазифалан

рини фақат бир ёқлама тушунадилар- овқат яна овқат бериш ва яна бериш. Бироқ тарбиячининг жамиятта нисбатан масъулиятсизлиги охир-оқибат тарбияланувчининг ҳалокатига олиб келади, чунки ўзини амалга оширишга кам мослашган исьтемолчини яратади, шундай қилиб у тўла ҳаётта тайёр бўлмайди.

Шундай қилиб, касбий тарбиячи шахс олдида ҳам ва жамият олдида ҳам жавобгар ҳисобланади. Бу мажбуриятларини бузганда, тарбиячи ижтимоий ҳаёт бузилиши ва шахснинг инқиrozига сабаб бўлади.

Пистолици инсонийлик моҳияти ички йўналғанлик ва фақат ҳаракат қилиш эмас, балки ҳаракат қўймаслик эркинлиги бўлмаганда нормал амалга оширилиши мумкин эмас деб уқтиради. Фалсафий нуқтаи-назардан бу тушунарли: ҳаракат ўз қарама-қаршилигидаги ҳолатда ўз ўлчамини топади. Социологияда эса маданият тушунчаси орқали ижтимоий ҳаракат ўлчамини акс эттиради. Шахс муносабати бир-бири билан борлиқ бўлган босқичлар орқали ривожланиди. Бола атрофидагилардан узоқлашишга эҳтиёж ҳис этадиган даврда ўз тарбияланувчисини чиндан яхши кўради. Лекин, буни тарбиячилар баъзан тушуниб етмайди. Бундай ҳолатда кўпчилик тарбияни такомиллашишига ёрдам бермайди. Баъзида эса меҳрибон педагог ўз тарбияланувчилари билан, муносабатларга доимий тайёргарлиги билан, одатда фақат жисмоний эмас, балки англаб етилмаган интеллектуал, эмоционал тинчликка эҳтиёжи қониқтирилмаганлиги сабабли юзага келувчи норозилик ҳиссини келтириб чиқаради. Ўқитувчини ҳам, ўқувчини ҳам ўз ишидан кўнгли қолишидан сақлаш учун тарбияни бутун ҳаёти давомида фақат касбий вазифасига қаратилмаслиги керак. Балки тарбияланувчи билан педагог муносабатида тинчлик ва дам олиш зарур. Педагог педагогик меҳнат мазмунини аниқлапча бу муносабат жараёнида шаклланадиган шахс ва жамият, ижтимоийлашиши ва ўзини тарбиялаш жараёни ўртасида низоларга йўл қўймаслик мақсадини қўювчи шахсdir, деган фикрдан келиб чиқдик. Педагогик фаолият ривожлана борган сари мана шу мақсадга эришишнинг кўплаб воситалари ишлаб чиқилган. Аста-секинлик билан улар жамланади, ягона касбий фаолият ичida иккита фаолият турини ташкил қиласди:

1. Ривожлантирувчи фаолият;
2. Мувофиқлаштирувчи, тартибга келтирувчи, бир тизимга со-

лувчи фаолият. Чунки ривожлантирувчи фаолият, касбий-тарбия-вий фаолият юқорида айтилган мақсадини бажарыша бевосита йўналтирилмаган. Бу тарбия муаммосини ўрганувчи кўплаб тадқи-қотчилар тарбиялаш сўзининг «асл мазмунидаги» ўқитишига киритил-масликларига олиб келади. Бироқ, бундан бошқа нуқтаи-назар ҳам мавжуд. Бу нуқтаи назар ўқитиши, ривожлантирувчи фаолиятни тарбиялаш фаолиятининг бир қисми ва, ҳатто, ривожлантирувчи фаолиятнинг атрибути сифатида қарайди. Бола туғилганидан бошлаб қисман потенциал, қисман актуаллаштирилган шахс ҳисобла-нади. Туғилган болага нисбатан жамият маълум ҳусусиятдаги та-лаб ишлаб чиқади. Лекин жамият бола билан ўзаро муносабатга киришади. Жамиятда ушбу индивидга у катта бўлганида ќўйила-диган талаблар, эҳтиёжлар мураккаб занжирини шахс ва жамият муносабатлари «диспетчери» – педагог эсдан чиқармаслиги керак. Тўғри педагог ўзаро муносабатларга шахсни тайёрлар экан, уни ри-вожлантирмаслиги ва тўплайтган билимларини тизимлаштиришга ёрдам бермаслиги мумкин эмас. Фақат ривожлантириш – ўқитиш ёки ўйғуллаштириш, инсонпарварликка мос, ижтимоий қоидалар-га йўналтирилган касбий тарбия ортда қолиши ва бутун касбий фаолият муваффақиятсизликка учраши мумкин.

Тарбияни ўқитишдан алоҳида қараб, биз бу жараённи фақат қандай бўлмасин, мустақилликдан эмас, балки мавжуд субъектдан ҳам маҳрум этамиз. Қайси педагог тарбияланувчини ривожлантирмай, билимларини бойитмай, яъни уни ўқитмай дарс бериши, қоида, меъёр, сифат ҳақида тасаввур бериши мумкин.

Замонавий дунёда ўзини таълимсиз жамиятда тенг ҳукуқли даъ-вогар деб ҳис этиши қийин. Шу билан бир вақтда илмлилик – бу англаб етиладиган «яширин (патент)» билимларига асосланган шахснинг ҳолати. Бироқ, ўқитишиз жамиятда шахс ўзаро муносабатларини самарали йўлга кўйиш мумкин эмас, деган фикрни тўғри деб ҳисоблаб, биз уни аниқлаб олишимиз керак: « касбий педагог-нинг фаолияти табиий бир қисми, элементи сифатида ўқитиши қандай бўлиши керак?» ривожланиши таълим, билимлар етказиш жа-раёни сифатида ўқитиши жамият билан алоқалар ўрнатиш жараёни-га, ижтимоий қоидаларни ўзлаштириш ва ижтимоий- маънавий ишончларини шакллантириш жараёнига нисбатан қарама-қарши бўлмаслиги керак.

Ўқитиш – бу тарбиянинг муҳим бир қисми. Бундан икки минг йил аввалроқ, Платон тарбияловчи таълими тўғрисида фикр юритган. Ўқитишнинг чегарадан чиқиб кетган «тарбиявийлиги» кўпинча унинг ахборотлар етказиш имкониятларининг пасайишига, ортиқча насиҳаттўйликка, роявийликка олиб келади. Таълим тарбиядан ажралишдир, лекин тарбия доирасида ривожлантириш, билимлар, тасаввурлар, кўнікмалар бериш вазифасини бажариши керак. Мана шу йўналишда муаммолар кўп.

### 6-§ Тарбия тизимида инновациялар

Мактабда инновациялар масаласи муҳокама этилганда, тарбия тизимларида инновациялар ташкил топиши тўғрисидаги масалага тўхталиб ўтмай бўлмайди. Лекин бунинг утун аввал, тарбиявий тизимнинг ички тушунчасини киритамиз. Шундан кейин тарбиявий тизимни фалсафий ва технологик жиҳатдан кўриб чиқиша инновациялар юзага келишини ўрганамиз.

Шундай қилиб, педагогикада «тарбия» категориясининг бир вақтда, бир неча тушунчалари мавжуд. Тарбияни ўрганаётган авлодга тарбияни энг муҳим ижтимоий тажрибаларини етказиш бўйича маҳсус ташкил этилган жараён сифатида тушуниш – энг кенг тарқалган тушунчалардан ҳисобланади (17: 87). Шундан келиб чиқиб, ҳар қандай тарбия жараёнининг асоси, ҳақиқатда, ўқитиш ҳисобланади, деган холосага келиш тўғри бўлади. Ушбу ҳолатда тарбия жараёни дидактик воситалар орқали кўрила бошлайди. Тарбия тизимининг тушунчаси эса ўзининг автономлиги ва кўриб чиқиш ўзига ҳослигини йўқотади 0020 ва дидактика ичига «тортиб киритилган» бўлиб қолади.

Тарбия жараёни ўзига ҳослигини «сақлаб қолиш»и учун «Тарбия?, тарбия... тарбия!» монографияси муаллифлари В.А. Караковский, Новикова, Селиванова каби машҳур эстониялик педагог ва психолог О.Ё.Лаймете таклиф этган унинг бошқа тушунчасидан фойдаланадилар. Агарда тарбия жараёнини «Лаймете бўйича» қарайдиган бўлсан, унда тарбия тизими дидактикандан иборат бўлмай, балки бир томондан психолого-педагогик, бошқа томондан эса ижтимоий-педагогик тизимдан иборат бўлади.

Ўз навбатида тарбия тизими ўқувчиларга фақат дидактик сифатида эмас (ўқитувчилар, дарслар, дарсларлик, уй вазифалари орқали), балки ижтимоий омил сифатида болаларнинг атроф-муҳитга

жалб этилганлиги орқали, ота-оналар, ўқитувчилар ва болалар ўртасида юзага келадиган муносабатлар орқали; ҳар бир таълим муассасаларида ташкил топадиган маълум психологик мұхит орқали ҳам таъсир күрсатади.

«Дидактик тизим» тушунчаси педагогикада анча қадимдан шаклланған. Мактабнинг дидактик тизими таълим мақсадлари, ўқиши мазмуни, уни ташкил этишининг метод ва шакллари орқали ифодаланади. Албатта, тарбиявий мақсадлар ўрганилаётган материал мазмуни, уни етказиш шакли ва методлари ҳамда шу кабиларни белгилаш орқали ҳам ўқитиш жараёнида амалга оширилади. Лекин тарбиянинг иккинчи тушунчаси мантиқда дидактик тизим –ўзистарбиявий тизимининг – дидактик тизимида иштироқ этади, яъни унинг тизими ҳисобланади.

Таълим муассасининг тарбиявий вазифаси, биринчи навбатда, ўқувчиларда ўзини шу дунёда англаб етиш бошқалар орасида ўз ўрнини топиши билан дунёга, маданиятга, атроф-муҳитта қадриятларни шакллантиришдан иборат. Лекин мана шу вазифани фақат ўқитиш жараёнида амалга ошириб бўлмайди: у индивидуал манфаатларни қондириш билан боғлиқ дам олиш доирасидаги ўйин, меҳнат, ижодий фаолият билан ҳам боғлиқ. Шундай қилиб, хусусан тарбия тизими инновацияларини ўрганиш имконияти пайдо бўлади. Уни яратиш ва ривожлантириш жараёнида ҳар гал қатор аниқ масалаларни ҳал этиш керак бўлади: юқорида номлари келтирилган муаллифлар уларнинг бештасини алоҳида қайд этадилар:

1. Болаларда дунёнинг яхлит ва илмий асосланган кўринишини шакллантириш;
2. Фуқарода ўзини англашни, ватани тақдиди учун жавобгарликни шакллантириш;
3. Болаларни умуминсоний қадриятларга жалб этиш, улар орасида мана шу қадриятларга мос бўлган хулқни шакллантириш;
4. Ўсиб келаётган кедлажак авлодда, шахс хусусиятлари сифатида «ижодкорликни» шакллантириш;
5. Ўз-ўзини англашни шакллантириш, уни амалга оширишда болага ёрдам кўрсатиш.

Албатта, бу масалалар рўйхатини давом эттириш мумкин. Лекин ҳар қандай ҳолатда ҳам мана шу вазифаларнинг ўзи юқорида санаб ўтилган тарбиялаш вазифаларининг «алоҳидалигини» кўрсатади.

Юқорида баён этилган дидактик қарашларнинг турли жиҳатларида инновациялар юзага келиши ва шаклланышининг имкониятларини чукӯр муҳокама қилиш каби, ушбу масала тарбия тизимини фалсафий ва технологик жиҳатдан, кўриб чиқишда тарбиявий инновацияларни қўллаб таҳлил қиласиз.

Тарбия тизимини кўриб чиқишнинг фалсафий жиҳати тарбиянинг мазмун-мақсадларини асосланни, уни конкретлаштириш ва тарбиянинг керакли мазмунни билан алоқасини асослаб беришни назарда тутади. Биз юқорида таъкидлаганимиздек, бугунги кун қарашлари остида, тарбия тизимида икки ҳил турлича бўлган концептуал (кўп жиҳатдан қарама-қарши) ёндашишлар мавжуд.

Биринчи ёндашиш – тарбия. У ўзига хос мазмунга эга бўлиб (фалсафий-педагогик, роявий, психолого-педагогик, маънавий ва бошقا), бола шахсига ижтимоий белгиланган ва мақсадга мувофиқ таъсир кўрсатишга асосланади. Бундай тарбия маълум шакл (фронтал, групхли, индивидуал) ва маълум методлар орқали амалга оширилади.

«Тарбия таъсир кўрсатиш сифатида» мана шу парадигмаси орқали педагог барча чоралар билан самарали тарбиявий таъсир кўрсатишга эришиши керак. У (педагог) ўзи ихтиёрисиз, болалар ва отоналар иштирокисиз мана шу тизимда асосий субъект бўлиб қолади, чунки болалар ва «олиб борувчилар» ролида иштирок этадилар. Ва, албаттa, тарбияда тенг ҳуқуқли шерик ҳисобланмайдилар. Бу ерда бола «тарбия предмети» сифатида иштирок этади ва боланинг фаоллиги сифатида субъективлик тўғрисидаги мурожаат ҳар гал «кераклигини фаол ўзлаштириш» ёки адаптив фаоллик деб аталувчи хусусиятга эга бўлади.

Бу ёндашиш биз илгари келтириб чиқарган ижтимоийлаштириш категорияси билан тўғридан-тўғри борлиқ. Бунда биз тарихий ишлаб чиқилган ижтимоий қоидаларни, қадриятлар, муносабатлар, маънавий ва моддий маданият билан муносабат усуулларини, инсон томонидан ўзлаштирилиши жараёнини тушунамиз. У мумий қабул қилинган тип асосида айтадиган бўлсак болани тарбиялаш (мана шу тушунтирилишда) -уни катталар дунёсига олиб кириш, уни умумий қонунлар бўйича «бирга каби» яшапга ўргатиш демакдир.

Шундай қилиб, ижтимоийлаштириш инсоннинг «адаптив фаоллик» қобилиятига эга бўлишини кўзда тутади ва мақсадга мувофиқ жараёнлар (ўқитиши ва тарбиялаш), мактабгача, мактаб, маҳсус касб-

хунар муассасаларида ҳамда тасодифий омиллар (оила, оммавий ахборот воситалари, санъат билан мулоқат қилиш) таъсири остида амалга оширилади.

Таъсир кўрсатишнинг бу тарбия тизими (ёки ижтимоийлаптириш) инсонпарварликка зид баҳоланиши мумкин эмас. Чунки у, албатта, обру воситалар билан амалга оширилиши шарт эмас. Унда ўқитувчи ва болалар ўргасида инсонпарварлик муносабатлари мавжуд бўлиши, гуманитар қадриятлар тарғиб қилиниши, гуруҳли ва индивидуал ижодкорлик элементлари татбиқ қилиниши мумкин.

Бундан ташқари, таъсир кўрсатишнинг ушбу тарбия тизимининг ўзи тарбия жараёнига демократик қадриятлар ва қоидалар киритиши керак (атроф-ҳаётдаги ўзгаришлар ортидан): ҳаётни ташкил этишининг демократик усувларини ўзлаштириш (болалар ҳамжамиятидан бошлаб), бошқаларга нисбатан ҳуқуқ ва мажбуриятларни ўзлаштиришга амал қилиш. Лекин, тарбия билан боғлиқ бу ёндашибиши мұхит билан боғлиқ бўлиб чиқмоқда. Чунки боланинг хулқи ва ҳаёти бу ҳолатда тўлалигича ташқи кучлар билан белгиланади ва унда бу танловни амалга ошириш имконияти қолмайди. Етказиши керак бўлган қандайdir тарбиявий мазмун мана шу тарбиявий стандартдан келиб чиқувчи ижтимоий- педагогик –назарий- бу нарсаларнинг барчаси боланинг ички «соҳлайман» истагига, ташқи «керак» талабига йўналтирилган методларни талаб этади. Шунинг учун ушбу тарбиявий тизим қандайdir жазо ва мажбурлашларсиз мавжуд бўлиши мумкин эмас.

Тарбиядан бошқа ёндашибиши инсонпарварлик тарбиявий тизими ни яратиш билан боғлиқ. Бу ёндашибиши биринчи навбатда, биз юқорида батафсил кўриб чиқсан индивидуаллаштириш жараёни билан мос келади (лекин уни бола ижтимоийлаптириш масалаларини иложи борича яхши ўзлаштириб олиши мақсади билан боғлиқ ёндашибиши билан чалкаштириш керак эмас). Яна бир бор эслатиб ўтамиз, индивидуаллаштириш - бизнинг тушунишимизча, болада мавжуд ёки ўзининг индивидуал тажрибасида эгаллаган ягона, алоҳида ва ўзига хослигини таъминлаб туриш ва ривожлантириш бўйича катталарнинг ҳамда боланинг ўз фаолиятларидир.

Индивидуаллаштириш, биринчидан, бирламчи асосий эҳтиёжларини индивидуал йўналтирилган ёрдам кўрсатишни кўзда тутади. Табиийки, бусиз «ўзлигини» ҳис этиш мумкин эмас. Иккинчи-

дан, айнан мана шу индивид учун ҳос бўлган табиат берган (мерос бўлиб ўтган), жисмоний, интеллектуал, эмоционал қобилиятлар имкониятларини максимал, эркин амалга ошириш учун шароит яратишни кўзда тутади. Ба, ниҳоят, учинчи индивидуаллаштиришнинг белгиси, асосий хислати – бу автоном маънавий ўзини қуришда, ўзини ижодий гавдалантиришда, «мослашувчан бўлмаган фаоллик», ҳаётда ўз йўлини танлашдаги қобилиятини ривожлантиришда инсонга ёрдам кўрсатишdir.

Шундай қилиб, шахсни индивидуаллаштириш унинг «ўзлигини» ривожлантириш, кенг маънода инсонпарварликнинг тарбиявий тизимини ташкил этади. Тарбияда бундай ёндашишнинг мақсади болаларга, уларнинг «субъектив мавжудликларини» ташкил этишда ёрдам кўрсатиш ҳисобланади. Бунинг учун ушбу тарбиявий тизимда, инсонга ўзини англаш ва ўзини амалга оширишда ёрдам берувчи маҳсус воситалар ишлаб чиқилади. Инсонпарварлик тарбиявий тизимининг субъекти энди фақат педагог эмас, балки болаларнинг ўзлари ҳам ҳисобланади (бola асосан, тарбия объекти ҳисобланган таъсири кўрсатиш тарбиявий тизимидан, унинг асосий фарқи ҳам мана шундан иборат). Ушбу парадигмада педагоглар ҳам, болалар ҳам мактаб олдида турган мақсадларини биргаликда аниқлаштирадилар, уларни амалий вазифалар даражасига кўтарадилар ва ҳамкорликдаги фаолиятда амалга оширадилар. Мактабнинг инсонпарварлик тарбиявий тизими самаралилигини муҳим шарти болалар ва катталарни умумий жамоага бирлаштириш ҳисобланади (лекин ўз вазифалари бўйича турлича бўлса ҳам болалар, педагоглар, ота-оналар). Болалар ва катталарнинг ўзаро муносабатлари маълум муносабатларни юзага келтиради, улар биринчи навбатда тизимнинг тарбиявий имкониятларини белгилайди.

Муносабатлар педагогларнинг алоҳида ғамхўрлиги бўлиб қолади. Ҳар қандай инсонпарварликнинг тарбиявий тизими – аниқ тизим ҳисобланади. Унинг ташкил топиши, фаолияти ва ривожланишида муҳит фақат ташқи таъсири кўрсатувчи омил сифатида эмас, балки ушбу тизимнинг ўзининг таркибий қисмида ҳам катта роль ўйнайди.

Тарбиявий тизимларнинг икки турини таққослаш, таҳлил қилиш якунида таъсири кўрсатишнинг таълим тизими ва инсонпарварликнинг тарбия тизими, ўзиниг предмети мазмунида ҳам фарқ қили-

шини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиздир.

Биринчиси, биринчи навбатда, дунёнинг ижтимоий кўринишини ўрганади. Иккинчи тизим, ўзини-ўзи ўрганиш усулини ўрганади. Маълум ижтимоий қоидаларни, қадриятларни, муносабатларни етказиб таъсир кўрсатиш тарбия тизими, болаларда ўзини англашга қобилиятни ривожлантириш масаласини ўз олдига мақсад қилиб қўймайди – бу унинг предмети ҳисблланмайди.

Инсонпарварлик тарбиявий тизими – бу бошқа гап. Инсон танлаб олиш субъекти сифатида иштирок этар экан, у бу танловни ўзига нисбатан амалга ошириши кўзда тутилади, демак ўзини англаш жараёнисиз, бу тизимни амалга ошириш мумкин эмас. Шунинг учун турли инсонпарварлик тарбиявий тизимлар ҳозирги кунда айнан мана шу йўналишда ривожланмоқда. Инновация (англаган ҳолда, умуман янгиликни киритиш сифатида) ишчи (амалий) тушунчасини эслаб, аниқ мисолда тарбия тизимини фалсафий жиҳатдан қарапца, инновация қандай шакллантиришини кўриб чиқамиз.

Тақдим этилган ёндашишларнинг ҳар бирида, инновация ёндашишлардан бирини аниқлаштириш ҳисбланса ҳам, одатда қандайдир янги ғоя билан боғлиқ бўлади. Масалан, тарбияда инсонпарварлик парадигмасини муҳокама қилиб О.С.Газман тарбия мақсадини биринчи навбатда ўзини ривожлантириши ва педагогик ёрдам кўрсатиш гояси билан боғлади. Кўпчилик ҳозирги замон муаллифлари инсонпарварлик парадигмасини ўрганишларида, шахс ривожланишига амал қилиб, ўзини ривожлантиришга (ёки ўзининг «ўзлигини» ривожлантиришга) турли томонлардан ёндашадилар. Баъзи муаллифлар ушбу сўзнинг кенг маъносидан келиб чиқадилар, яъни ўзини умумийликка етказиш, барча одамлар учун ҳосликлар, ҳам масига мос келиш, яъни у ёки бу ижтимоий- гоявий талаблар контекстидан четта чиқадилар, умуминсонийликни, ўзини ривожлантиришдаги аҳамиятини таъкидлайдилар.

Муаллифларнинг иккинчи гуруҳи эса инсон ўзининг индивидуаллигини, алоҳидалигини, ўзининг «ўзлигини» ривожлантиради (бу кўпинча умуминсонийликни намоён этишининг индивидуал ифодаланган усулларини ўз ичига олади) деб биладилар.

О.С.Газман «эркинлик педагогикаси: бу инсонпарварлик тарақ-қиётидаги йўл» номли асарида «ўзини ривожлантириш» терминида, юқорида айтилган икки мазмунни бирлаштириш ва ўзини ри-

вожлантиришни фақат ягона субъектда тақдим этилиши мумкин бўлган янги сифатни ташкил этиш учун инсоннинг ўзида санъатни (маданиятлилигини) ва, табиийки, тўплаш, бирлаштириш жараёни сифатида тасаввур этишни таклиф этади. Фақат ижтимоий ва биологик эмас, балки эркин (экзистенциал) мавжудот сифатида ўсиб бораётган инсон тўғрисидаги тасаввур маданийлиги ва табиийлиги тамойилларининг тўлдирилишини талаб этади.

Шундай қилиб, педагогик ёрдам иши эркинлик, ижодкорлик, катталар ва бола ўртасида ҳақиқий демократия ва инсонпарварликда юзага келадиган тарбия маданиятига киради. Тарбия мақсадини педагогик ёрдам сифатида, тарбия тизимининг фалсафий жиҳатидан қаралганда шу мақсадга мос янги тарбия технологиясини ишлабчи-қишига олиб келади.

Тарбия технологияси деганда биз тарбиянинг маълум мақсадга эришишга қаратилган маҳсус педагогик услублар тизимини тушунамиз. Ҳар қандай тарбия методикаси тарбия технологияларидан ташкил топади. Масалан, жамоани режалаштириш, ўсмирлар билан алоқа ўрнатиш, педагогик диагностика технологияси ва бошқалар.

Агар технология бу тарбия методикасининг якунланган қисми бўлса (унинг бирлиги), услугуб эса ўз навбатида бу умумий ёки шахсий педагогик маданиятда қайд этилган тарбия технологиясига нисбатан якунланган элементdir. Агарда услугуб бирор бир тарбия масаласи билан барқарор боғлиқ бўлса, у оддий тарбиявий технология бўлиб қолади. Масалан, синфи микрогуруҳларга бўлиш (қизиқиши бўйича, қуръя ташлаш бўйича, етакчилари бўйича): ҳамкорликдаги фаолиятда ўйин ролларини яратиш усуллари; гуруҳни муҳокамада сўзга чиқиши тартиби ва бошқалар. Буларнинг барчаси тарбиячиларнинг аниқ услубларига мисолдир. Лекин улардан ҳеч бири, қандайдир аниқ тарбиявий масала билан тўғридан-тўғри боғлиқ эмас, шунинг учун мана шу услубларни турли хил технологияларга киритиш мумкин.

Микрогуруҳларга ажратиш услубини жамоа бўлиб мақсадни белгилашда ҳам, ҳамкорликда режалаштириш ва умумий ишларни бажариш технологиясида ҳам, гуруҳди таҳдилни ташкил қилиш усули сифатида ҳам ва мулоқот рейтингига машқлар ўтказиш услуби сифатида ҳам қўллаш мумкин. Шунга мос равишда ишлаб чиқилаётган педагогик ёрдам технологиялари ҳам илгари маълум

бўлган услублар йўналишидан иборат бўлиши, лекин маълум тартибда тузилган уларнинг кетма-кетликлари янги тарбия вазифалари га жавоб бера бошлиши мумкин. Педагогик ёрдам технологияси – бу ўсиб бораётган одамнинг болиқалардан ўзининг фарқини англаб етишига ёрдам берувчи, ўз кучини жисмоний, интеллектуал, маънавий, ишодий воситалардан фойдаланиш қаратилган тизимдир.

Таълим олишда мустақил ва муваффақиятли илгари бориши шахсий ҳаёт йўли ва ҳаёт мазмунини танлаш учун зарурдир.

Ушбу технологияни амалга ошириш ўқувчининг «мен ким бўламан?», «қандай бўлишим керак?» деган саволидан бошланади. Педагог билан биргаликда мана шу саволларни муҳокама қилиш, яна бошқа бир мустақил савонни ҳам келтириб чиқаради, яъни «Қандай яшаш керак?». Махсус ташкил этилган маслаҳатлар орқали айнан мана шу ўқувчига ҳос бўлган индивидуал ҳаёт тарзи аста-секин тузилади, интеллектуал, эмоционал, жисмоний юкламаларнинг қулай режими танланади.

Ўқувчи педагог ёрдамида ютуқлар ва баҳтсизликларга бардош беришнинг ўзи учун қулай усулини топади, меҳнат фаолиятининг мос турини аниқлайди, бўш вақтнинг узлуксиз исп шакллари, одамлар билан муносабатлар хусусиятларини белгилайди.

«Педагогик ёрдам» тушунчасининг семантик маъноси биринчи навбатда фақаттина бирор нарсага эга бўлган, лекин у етарли даражада бўлмаган одамгагина ёрдам кўрсатиш ва қўллаб-қувватлаш мумкинлигидан иборат. Шунинг учун боланинг ўзида бирор нарсани билиш истаги пайдо бўлса ва бу йўлда унинг олдида қийинчиликлар вужудга келса, педагогик ёрдам ҳаракатга келади.

Шундай қилиб, педагогик ёрдам технологияси, биринчи навбатда, вазиятга жавоб қайтаришдан иборат бўлади. Ўз навбатида бу технология турли услублардан иборат. Улардан бири – баҳолаш-алгоритмик услуб ҳисобланади.

Бола фаолиятини тузатиш ва баҳолаш муносабати: «яхши-ёмон», «стўғри-нотўғри», «мумкин-мумкин эмас» кабилар маълум ёш босқичида белгилар хулқи доирасини белгилайди. Бу услуб ўқитувчи обрўси ҳали жуда кучли бўлмаган кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар учун анча самарали бўлади.

Педагогик ёрдам технологиясини жорий этиш учун бир услуб ижтимоий кўнімалар курсини амалга ошириш зарур. Ушбу курс

этик маданият, ижтимоий муносабатлар, шаҳарлараро муносабатлар, қарор қабул қилиш, ўзини англаш каби фанлардан иборат бўлиши мумкин. Уларни академик соатларда эмас, балки лаборатория-амалий машрутотлар ёки ўзини намоён этиш ва ўзаро алоқалар ҳамда ҳамкорлик тажрибаси учун жамоани ижодкорлик бўйича машрутлар кўринишида ташкил этиш зарур.

Педагогик ёрдамни амалга оширишдан кейинги услуб- болалар жамоасини яратиш ва ўзини бошқаришда педагогнинг ёрдами ҳисобланади.

Шу ерда биз маълум бўлган эски оппозицияга қайтамиз: жамоа ва шахс. Лекин ушбу ҳолатда биз болалар жамоасини ташкил этишини ўз мақсадимиз сифатида эмас, балки ҳар бир ўқувчининг ижтимоий, ижодий ўзини амалга ошириши шарти сифатида қараймиз.

Ўзини бошқариш бўйруқ бўйича юзага келмайди, балки болалар ва ўсмиirlар қизиқишилари ҳамда мактаб фуқароси ҳуқуқлари ҳам ўз манфаатларини ўзаро ҳимоя қилишлари эҳтиёжларидан келиб чиқади. Ушбу ўзини бошқариш (айнан мана шу ерда педагогнинг ёрдами керак) мактаб доирасида болалар қизиқишиларини бирлаштирувчи бўлганида ва мактабнинг ўзи фуқаролик жамияти сифатида қурилганда пайдо бўлади.

Агарда дискотека ўтказиш, саёҳатта бориш ёки қандайдир танловлар ўтказиш учун ўсмиirlар бирлаштиришни хоҳласалар, мана шу вазиятда ўзини бошқариш локал тажрибаси пайдо бўлади. Катталар эса бу вазиятда ёрдамчи бўлиб қолишлари мумкин. Ўзини бошқаришда қоидалар ишлабчиқариш мажбурий элемент ҳисобланади. Болаларнинг ўzlари яратадиган қоидалар, қонунлар, ҳуқуқ қоидаларининг муҳим аҳамиятга эгалиги педагогикада анча олдин аниқланган.

Болаларнинг ўzlари яратган қоидаларни бирлаштиради. Мактаб ҳаёти муаммоларини янада демократик ҳал этишга имкон беради. Лекин асосийси, бундай қоидалар эркинлик ва масъулиятлилик доирасини белгилаб беради. Ушбу ҳолатни интизомлиликни ривожлантиришнинг кучли воситаси сифатида тушуниб, кўпчилик мактаблар ўzlарининг қонунларини, ўртоқлик Низомларини, виждан кодексларини яратмоқдалар. Лекин ушбу услубда ҳам маълум хавфли томонлари мавжуд. Педагог, баъзи болалар бошқалар устидан назоратчи бўлиб қолмасликларини кузатиб бориш зарур. Бундай

ҳолатда болалар жамоасида адоват ҳам юзага келиши ва болалар қонунни бажарувчилар ва уларга қарши кузатувчиларга ажралиб қолишлари мумкин. Шундай қилиб, юқорида тасвирланган услублар (уларнинг рўйхати албатта, давом эттирилиши мумкин) тўплами янги мақсад- педагог ёрдам учун технологияни белгилаб беради. Ва мана шу мазмунда инновацион технологиядан иборат бўлади.

Умуман олганда, ҳар қандай тарбия тизими янгиланиши инновациялар ҳисобига амалга оширилади. Бу эса икки- революцион ва эволюцион йўл билан содир бўлиши мумкин.

Инқилобий йўл одатда мактаб ҳаётида, жамият ҳаётида вужудга келадиган фавқулоддаги вазиятлар билан келиб чиқади. Иккинчи йўл- тарбия тизимининг самарали педагогик бошқариш билан мумкин бўлади, чунки янгиланиши механизмлари тизимнинг ўзида мавжудdir.

Тизимнинг ҳолати ва фаолияти тўғрисида яхши етказилиб туриладиган объектив ахборотлар, педагоглар ва ўқувчилар жамоасининг доимий, ижодий изланишига йўналган ишлари таълим тизими янгиланишини режали ва бошқариладиган қилади. Инновацион мактаб ташкил топиши дидактик жиҳатини таҳлил қилиш қўйида-ги хуносаларга келишга имкон беради:

1. Инновацион мактаб ташкил топиши жараёнини дидактик кўриб чиқиш турлича уч жиҳатлар орқали амалга оширилади;

а) Фалсафий-методологик (ўқитиш мақсадлари) жиҳат;

б) Назарий (ўқитиш мазмуни, ўқитиш жараёни тузилиши ва қону-ниятлари) жиҳат;

в) Технологик (ўқитиш жараёни қоидалар тамойили) жиҳат.

2. Дидактик қарашнинг фалсафий-методологик жиҳати қўйида-гидан иборат. У ёки бу ижтимоий буюрганинг мазмунидан қатъи назар, мақсадларни аниқлаштириш жараёни ҳар доим маълум педагогик стратегияни танлаш билан берилиши керак. Ижтимоий буюргадан ўқитиш жараёнини ташкил этиш аниқ мақсадларига ўтиш жараёнида ҳақиқатда иштирок этувчилар шундай танловни амалга оширишга мажбурлар: олим-дидактиклар, мактаб маъмурияти, биринчи навбатда эса, янги таълим моделларини ишлаб чиқувчи инновацион мактаблар ўқитувчилари.

Турли педагогик стратегиялардан танлаб олишнинг тўртта йўна-лиши мавжуд:

1. бутун таълим соҳаси яхлит энг юксак вазифалари;
2. ўқитиши ва ривожлантириш жараёнлари нисбати;
3. таълим мазмунни концепцияси маълум турига йўналганлиги;
4. инсон маданияти тузилиши тўғрисидаги тасаввур.

Ушбу маълум педагогик стратегияни ташлаш илмий объектив вазифалар билан ҳал этилиши мумкин эмас. У ҳар бир аниқ инновацион гурухнинг умумий дунёқараши билан, методологик, фалсафий, антропологик қарашлари билан боғлиқ.

3. Дидактик қараш фалсафий – методологик жиҳатида мактабнинг инновационлиги ғоясининг ўзи умуман янгилигидан ташқари, мактабда мақсадни шакллантириши жараёни мавжудлиги қайд этилганлигидан ҳам иборат бўлиши мумкин. Мақсадни шакллантириши инновацион мактабнинг мавжудлигига сабаб бўлади ва ўз навбатида ўқитишининг ўзи у сабабли бўлади.

4. Инновацион мактабнинг ташкил топиши дидактик қараш (ўқитиши мазмуни, ўқитиши жараёни тузилиши ва қонуниятлари) назорат жиҳатлари қўйидагилардан иборат. Замонавий таълим вазиятлари шароитларида, деярли ҳар бир мактабда вариантив ҳисми ни аниқлаш ҳисобига бошлаш, кейинчалик эса инвариант асосини аниқлаштириб шахсий педагогик стратегияни ишлабчиқиши. Яъни замонавий, асосий ўқув режаси фақаттина турли инновациялар юзага келишига ёрдам берувчи омил сифатида эмас, балки ҳақиқий рафтлантирувчи омил сифатида ҳам амал қила бошлайди.

5. Ўқитиши назарияси (ўқитиши жараёни тузилиши ва қонуниятлари), ўқитиши мазмунидан фарқли равишда инновациялар юзага келиши учун имконият ҳисобланмайди. Лекин инновацион мактаб ташкил топишини дидактик қарашда технологик жиҳатида юзага келадиган инновациялар учун чекловчи ролида иштирок этиши мумкин.

Инновацион мактаб ташкил топишини дидактик қарашдаги технологик жиҳати қўйидагилардан иборат:

Ўқитиши мазмуни ва технологиясида ўзаро боғлиқлик мавжуд. Ўқитиши мазмунидаги ўзгариш (мисол учун ўқувчи фикрларини ташкил этувчи схемалар киритиш) дарҳол мана шу мазмунни етказиб беришга қодир янги педагогик технологияни ишлабчиқиши талаб қиласди. Ва аксинча, маълум технологиялар ўқитиши мазмунни ҳажмининг ўзига ҳос чегараловчиларини илгари суради, масалан, да-

вомийлиги ва қамраб олиш көнглиги. Аниқ педагогик технологиялар күринишида берилған ҳар қандай инновациялар дидактик қараш технологик жиҳатыда, бир томондан, үқитиши назарияси ва мавжуд мақсадлар билан чекланған, иккінчи томондан, ушбу инновацион технология «мос» келадиган ёндасиши хусусияти билан (техноизланиш) чекланған. Инновацион мактаб ташкил топишни дидактик қараш турлы жиҳатларига үхшаш тарбиявий тизим ташкил топишини фалсафий ва технологик жиҳатларида қараладиган инновацияларни ўрганиш ҳам мавжуд.

Синфдан ташқари оммавий иш формалари педагогик жамоа орқалы ҳар бир болага таъсир күрсатиши имкон беради. Улар болаларда бошқаларни тушуниш, жамоада бир-бирига таъсир күрсатиши, тенгдошлари ва катталар билан ҳамкорлик қилиш малакаларининг ривожланишига ёрдам беради.

Синфдан ташқари ишнинг анна шу оммавий шаклларини иккита катта гуруҳга ажратиш мумкин. Бу гуруҳлар болалар фаолиятининг ҳарактери билан фарқ қиласи.

Биринчи гуруҳ – фронтал шакллар. Болаларнинг фаолияти «ёнимда», «ёнида» принципи бўйича ташкил этилади, яъни улар бир бирлари билан ўзаро таъсирда бўлмайдилар, ҳар бир бола айнан бир ҳил ишни мустақил равишда бажаради. Педагог ҳар бир болага бир йўла таъсир кўрсатади. Чекланған болалар билангина тескари алоқа ўрнатилади. Синфнинг ҳаммаси билан ўтказиладиган тарбиявий машрутларнинг кўпчилиги «ёнида» принципи бўйича ташкил этилган.

Болаларнинг синфдан ташқари фаолиятини ташкил этиш шаклларининг иккинчи гуруҳи «бирга», «биргаликда» принципи билан характерланади. Умумий мақсадга эришиш учун ҳар бир иштирокчи ўз ролини бажаради ва умумий натижага ўз ҳиссасини қўшади. Ҳамманинг хатти-ҳаракатлари муваффақияти ҳар бир иштирокчининг ҳаракатига боғлиқ. Ишни бундай ташкил этилиши жараённида болалар бир бирлари билан яқин ҳамкорликда иш кўришга мажбур бўладилар. Бундай фаолият жамоа фаолият номини олган, тарбиявий иш эса – жамоа тарбиявий ишлар деб номланади. Педагог ҳар бир болага алоқида таъсир кўрсатмайди, балки болалар ўртасидаги ўзаро алоқага таъсир этади, бу эса педагог билан ўқувчилар ўртасидаги тескари алоқанинг яхшиланишига ёрдам беради. Болалар-

нинг жуфт-жуфт, кичик гуруҳларда, синфдаги фаолияти «биргалик-да» принципи бўйича ташкил этилиши мумкин.

Ҳар бир йўналишнинг ўз афзалликлари ва камчиликлари бор. Жумладан, биринчи гуруҳ педагог учун ташкил этишда оддийлиги билан фарқ қиласди, лекин жамоа ўзаро таъсир малакаларини камроқ шакллантиради. Иккинчи гуруҳ болаларда ҳамкорлик, бир-бираига ёрдам бериш, масъулиятни ўз зиммасига олиш малакаларини ривожлантириш учун тенги йуқ. Бироқ кичик ёшдаги ўқувчиларнинг ёш хусусиятларига кўра (улар бошқа кишида тенг ҳуқуқли инсонни куролмайдилар, келишиб олишни, бирга бўлишни билмайдилар) жамоа шаклларни ташкил этиши педагогдан кўп вақт ва муайян ташкилотчилик малакаларини талаб этади. Унинг педагог учун мураккаблиги ҳам ана шунда.

Иккала йўналиш ўзаро боғланган ва бир-бирини тўлдиради, шу сабабли қуйида биз ҳар бир ёндашув имкониятларини аниқ бир форма (шакл) мисолида қараб чиқамиз.

Жамоа ижодий иш технологияси демократик мактаб шароитида айниқса актуалдир, чунки у гуманистик негизга - ўқувчиларнинг кичик гуруҳлардаги ўзаро ҳамкорлиги асосига қурилган. У тўртта асосий босқични ўз ичига олади.

*Биринчи босқичда* болалар олдига умумий мақсад қўйилади. Бу мақсадга эришиш учун улар гуруҳларга (3 дан 7-9 кишигача) бўлиниади. Ҳар бир гуруҳ ўз вариантини, бу мақсадга эришиш лойиҳасини таклиф этади. Бу босқичда фаолиятнинг умумий мақсади асосида болаларнинг бирлашуви рўй беради ва ҳар бир болада бу фаолиятни асослаш учун шароитлар яратилади.

*Иккинчи босқичда* таклиф қилинган барча вариантларни муҳокама қилиш давомида битта вариант таъланади ёки йигма вариант яратилади. Шундан сўнг ҳар бир гуруҳ вакилларидан иш кенгаши сайланади. Бу жамоа бошқарув органи бўлиб, ишнинг барча иштирокчилари ўргасида вазифаларни, бажарадиган ишларни тақсимлайди. Болалар бошқаларнинг нуқтаи назарини тушуниш, келишиб олишга ўрганадилар.

*Учинчи босқичда* иш кенгаши тайёргарлик ишларини амалга оширади, гуруҳлар ўргасида топшириқларни тақсимлайди, зарур ёрдам кўрсатиш мақсадида уларнинг ишини текшириб боради. Ҳар бир гуруҳ умумий лойиҳани амалга оширишга ўз ҳиссасини қўшади.

Бунда бошқаларнинг муваффақияти бир гуруҳнинг ишига борлиқ бўлади. Шунинг учун гуруҳларнинг иши улар ўртасидаги рақобатга эмас, балки ҳамкорлик асосига қурилади. Бу босқичда болалар жамоа бўлиб фаолият юритиш тажрибасини эгаллайдилар, бир - бирини тушуниш, бир - бирига рамхўрлик қилиш, ёрдам кўрсатишга ўрганадилар, турли хил амалий кўнникма ва малакалар ҳосил қила-дилар, ўз қобилиятларини ривожлантирадилар ёки кашф этадилар.

*Тўртинчи босқичда ўтказилган иш муваффақият ва камчилик-лар нуқтаи назаридан муҳокама қилинади.* Ҳар бир гуруҳ ўзининг хатти - ҳаракатини таҳлил қиласди, келгуси ишга доир таклифлар айтади. Мазкур босқич болаларда ўзининг ва бошқаларнинг ишларини таҳлил қилиш, уларга ўзгаришлар киритиш малакалари шаклланишига ёрдам беради. Болаларда шунингдек объектив равиша ўзига-ўзи баҳо бериш хисси ривожланади, чунки бундай муҳокамаларда ҳеч қачон болаларнинг шахсий фазилатларига даҳлдор гаплар айтилмайди.

Жамоа ижодий ишлар (КИИ) болаларга ҳар томонлама ижобий таъсир кўрсатади, уларнинг шахсий тажрибасини бойитади, муомала доирасини кенгайтиради. КИИ технологиясини мунтазам равиша қўллашада ҳар бир бола турли гуруҳларда иштирок этиш ва турли ролларни (ташкилотчи ва ижрочи ролини) бажариш имкониятига эга бўлади.

Жамоа ижодий ишлар билан «Жамоа ижодий ишлар энциклопедияси» китобида тўлароқ танишиш мумкин.

КИИ технологияси билан синфдан ташқари тарбиявий ишларни ташкил этиш технологияси ўртасида баъзи бир ўхшашликлар бор: унда ҳам, бунда ҳам моделлаштириш, ишларни амалий равиша бажариш ва таҳлил қилиш мавжуд. Щу сабабли, агар педагог ўзини тарбиявий ишларни мазкур алгоритм асосида ташкил этишига ўргатса, педагогга болаларни КИИ жалб этиши осон бўлади.

*Умумсинф тарбиявий машғулотни тайёрлаш.* Фараз қилайлик, алгоритмик мувофиқ болалар жамоани ўрганиш босқичи ту-гallланган ва педагог машғулотнинг мана шу шаклини танлаган. Биринчи навбатда машғулотнинг мазмуни белгиланада, унга мувофиқ мазкур синф актуал бўлган машғулот мавзуси танланади ва машғулот ғояси ифодаланади.

Педагог ўзидан фикран шундай деб сўраши керак:

“Мазкур мавзуни очиб бориш орқали болаларга тарбиявий таъсир кўрсатиши натижасида нимага эга бўлишни истайман?” Умумсинф тарбиявий машғулотнинг мазмунни ривожлантириш, тўғрилаш, шакллантириш вазифаларини акс эттириши керак. Таълим бериш вазифаси умумий вазифалардан бири сифатида намоён бўлиши мумкин. Бошқа сўз билан айтганда « .. ҳақидаги маълумотларни баён қилиш» тарбиявий машғулотнинг мақсади бўлиши мумкин эмас (вазифалардан бири бўлиши мумкин). Педагог синфдан ташқари машғулотнинг мақсади ҳамда вазифаларини қанчалик аниқ ифодаласа, унинг исталган натижалар ҳақидаги тасаввuri ҳам аниқ бўлади. Фақат шундан кейингина машғулотнинг мазмунини, методларини, воситаларини танлапшга киришиш мумкин. Машғулотнинг мавзуси, мазмунига алоҳида аҳамият бериб, унинг мақсадини ифодалашгага нормал ёндашадиган ёки уни умуман эътибордан четда қолдирадиган педагоглар нопрофессионал иш кўрадилар. Бундай ҳолда тарбиявий ишнинг мақсадга йўналтирилганлиги ва системалилиги йўқолади.

Машғулот моделини тайёрлаш натижалари умумсинф тарбиявий машғулоти конспектида акс эттирилади. У қуйидаги тузилишда бўлади:

1. Машғулотнинг номи.
2. Мақсади, вазифалари.
3. Жиҳозланиши.
4. Ўтказиш шакли
5. Бориши.

Машғулотнинг номида синфдан ташқари машғулотнинг мавзууси акс эттирилади. У фақат акс эттириб қолмай, шакл бўйича лўнда қилиб ифодаланган, жозибали бўлиши лозим.

Мақсад, вазифалар жуда аниқ бўлиб, мазкур мазмунни акс этиши керак. Улар универсал ҳарактерда бўлмаслиги лозим. Масалан, «Жонажон шаҳрига муҳаббат ўйғотиш» вазифаси ўрнига «шаҳар тарихига қизиқишни ошириш», «болаларда шаҳар юбилейига тайёргарлик ишларига ўз ҳиссасини кўшиш истагини ўйғотиш», «болаларда ўтмишда шаҳарнинг машҳур киппиларига нисбатан ҳурмат ҳисси шаклланишига ёрдам бериш» каби вазифаларни қўйиш яхши бўлади.

Синфдан ташқари машғулотнинг жиҳозланишига турли воситалар: қўлланмалар, ўйинчоқлар, видеофильмлар, дианозитивлар,

адабиётлар ва бошқалар киради. Адабий манбанинг номинигина эмас, балки унинг муаллифи, нашр этилган жойи ва йили кўрсатилиши керак.

Синф машғулотлари экскурсия, викторина, конкурс, спектакл ва ҳоказо шаклда ўтказилиши мумкин. Бундай ҳолда машғулот режасида уни ўтказиш шакли «Математик викторина», «Фантазиячилар конкурси», «Ҳайвонот боғига экскурсия» номи билан бирлаштирилади. Агар синф машғулоти ўзида биронта ўтказиш шаклларини бирлаштиурса, унга болаларни жойлаштириш усули кўрсатилиди: айлана, командалар ва ҳоказо.

Машғулотнинг боришида унинг мазмуни, тарбия методлари тавсиф этилади ва педагогнинг машғулотни биринчи шахс номидан батафсил, изчиллик билан баён қилинишдан иборат бўлиши мумкин ёки (педагогнинг шахсига қараб) асосий мазмуни карточкаларда ифодаланган тезисли пландан ташкил топиши мумкин.

Машғулотнинг боришини моделлаштиришда унинг давомийлиги ва структурасини ҳисобга олиш зарур. Синф тарбиявий машғулоти олти ёшлилар учун 15-20 минутдан, ўн - ўн бир ёшлилар учун 1-2 соатгача давом этиши мумкин.

Мазмуни ва методлари бўйича хилма-хил бўлган синф машғулотларини самарали ўтказиш мақсадида унинг асосий тўрт босқичдан иборат бўлишига амал қилиш маъқул.

### 1. Ташкилий момент (0,5 - 3 мин).

Педагогик мақсад: болаларни ўқув фаолиятидан фаолиятнинг бошқа турига кўчириш, ана шу фаолият турига қизиқиш, ижобий ҳис-туйғулар уйғотиши.

Типик хатолар: дарснинг бошланишини айнан такрорлаш, унинг вақт жиҳатидан узоқ давом этиши.

Тавсиялар: ташкилий моментда кутилмаган ҳолатни юзага келтириш, яъни топишмоқлар, муаммоли масалалар, ўйин моменти, товуш ёзувлари ва ҳоказолардан фойдаланиш; болаларни уюштириш шаклларини ўзгартириш; болаларни бошқа бинога (биология, физика, мусиқа синфларига, кутубхонага, мактаб музейига) ўтказиш ёки уларни синфда гиламча, айлана шаклда жойлаштириш болаларнинг дарсдан ташқари фаолияти самарали кўчишига ёрдам беради. Бу бўлажак машғулотта қизиқиш, ижобий ҳис - туйғулар уйғотади.

2. Кириш қисми (бутун машғулот вақтинг 1/5 қисмидан 1/3 қисмінде).

Педагогик мақсад: болаларни фаоллаштириш, уларни тарбия-вий таъсирга мойил қилиш. Педагог ўзининг педагогик прогнози ҳақиқатда болаларнинг имкониятлари, шахсий сифатлари, мазкур мавзу юзасидан хабардорлик даражаси, эмоционал кайфияти, фаоллик, қизиқиш даражаси билан қанчалик мос тушишини аниқлади. Бу босқичда педагогдан болаларни қизиқтиришгина эмас, балки машғулотнинг бориши давомида унга қандай тузатишлар киритиши кераклиги ва тузаташлар қандай ҳарактерда бўлишини аниқлаш талаб этилади. Масалан, педагог ўзи маълум қиласидан нарсаларнинг янгилигига умид боғлаб, ҳикояни планилаштирган эди, аммо кириш суҳбати болаларнинг бу муаммони билишини кўрсатди. Бундай ҳолда педагог ҳикояни суҳбат ёки ўйин вазияти билан алмаштириши зарур. Шундай қилиб, кириш қисмининг мақсади боланинг шахсий тажрибасидан машғулот мавзусига «кўпик ташлаш»дан иборат.

Типик хато - педагогнинг кутилмаганда болаларнинг таъсирланнишидан (болалар педагог кутаётган нарсанни айтмаслиги ёки қилмаслиги мумкин) қўрққани туфайли бу босқични инкор этиши.

Педагог машғулотнинг кириш қисмини болаларнинг фаоллигига эмас, балки шахсий фаоллик асосига киради, тескари алоқани менсимай, болаларга пассив тингловчилар ролини беради. У болаларнинг эмоционал кайфиятини эътиборга олмайди.

Тавсиялар кириш қисми машғулотнинг мазмунига қараб кириш суҳбатидан (билиш) ҳарактеридаги, эстетик ва ахлоқий машғулотлар ёки ақлни «чархлаб олиши» топшириқларидан (викторина, конкурси ва ҳ.к) иборат бўлиши мумкин.

Биринчи ҳолатда саволлар, иккинчисида - топшириқлар болалар учун қизиқарли бўлиб қолмай, педагогга ўқувчиларнинг тайёрланган материални идрок қилишга тайёрлиги ҳақида аҳборот берип керак. Кириш қисмидан педагог болаларнинг бўлғуси машғулот ҳақидаги дастлабки тасаввурларини шакллантиради, уларнинг фаолиятини ташкил этади, яъни баҳолаш системаси билан таништиради, машғулот планинни маълум қиласиди, уларни командаларга бўлади. Баҳолашнинг анъанавий тизимида педагог аниқ мезонларнинг бориши, зарур қондадарни тушунтириши керак.

Болалар командаларга бўлинганда уларнинг хатти - ҳаракатларини рақобат асосига эмас, балки ҳамкорлик асосига қуриш лозим. Бунинг учун қуйидаги усул самаралидир: командаларга тўғри жавоблар учун очколар ўрнига қўрқиб ажратилган расмнинг бўлакчалари тарқатилади. Машғулотнинг якуний қисмида бу бўлаклардан умумий расм йигилади ҳамда баллар миқдори эмас, балки умумий натижа муҳимлиги аён бўлиб қолади.

Машғулотнинг кириш қисмида болаларни фаоллаштиришнинг турли - туман методлари ҳамда воситаларидан: муаммоли сұхбат, ребус, кроссворд, топқирлиқ ва чаққонликка доир топшириқлар ва ҳоказолардан фойдаланиш мумкин.

3. Машғулотнинг асосий қисми вақт жиҳатидан энг давомли бўлиши керак (машғулотнинг 2/4, 1/3 дан сал кўпроқ қисми).

Педагогик мақсад: машгулотнинг асосий ғоясини амалга ошириш.

Типик хатолар: болаларнинг қисман ёки бутунлай пассивлиги - педагогнинг фаоллиги. Методларнинг бир хиллиги - фақат ҳикоя ёки сұхбат. Кўргазмаликкнинг йўқлиги фойдаланилайдиган тарбия воситаларининг жуда ҳам камлиги. Онгни шакллантириш методларининг хулқ-автори шакллантириш методларидан устунлиги. Дарснинг ўқув муҳити яратилиши. Ибратлилик, ўрганиш насиҳат-гўйлик қилиши.

Методик тавсиялар: агар болалар максимал равишда фаол бўлсалар, машғулотнинг ривожлантирувчи, тўғриловчи, шакллантирувчи, тарбияловчи, таълим берувчи вазифаларини амалга оширишда тарбиявий самара юқори бўлади. Синфдан ташқари машғулотда болаларни фаоллаштиришда дарсдан фарқ қиласидан алоҳида эмоционал муҳитни яратиш биринчи даражали аҳамиятга эга. Масалан, болалардан қулларини кўтариш, ўрниларидан туриш талаб этилмайди. Интизомни сақлаб туриш учун алоҳида қоидалар жорий қилинади.

Бир масала юзасидан бир неча ўқувчи ўз фикрини билдириши энг қулайдир. Педагогнинг нутқида «тўғри», «балли», «оффарин» деб баҳолайдиган фикрларнинг бўлмаслиги, баҳолар ўрнига хайрикоҳлик, ҳис-ҳаяжон, педагогнинг ҳис-туйгуларини ифодаловчи, қойил қолиш билан айтилган «Ҳа», «ожуда қизиқарли», «Янги хабаринг учун раҳмат», «шундайми», «Буни қаранг-а!» каби иборалардан фойдаланиш илиқ, хайрикоҳлик муҳитининг яратилишига ёрдам беради.

Агар педагог хулқ-атворни шакллантиришнинг хилма-хил методларидан иложи борича кўп фойдаланса: вазиятни, ўйинни тарбияловчи машқлар ўргатиши, тошириқлар бериш, машгулотта турли хил фаолият турлари: меҳнат, ижодий ишлар, спорт элементлари ва ҳоказоларни киритса самарадорлиги ошиб боради. Педагог турли фаолият турларини ташкил этишда болаларни командаларга бирлаштирас экан, уларни бир-бирлари билан эркин муомалада бўладиган қилиб жойлаштириши, вазифаларни эса ҳар бир иштирокчи ўзи учун алоҳида эмас, балки ўзини жамоанинг бир қисми деб ҳис этадиган қилиб тақсимлаши керак. Тошириқни бажариш учун вақт беришда командага уни бажаришни муҳокама қилишига бир неча вақт ажратиш ва команда вакилидан тайёрлигини сўраш лозим. Шундай тақдирдагина болаларда фаолиятнинг умумий мақсади, хилма-хил вазифалар ва ҳамкорлик учун сабаб (мотив)лар бўлади.

Онгни шакллантириш методлари болаларда зътиқоднинг, амалий этик (ахлоқий) тушунчаларнинг таркиб топишига ёрдам бериши керак. Бу мақсадларда ҳикоя методини ўқувчининг ахбороти, доклади тарзида ўзгартириш, тез-тез мунозарадан фойдаланиш яхши самара беради. Синфдан ташқари тарбиявий ишларнинг оммавий шаклларида болаларни мунозара қоидаларига ўргатиш лозим:

1. Шуни ёдда тутиңгки, баҳслашувчилар ҳақиқатни излайдилар, аммо уни турлича тасаввур қиласидилар; баҳсда умумий мазмунни аниқлаш, кейин эса қарашлардаги фарқни ойдинлаштириш ва бунга ҳурмат билан муносабатда бўлиш керак.
2. Мунозаранинг мақсади – томонлардан бирининг ҳақлигини аниқлаш эмас, балки ҳақиқатни қарор тоғтиришдир.
3. Ҳақиқатни оппонент шахсига айблар қўйиш билан эмас, балки фактлар ёрдамида қидириш зарур.
4. Сўзловчини аввал ҳурмат билан тинглаш, кейин эса ўз нуқтai назарини билдириш лозим.
4. Машгулотнинг якуний қисми.

Педагогик мақсад: болаларнинг эгаллаган тажрибаларини ўзларининг мактабдан ташқи ҳаётларида амалда қўллашга мойил қилиш (хоҳиш ўйротиш) ва машгулот қанчалик мувваффақ бўлганлигини аниқлаш. Шундай қилиб, якунловчи қисм педагогнинг болага бошқа муҳитда тарбиявий таъсири кўрсатишига имкон беради.

Типик хатолар: бу қисм умуман инкор қилинади ёки «Ёқдими?», «Янгидан нималарни билиб олдингиз?» қабулидаги икки саволдан иборат бўлиб қолади.

Тавсиялар: дастлабки натижаларни аниқлаш учун кроссворд, кичик викторина, берилган саволга узоқ ўйламай тез жавоб қайта-риш, ўйин вазиятлари каби болаларни қизиқтирадиган тест ҳарак-теридаги контрол топшириқлар. Болаларнинг эгаллаш тажрибала-рини шахсий ҳаётларида кўллашга доир турлича тавсиялар бериш. Бу мазкур муаммога доир китобларни кўрсатиш, болаларнинг маш-ғулотда эгаллаган билим, малака ва кўнікмаларини кўллаши мум-кин бўлган вазиятларни мұхокама қилиш бўлиши мумкин. Ҳосил қилинган тажрибани кўллашга доир болаларга маслаҳатлар: улар ўз яқинларига нималарни гапириб беришлар, мазкур мавзу юзаси-дан нималар ҳақида сўраш мумкин; қаерга бориш, у ерда нималар-га эътибор бериш, қандай ўйинлар ўйнаш, мустақил равишада ни-малар қилиш ва ҳоказо. Якунловчи қисмда машғулот мавзусини келгусида яна ёритиб бориш зарурати борми, бор бўлса буни қан-дай йўл билан амалга ошириш мумкинлигини аниқлаш мақсадга мувофиқдир. Машғулотнинг якунловчи қисмидан педагог бундан кейинги синф машғулотларини ўтказишида болалар ташаббусини ри-вожлантириш учун ҳам фойдаланиш мумкин.

Синфдан ташқари тарбиявий ишларнинг индивидуал ва омма-вий шакллари, агар уларни ташкил этиш ва ўтказишида ота-оналар бевосита иштирок этсалар, болаларга тарбиявий таъсир кўрсатиши-да анча самарали бўлади.

### 7-§ Тарбиявий ишларнинг йўналишлари

Тарбияни энг аввало инсоннинг ўзига қаратилганлиги Презиden-тимиз томонидан ишлаб чиқилган бутун дунё ҳамжамияти тан ол-ган қадам-бақадам амалга оширилаётган «ўзбек модели» да жуда тўғри белгиланди. Дунёда биринчи бор инсонни диққат эътибори уни ўзлигини англашга қаратилди. Ўзлигини англаш биринчидан, унинг озод, эркин, нодир, улуғ сиймолигини англаш ва ўзида унга амал қилиш сифатларини шакллантириб бориш бўлса, иккинчидан, унинг ўзига хос миллий-инсоний асосларини англаш ва уларга амал қилишдан иборатдир.

Юқорида санаб ўтилган икки сифат комил инсон сифатининг асо-

сини ташкил этади. Чунки комил инсон сифатларини тарбия соҳасидаги илмларини хулосалаб, мужассамлаштирса, улар асосан учта:

1. Эзгу ният, фикр;
2. Эзгу сўз, хушмуомила;
3. Эзгу иш, эзгу фаолиятдан иборатдир.

Шу юқоридаги уч сифат ўқитишнинг, таълим-тарбиянинг бош мақсадидан иборатдир. Бу бош мақсад инсонларда, ёшларда, мутахассисларда комиллик сифатларини такомиллаштириш, ёшларни замонавий ахлоқий-амалий ўқув, малака, кўникмалар билан қуроллантира бориш, мутахассисларда ҳар бир соҳага мос илм, билим ҳосил қилишдан иборат бўлган педагогика фанининг замонавий фан асосларини кенгайгандигини кўрсатади.

Педагогика фанининг предмети, ўқитишнинг, таълим тарбиянинг замонавий қонуниятлари, мазмуни, усуслари, воситалари билан кишиларни, ёшларни, мутахассисларни қуроллантирувчи фан бўлганлиги учун унинг методологик асослари, мақсад ва вазифалари дунёнинг моддий-маънавий ривожида шахс камолоти уйғунлиги қонуниятлари ва давлатнинг замонавий сиёсатидан келиб чиқади.

Таълимнинг, ўқитишнинг вазифаси фуқаролар, ёшларнинг энг асосий конститутциявий ҳуқуқларидан бири бўлган ҳар бир кишининг ақлий-амалий имкониятларини рӯёбга чиқариш, ижодий қобилиятларини намоён этиш, интеллектуал жиҳатдан ривожини таъминлаш, ўзи хоҳлаган касбини танлаш жиҳатидан ривожини таъминлаш, ўзи хоҳлаган шу соҳада фаолият кўрсатиши учун моддий-маънавий тарбиявий дидактик шарт-шароит яратишдан иборатдир. Бу умумий вазифадан таълимнинг ҳар бир бўғини, тури ва босқичининг ўзига хос вазифалари келиб чиқади.

Таълим педагогларнинг фаорлиятидан ва ўқувчи талабаларнинг фаолиятидан иборат қўшалоқ жараёндир.

Биргаликдаги фаолият орқали ёшлар илимий билимлар билан қуролланадилар. Бунинг натижасида уларнинг ижодий қобилиятлари ҳар томонлама шаклланади. Маълумот таълим-тарбия жараёнининг натижаси орқали тўплланган билим, кўникма ва малакалар йиғиндиси ва шаклланган маънавий фазилатлар мажмуудир.

Маълумот олишининг тўғри ва ишончли йўли давлат таълим стандартлари бўйича билим берадиган аниқ мақсаддли режалар, дастур-

лар асосида ўқув юртларида ташкил қилинадиган таълим тарбия жараёнидир.

Таълим, тарбия, маълумот, ривожланиш, шаклланиш уйғунлаш ягона жараёндир.

Унда ўқитувчи-тарбиячи раҳбарлик қилади. Педагогика узоқ тарихий жараёнда шаклланар экан, ҳозирга келиб илмий билимларни мустақил бир тармоғи сифатида, фан сифатида шаклланади. Ўзининг илмий-назарий, услубий, амалий асосларини яратди. Натижада педагогик фанлари тизими, яъни унинг тармоқлари вужудга келди. Яқин вақтгача фалсафанинг бир тармоғи ҳисобланган педагогиканинг мустақил янги йўналишлари яратилди. Жумладан, педагогик фанининг тарихан ривожлоаниши ўзида акс эттирилиб, унда ўтмишдаги илғор педагогик ғояларнинг пайдо бўлиши, ривожланиши, уларнинг бутунги кундаги аҳамияти, меросдан фойдаланишининг зарурияти ҳақидаги фикр ўз ифодасини топган.

Педагогика фанлари тизимида тарбияланувчиларнинг ёшига қаратилган тармоқ педагогикалар мавжуд. Мактабгача таълим педагогикаси, умумий таълим педагогикаси, ўрга-махсус, касб ҳунар таълими педагогикаси, олий таълим педагогикаси, ишлабчиқариш педагогикаси, менежмент, даволаш педагогикаси, геронтопедагогикаси, ҳарбий педагогика, янги педагогика технологиялари шулар жумласидандир. Бу тармоқ педагогикалар мактабгача таълим мусассасаларида умумий ва ўрга-махсус касб-ҳунар таълими, олий ўқув юртларида олиб бориладиган таълим тарбия.

Тарбия маънавий манбалар ва ҳозирги замон талаблари ва эҳтиёжларини назарда тутган ҳолда, ўқитувчининг ўқувчи билан аниқ бир мақсадга қаратилган ўзаро амалий ва назарий мулоқотидир.

Бирор бир мақсадга қаратилган тарбия жараёнининг моҳияти ва вазифалари тарбиячи томонидан режалаштирилади ва тартибга солинади:

А) талабанинг қайси ҳислатини шакллантириш ёки йўқотиш мақсадида режалаштирилади.

Б) шу ҳислатларни тарбиялаш ёки йўқотиш учун хизмат қилувчи манбаларни излаб топилади.

В) белгиланган мақсад учун хизмат қиласидиган назарий ва амалий манбаларнинг қайсисини қаерда ишлатишини режалаштирилади.

Бундай режага солиниб олиб борилган тарбия моҳиятини таъ-

лим-тарбия тизими, жамият ва инсонларнинг интеллектуал ва жисмоний фаолияти ташкил қиласи.

Тарбия жараёнининг жамият тараққиётидаги роли ниҳоятда бекійесdir. Инсонни тарбиялаш, уни билим олишига, меңнат қилишига ундаш ва бу хатти-харакатини аста-секин кўникмага айлантириб бориш лозим. Инсонни мушоҳада қилиш қобилиягини тарбиялади ва мушоҳада қилиши ақлни пешлайди. Ақл онгни сақладиди. Онг эса моддий ва маънавий манбага айланади. Шу тарзда инсон аста-секин такомиллашиб комилликка эришиб боради. Аммо бунинг учун тарбиячи ва тарбияланувчидан узок давом этадиган масъулият, шарафли меңнат ва қунт, иродани талаб этади. Бунинг учун болаларни ёш хусусиятларини ҳисобга олиш зарур. Маънавий, инсоний сифатларининг шаклланишида оиласидаги, атрофдаги, жамиятдаги муҳит ва болаларга бўллаги муносабат муҳим рол ўйнайди. Ота-оналаримиз ва атрофдагиларининг бир-бирларига бўлган муносабатларини кўрган бола шунга қараб шакллана боради. Улар аввал катталарга тақлид қиласидилар. Сўнг аста-секин қилаётган ишларнинг моҳиятини англайдилар. Болаларни тўғри тарбиялашда ота-онанинг онги, маънавияти, билими тарбияланганлиги ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Аниқ бир мақсадга қаратилган тарбиянинг самарадорлиги тарбиячининг қандай усулдан фойдаланишига боғлиқ.

Усул- юононча атама бўлиб- айнан нимагадир йўл, усул орқали мақсадга эришиш йўлини билдиради. Усул ахборотни узатиш ва қабул қилиш характеристига қараб:

- 1) сўз орқали ифодалаш усули;
- 2) кўргазмалик усули;
- 3) амалий намуна усули;
- 4) рағбатлантириш ва жазо усулига ажратилади.

Юқоридаги усуллар ўз навбатида қуидаги гуруҳчаларга бўлиниади:

1-гуруҳ - сўз орқали узатиш, маслаҳат бериш, маълумотларни эшлиши

орқали қабул қилиш, ҳикоя, маъруза, сұхбат усулларига;

2-гуруҳ - кинофильмлар, тасвирий санъат, бадний санаът ва бошқа кўриш орқали тарбиялаш усулларига;

3- гуруҳ - тарбия маълумотларини амалий меңнат ҳаракатлари

орқали бериш, ўрнак кўрсатиш, бошқаларни амалий меҳнатини мисол қилиб кўрсатиш;

4- гуруҳ-ўқувчи талабаларнинг яхши бажарган ишларини, ўртоқлари олдида ёки ота-оналар мажлисида маъқуллаш, миннатдорчиллик билдириш, иқтисодий ёрдам, стипендияларни ошириш, мақтov ёрлиқлари топшириш, суратларини ҳурмат тахтасига осиш ва бошқа оғзаки «раҳмат», «баракалла» каби рағбатлантириш усулларини киритиш мумкин.

Агар бола сиз огоҳлантирмасингиздан ёки тушунтирмасингиздан олдин ўз хатосини тушунган бўлсаю, сизга қилган хатосини айтольмай изза чекиб турган бўлса, уни жазолашга зарурат йўқ. Энди бу хатони қайтармайман, деган маънода Сизга қарайти.

Сиз унга яна бир марта имконият беринг. Аммо кейинга сафар ҳам хато қилса ва уни тан олмаса, ундан ҳолларда қўйидаги жазо турлари қўлланилади: тушунтириш, танбеҳ бериш, огоҳлантириш, қаттиқ огоҳлантириш, уялтириш. Юқоридаги жазо турларини ўқитувчи ўқувчига юзма-юз ҳеч кимнинг гувоҳисиз қўллайди. Аммо группадош ўртоқлари ёки синфдошлари олдида изза қиласай деб болани уялтиурса, ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин.

Уят - бу инсоннинг энг нозик сезгиси бўлиб, ўқувчининг ўртоқлари ёки жамоа орасида изза қилиниши унинг учун энг юқори жазо ҳисобланади.

• Ўқувчининг жамоа орасида изза қилишни энг охирги чора қолганда кўллаш мумкин. Энг маъкули ўқувчи билан юзма-юз меҳрли оҳангда унга ишонч билдириб, қалтис йўлдан қайташиб маққул.

Тарбия ҳар бир инсоннинг ҳаётда яшаш жараёнида орттирган сабоқлари ва интеллектуал салоҳиятларини ижобий кўникмасини ўзгаларга бериш жараёдир.

Боланинг характеристерини, оиласлагни тарбиясини, унинг ор-номусини, шарм-ҳаёси каби нозик туйғуларининг тарбияланганлик даражасини билмай туриб, бирданига жамоа орасида уялтириш, яхши ўйлаб кўрмаслик ёки жаҳл устида тинимсиз калтаклаш мумкин эмас. Сизнинг танлаган жазо усулингиз ўқувчини ёки фарзандингизни қилган хатосини тушунишга, бошқа қилмаслигига тарбиявий сабоқ бўлиш керак. Агар бу жазо усуллари ўзининг самарасини бермаса, у ҳолатда эҳтиёткорлик билан мактаб маъмурияти ва жамоа ҳамкорлигига бошқа чораларни топиш керак.

Бугунги кунда педагогика фани амалиёти такомиллашиб бормоқда. Шунингдек, тарбия жараёни ҳам замон талабига монанд та-комиллашиб боради.

Бошқарув органлари баркамол авлодни ўқитиши ва тарбиялаш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширишлари, вужудга келган масалаларни ўз вақтида ва ижобий ҳал этишлари, барча ўқув юртларининг иш савиаси ҳозирги замон талабларига мувофиқ бўлишини таъминлашлари керак.

Таълим олдига қўйилган вазифаларни муваффақиятли бажариш таълим тизимини бошқариш ва унга раҳбарлик қилиш фаолияти-нинг савиасига боғлиқ. Келажаги буюк жамиятнинг ривожланиши талабларидан келиб чиқиб, маорифнинг ўрни ва ролига янги ав-лодни тарбиялаш нуқтаи назаридан қараб, олий мажлис материаларида, президентимиз маърузаларида, маҳсус қарорларда раҳбар-ликнинг юқори илмий даражада амалга ошириш зарурлигига ало-ҳида эътибор бериб келинмоқда.

Таълим тизимида илмий раҳбарлик асосларини ишлабчикиш педагогика учун асосий йўналишлар. Баркамол авлодни ўқитиши ва тарбиялаш тажрибаларини ўрганиш, умумлаштириш, бу жараён-нинг қонуниятларини очиб бериш, педагогика назариясининг асо-сий масалаларини таълим амалиётига ва фан ютуқларини назарда тутган ҳолда, И.А. Каримов асарлари асосида ижодий ҳал қилиш педагогиканинг бурчидир. И.А. Каримов ўз асарларида келажаги буюк Ўзбекистон Республикасининг органларини ташкил этиши ва бошқариш ва уларнинг раҳбарлик фаолиятига доир муҳим асосла-рини ҳар тарафлама муфассал ишлаб чиқди.

*Илмий ва педагогикавий амалиёти билан бοгланиши тамойи-ли.* Бу тамойил ҳалқ таълими органлари ва мактабнинг ҳамма иши-ни Ўзбекистон Республикаси давлатининг кўрсатмаси, фан ва тех-ника ютуқлари ҳамда ижтимоий тараққиётнинг объектив қонуни-ятлари асосида амалга оширишни талаб этди. Чунки, идора қилиш учун ишни билиш керак. Ҳамма нарсадан хабардор бўлмасдан ту-риб, тўла тўқис билимга эга бўлмасдан туриб, идора қилиш илми-ни билмасдан туриб бошқариш мумкин эмас. Ҳалқ таълими ишла-рини, мактаб ишини, касб-хунар коллежлари ишини ривожланти-риш ва унга раҳбарлик қилишда қўзланган мақсадларга эришиш учун миллий мағкура, миллий роя, педагогика тарихи, психоло-

гия, хусусий методика, мантиқ, этика-эстетика каби фанлар эришган ютуқларини мунтазам ўрганиб бориш, таҳлил қилиш ҳамда бу муваффақиятларни кенг қўлланиши зарур.

Бошқарув муассасалари баркамол авлодни ўқитиш ва тарбиялаш соҳасида ягона давлат сиёсатини муттасил етилган масалаларни ўз вақтида ва ижобий ҳал этишга, барча ўқув юртларининг иш савияси ҳозирги замон талаблари даражасида бўлишига қаратишлари керак.

Таълим тизимини бошқаришда марказлашган раҳбарликни кенг демократия билан мустақиллик ва ташаббускорликни ривожлантириш билан бирга қўшиб олиб боришда унинг ўзига хос хусусиятларини ва шарт шароитларини ҳисобга олиш имконини беради.

Юқоридан туриб, бир хил андоза бичиб бериш демократия ва марказлашган раҳбарликка бутунлай ёт нарсадир.

Барча тадбирларда, маҳаллий хусусиятларда ишга қандай муносабатда бўлиш усусларида, назоратни амалга ошириш усусларида, ҳар хил йўлларини қўллаш асосий, муҳим бўлган бирликларни бузмайди, балки у бирликни таъминлайди.

Таълимни ривожлантириш фондлари қонун хужожатларида белгиланган тартибда юридик ва жисмоний шахсларни ихтиёрий бадаллари ҳисобидан ташкил этилиши мумкин.

Халқ таълими вазирлиги Ўзбекистон Республикасида маорфга, шу жумладан, барча типдаги мактаблар, боғчаларга раҳбарлик қиласди. Олий ва ўрта маҳсус таълим Вазирлиги, барча университетларга, касб-ҳунар коллежларга, лицейларга раҳбарлик қиласди. Улар педагогика жамоатчилигини халқ таълими бўлимлари ва мактабларига ёрдам беришга жалб этадилар.

## **8-§ Синфдан ва мактбдан ташқари ишларни ташкил қилишда ташкилотчининг иш методикаси**

1. Ўқувчиларни ҳар томонлама етук, баркамол қилиб тарбиялаш масалаларини муваффақиятли ҳал этиш, уларда фаол ҳаётий мавқени шакллантириш, ўзлаштириш ва билим сифатини ошириш кўп жиҳатдан куни узайтирилган гуруҳларининг самарали ишлашига боғлиқдир. Синфдан ва мактбдан ташқари ташкил қилинган ишлар ўқувчилар ҳаётидаги тарбиявий фаолиятини тўлдиради. Уларнинг дунёқараши, тўғри шаклланишига, ахлоқий камол топишига

күмаклашади. Назарий билимларни амалиёт ишлабчиқариш билан боргланишига замин яратади.

Синфдан ва мактабдан ташқари ишларга раҳбарлик қилувчи ташкы килотчиларнинг вазифалари ҳам кўп қирралидир. Синфдан ва мактабдан ташқари ишларнинг ташкилотчисининг вазифаларига куйидагилар киради:

1. Дарсдан ташқари тарбиявий ишларни режалаштириш ва амалга оширишни назорат қилиш;

2. Ўқувчиларнинг синфдан ва мактабдан ташқари кўп қиррали ишларни ўқувчилар ташкилотлари синф фаоллари ёрдамида йўлга кўйиш;

3. Синфдан ва мактабдан ташқари ишлар йўналишига бевосита раҳбарлик қилган ҳолда ўқитувчилар, синф раҳбарлари, ота-оналари, синф фаолларига услубий ёрдам кўрсатиш;

4. Умуммактаб ва мактаблараро ўтказиладиган энг муҳим тарбиявий тадбирларда қатнашиш;

5. Ўқувчиларнинг бўш вақтларини ташкил қилишда тарбия ва маданият муассасалари ҳамда жамоатчилик кучидан кенг фойдаланиш. Бу борада ташкилотчилар фаоллигини учта асосий томонини кўриш мумкин: ташкилотчилик, услубий ва маъмурӣ.

Булар кўпинча ўзаро узвий борланган ҳолда намоён бўлади. Ташкилотчининг ташкилотчилик фаолиятига қўйидаги бир қатор ишларни киритиш мумкин:

1. Тарбиявий ишлар соҳасида эришган ютуқ ва камчиликларни таҳлил қилиш;

2. Тарбиявий ишларнинг мақсад ва вазифаларини аниқлаш;

3. Тарбиявий, оммавий, сиёсий ишларни режалаштириш ва уларнинг мазмунини, шакл ва усуllibарини аниқлаш;

4. Синфдан, мактабдан ташқари ишларни режалаштириш, гурӯҳлаштириш ва уларнинг мазмунини, шакл ва усуllibарини аниқлаш, бошқарувчи шахсларни аниқлаш.

Ўқувчиларнинг синфдан ташқари ишлари ўз мазмунига кўра тафаккур фаолияти ва муносабат воситаси ҳисобланади. Чунки синфдан ташқари ишларда олинган ахборот идрок этилади, қайта ишланади. Шу асосда янги билимлар ҳосил қилинади. Ўқувчилар мактабдан ташқари ишларда қатнашиб турли кишилар билан муаян муносабатга киришадилар. Турли вазиятга дуч келадилар. Шунинг

учун ҳам ўқувчиларнинг мактабдан ташқари фаолиятлари қанчалик хилма-хил бўлса, уларнинг муносабатлари шунчалик муносабат доираси кенг ва маънавий ўсиши самарали бўлади. Мактабдан ташқаридаги тарбиявий ишларда ўқувчилар жамоадаги ишларни ўрганадилар. Ижтимоий меҳнат қувончини ҳис қиласидилар. Ишлабчиқариш меҳнатига қўшиладилар. Жамоатчилик фикрига бўйсунишга, жамоа шарафи учун курашишга отланадилар. Мактабдан ташқари фаолиятга қўйидагилар киради:

1. Оғзаки иш усуслари: мајлислар, йигинлар, маърузалар, кутубхоналар, конференциялар, мунозаралар, учрашувлар, газеталар, радио ва журнallар;
2. Амалий иш олиб бориш усуслари: тури жойларга сайдётлар, спорт мусобақалари, табиатшунослар тўгараклари, шанбаликлар, янги китоблар кўргазмалари.

Тарбиявий иш педагогикадан бутун қобилиятларни ишга солишига тақозо этади. Синф раҳбарлиги курси билан мактабдан ва синфдан ташқари тарбиявий ишлар методикаси курси бир-бирига боғлиқ ва унинг давомийлигидир.

Юқорида қайд этилган топшириқларни бажариш жараёнида ўқувчилар турли қўлланмалар, асбоблар, аппаратлар, дидактик материаллардан фойдаланишни ўрганадилар, ўз-ўзини текшириш учун турли маълумот ва таянч материалларини жалб этиш кўникмаларини эгаллайдилар.

Синфдан ва мактабдан ташқари ишни режалаштириш болаларнинг ёш хусусиятларига, мактабнинг жойлашган шарт-шароитларига, ижодий бирлашмаларига, илмий марказлар билан ўзаро алоқаси каби ишларни инобатга олади. Директор ўринбосарининг фаолияти, ўз ифодасини топган хужжатлар рўйхати, ҳалқ таълими томонидан доимий равища берилади.

«Синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишлар» концепцияси ҳалқ вазирлиги томонидан 1993 йилда тасдиқланган.

Тарбиявий ишларни давр талабига жавоб берадиган ҳолга келтириш учун тарбиянинг асоси бўлган барча ғоялар қайтадан ишлаб чиқилади.

Синфдан ташқари ишларни ташкил этишда ўқитувчининг йўналтирувчи таъсири остидаги ўқувчиларнинг ўз-ўзини назорат қилиш асосига қурилган ва фан кабинетларида, кутубхонада ва уйда якка

тартибдаги режа асосида ўтказиладиган мустақил машғулотлар етакчи шаклга айланиши керак. Бунда синфдан ташқари ишда таълимнинг моддий базаси: қўшимча ва маълумотнома адабиётлари, лаборатория ускуналари, кўргазмали қўлланмалар, дидактик материаллар, техника воситаларидан оқилона фойдаланиш кўзда тутилади. Улар ўз ичига қуидагиларни олади:

- дарслик ва қўшимча адабиётлар билан ишлашнинг хилма-хил шаклларини олган, назарий билимларни ўзлаштиришни таъминловчи;
- тажрибалар, ижодий тусдаги ишларни бажаришни, асбобларни лойиҳалашни, макетлар, моделлар ва ҳоказоларни тайёрлашни олган мустақил ишлаш учун топшириқлар системаси мақсадга мувофиқдир.

Синфдан мактабдан ташқари ишлар методикаси фани ва бўлимига синф раҳбарларининг ишлари, мактаб маъмуриятининг тарбиявий ишлари киритилади. Бунда ўқитувчиларнинг ўқувчилар билан муомиласи, адолатли бўлиши, таъсир кўрсата олиши керак.

Ўқувчи ёшларни ҳозирги замон маънавияти билан онгини суроиш, яъни сингдириш керак. Ўқувчиларни қадриятларимиз асосида, урф-анъаналаримиз асосида тарбиялаш ҳар бир ўқитувчининг вазифаси.

Ўқувчи атрофини ўраб турган воситалар, яхши-ёмон одатлар, ўқитувчилар, мактабнинг муҳити, ўқувчилар тарбиясини тўғри, онгли равишда ўрганиш ва қабул қилиш. Синфдан ташқари ишларни тўла қамраб олган тўгараклар бир неча хилда бўлиши мумкин:

Тўгарак турлари:

1. Фан тўгараклари.
2. Моҳир қўллар.
3. Дурадгорлик.
4. Спорт мусобақалари.
5. Бадиий ҳаваскорлик.

Бунда асосий эътибор бола шахсига қаратилиши, йиллар давомида тўпланган ижобий тажрибадан унумли фойдаланиш зарурлигини тақозо этади.

Тарбиянинг бош мақсади ёш авлодни маънавий, ахлоқий тарбиялашда халқнинг бой, миллий маънавий анъаналарига, урф-одатлари ҳамда қадриятларига асосланган самарали ташкилий ишларни амалда ишлабчиқишидир.

Тарбиянинг асосий вазифаси- шахснинг ақлий-аҳлоқий тарбиялашда эркин фикрловчи ва жисмоний ривожланиши, унинг қобилиятларини ҳар томонлама очиш учун имконият яратишдир. Тарбиявий ишларни режалаштиришда қуйидаги педагогик талаблар мавжуд:

Мактабдан ташқари таълим муассасаларининг тўғарак қатнашчилари онгига юксак маънавий аҳлоқий фазилатлар мужассамлашган бўлиши керак. Тўғарак қатнашчиларини доимий равища фан ва маданиятнинг сўнгти ютуқларидан хабардор қилиб туриш, улар онгини ижодий ишлар ва тарбиявий тадбирлар билан банд қилиш ўрин тутади. Тўғарак қатнашчиларида мустақиллик тушунчаси шаклланган бўлиши, улар давлатимиз рамзларини, мадҳиясини, урф-одатларимизни яхши билиш керак. Мактабдан ташқари таълим ўқишиларига, ҳоҳишиларига асосланган ҳолда дарсдан бўш вақтларда ўқув тарбия жараёнини тўлдиради ва қуйидаги йўналишлар бўйича тўғарак қатнашчиларига талаблар қўйилиши керак:

1. Ватангга муҳаббат, комил инсон тарбияси;
2. Эстетик таълим;
3. Сайёҳли йўналиши бўйича тўғаракларга қатнашиш;
4. Экологик таълим йўналиши бўйича тўғараклар;
5. Ўқувчиларни маънавий аҳлоқий йўналиши бўйича;
6. Ҳуқуқий таълим йўналиши бўйича;
7. Техник ижодкорлик йўналиши бўйича;
8. Истиқлол болалари ва истеъододли ёшлар;
9. Иқтисодий таълим.

Ўқувчиларнинг мустақиллиги турли даражада бўлганида мустақил тайёргарлик амалга оширилиш мумкинлигини ҳисобга олиш мухимдир, албатта бу улар шахснинг шаклланишига шубҳасиз таъсир кўрсатади. Айрим ўқувчиларнинг ишдаги фаол ва мустақил ҳолати тарбиячининг аралашувини талаб этмайди, чунки ўқувчиларнинг ўзлари олдиларида турган вазифаларини ва уларни ҳал этиш йўлларини анча яхши тушунадилар.

Болалар тарбиячи ёрдамисиз ишлайдилар. Бу ерда тарбиячининг аралашуви мақбул эмас. Чунки бундай ҳолат болаларнинг меҳнат-севарлигини, билиш эҳтиёжларини шакллантиришда энг катта имкониятга эгадир.

Ўқувчи мустақил ҳаракат қилиб, лекин ўз ишини тарбиялашнинг

фикари ва баҳосига боғлиқ қилиб қўйган пайтда тобе мустақил ҳолат вужудга келади. Иши қизиқиши ва иштиёқ билан бажарилса ҳам мустақил ишни бажараётган ҳаракатларида ишончсизлик жиҳатлари мавжуд бўлади.

Синф раҳбарининг раҳбарлиги ва назорати остида ҳаракат қилалиганинг ўқувчилар тоифасида мажбурий ижро этиш ҳолати пайдо бўлади. Бунда ўқувчилар ишга унчалик қизиқиши билдирумайдилар. Улар кўпингча синф раҳбарининг ёрдамини сўраб мурожаат қилалилар, кучли ўқувчиларнинг қўллаб-қувватлашидан фойдаланишга интиладилар, агар бундай қўллаб-қувватлаш бўлмаса, ишни давом эттиришга иродаларини ишга солмайдилар. Бундай ўқувчиларда ташқаридан мажбур қилиш вақтида ҳаракат қилиш одати мустаҳкамланади. Агар бундай ҳолат барқарор бўлиб қолса, у ўқувчининг фақат ақли эмас, шу билан бирга маънавий ривожланишига ҳам тўсқинлик қилиши мумкин.

Мактабда ва синфдан ташқари ишлар ўқувчиларни бир-бирига ҳурмати, ахлоқий сифатлари жамоа орасида шаклланниб боради. Бунда ўқувчиларнинг бир-бирига бўлган муомала маданияти ҳам шаклланади. Ўқувчи ўқитувчига тақлид асосида ёки дўстлари орасида ўрганган тарбияси муомиласига таъсир қилиш мумкин. Ўқитувчи ўқувчилар орасида муомала-маданиятни шакллантириши учун авваламбор ўқувчининг ўзига бўлган муомаласини эътиборини ўрганиши керак.

Ўқувчи мактаб қоидаларига риоя қилиш билан бирга, ўқитувчи талабига ҳам жавоб бериши лозим. Ўқитувчи талабларига:

1. Дарсларга тўлиқ қатнашиш.
2. Ўқув қуроллари билан таъминланганилиги.
3. Ўқитувчини диққат билан эспитиш.
4. Топшириқларни ўз вақтида бажариш.
5. Ташкилий ишларга фаол қатнашиш.
6. Синф интизомига риоя қилиш.
7. Тозаликка риоя қилиш.

Синфдан ва мактабдан ташқари ишларни назоратсиз ижро этиш ҳолати расмий ижрочилик, иштиёқ ва ҳавас билан меҳнат қилишини истамаслигини яширишга интилаётган ўқувчиларда кузатилади. Бундай ҳолатнинг узоқ вақт мавжуд бўлишига йўл қўйиб бўлмайди, акс ҳолда ўқувчиларда ишига нисбатан расмий муносабат жи-

ҳатлари пайдо бўлади, бу эса уларни меҳнатдаги ташқи фаолликни йўқда чиқаради.

Синфдан ва мактабдан ташқаридаги ишларда ўқувчиларнинг хатти-ҳаракатлари олдиндан жуда қаттиқ тартибга солиб қўйилганиги хусусида эътиrozлар билдирилмоқда.

Мустақилликни тарбиялаш вазифаси қўйилмаган, боланинг ҳар бир қадами педагогнинг иродасига бўйсунган жойларида ана шундай ҳолат мавжуддир. Худди шунинг учун мустақил тайёргарлик самарадорлиги, ўқувчиларнинг мустақиллигини ривожлантириш тўғрисида ғамхўрлик қиласидан ўқитувчи, синф раҳбари ўқувчиларга таъсир кўрсатиш воситаларини пухта ўйлаб танлайдилар, уларнинг ишлари учун оқилона шарт-шароит яратишга интиладилар.

Мактаб ўқувчиларининг мустақил тайёргарлигига педагогик раҳбарлик шундай қурилиш керакки, у ўқувчиларни чарчатиб қўймасин, доим бир хил тусда бўлмасин ёки ҳаддан ташқари осон, ақлий ва иродавий куч-ғайратини сарфлашни талаб қилмайдиган бўлмасин.

Синфдан ва мактабдан ташқари ишларни ташкил этиш ва ўтказища тарбиячи энг муҳим вазифа ўқувчиларни ўқув вазифаларини ҳал этишга ўргатишдан, бунинг учун ҳаракат усуllibарини тўғри танлашдан, ўз хатти-ҳаракатларига раҳбарлик фаолиятини назорат қилишдан, мустақил иш кўникмаларини бошқа муҳим хаётий вазиятларга ўтказишдан келиб чиқишидан лозим эканлигини назарда тутиш лозим. Бунда мустақиллик мазмунига фикрлаш фаолиятининг мустақиллиги, интизом, уюшқоқлик ва ўз-ўзини назорат қилиши каби тўрт таркибий қисми киришини ҳисобга олиш муҳимдир.

Мазкур жиҳатларни шакллантириш устидан назоратни амалга ошириш синфдан ташқари ишларга раҳбарлик қилаётган ўқитувчининг муҳим ва мураккаб вазифаларидан биридир. Бунинг учун ўқувчи фаолияти натижаларини ҳисобга олишни ва бу жараённи таҳлил этишни уюштириш зарур. Ўқитувчи синф-дарс фаолияти учун хос бўлган шаклларни истисно этиб, назорат қилишнинг бир қанча усуllibарини қўллаши мумкин. Энг кучли ва қобилиятли ўқувчиларга ҳомаки ёзув билан ишлаш ҳуқуқи берилади. Унда қоида кўрсатилади, бу қоидани тасдиқловчи мисоллар келтирилади, ўқув вазифаси қайд этилади. Ёзув жуда қисқа бўлади, лекин у ўқувчи-

нинг фикрлаши қандай борганлигини кўрсатади.

Синфдан ва мактабдан ташқари ишларда ўқувчиларни айрим кўнималарга ўргатишни назорат воситаси деб ҳисоблаш керак. Ўз-ўзини текшириш, ўзаро текшириш усулларига ўргатиш ўқитувчи нинг ўқувчилар билан шундай алоқасини талаб этадики, бунда уларнинг фикрлаш иши жараёни равшан бўлади. Ўқувчиларнинг ўзлари ҳаракатни таклиф этадилар ва шу билан педагогга муаян маълумот берадилар. Синф раҳбари ишида ўқувчилар жамоасини шакллантириш марказий вазифа ҳисобланади, чунки жамоада шахсни тарбиялаш тарбиянинг етакчи тамойилидир. Болалар жамоасини шакллантириш методикаси янги педагогикада тўла ишлаб чиқилган. Бу методиканинг умумий асослари педагогика курсларида баён этилган жамоа ва жамоада шахсни тарбиялаш назариясига таянади. Жамоа назарияси қоидаларига мувофиқ уни яратиш методикаси ишлаб чиқилган. Унинг умумий асослари қўйидагилардан иборат: талаблар қўйиш, фаолларни тарбиялаш, ўқув-мехнат, ижтимоий-сиёсий ва оммавий-маданий фаолиятдаги истиқболларни ташкил этиш, соғлом жамоатчилик фикрини шакллантириш, ижобий анъаналарни яратиш ва кўпайтириш.

Таърифланган бу қоидалар ҳар қандай жамоани шакллантириш ва ривожлантириш учун қўлланма ҳисобланади.

Ўрта умуттаълим мактабларида синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишларни синф раҳбари ва тарбиявий ишлар ташкилотчиси уюштиради.

Синфда ва мактабдан ташқари ташкил қилинган ишлар ўқувчилар ҳаётидаги тарбиявий фаолиятни тўлдиради. Уларнинг дунёқараши тўғри шакланишига ва ахлоқий камол топишига кўмаклашади. Назарий билимларни амалиёт ишлабчиқариш билан боғлашишага замин яратади.

Синфдан ва мактабдан ташқари ишларга раҳбарлик қилувчи ташкилотчининг вазифалари ҳам кўп қиррали бўлиб, унга қўйидагилар киради: Дарсдан ташқари тарбиявий ишларни режалаштириш ва амалга ошириш. Ўқувчиларни мактабдан ва синфдан ташқари кўп қиррали ишларни педагогик жамоа, ўқувчилар, ташкилотлар, синф фаоллари ёрдамида йўлга қўйиш. Синфдан ва мактабдан ташқари ишлар йўналишига бевосита раҳбарлик қилган ҳолда ўқитувчилар, синф раҳбарлари, ота-оналар ўқувчилар, ташкилотчилар синф

фаолларига ёрдам кўрсатиши. Умуммактаб ва мактаблараро тарбиявий тадбирларга қатнашиш. Ўқувчиларнинг бўш вақтларини ташкил қилишда тарбия ва маданият муассасалари ҳамда жамоатчилик кучидан кенг фойдаланиш.

Бу борада ташкилотчилар фаоллигини учта асосий томонини кўриш мумкин: ташкилотчилик, умумий ва маъмурий.

Булар ўзаро узвий боғланган бўлади. Ташкилотчилик фаолиятига қўйидаги ишларни киритиш мумкин:

1. Тарбиявий ишлар соҳасида эришилган ютуқ ва камчиликларни таҳдил қилиш;
2. Тарбиявий ишларни мақсад ва вазифаларини аниқлаш;
3. Тарбиявий, оммавий-сиёсий ишларни режалаштириш ва уларнинг мазмуни ҳамда шакл усусларини аниқлаш;
4. Синфдан ва мактабдан ташқари ишларни гуруҳлаштириш бошқарувчи шахсларни аниқлаш.

Шулар асосида янги билимларни ҳосил қиласди. Ўқувчилар мактабдан ташқари ишларда қатнашиб, турли кишилар билан муаян муносабатга киришадилар. Турли вазиятларга дуч келадилар. Шунинг учун ҳам мактабдан ташқари фаолиятлари қанчалик хилмажил бўлса, уларнинг муносабатлари шунчалик бой бўлади. Мактабдан ташқаридаги ишларда ўқувчилар жамоадаги ишларини ўрганидилар.

Синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишларни мактабнинг маънавий-маърифий ишлари бўйича директор ўринбосари ўз ишини режа асосида олиб боради ва унинг бажарилишини ҳам назорат қилиб боради. Синфдан ташқари тарбиявий ишларни мактабнинг умумий режаси, ўқитувчилар, синф раҳбарлари, етакчи ота-оналар кўмитаси, иш режалари ишини ҳам зътиборга олиши керак.

Иш режа мактаб директори томонидан тасдиқланган. Иш режасида боалаларнинг ёш хусусиятларига мактабнинг жойлашган шартшароитига, ижодий бирлашмаларига илмий марказлар билан ўзаро тарқалган алоқаси каби ишларни инобатга олади. Директор ўринбосарининг фаолияти ўз ифодасини топган хужожатлар рўйхати халқ таълими вазирлиги томонидан доимий равишда бериб борилади. А.Ж.-ўраевнинг «Тарбиявий дарсларни ўтиш» рисоласида мустақиллик гояси билан боғланган тарбиявий тадбирлардан қоидаларга асосланган қонунилар белгиланган. Ижодкор раҳбар ҳамда ил xor ўқитувчи

тарбиячилар ўз фаолиятлар ижараёнида тарбиявий ишларни ташкил қилишда қуидаги тамойилларни асос қилиб оладилар:

- тарбиявий тадбирларни ўтказиш;
- маънавиятни ёш авлод онгига сингдириши эътиқодга айлантиришдан иборат эканлиги;
- тарбия жараёни миллӣ ва умуминсоний қадриятлар билан боғлаб бола қалбига ва онгига таъсир кўрсатиш;
- тарбиявий ишларни ўқувчилар жамоаси жисплаштирувчи омиллар билан бойитиб тарбиянинг таълим билан узвийлигини таъминлаш;
- тарбиявий жараёнда болаларни тарбиялаш даражасини аниқлаш ва ижобий томонларини ўстириш;
- бала шахсига хурмат ва талабчанлик;
- болаларнинг ёш ва руҳий ҳолатини ҳисобга олиш;
- тарбиявий ишларни ташкил қилиш томонлари баркамол инсонни тарбиялашда кенг имкониятларга эга бўлиб, уни қай даражада олиб бориш синф раҳбари ва тарбиячининг педагогик моҳиятига борлиқ.

#### **9-§. Синфдан ва мактабдан ташқари ишларни ташкил қилишда ташкилотчи шахсига бўлган талаблар**

Директор ўринbosари ўқувчиларга нисбатан меҳр ва муҳаббат, педагогик жамоасига ва ота-оналарга нисбатан талабчан бўлган ҳолда иш тутишда ва мунтазам ўз устида ишлаб, сабр-бардошли, ўз фикрларини пухта баён қилиб, ўзгаларни ўзига жалб қила оладиган хислатларни ўзида мужассамлайди.

Давлат ва ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган барча ҳужжатлар моҳиятини, Президент асарларини яхши билиши, уни ўқувчи-ёшлар орасида тарғиб эта олиши, ҳалқ педагогикаси анъаналарини, ўзбек ҳалқи миллӣ урф-одатлари, қадриятлари, алломалари ўйтгиларини яхши билиши лозим.

– Мамлакатимизнинг ички ва ташқи сиёсатини яхши билиши ва доимо уни ўз фаолиятида ҳисобга олиши, тарбиявий ишларни ташкил этишининг илмий асослари ҳамда янгича усул ва методларини яхши билиши;

– радио, телевидение ва оммавий ахборотнинг бошقا воситалири орқали берилган энг сўнгти янгиликлардан боҳабар бўлиши ҳамда уларнинг моҳиятини ўқувчиларга етказа олиши;

- синфдан ташқари тадбирларни тайёрлаш ва ўтказа билиши;
- туман, шаҳар, вилоят, республика миқёсида ўтказиладиган тадбирларда иштирок этиши;
- мактабда ўқувчилар билан тарбиявий ишларни олиб бораётганларга методик тавсиялар бериб бориши;
- мунтазам равишда ўз малакасини ошириб туриши, ўз соҳаси бўйича ўтказиладиган семинарларда иштирок этиши.

### Директор ўринбосарининг ҳукуқлари

Низомда белгиланган вазифалар билан боғлиқ равишда тегишли педагогик ходимларга кўрсатма беради.

Хизмат вазифаси доирасидан келиб чиқсан ҳолда синфдан ва мактабдан ташқари ишларни ташкил этиш ва янги тўгаракларни очиш масалаларини ҳал қиласди.

- синф раҳбарининг таълим-тарбия ишлари бўйича эришган ютуқларини ҳисобга олиб, уни тақдирлаш учун директорга таклиф киритиш;

- синф раҳбарларининг ўз вазифасига нисбатан масъулиятсизлиги ёки сунистъемол қилинганлиги учун директор билан келипшилган ҳолда танбеҳ бериш;

- болани яхши тарбиялаган ота-оналарни, мактабга ёрдам берган маҳалла фаолларини тақдирлаш учун директорга таклиф бериш ҳукуқига эга.

Директор ўринбосари билан қуйидаги ишлар келишилиши керак:

- синф раҳбарлари иш режасини директор билан ҳамкорликда тасдиқлаш;

- мактабда ўтказиладиган спорт мусобақалари режасини директор билан ҳамкорликда тасдиқлаш;

- турли хилдаги тўгарак ишлари режасини директор билан ҳамкорликда тасдиқлаш.

Мактаб ва мактабдан ташқари муассасаларнинг ташкилий шакллари, мазмунни ва мақсадини белгилаш бутунги кунимизнинг барча қарорларини ҳисобга олишни талаб этмоқда. Синфдан ва мактабдан ташқари мазкур тарбиявий ишлар шахс камолоти босқичларини белгилаб олишга қаратилганилиги билан тавсифланади. Мазкур муаммони ижобий ҳал этиш учун синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишлар тизимида қўйидагилар бўлиши лозим:

- улғаяёттган инсон шахсини тарбияда олий ижтимоий қадрият деб тан олиш, ҳар бир боланинг бетакорор ва ўзига хослигини ҳурматлаш, ижтимоий ҳукуқини эътиборда тутиш лозим;
- миллийликнинг ўзига хос анъана воситаларига таяниш;
- педагоглар ва ўқитувчилар ўртасида ўзаро ҳурмат муносабатларини шакллантириш;
- мактабнинг жамоат ташкилот, оталиқ қилувчи корхоналар билан алоқасини мустаҳкамлаш;
- болалар назоратсизлиги ва қонун бузилишининг олдини олиш;
- яшаш жойи бўйича болаларнинг бўш вақтини ташкил этиш;
- ўқувчиларнинг оиласларига бориш ва болаларни тарбиялашида уларга ёрдам бериш;
- ёш авлоднинг Ватанга, жамиятга ва меҳнатга, ўзига ва одамларга муносабатини англаб олишга қаратилган аҳлоқий туйғуларини тарбиялаш.

Синфдан ва мактабдан ташқари ташкил қилинган ишлар ўқувчилар ҳаётидаги тарбивий фаолиятни тўлдиради. Уларнинг дунё-қарашини тўғри шаклланишига, аҳлоқий камол топишига кўмаклашади. Назарий билимларни амалиёт ишлабчиқарип билан чамбарчас боғланишига замин яратади.

Синфдан ва мактабдан ташқари ишларга раҳбарлик қилувчи ташкилотчининг вазифалари ҳам кўп қирралидир.

Тарбиявий ишлар болаларнинг кундалик ҳаётидан олинган аниқ далиллар ва воқеаларни, бадиий адабиёт, вақтли матбуот, кинофильмлардан олинган мисолларни таҳлил этиш ҳамда муҳокама қилиш асосида ўтказилади. Бу ишларнинг хусусияти шундаки, бу болаларнинг ўзини аҳлоқий хатти-ҳаракатлари ҳақида мулоҳаза юритишга ва уларга тўғри баҳо беришга ўргатади.

Синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишлар ўқувчиларнинг дарсдан бўш вақтларидағи ўқув тарбия жараёнини тўлдиради ва кенгайтиради, ўқувчиларни мустаҳкил билим олишлари, ижобий қобилияtlарини, ташаббускорлигини оширишга имконият яратади.

Шу сабабли кейинги даврда ўқувчиларнинг дарсдан ташқари вақтларини кўнгилли уюштиришга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Синфдан ва мактабдан ташқари ташкил қилинган тарбиявий ишлар ўқувчилар ҳаётидаги тарбиявий фаолиятни тўлдиради. Улар-

ни онгли, дунёқарашини шакллантиради.

Синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишлар ташкилотчи-сининг вазифалариға қуидагилар киради:

- дарсдан ташқари тарбиявий ишларни режалаштириш ва амалга оширишни назорат қилиши;

- ўқувчиларнинг синфдан ва мактабдан ташқари кўп қиррали ишларни педагогик жамоа, ўқувчилар ташкилотлари, синф фаоллари ёрдамида йўлга қўйиш;

- синфдан ва мактабдан ташқари ишлар йўналишига бевосита раҳбарлик қилган ҳолда ўқувчилар ташкилотлари синф фаоллари-га услубий ёрдам кўрсатиш;

- умуммактаб ва мактаблараро ўтказиладиган тарбиявий тад-бирларда қатнашиш;

- ўқувчиларнинг бўш вақтларини ташкил қилишда тарбия ва маданият муассасалари ҳамда жамоатчилик кучидан кенг фойда-ланиш.

Синф жамоаси билан олиб бориладиган тарбиявий ишларнинг ҳажми, асосий йўналишлари, мазмуни ҳар бир ёш босқичда ўқув-чиларнинг психик ривожланиши даражасига мос келиши лозим.

Тарбиявий иш педагогдан бутун қобилиятини ишга солиши, тинмай изланишни тақозо этади. Чунки келажак авлод тарбияланган, уюшган, аҳил, жонажон Ватанимизнинг ҳақиқий фуқаролари бўлиши керак.

Мактабда башланғич синфларда тарбиявий ишларни олиб бориш уни йўлга қўйиш синф раҳбари ёки тарбиявий ишлар ташкилотчилари томонидан уюштирилади. Тарбиявий ишнинг асосий йўналишлари: ўқувчиларда илмий дунёқарашибосларини шакллантириш, уларни миллый истиқлол руҳида тарбиялаш; ўқувчиларнинг ижтимоий фойдали меҳнатини ташкил этиш; ўқувчиларда аҳлоқ маданиятини, уларнинг ўз ҳуқуқ ва бурчларига нисбатан онгли муносабатни тарбиялаш; ўқувчиларда ўз-ўзини бошқариш малакаларини шакллантиришdir.

Бошланғич синф ўқувчиси ва синф раҳбари фаолиятининг асосий вазифаларидан бири ўқувчиларнинг аҳил тарбиявий жамоасини ташкил этишdir.

Бошланғич жамоа иши шундай қуриладики, унда синфнинг бошқа жамолари билан алоқаси доимий равишда амалга оширилади,

умуммактаб анъаналари сақланади. Башлангич жамоа ўқитувчи-тарбиячи ва синф раҳбари, ўқувчилар ўз-ўзини бошқариш, ўз-ўзини бошқариш органлари раҳбарлигига умуммактаб ижтимоий фойдали ишлари фаолиятида иштирок этади.

Ўқитувчи ва синф раҳбари соғлом, аҳил болалар жамосини шакллантириш билан бирга доимий болалар қизиқишларини қўллаб-кувватлайдилар, уларнинг ижтимоий фойдали фаолиятини йўналтириб борадилар.

Кичик ёшли ўқувчилар жуда фаол ва ҳаракатчан бўладилар. Фаолликка интилиш бу ёшдаги болаларнинг органик эҳтиёжи. Бироқ, бунда болалар ҳали етарли ҳаётий тажрибага эга бўлмайди ва кундалик педагогик раҳбарликка эҳтиёж сезади. Башлангич синф ўқитувчиси боланинг ilk мактабдаги қадамиданоқ тарбиявий ишнинг чинаккам жамоатчилик муносабатларини яратишга имконият берадиган, болаларда бир-бирларига ғамхўр муносабатда бўлишини тарбиялайдиган, индивидуал қобилиятларни ривожлантириш учун қулай имкониятлар яратадиган усусларни танлайди.

Ўқитувчи бошлангич синфларда болаларга ўзларини қизиқтирувчи фаолият турини танлашга ёрдам беради. Бироқ, кўпинча кичик ёшдаги ўқувчилар ёш хусусиятларига кўра, ўз хусусиятларини тўғри баҳолай олмайдилар.

Болаларнинг ўсиши уларда жамоатчилик малака ва кўнимкамаларининг шаклланиб бориши билан ўқитувчи-тарбиячининг болалар жамоасига раҳбарлик қилишидаги жараёнини ўзгартириб боради.

Ўқитувчи бошлангич синфларда ёки аҳил болалар жамоасини яратиш асосида соғлом жамоатчилик фикрини яратади.

Башлангич синф ўқитувчиларининг болалар тарбиявий жамосини яратиш соҳасидаги ишини юқори синфларнинг синф раҳбарлари давом эттирадилар.

Бошлангич синф ўқитувчиси ўқувчиларни таълим ва тарбиянинг табиий шароитида, уларнинг жамоа фаолияти жараёнида ўргана дилар.

Синфдан ташқари иш ўқувчиларга бирор мақсадга қаратилган педагогик таъсир вақтини узайтиради, у ўқитувчининг дарсларда эгаллаган билимларини кенгайтириш ва чукурлаштириш, болаларниң қобилиятини ривожлантириш, уларнинг хилма-хил қизиқишларини қондириш, маданий дам олишларини уюштириш имкони-

ни беради. Синфдан ташқари иш болаларни жамият ҳаётига жалб қилишининг катта имкониятларига эга.

Бу борада ташкилотлар фаоллигини учта асосий томонини кўриш мумкин: ташкилотчилик, усулий ва маъмурий.

## 10-§ Ташкилотчи ва ўқувчиларининг ўз-ўзини бошқариш ишларининг методикаси

Маънавий-маърифий тарбия ишлари бўйича директор ўринbosари ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Таълим тўғрисида»ги, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги Қонунлар, Президент фармонлари, ҳукумат қарорлари, халқ таълими вазирлиги ва бошқа юқори ташкилотларнинг қарор, буйруқ ва меъерий ҳужжатлари талаблари асосида олиб боради.

Умумий ўрта таълим муассасаларида маънавий-маърифий тарбия ишлари бўйича директор ўринbosари (бундан кейин директор ўринbosари деб юритилади) ота-оналар ҳамда кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда ўқувчи-ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларнинг онгига она Ватанига, халқига ва унинг бугунги бунёдкорлик ишига эҳтиром билан қараш руҳида тарбиялашга раҳбарлик қилади.

Маънавий-маърифий тарбия ишлари бўйича директор ўринbosари лавозимига камида 5 йил педагогик иш стажига эга бўлган қобилиятли, маҳалла, ота-оналар ва кенг жамоатчилик ўртасида ҳурмат-эътиборга лойиқ бўлганлар туман (шаҳар) халқ таълими бўлими томонидан тайинланади ва бўшатилади.

Жамиятда юксак маънавий фазилатларни камол топтириш, миллий мағкурани шакллантириш, ёшларни бой тарихий ва маданий меросимиз, миллий анъаналаримизга, умуминсоний қадриятларга ҳурмат, Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида кенг фикрли, соғлом, жисмоний, ақлий ва маънавий жиҳатдан баркамол, иктиносидий ислоҳотларнинг моҳиятини тушунадиган ҳамда уларни янги ижтимоий муносабатлар орқали ҳаётга татбиқ эта оладиган, миллий ғоя ва истиқлол мағкураси мустаҳкам бўлган шахсларни шакллантириш директор ўринbosари фаолияти мақсадининг асосини ташкил этади.

– Ўқувчи-ёшлар дунёқарашини шакллантиришда миллий ва умуминсоний қадриятлар, халқимизнинг бой тарихий, маданий ва маънавий мероси асосида уларни ватаншарварлик, меҳнатсеварлик, инсон-

парварлик, иймон-эътиқод, меҳр-шафқатлилик каби инсоний фазилатлар мисолида ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялайди;

– «Таълим тўғрисида»ги Қонун, «Кадрлар тайёрлаш миллӣй дастури» Республика Олий Мажлиси сессияси материаллари, Президент фармонлари, асарлари, нутқлари, ҳукуматимиз қарорлари, таълим бошқаруви органлари меъёрий ҳужжатлари, талаблари асосида ўз ишини амалга оширади;

– директор ўринбосари тарбиявий ишларини режалаштиришда, синф раҳбарларининг қизиқишлари, топшириқларни қай даражада бажара олишларини ҳисобга олади;

– ўқувчиларда Ватанга муҳаббат, Ўзбекистои Республикаси Президенти, Конституцияси ва Давлат рамзларига садоқат ҳисларини тарбиялайди;

### **11-§ Мактабда ўқувчиларнинг ўз-ўзини бошқариши**

Ўқувчиларнинг ўз-ўзини идора қилиш органлари фаолиятида қатнашуви уларнинг ижтимоий фаоллик сифатларини шакллантиришнинг таъсирчан воситасидир. Бу болалар ва ўсмирларнинг фуқаролик, демократия борасидаги тушунчаларини кенгайтиради,

Ўз-ўзини идора қилиш – ташаббускорлик ва мустақиллик мактабидир. Ўқувчилар ўз-ўзини бошқаруви ўқувчилар томонидан фан ва машғулотларнинг тўлиқ ўзлаштирилишига, бирор касб ўрганишига, Ватанга садоқат руҳида тарбияланишига, Ватан ҳимоячиси бўлишига мактабдан ташқари тарбиявий ишларда, Давлат, жамоат мулкини кўз қорачиридай асраршга, табиатни муҳофаза этишга кўмаклашади.

Ўз-ўзини бошқариш ўқувчиларни мустақил ҳаётга, турмуш ва жамиятга мос қилиб тарбиялаш, таълим муассасасида маънавий муҳитни сақлаш, маъмуриятга қўшимча таълим олиш учун ўқувчилар талабномасини шакллантиришда кўмаклашади.

Ўқувчилар ўз-ўзини бошқаруви аъзолари мактаб ва мактабдан ташқари таълим муассасаларида ўtkазилаётган барча тадбирларда, танловларда, хоналарни жиҳозлашда фаол иштирок этадилар.

Мазкур бошқарув ташкилотчилик иши кўнинмаларини тарбиялайди, умумий ғоялари билан аҳил, жипслашган ўқувчилар жамоасини тузади. Ўқувчилар ўз-ўзини идора қилиш тизими мактаб ўқувчилари (жамоаси) томонидан ўзининг фаолиятида демократик фолият тарзларини чуқур ўзлаштириш учун қулай шароитлар яратади.

ди. Бу түғри тақсимлаш, ижро устидан ҳисобот ва назоратни йўлга қўйиш, ҳаракатлар, ташаббускорликнинг уйғулигини таъминлаш, мусобақалар уюштириш, ўз зиммасига масъулият олиш каби кўник-малардан иборат. Тарбияланувчилар давримиз кишиси учун зарур бўлган қатор ахлоқий сифатларни, чунончи, жамоат ишига ва унга қўшадиган улуши учун шахсий масъулият, жамоа манфаатларига содиқлик, ўзаро муносабатларнинг қатъилик, талабчанлик, жамоат ташаббусини қўллаб-қувватлаш каби сифатларни эгаллади.

Мактабда ўқувчиларнинг мустақил фаолияти, барча педагогик жамоа бу ишга маънавий тайёр бўлсагина ўқитувчилар ва ўқувчилар ўртасида ўзаро чуқур ҳурмат, хайриҳоҳлик, ишонч бўлган шароитдагина ташкил этилиши мумкин. Ҳеч қандай соҳталик ва сунъ-ийлик бўлмаслиги керак. Барча ўз-ўзини идора қилиш ташкилотлари ўз фаолияти юзасидан вақти-вақтида ҳисобот бериб туриши, сўз ва иш бирлиги сақланиши, ҳар ким ҳуқуқлари ва вазифаларини бажаришда ижтимоий рағбатлантирилиши эътиборда бўлиши керак. Бунда, албатта, болаларнинг Республика болалар ва ўсмирлар уюшмалари билан ҳамкорлиги катта аҳамиятга эгадир.

## 12-§ Истеъдодли болаларни аниқлаш ва уларни тарбиялаш

Истеъдоднинг ўз вақтида намоён бўлиши, тарбияга ва қўллаб-қувватлашга боғлиқdir. Ҳар қандай жамиятта истеъдодли шахслар зарур. Шу нуқтаи назардан истеъдодли болаларни аниқлаш, тарбиялаш ва ўқитиш республиканинг бўлажак ақл-заковатли ва ижодий фикрловчи кучларни тайёрлашнинг ягона манбаидир.

Ижодий қобилияtlар ривожини самарали амлга ошириш учун ўқувчилар истеъдодини аниқ таҳлил этиш, болаларнинг ўзига хос психологик жиҳатларини ва фазилатларини ҳисобга олиш зарур.

Турли ёшдаги истеъдодли ўқувчиларни намоён этишда ҳозирги кунда, аввало мактаб педагогика жамоаси руҳий-диагностика тажрибалардан унумли фойдаланишлари зарур.

Бунда «Республика Истеъдод Маркази» ходимлари билан ҳамкорлик қилиш муҳим аҳамиятга эга. Истеъдод маркази ходимлари-нинг фаолияти тажрибасидан фойдаланиш, уларнинг истеъдодини аниқлашга мўлжалланган психологик тадбирларини педагогик тажрибалар билан ҳамоҳанг ишлабчиқиши лозим.

Бу соҳада «Улугбек», «Умид», «Олтин мерос», «Устоз» жамғармалари билан ҳамкорликда иш олиб бориш керак.

Ёшлар истеъдодининг намоён бўлишига қобилиятларни аниқ таҳлил этиш, боланинг ўзига хос фазилатларини ҳисобга олиш ижодий қобилиятлар ривожини самарали амалга ошириш учун зарур. Қобилиятларни ривожлантириш учун даража ва босқичлари янгича муносабатлар билан боғлиқ бўлади.

Қобилият маълум бир даражада исталган ўқувчида шаклланган бўлиши мумкин. Қобилият ташкил этилган тарбия ва ўқув жараёни шароитларида ривожлантирилади.

Ўқувчи ёшлар қобилиятини ривожлантириши мақсадида истеъдод ва иқтидорни онгли рағбатлатириш, мукаммаллик учун шароит яратиш, уларнинг ижобий қизиқишлари ранг-баранглигини ошириш, турли кўргазмали тадбирларда иштироқ эттириш, олимпиадалар, танловлар, учрашувларга жалб этиш лозим.

Истеъдодли болаларнинг таниқли олимлар лабораторияларида шуғулланиши, шоир, ёзувчи, рассом каби санъат намоёндалари билан ҳамкорлик қилишни ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга.

Болалар ижодий қобилиятларини ривожлантиришда оила ва муҳитнинг аҳамияти юксак. Айниқса республиканинг қишлоқ жойларида иқтидорли болаларни излаш, топиш ва уларнинг таълим ва тарбиясини мунтазам равишда тўғри йўлга қўйиш муҳимдир.

Истеъдодли болаларни жойларнинг ҳудудий хусусиятларини ҳисобга олиб, ижодий камол топтиришда диагностик услубиятлар, ўқув режалари ва ўқув услубий, тарбия ва таълим дастурлари билан таъминлаш лозим.

Шунингдек, иқтидорли болаларни излаш, топиш ва тарбиялаш учун замонавий моддий-техник ва молиявий жиҳатдан тўлиқ таъминот зарур.

Истеъдодли болалар саломатлигини муҳофаза қилиш учун уларни руҳий зарбалардан асраш йўлларини аниқлаш, руҳан ёрдам кўрсатиш, руҳий хаяжонланиш ҳолатларини ўрганиш – уларнинг ижодий қобилиятларини ривожи учун шароит яратиш бўйича тавсиялар ишлабчиқиши даркор.

Ушбу вазифаларни амалга ошириш учун таркибига Ҳалқ таълими, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирликлари ходимлари, етакчи олимлар ва мутахасислар, ижодкорлар, амалиётчи ўқитувчилар, тўғарак раҳбарларидан иборат Республика методик кенгаши тузулиши лозим.

Турли ёшдаги гуруұлар истеъдодларни қидиришнинг умумий дастури зарур. Оммавий ўқув юртларида бўлганидек, мактабдан ташқари таълим муассасаларида ҳам бу борада ўқув дастури режаларини ишлабчиқиши керак бўлади.

Истеъдодли болаларни аниқлаш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлаш қуидаги омилларга боғлиқ:

- ушбу аниқлашнинг ижтимоий аҳамиятини, республиканинг заковати, ижодкорлиги, куч-кудратини тайёрлашнинг истиқболи билан боғлиқлигини тушунишга;

- руҳий диагностик услугият, услугий материаллари бўлгани ҳолда турли ёшдаги гуруұларда аниқлашнинг умумий дастурлари яратилишига;

- истеъдодли болалар (махсус тайёрланган режалар, дастурлар ва илмий асосланган услугият ва ҳоказо бўйича) билан ишлаш учун ихтинослашган муассасаларнинг ягона тармоғини тарғиб этишга;

- оммавий ўқув юртларида истеъдодли болалар билан ишлаш учун зарур ўқув-дастурний қўлланмаларини ишлабчиқишига;

- жойларда махсус гуруұлар томонидан ишлаб чиқилган ҳалқ таълими, давлат ва жамоат муассасалари, ижодий уюшмалар томонидан тасдиқланган дастурларга (бу дастурларда истеъдодли болалар билан ишлашнинг истиқболлари ва босқичлари, ўз ҳудудида бундай фаолият ва кўпгина бошқа тадбирлар учун маблағ ажратиш, уларни таъминлашга);

- қўйилган вазифаларни ҳал қилишга кенг жамоатчилик диққатини жалб қилишга, республика методик кенгашининг тузилишига (бу кенгаш таркибиغا Ҳалқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, ҳалқ таълим бошқарув органлари ҳодимлари, етакчи олимлари ва мутахассислари, ижодий уюшмалар, амалиётчи ўқитувчи, мактабдан ташқари таълим муассасалари тўтарак раҳбарлари кирадилар);

- илмий тадқиқотлар мактаблар учун меъёрий ҳужжатлар, синф ишланмалари мажмуига, истеъдодли ўкувчилар ҳақида маълумотлар манбанини яратишга, уларни ўқитиш ва тарбиялашнинг (табақа-лаштириш, индивидуаллаштириш, инсонпарварлаштириш) ягона услугий асосини яратишга боғлиқ.

Истеъдодли ва иқтидорли болаларнинг ўқитувчи ҳамда тарбиячилари алоҳида истеъдодлар учун турлича ўқув режа ва дастурла-

рига эга бўлишлари мақсадга мувофиқ.

– Иқтидорли болалар ва истедодли ёшларни аниқлаш ва ўқитиши услубияти, психологик-педагогик ва ташкилий шароитларини яратиш. махсус ўкув дастурлари ва тизимли педагогик технологиялар ишлабчиқиши учун энг яхши педагог ва олимларни фаол иштироқини таъминлаш;

– Иқтидорли болалар ва истеъдодли ёшларни чет элларда умумий ва касбий жиҳатдан тайёргарликдан ўтказишга қаратилган собит қадам фаолиятни амалга ошириш. Академик лицейларнинг ўқувчиларига, биринчи навбатда иқтидорли, юксак истеъдод соҳибларига, билимнинг тегишли соҳалари ва фаннинг аниқ йўналишлари бўйича ўз табиий қобилияtlарини намоён этиш ва ривожлантириш, ўзларидаги ноёб истеъдодни рўёбга чиқариш учун кенг имкониятлар яратиш.

## **Умумтаълим мактабида маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарининг бир йилга мўлжалланган иш режаси**

### **1. Ташкилий ишлар**

№	Бажариладиган ишлар	Вақти	Масъул
1	Мактабнинг умумий иш режасини тузиш ва уни бажаришда қатнашиш	август	Мактаб директори, маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари
2	Мактаб атрофини, йўлакларини, хоналарини таълим-тарбия фаолиятини жавоб берадиган ҳолатга келтириш	йил давоми-	Мактаб маъмрияти, синф раҳбарлари
3	Биринчи ва сўнгти қўнғироқ тантаналарини ўтказиш	да сентябр,	Мактаб жамоаси
4	Ўқувчиларни дарсликлар билан таъминлаш	май сентябр	Кутубхоначи, синф раҳбарлари

5	9-11 синфларни битириб кетгандын битирудукчилар билаң ишлеш	июн, июл, август	Мактаб маъмурияти ва синф раҳбарлари
6	Мактаб ховлисими микроучасткачаларга бўлиш	сентябр	Мактаб директори, маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари
7	Мактабнинг педагогик кенгашини ишида мунтазам қатнашиш, унда ўз соҳасига оид долзарб масалаларни ҳал этилишини таъминлаш	ҳар чорак сўнгига	Комиссия аъзолари, синф раҳ., ота-оналар қўмитаси аъзолари, маҳалла фаоллари
8	Мактабнинг «Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияси», «Касб-ҳунарга йўналтириш ишлари бўйича комиссияси», «Синф раҳбарлари метод бирлашмаси», «Ота-оналар қўмитаси» фаолиятини такомиллаштириш	ўқув йили давомида	Мактаб маъмурияти, пед. жамоа
9	Тарбиявий соатларни талаб дарражасида ўтилишини назорат қилиш	йил давомида	Мактаб маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари
10	Мактаб, синф ота-оналар мажлисларини ўз вақтида ўтказиш	режа асосида	Мактаб маъмурияти, синф раҳбарлари
11	Ўқувчиларни қизиқишиларига кўра тўғаракларга жалб қилиш ва улар фаолиятини мунтазам равишда назорат қилиб бориш	йил давомида	Мактаб психологи, маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари
12	«Менинг мактабим-менинг фаҳрим» кўрик -танловини мунтазам равишда низом асосида ўтказиш	ўқув йили давомида	Мактаб маъмурияти, синф раҳбарлари
13	«Ўз-ўзини» бошқариш кунларини ўтказиш	ҳар ойда	Мактаб маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари, синф раҳбарлари, фан ўқитувчилари

14	Мактаб ички тартиб қоидаларини ишлабчиқыш ва улар ўз вақтида бажарилишини мунтазамравищда назорат қилиб бориш	ўқув йили давомида	мактаб маъмурияти, синф раҳбарлари
15	Умумхалқ байрамлари, тарихий шахслар таваллудига бағишлинга тадбирларни кўтаринки руҳда нишонланишини ташкил этиш	Белгиланган кунларда тақвимга кўра	Мактаб маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари, синф раҳбарлари, фан ўқитувчилари, «Камолот» ЁИХ
16	Ўқувчиларнинг ўзлаштириш сифати, давомати, ўқув анжомларининг сақланиш аҳволини назорат қилиш	ўқув йили давомида	Мактаб маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари синф раҳбарлари
17	Кам таъминланган, тарбияси оғир, жиноятчиликка мойил бўлган ўқувчиларни аниқлаш, васийлик ва хомийликда ўқувчилар билан алоҳида режа асосида иш олиб бориш	ўқув йили давомида	ХТБ, ВЕОХООГ, мактаб маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари, психолог, синф раҳбар маҳалла фаоллари
18	Ташкилий диктантлар, иншолар кўрик-тандовларини ўтказиши	мунтазам	Мактаб маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари
19	Юқори ташкилотлардан келган ҳужжатлар билан ишлаш, уларнинг бажарилишини таъминлаш	мунтазам равищда	Мактаб маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари
20	Ўқувчиларни йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилишларини таъминлаш, ЙҲҲ дарсларини ўтилишини назорат қилиш	мунтазам равищда	ДАН ҳодимлари, мактаб маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари, ЙҲҲ фани ўқитувчилари
21	«Сардорлар кенгаши» фаолиятини такомиллаштириш ва ундан самарали фойдаланиш	мунтазам равищда	Мактаб маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари, етакчи, синф раҳбарлари сардорлар Туман
22	Ўқувчилар орасида ҳукуқбузарлик, гиёҳвандлик, ўз жонига қасд ва суиқасд қилиши, шунингдек, диний экстремизм олдини олишига қаратилган тадбирларни мунтазам равищда ўтказиб бориш	ўқув йили давомида	ХТБ, ИИБ ва ВЕОХООГ ҳодимлари, туман прократураси, туман ССБ ҳодимлари, диний идоралар, миллий ҳавфсизлик қўмитаси, мактаб маъмурияти

23	Ёш ўқитувчилар, ижодкор ўқитувчилар билан ишлаш	мунтазамравишда	Мактаб маъмурияти Мак-
24	«Йилнинг энг яхши матнавий-маърифий ишлари бўйича директор ўринбосари» кўрик-тавловига тайёргарлик кўриш ва қатнашиш	апрел, май	таб маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари
25	Хомийлар ва шифокорлар давлат дастурини бажарилишини тъзимлаш	йил давомида	Мактаб маъмурияти
26	«Ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланинча педагог кадрлар салоҳиятини ошириш» ўқув йилида мактабдаги педагогик жамоани билим савиасини тўлиқ ширишга эришиш	ўқув йили давомида	Мактаб маъмурияти
27	Маънавий-маърифий йўналишдаги ютуқлар, амалга оширилётган ишларни маҳаллий матбуотда ёритиб бориш	ўқув йили давомида	Мактаб маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари
28	Бажарилган ишлар ҳисоботини тайёрлаш ва таҳлил қилиш	ҳар чоракда	Мактаб маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари

## 2. Синф ва тўғарак раҳбарлари билан ишлаш

№	Бажариадиган ишлар	Вақти	Масъул
1	Синф ва тўғарак раҳбарларининг йиллик иш режаларини тузишида ёрдам бериш ва йўналтириш	август	Мактаб маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари
2	Синф раҳбарлари метод бирлашмаси ишини ташкил этиш ва мунтазам назорат қилиб туриш	Ўқув йили мобайнида	Мактаб маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари методик кенгаш раиси
3	Ўқувчиларниң қизиқишлирдан келиб чиқсан ҳолда фан тўғаракларига, мактабдан	Ўқув йили мобай-	Мактаб маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари

	ташқари таълим муассасалари га жалб қилиш	нида	
4	Синф ва тўғарак раҳбарларининг иш режаларини бажарилишини ва журналларни талаб даражасида юритилишини назорат қилиши	Ўқув йили мобайнида	Мактаб маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари, психолог, фан ўқитувчилари, синф раҳбарлари
5	Ўқувчиларнинг бўш вақтларини фойдали машғулотлар билан тўлдиришда амалий ёрдам кўrsatiш	Ўқув йили мобайнида	Мактаб маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари
6	Синф раҳбарларига ўқувчилик билан бирга ўтказиладиган тарбиявий ишлар самарадорлигини ошириш учун педагогик ва методик тавсиялар бериш	Ўқув йили мобайнида	Мактаб маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари
7	Тажрибали синф ва тўғарак раҳбарларининг фаолиятини оммалаштириш ва уларни рағбатлантириш	Ўқув йили мобайнида	Мактаб маъмурияти
8	Тарбиявий соатлар (тўғарак машғулотлари) режа асосида ва талаб даражасида ўтилишини назорат қилиш	Ўқув йили мобайнида	Мактаб маъмурияти
9	Ноанъанавий усолуда тарбиявий соат (тўғарак машғулоти) ишланмаси кўрик танловини ўтказиш	Март	Мактаб маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари

### Ота-оналар ва маҳалла фаоллари билан ишлаш

№	Бажариадиган ишлар	Вақти	Масъул
1	Мактаб, синф ота-оналар қўмиталари фаолиятини Низом асосида ташкил этиш	сен-тибрь	Мактаб маъмурияти, синф раҳбарлари
2	«Ота-оналар университети» иш самарадорлигини ошириш	Ўқув йили давомида	Мактаб маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари, синф раҳбарлари

3	Ота-оналар, маҳалла фаолиятини тарбиявий масалаларини ҳал этилишига йўналтириш	Ўқув йили давомида	Мактаб маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари, синф раҳбарлари
4	«Очиқ эшиклар куни»ни ўтказиш	Ҳар ойнинг биринчи пайшанбаси	Мактаб жамоаси
5	Мактаб ички назорат ишларига ота-оналар қўмитаси ва маҳалла фаолларини кенгроқ жалб қилиш	Ўқув йили давомида	Мактаб маъмурияти, синф раҳбарлари Мактаб маъмурияти, синф раҳбарлари
6	Мактабнинг оммавий тадбирларини ўтказишига ота-оналар ва маҳалла фаолларини жалб этишини давом эттириш	Доимий равиша	Мактаб маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари, синф раҳбарлари
7	Маҳалла ободончилиги ишларида кўмаклашиш	Доимий равиша	Мактаб маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари, синф раҳбарлари
8	«Мактаб, оила ва маҳалла ҳамкорлиги» концепциясини амалга ошириш	Доимий равиша	Мактаб маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари, синф раҳбарлари

**Қонун бузилишлари ва жиноячиликни олдини олиш бўйича амалга ошириладиган ишлар**

№	Бажариадиган ишлар	Вакти	Масъул
1	Мактабда мавжуд тарбияси оғир жиноячиликка мойиллиги бор ўқувчилар билан ишлаш режасини тузиш	сентябрь	Мактаб маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари, синф раҳбарлари
2	Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва назоратсизликнинг олдини олиш, уларнинг келиб чиқиши сабаблари ни аниқлаш, бола ҳуқуқлари ва	Ўқув йили давомида	Мактаб маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари, синф раҳбарлари

	қонуний манфатларини ҳимоя қилиш мақсадида тарбияси оғир, ҳукуқбузарликка мойил ўқувчиларни аниқлаш, улар билан олиб борадиган тарбиявий ишлар самарадорлигини ошириш	Уқув йили давомида	Мактаб маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари, синф раҳбарлари
3	Ўқишидан бўйин товлаб юрган вояга етмаганларни аниқлаш, уларни мактабга қайтариш юзасидан амалий ишлар олиб бориш	Ўқув йили давомида	Мактаб маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари, синф раҳбарлари
4	Нотиҷи, носорлом оиласларни, фарзандларнинг тарбиясига салбий таъсир кўрсатадиган, гиёҳвандликка, ичкиликка ружу қўйган, турли диний оқимларга кириб қолган отоналарни аниқлаш, улар билан ишлаш	Ўқув йили давомида	Мактаб маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари, синф раҳбарлари
5	Диний экстремизмни асл моҳиятини кўрсатадиган маърузалар, ҳукуқ таргибот ҳодимлари, дин арбоблари билан учрашув ўтказиш	Ўқув йили давомида	Мактаб маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари, синф раҳбарлари
6	Вояга етмаганларнинг оиласий шароитини, юқтимоий аҳволини, таъминланганик даражасини ўрганиш ва ушбу ишлар бўйича доимий назорат олиб бориш	Ўқув йили давомида	Мактаб маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари, синф раҳбарлари
7	Мактабда вояга етмаганлар орасида жиноятчиликнинг ва қонунбузарликнинг олдини олиш бўйича олиб борилаётган ишларини мактаб пед кеягашида кўриб чиқиши	Чоракда	Мактаб маъмурияти, ХТБ, ИИБ, прокуратура, фуқаролар йигинлари
8	Ешларни жиноятта ва ҳукуқбузарликка жалб	Ўқув йили	Мактаб маънавий-маърифий ишлар бўйича

	қылаётган шахсларни аниқлаш, уларга қонунда белгиланган чораларни күриш	равиша	директор ўринбосари, синф раҳбарлари
9	Туман прокуратураси, ИИБ ВЕОХООГ, туман ҳокимлиги қошидаги вояга етмаганлар комиссияси, маҳалла, қишлоқ фуқаролар йигинлари билан ҳамкорлик ўрнатиш	Мунтазам равиша	Мактаб маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари, синф раҳбарлари
10	Тарбияси оғир, жиноятчиликка моиллиги бор ўкувчилар билан алоҳида самимий суҳбат ўтказиш, уларнинг хоҳиш-истак, қизиқишларини, муоммоларини аниқлаш.	Доимий равиша	Мактаб маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари, синф раҳбарлари
11	Тарбияси оғир, жиноятчиликка моиллиги бор ўкувчиларни аниқлаган, қизиқиш-ларига кўра 100% мактабдаги, мактабдан ташқари таълим муассасаларидағи тўгарак-ларга, жалб қилиш, ҳунарманд усталирга бириктириш ва назоратда тутиш.	Доимий равиша	Мактаб маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари, синф раҳбарлари
12	Тарбияси оғир, жиноятчиликка моиллиги бор ўкувчилар билан ишловчи тарбиячи ўқитувчиларни ПОТРОНАЖ усулида ишлапга	Доимий равиша	Мактаб маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари, синф раҳбарлари
13	жалб этиш Директор хузуридаги йигилишида, тарбияси оғир, жиноятчиликка моиллиги бор ўкувчиларга бириктирилган тарбиячи ўқитувчиларнинг ҳисобатларини тинглаш	Харчорак якунида	Мактаб маъмурияти
14	Ўкувчиларнинг ёзги таътил мавсумида вояга етмаганлар орасида ҳукуқбузарликни олдини олиш бўйича ишлар олиб бориш	июл-август	Мактаб маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари

15	Вояга етмаганлар билан олиб борилаётган ишларини маҳаллий матбуот саҳифаларида кенг ёритиб бориш	Уқув иили давомида	Мактаб маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари
----	--	--------------------	---

## Кам таъминланган оила фарзандлари бўлган ўқувчилар билан ишлаш

№	Бажариадиган ишлар	Вақти	Масъул
1	Кам таъминланган оила фарзандлари бўлган ўқувчилар рўйхатини тузиш ва улар билан ишлаш режасини аниқлаш	Сентябр	Мактаб маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари,
2	Кам таъминланган оила фарзандлари бўлган ўқувчиларни мактаб фондидан дарслик ва ўқув жиҳозлари билан имкон даражасида таъминлаш	Сентябр	Мактаб маъмурияти ва синф раҳбарлари
3	Хукумат қарорларига асосан ушбу тоифадаги ўқувчиларга уст-бош, кийим-кечак тарқатилишини қатъи назорат қилиш	Октябр ноябр	Махсус комиссия
4	Туман ижтимоий таъминот бўлимининг кам таъминланган оила фарзандлари бўлган ўқувчилар оилларига қонунда белгиланган нафақаларни расмийлаштиришига ёрдам бериш	Ўқув иили давомида	Мактаб маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари, ота-оналар қўмитаси раиси
5	Кам таъминланган оила фарзандлари бўлган ўқувчиларни тўғракларга ва маҳалларнинг уста-хунармандларига бириткириш	Ўқув иили давомида	Мактаб маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари, синф ва тўғрак раҳбарлари, маҳалла фаоллари
6	Мазкур ўқувчиларни газета-журналларга обува бўлиш, ўлкашунослик экспурсияла	Ўқув иили давоми	Мактаб маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари, синф ва

	рига қатнашишларига оталик ташкилотларининг ёрдмини ташкил этиши	да	тўғарак раҳбарлари, оталиқ ташкилотлари
7	Кам таъминланган оила фарзандлари бўлган ўқувчиларнинг ўқиши ва ҳулқини назорат қилиш	Мунтазамравишда	Мактаб маъмурияти

**«Камолот» ЁИҲ ва «Камалак» болалар ташкилоти билан ишлаш**

№	Бажарилигани ишлар	Вақти	Масъул
1	Мактабнинг «Камолот» ЁИҲ ташкилоти ва «Камалаю» болалар ташкилоти билан тенг ҳуқуқли ҳамкорлик муносабатини ўрнатиш	Сентябр	Мактаб маъмурияти етакчи
2	«Камолот» ва «Камалаю» ташкилотларининг мақсад ва вазифаларини мактаб ўқувчилари орасида кенг тарғиб этиши	Доимий равишда	Мактаб маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари, етакчи сардорлар.
3	«Камолот» ва «Камалаю» фаолларини мактабнинг таълимий, маънавий ва маърифий йўналишдаги тадбирларга кенгроқ жалб этиши.	Доимий равишда	Мактаб маъмурияти
4	«Камолот» ЁИҲ фаолларига ўқувчи-ёшлиарнинг бўш вақтларини мазмуни ва фойдали машгулотлар билан тўлдиришга амалий ёрдам бериш	Ўқув иили давомида	Мактаб маъмурияти етакчи
5	«Ўзини-ўзи бошқариш» кунларини ўтказиш	Ўқув иили давомида	Мактаб маъмурияти
6	Синф «Камолот» ЁИҲ ташкилотлари сардорларидан ташкил топган «Сардорлар кенгаши»дан унумли фойдаланиш	Ўқув иили давомида	Мактаб маъмурияти

7	«Камолот хафталиқ»ларини ўтказиш давомида ташкилот фаолларига мустақил иш олиб боришларига, ўзини-ўзи бошқариш учун имконият яратиш	Мунтазамравишда	Мактаб мъмурити
---	---	-----------------	-----------------

## Спорт ва жисмоний тарбия ишлари

№	Бажариадиган ишлар	Вақти	Масъул
1	«Болалар спортини ривожлантириш» давлат дастури доирасидаги тадбирларни амалга ошириш	Доимий равишда	Ота-оналар кўмитаси, мактаб пед жамоаси, «Камолот» ЁИХ, маҳалла фаоллари
2	«Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларини Низом асосида 1-4, 5-7, 8-9 ташкил этишини назорат қилиш, пухта тайёргарлик кўриш ва юқори натижаларга эришиш учун замин тайёрлаш.	март-апрел	Мактаб маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари, жисмоний тарбия ўқитувчилари
3	Кўшни мактаб ва кўшни маҳалла болалари билан оммавий спорт мусобақалари ўтказиш	Укув йили давомида	Мактаб мъмурити, жисмоний тарбия ўқитувчилари
4	Жисмоний тарбия дарсларини ва мактабда фаолият кўрсатгандан спорт тўтарак-секциялари ишини қатъи назорат қилиш	Укув йили давомида	Мактаб маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари
5	Спорт соҳасида эришилган ғалабаларни маҳаллий матбуот саҳифаларида ёритиб бориш	Укув йили давомида	Мактаб маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари
6	Спортни тарғиб қилувчи стендлар, фотоальбомлар чиқариш	Укув йили давомида	Жисмоний тарбия ўқитувчилари
	Ўқувчиларнинг жисмоний тайёргарлик ахволини мактаб пед кенгашида муҳокама килиш	IV – чоракда	Жисмоний тарбия ўқитувчилари

## Экологик тарбия

№	Бажариадиган ишлар	Вақти	Масъул
1	Экологик мавзуда очиң тарбиявий тадбирлар ўтказиш	Үкув иили давомида	Синф раҳбари, биология ўқитувчиси
2	Маҳалла ҳудудидаги экологик муаммоларни аниқлаш ва уларни имкон даражасида бартараф этишга қаратилган тадбирларни амалга ошириш	Үкув иили давомида	Мактаб маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари, «Камолот» ЁИХ, синф раҳбарлари
3	Атроф мұхитни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришга қаратилган хайрия шанбалик, хашарлар ўтказиш	Үкув иили давомида	Мактаб пед жамоаси
4	«Экосан» фондига маблағ ишлаб тошиб ўтказилишини ташкил этиш	Ҳар ярим йиллик да	Мактаб маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари
5	Мактабда экологик бурчак ташкил этиш	1-ярим йиллик	Мактаб маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари
6	Экологик мавзуда маҳсус режа асосида тадбирлар, давра суҳбатлари ўтказиш	Доимий равища	Жисмоний тарбия ўқитувчилари
7	«Экология болалар нигоҳида» расмлар кўргазмасини ташкил этиш	Апрель	Жисмоний тарбия ўқитувчилари

## Хуқуқий тарбия ишлари

№	Бажариадиган ишлар	Вақти	Масъул
1	Ўкувчиларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қаратилган турли беллашув, мусобақа ва кўрик танловлар ўтказиш	Ўкув иили давомида	Мактаб маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари, «Камолот» ЁИХ, фан ўқитувчилари
2	Ўкувчиларни қизиқтирган мавзулар бўйича давра суҳбатлари ва учрашувлар ташкил этиш.	Ҳар чорақда	Мактаб маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари,

				«Камолот» ЁИХ, фан үқитувчилари
3	Үкувчилар орасида ҳуқуқбу- зарликни олдини олиш мақсадида ҳуқуқ-тарғибот органдлари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш.	Ҳар чорақда		Туман ирекретураси, ИИБ, ХТБ ходимлари, мактаб маънавий- маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари.
4	Ҳуқуқий тарбияга оид кўргаз- малар, стендлар, альбом ва буклетлар тайёрлаш	Доимий равиш- да		Мактаб маънавий- маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари, «Камолот» ЁИХ, фан үқитувчилари, синф раҳбарлари
5	Мактабда юхтимоий- ҳуқуқий фанлар ўтилишини назорат қилиш	Доимий равишда		Мактаб маъмурияти
6	Ўкувчиларнинг ҳуқуқий тарбия бўйича билимларини синаш мақсадида «Сиз қонунни биласизми?» кўрик- танловини ўтказиш	Март- апрел		Мактаб маънавий- маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари.

## П. БҮЛІМ.

### СИНФ РАҲБАРИ ИШИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИШ МЕТОДИКАСИ

#### 1-§ Синф раҳбари ишининг мақсади ва вазифалари

Синф раҳбари деганда ўқувчиларни бир хил савијада, бир хил ёшда, билими жиҳатидан ҳам тенг бўлган жамоани бошқариб турвчи педагог синф раҳбари деб аталади.

Синф раҳбарининг асосий мақсади, ўқувчиларини тўғри тарбиялаш жараёнида ўқувчи ва синф раҳбари билан бир-бирини тушуна олиши ва синф раҳбари томонидан ўқувчиларга эътиборлироқ бўлишдир.

Мактабда ўқувчиларга тарбия синф раҳбарининг ишлари орқали берилади. Жумладан, тадбирлар, мушоиралар, ҳар хил кечалар, учрашувлар, танловлар ва бошқа ўйинлар орқали ўқувчиларга таълим тарбия берилади. Шунга қараб ўқувчиларнинг фикрлари қобилияти ривожланиб боради.

Синф раҳбари мактаб маъмурияти билан биргаликда ва маҳалла жамоаси, ота-оналар билан ҳамкорликда тарбиявий ишларни олиб боради. Мактаб маъмурияти синф раҳбари ва унинг олиб бораётган ишларини доимо қўллаб-куватлашлари лозим. Чунки синф раҳбари ўз ўқувчиларини яхши билади ва уларни тарбиялаш учун нималар кераклигини ҳисобга олиб иш юритади. Синф раҳбари ишини маънавият ва маърифат ишлари бўйича, яъни ташкилотчи директор ўринбосари бошқариб туради.

Синф раҳбарининг иш режасини мактаб директори ва директор ўринбосари тузади ва назорат қилиб боради.

Бошлангич синф мактаб таълимининг дастлабки босқичи бўлиб, унда болалар ўқитувчи раҳбарлигида таълимда биринчи қадам қўядилар. Ўқув фаолиятида билим, кўникма ва малакаларни эгаллайдилар. Ўқитувчи синф билан ёлғиз ишлайди ва кўпинча тарбиячи сифатида иш юритади.

Ўқитувчилик фаолияти болаларга бўлган муносабатда, катта меҳрибонлиги билан, ғамхўрлиги билан характерланади. Булар эса ката талабчанлик билан олиб борилади. Ўқувчилар билан бўладиган ўзаро муносабатларни тўғри йўлга қўйиш ҳамда ўқувчиларнинг ўсиши ва ривожланишига қараб уларни тарбиялаш синф раҳбари /

учун муҳим аҳамиятга эга.

Бунда ўқитувчилар томонидан ўқувчиларга педагогик талаблар беришга зришади, ота-оналар, куни узайтирилган группа тарбия-чилари жамоатчилик билан доимо алоқа боғлаб туради.

Синф жамоасини ташкил этишда синф раҳбарининг роли катта ҳисобланади. Синф мажлиси ўтказиш учун аввало жамоани жис-лаштириш зарур. Синф раҳбари мажлисда кўплаб болалар тарбия-сига оид масалаларни кўради. Синф мажлисида 3-4 та масалалар кўрилиб муаммоли томонлари таҳлил қилинади ва ўз ечимини то-пиши керак бўлади.

Синф раҳбари мажлис ўтказиш давомида яхши ўқийдиган болаларни синфда, яъни жамоа ичida рағбатлантириши керак. Бунда болалар бир-бирига дўстона муносабатда бўлишади. Шунинг учун улар бир-бирига интилиб, яхши ўқишга ҳаракат қиласди. Ёмон ўқийдиган болалар яхши ўқийдиган болаларга интилиб, улар ҳам яхши ўқишга киришади. Бундан ташқари синф раҳбари ўқувчиларни савияси ривожланиши учун ўзи синфга кутубхона қилиши керак. Бу кутубхонадаги китобларни ўқувчилар синфдан ташқари ўқиш вақтида ёки дарсдан сўнг бўш қолган пайтларида ўқиб, ўзларига фойдали томонларини олиши мумкин. Бизнинг ёш авлод халқимизнинг инқилобий, меҳнат, жанговар анъаналарни ўзлаштириб, ўзига катта авлоднинг энг яхши фазилатларини ғоявий зътиқод ва матона-тини, Ватанга муҳаббатини, унинг иқтисодий-сиёсий ва жанговар қудратини мустаҳкамлашда иштирок этишига интилишини синг-дирибгина қолмай ўз боболари ва оталари ишни давом эттириб ва кўпайтира олади.

Оила бошқа тарбиявий муассасалардан фарқли равишда одамнинг бутун ҳаёти давомида унинг барча томонларига таъсир кўрса-тишга қодирдир ва одатда таъсир кўрсатади. Оила тарбия вазифасининг бу улкан миқёси унинг мағиуравий ва психологик таъсир кўрсатишнинг чуқур ўзига хослиги билан уйғунлашиб кетади.

Одатда синф раҳбари ўз шахсий тажрибасидан, ўқувчиларнинг оилаларида вужудга келган ўзига хос хусусиятлардан, ота-оналарни билим ва тажрибасидан, болаларни тарбиялапцида юқорида кўрсатиб ўтилган хато ва қийинчилклардан, мактаб педагоглар жамоасидаги муҳитни ота-оналар билан иш олиб боришда таркиб топган анъана-лардан келиб чиқиб ота-оналар билан иш шакллари белгилайди.

Ота-оналарга педагогик билим беришни амалга оширишда фаят билим беріб қолмасдан, уларни тарбия соҳасидаги амалий мақала ва күнімсалар билан қороллантириш, уларнинг педагогик фаолиятини үйретиш мұстақил шүгүлланишша ундаш, мақсадға мувофиқ оила ички муносабатларини йүлгә қўйиш роят муҳимдир.

Ота-оналар йиғилишлари ота-оналар билан иш олиб боришнинг анъянавий таркиб топған шаклидир. Ҳал қилинаётган аниқ вазифаларга боғлиқ холда синф йиғилишларини ташкилий, якуний чорак йиғилишларини мавзуга доир йиғилиш баҳс, амалий йиғилиш, ота-оналарнинг умумий таълимий бўйича синф режасига кўра йиғилишлар ташкил этилади.

Ташкилий йиғилишларда ота-оналар қўмитаси сайланади, иш режаси тасдиқланади. Мактаб атрофидаги педагогик муҳит ўрнатиши юзасидан тадбирлар ишлаб чиқади, жамоат топшириклари тақсимланади ва турли иш йўналишларига доир ташаббускор ота-оналар гуруҳлари тузилади, ота-оналар иштирокида умуммактаб тадбирларини ўтказиш режалари мувофиқлаштирилади.

Чоракдаги якунловчи синф мажлисларида ота-оналарнинг эътиборини ўқувчиларнинг билимга доир қизиқишлиарига, уларнинг қобилиятига, ахлоқий, иродавий фазилатларини ривожлантиришдаги ютуқларига, камчиликлар, фойдаланилмаган имкониятларига қаратиш мақсадга мувофиқдир.

Бирор мавзуга бағишиланган йиғилишлар тарбиянинг энг долзарб муаммолари юзасидан ўтказилади, уларда ота-оналар қўмитаси ва синф раҳбарининг ўқувчиларнинг ўқиби ёки бу соҳадаги тарбияланганлик даражаси тўғрисида тўплланган материаллардан фойдаланилади.

Мажлис-мунозаралар ота-оналар эътиборини тарбиянинг бирор муаммосига жалб этиш мақсадида ўтказилади. Бундай мажлисларни ота-оналар қўмитаси аъзоларида ота-оналарнинг бир қисми ўз вазифаларига, мактабнинг тавсияномаларига нотўғри муносабатда бўлаётганиликлари ота-оналарнинг бир қисми тайёрагарлик кайфијатида эканлиги ҳақида маълумотлар бўлган тақдирда ўтказиш тавсия этилади.

Амалий йиғилиш, ота-оналарнинг тарбиявий жараёнларда иштирок этишини фаоллаштириш, унга мақсадга йўналтирилган тус бағишилаш мақсадида ўтказилади.

Ота-оналарнинг синфдаги умумий таълимий режасига кўра маж-

лислар, аввалдан белгиланган режа, муайян тизимга мувофиқ ота-оналарга педагогик билим беришнинг шакли ҳисобланади.

Якка тартибдаги педагогик сұхбат-сinf раҳбарининг ўқувчилар ота-оналар билан олиб борадиган ишининг энг оммалашған, қулай ва самарали шакли ҳисобланади. Сұхбат ёрдамида вужудга келадиган масалаларни тез ҳал этиш, ота-оналар билан ишончли муносабатлар ўрнатиш, оиласи тарбия шароитлари ҳақида қўшимча маълумотлар олиш, ота-оналарга педагогик билим бериш, боланинг якка тарбидаги ривожланиши дастурини ва биргаликдаги педагогик ҳаракатлар системасини ишлабчиқиши, ота-оналарнинг тарбиявий таъсир кўрсатишларини ва тарбияси қийин болалар хулқини тузатиш ва ўқувчилар ўргасидаги муносабатларда вужудга келадиган келишмовчиликларни ҳал этиш каби кенг кўламдаги таълим тарбиясининг вазифалари ҳал қилинади.

Тарбиявий таъсир кўрсатиш самарадорлиги кўп жиҳатдан ўқитувчилар ва ота-оналарнинг мувофиқ ҳаракатлари билан белгиланишини назарда тутиб, боланинг ўзиг хос психологик хусусиятларини ҳисобга олиш, унинг хулқ атворидаги энг кичик четга чиқишиларга ҳам ўз вақтда зътибор бериши керак, бунда сinf раҳбари билан ота-оналарнинг ишончли муносабатлар ўрнатиш, ўқувчилар оиласи тарбия шароитлари ҳақида қўшимча маълумотлар олиш ота-оналарнинг ишончли ўзаро муносабатларини ўргатгандагина эришилади. Бундай муносабатларни ўрнатиш ва чукурлаштириш учун якка тартибдаги сұхбатлардан фойдаланиш жуда муҳим.

Ҳар бир ота-она ўз фарзандини яхши кўради, шунинг учун улар ўз фарзандида пайдо бўлган янги, ижтимоий жиҳатларни мустаҳкамлаш юзасидан эҳтимол тутилган биргаликдаги ҳаракатлари хусусида маслаҳатлашишни муҳим деб ҳисоблайдиган сinf раҳбарига самимий ҳурмат ва ишонч билан қарайдилар.

Сinf раҳбарлари ота-оналар билан биргаликда тарбиявий ишни ташкил этар эканлар, энг янги психологик-педагогик тадқиқоталр маълумотларини зътиборга олишлари ҳам муҳимдир. Уларга мувофиқ ўсиб келаётган киши шахсини шакллантиришга оиласининг қўшадиган ҳиссаси турли ёш босқичларда турлича бўлади ва тўлқинсимон ўзгариши.

Бундай билимларнинг йўқлиги оиласи тарбияда кўплаб хатоларга олиб келади. Сinf раҳбари ота-оналар билан ишлашда буни

ҳисобга олмай иложи йўқ. Бу жиҳатдан ота-оналарнинг болаларни тарбиялашдаги қуийидаги қийинчилликлари ва хатоларини ажратиб кўрсатиш мумкин.

1. Ота-оналарнинг болалар билан муомиласининг етишмаслиги. Улар ўзлари, ишлари ҳақида кам сўзлаб берадилар. Мактаб болалари жамоасининг ҳаёти, ўз боласининг қизиқишилари, унинг жамоат ишлари билан ишга муносабати ва бошқалар билан кам қизиқади.

2. Болаларни меҳнат жараёнларига жалб этиш орқали уларнинг меҳнат тарбиясини ташкил қила билмаслик.

3. Ота-оналар турмушда салбий мисолларнинг мавжудлиги мактабнинг педагогик куч-райратини йўққа чиқаради.

4. Ота-оналар тарбиявий таъсирини изчил эмаслигини, онда-сонда ўқитиши текшириш, бирор ножӯя иш учун жазолаш ахлоқий иммунитет ҳосил бўлишига ёрдам бермайди.

5. Оилавий тарбиянинг асоси сифатида таъқиқлашлар системаси, ижтимоий намуна асосида тарбиялай билмаслик, бола ҳаётини у ҳар доим тўғри ҳатти-ҳаракатини машқ қиласидиган тарзда ташкил эта олмаслик натижасидир.

6. Ҳаракатларнинг мактаб билан мувофиқлаштирилмаганлиги ёки у билан келишмовчилигидадир.

7. Айрим ота-оналарнинг болалар улғайиб бориши билан тарбиявий фаоллигини сусайтириб юборишлари, бу эса болаларнинг ота-оналардан узоқлашувига, мактабга қизиқиши пасайишига олиб келади.

8. Қарорлар қабул қилишда кечикиш. Бола катта бўлгандан кейин ақли кириб, тузалади деб ўйлаш одатда ўзини оқламайди, кўпинча қайта тарбиялашин талаб этадиган педагогик жиҳатдан қаровсизлик ҳолатига олиб келади.

Педагогик маъруза педагогик билим беришнинг энг машҳур шаклларидан биридир. Кейинги пайтларда ота-оналарга педагогик билим бериш кенг миқёс касб этиб, оналарга педагогик билм бериш корхоналардаги, клублар, маданият уйлари ҳузуридаги, турар жойлардаги ва ота-оналар педагогика университетлари орқали турли шаклларда амалга оширилади.

Очиқ эшиклар куни ёки ота-оналар куни, одатда мактаб таътиллари пайтида ўtkaziladi. Уларни ташкил этиш шакллари хилма-

хил бўлиши мумкин. Бу таркиб топган анъаналарга ва синф раҳбари ижодкорлигига боғлиқдир. Оиланинг юксак тарбиявий имконияти болалар ва ота-оналарнинг ўзига хос хусусиятлари: қон-қарин дошлиги, муҳаббати, яқинлиги, ишончи, бурч ҳисси, обрўилиги билан таъминланади. Ўз фарзандининг барча заиф ва кучли томонларини йўргакдаги чоғидан биладиган, уларнинг қалбидаги энг кичик ҳаракатни ҳам сезадиган ва тушунадиган унга таъсир этишни биладиган онадан ва отадан яхшироқ ким ҳам эзгуликка, меҳнатсеварликка, дўстликка, биродарликка, муҳаббатга ўргата боради.

Синф раҳбари ҳар доим ўқувчиларидан хабардор бўлиб туриши керак. Масалан, бир ўқувчининг ўзлаштириши ёмон бўлса, уни яхшилаш учун ўқитувчи биринчи ўринда ота-онаси билан учрапиб, суриштириши лозим. Нимага яхши ўқимаяпти, нима учун дарсларни ўз вақтида қилмайди, шулар ҳақида ота-онаси билан суҳбат олиб бориши керак. Агар боланинг оиласида ҳамма шароит бўлиб, бола ўзи яхши ўқишини хоҳласа-да, ўзи ўйлаган натижага эриша олмаётган бўлса, ўқитувчи боланинг яхши ўқийдиган ўртогининг ёнига ўтқизиб қўйиши керак. Бундан ташқари ўшанга ўхшаган ўзлаштирувчи ўқувчиларни йиғиб ҳар хил фанлардан, масалан, математика, она тили, ўқиш ва бошқалардан қўшимча дарсларни ташкил этиб, болаларни ўқишига бўлган талабини, қизиқипини янада оширишга ўқитувчи ҳаракат қилиши керак. Ўқитувчи ўқувчиларнинг ота-оналари билан фаол ишлаши зарур. Негаки, мактабда синфда бўлаёттан ишлардан ота-оналар ҳам хабар топиб, қийналган вақтида ҳамроҳ бўлиш лозим. Бунинг учун ота-оналар билан ўқитувчининг ўртасида боғлаб турувчи алоқа дафтарчасини тутиши ва уни доим қолдирмасдан юритиб туриши даркор.

1. Ҳозирги замон педагогика фани олдида турган муҳим муаммолардан бири ўқитувчи ва педагогика меҳнат шароити муаммоси ҳисобланади. Чунки ўқитувчида барча педагогик ғоялар мужассамланган бўлиб, унинг фаолияти орқали бу педагогик ғоялар амалга оширилади ва ҳаётга татбиқ этилади.

Ўқитувчининг кўп қиррали ва мураккаб фаолияти заминида ёш авлодни одобли, эътиборли қилиб тарбиялаш, уларни илмий билимлар билан қуроллантириши каби муҳим вазифалар ётади. Буларни амалга ошириш эса ўқитувчининг хилма-хил фаолиятига боғлиқ: болаларни ўқитиши, мактабдан ва синфдан ташқари ишларни

ташкыл эта билиш, ўтказиш, ота-оналар ўртасида педагогик тарғибет ишларни олиб бориш ва ҳакозо. Буларнинг ҳаммаси ўқитувчилардан чуқур билимларга эга бўлишни, ўз соҳасини, болаларни севишни талаб этади.

Республикамиз мустақиллиги эълон қилинган сана 1991 йил 31 август халқимиз ҳётида улуғвор воқеалардан ҳисобланади. Энди халқимиз ўзининг бой тарихи, маданияти, урф-одатларини ўрганиши, тарғиб қилиш, ўзлигини таниши имкониятига эга бўлади. Бу воқеадан сўнг кўп сонли ўқитувчилар жамоалари олдига Ватан равнақи учун хормай-толмай хизмат қила оладиган, буюк ватан йўлларида ўз жонини ҳам аямайдиган ёшларни тарбиялаш вазифаси кўндаланг қўйилади. Бу вазифа олий таълим концепциясида алоҳида таъкидланади.

Шунинг учун бундай улкан вазифани амалга оширишда синф раҳбари ҳам ўзининг бекёс ҳиссасини қўшади. Синф раҳбарининг асосий вазифаларидан бири бизнинг келажагимиз бўлмиш ёш авлодни тўғри, инсонпарварлик руҳида тарбиялашдан иборат. Тарбия жараёнида ўқитувчи ва синф раҳбари бир-бирини тушуниши керак ва синф раҳбари ўқитувчиларга эътиборлироқ бўлишини тақозо қиласи.

Синф раҳбари мактаб маъмурияти билан биргаликда ва маҳалла жамоаси билан ҳамкорликда тарбиявий ишларни олиб боради. Мактаб маъмурияти синфда раҳбари олиб бораётган ишларни қўллаб қувватлапси лозим. Чунки синф раҳбари ўз ўқувчиларини яхши билади ва уларни тарбиялаш учун нималар қилиши кераклигини ҳисобга олиб иш юритади.

Синф раҳбарининг иш режасини мактаб директори ва маънавият ва маърифат ишлари бўйича деректор ўринбосарлари тузади ва бошқаради. Мактаб уставида синф раҳбарининг асосий вазифалари белгилаб берилган. Синф раҳбари барча ўқитувчилар билан биргаликда алоқада бўлиб, ўзининг синфи билан тарбиявий ишларни олиб боради. Ўқитувчилар тамонидан ўқувчиларга қўйиладиган педагогик талаблар бирлигига эришади. Ота-оналар, кун узайтирилган группа тарбиячилари, жамоатчилик билан доимо алоқада бўлиб туради.

Синфда белгиланган хужжатларни олиб боради ва уни мактаб маъмуриятига тақдим этади. Ўқувчилар соғлигини мустахкамлаш-

га доир ишларни ўтказади ва меҳнат қилишга ўргатади. Синф раҳбари ишининг ўзига хос хусусиятини шундан иборатки, у оддий болалар жамоасини эмас, балки ўқувчилар жамоасини шакллантиради. Ўқувчиларнинг асосий вазифаси ўқишидан иборат. Шунинг учун синф раҳбари даставал болаларнинг ўқишига қандай муносабатда эканликларини, ўзларини қандай тутишларини, уй вазифаларини сидқидилдан бажаришларини ёки бажармасликларини аниқлайди. Ва, ниҳоят, энг муҳими уларнинг ўқишидаги мақсадлари нималардан иборат. Бу мақсадлар ижтимоий моҳиятга молик ёки молик эмаслиги ҳисобланади. Педагог синф билан ишлашнинг дастлабки босқичида турли вазиятларга дуч келиши мумкин.

Синф раҳбари жамоа ривожланишининг аниқланган даражасига қараб тарбия усулларини даражасига қараб тарбия усулларини танлайди. Бундан ўқитувчиларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олиш қўшимча шарт ҳисобланади. Педагог шахсни ҳар тамонлама етук камол топтиришда катта роль ўйнайди. Ақлий тарбия шахсни ҳар томонлама тараққий эттиришда муҳим роль ўйнайди. Ўқитувчи ахлоқий тарбиясининг вазифаси ва мазмунини ўқитувчилардан экологик онг ва маданиятни шакллантиради.

2. Ўқитувчилик касбига шу жумладан синф раҳбари касбига хос бўлган муҳим фазилатлардан бири-болаларни севиши, уларнинг хисиёти билан қизиқиши, ҳар бир шахсни ҳурмат қилишдан иборат. Болани севган бутун куч ва билимини болаларнинг келажаги буюк ватанга содик фуқаро қилиб тарбиялашган сафарбар қила оладиган одамгина ҳақиқий ўқитувчи бўла олади. Болага бефарқ, унинг келажаги билан қизиқмайдиган, ўқитувчилик касбига лоқайд одам ҳақиқий ўқитувчи бўла олмайди.

«Бошланғич таълим концепцияси»да бошланғич синф ўқитувчиси қиёфаси таърифланади: «...энг муҳими болаларда ўқиш, ўрганишга чинаккам хавас, иштиёқ уйротувчи, эътиқод ҳосил қилувчи устоз сифатида алоҳида ўрин тутади.» ва яна шу концепциядан бошланғич синф ўқитувчиси фазилатларига қўшимча келтирилади. Ўқитувчи: «...Ўзбекистон келажаги буюк давлат эканига ишонадиган миллий ифтихорли бўлиши;

- болаларни халқ педагогикаси дурдоналари ҳамда миллий қадриятларимиз асосида тарбиялай олиши;
- нутқий равон, халқ тили бойлиги ифода усули ва тасвир восижаси.

таларини адабий тил услуби ва меъёрини тўла эгаллаган бўлиши» зарур.

Ўқитувчилик касбига хос бўлган бундай фазилатлар ундаги педагогик одоб синф раҳбарининг юксак касбий фазилатидир. У ўқитувчининг саводли бўлишига, ўз хиссиётини идора эта олишига, болаларга педагогик тъсир ўтказиш восита ва меъёрларни белгилаш, аниқлашада ёрдам берадиган фазилат ҳисобланади. Юксак педагогик одобга эга бўлган синф раҳбаригина синфда мўътадил психологик иқлим ўрната олади, болалар қалбига тез йўл топа олади.

Ўз хизмати хусусиятига кўра синф раҳбари ташкилотчилик фазилатига ҳам эга бўлмоғи лозим. Бунинг учун ўқитувчи ташаббус-корлик ва ташкилотчилик қобилятига эга бўлиб ҳар доим тетик, ғайратли, ўз кучи ва имкониятига ишонган бўлмоғи зарур. Ташаббускор ва ғайратли синф раҳбари болаларни ўз орқасидан эргаштира олади, ўқувчilar унга эргашади.

Ўқитувчилик касби жуда катта руҳий ва жисмоний куч талаб этади, шунинг учун ўқитувчининг саломатлигига ҳам маълум та-лаблар қўйилади. Ўқитувчининг овоз пайчалари ривожланган, кўриш қобиляти яхши бўлиши керак. Узоқ тикка тура олиши, кўп юриши, эпчиллик каби фазилатларга ҳам эга бўлмоғи муқаррар.

Ўзбекистон Республикаси олий таълим концепсиясида мутахассис вазифалари қуидагича белгиланган: «... мутахассис ўз фаолиятини соҳасидаги қатъи назар, ижодий жамоаларда ишлай олиш қобилятига, менежмент ва маркетинг соҳаларида тайёргарликка эга бўлиши, янги технологияларни жорий этишининг хўжалик ижтимоий ва маданий жиҳатларини аниқ тасаввур қила олиши керак».

Ушбу фикрлар ўқитувчilarга ҳам, яъни моҳир синф раҳбарларига ҳам бевосита тааллуқлидир. Чунки жамиятимизда содир бўлаётган туб ўзгаришлар, бозор муносабатларига кириб боришимиз ўқитувчilarни нафақат касбий билимларини, балки иқтисодий, юридик, техникавий билимларидан ҳам хабардор бўлишини тақо-зо қилмоқда. Бу ўринда бошлангич синф ўқитувчilari, синф раҳ-барларининг хизмати катта.

Дарсликдаги матнларни ва характер хусусиятига кўра ўқувчи-лар жамоасини мустахкамловчи матнларга ёндаги матнларни тан-лаш тарбиялаш тарбиявий тадбирларни жамоани мустахкамлаш билан ўтказиши.

Синф мажлиси ҳар бир синф учун алоҳида синф раҳбарлиги бошлигига ўтказилади. Синф мажлисида кўриладиган масалалар синф фаоллари билан биргаликда келишиб бажарилади. Синф мажлисида асосий мавзу тарбиячи қаратилганлиги учун тарбиячи оид бўлган мақолалар, эртак-матнлар, шеърлар асосида баён этилади.

4. Ҳозирги замон ўқитувчисининг асосий фазилатларидан бири – ўз касбига садоқатлилиги, роявий эътиқоди, ўз касбини севиши ва бу касбга бўлган чексиз садоқат ўқитувчини бошқа касб эгаларидан ажратиб туради. Чунки мактабда таълим-тарбия ишнинг юқори савиядга бўлиши ўқитувчига, унинг касбий тайёргарлига боғлиқдир.

Синф раҳбари шаҳсига қўйиладиган муҳим талаблардан бири – синф раҳбарининг ўз ишини яхши билишидир. У методикани пухта ўзлаштирган бўлиши зарур. Ишни тўғри ташкил қилиш ва уни болалар билан тушунарли, қизиқарли ва масъулиятли хис қилган ҳолда олиб бориш керак. Ўқувчилар ўқитувчи билимини болаларга етказа олиши имкониятларни қадирлабгина қолмай, балки унинг шу предметга бўлган қизиқишини, унинг фидоилигини ҳам қадирлашади, тақдирлашади.

Синф раҳбарининг юксак маданияти, унинг теран билим доираси (айниқса, Ўзбекистон мустақиликка эришгандан сўнг халқимизнинг ўз тарихини, маданиятини, урф-одатини ўрганишига, билишга бўлган қизиқиши ортиб бораётган даврда) таълим-тарбия ишларини мувоффақиятли кечишига ёрдам беради. Ҳозирги замон ўқитувчиси, айниқса, синф раҳбари миллий қадриятларимизни билибгина қолмай, уни кенг ота-оналар жамоатчилиги ичida, синфда оташин тарғиботчиси ҳам бўлиши керак.

Ўқитувчилик касби жуда катта ва руҳий ва жисмоний куч талаб этади. Шунинг учун ўқитувчининг айниқса синф раҳбарининг саломатлигига ҳам маълум талаблар қўйилади.

Ўқитувчи шаҳсига қўйиладиган умумий талаблар билан бошланғич синф ўқитувчисининг касбини ўзига хослиги айрим специфик талабларни келтириб чиқаради. Чунончи, бошланғич синф ўқитувчиси анатомия, физология, мактаб гигиенаси фанларидан хабардор бўлмоғи, ўқувчилар фаолиятини шу фанлар тавсияси асосида ташкил этиши лозим (синф гигиеник талабга жавоб бериши, ўқувчилар режими, уларнинг ақлий ва жисмоний ривожланишини

кузатиши ва тўғри йўналтириш); ўқитувчи ўз нутқини ирода қилиши; адабий нутқ нормаларига риоя қилиши; овознинг баланд пастлигига аҳамият бериши, нутқининг жонли, ифодали бўлишига эътибор қаратиш, болаларни чарчатиб қўймаслик мақсадида иш турларини тез-тез ўзгартира олиши, ота-оналар ўргасида педагогик билимларни тарғиб қилиши, улар билан яқиндан алоқа ўрната олиши (бу фаолияти тури бошлангич синф ўқитувчиларини, жисмоний холатини ўрганишга ёрдам беради) ва уларга тарбиявий таъсир ўтказишга ёрдамлашиши керак.

Ниҳоят, у ўз устида тинмай ишлаши лозим. Айниқса қадриятларимизни ўрганишга, ўзлигимизни билишга эҳтиёж катта бўлмоқда, зеро бу нарсаларни билмай туриб мустақилларимизни мустаҳкамлаб, буюк давлат қуриб бўлмайди. Шундай экан, бошлангич синфдан бошлаб болаларни шарқона тарбия таъсирига олмоги, ўз қадриятларини билмоги лозим. Бу ўқитувчидан қолаверса синф раҳбаридан чуқур билимли бўлишни талаб этади.

5. Раббим – фан, пайғамбарим билимдир.

(Абдураиф Фитрат).

Устозлик – бу келажак, истиқбол учун мерос қилиб қолдириладиган бойликдир. Бу бойликнинг қадр-қиймати шу қадар буюкки, у одамни маънавий жиҳатдан бой қилиб, қалбини баҳтга, илохий нурга тўлдиради.

«Устоз» сўзига берилган таърифга эътибор беринг-а, унинг мазмуни нақадар бой: Устоз – муайян фан, билим гоҳида ботакрор олим, педагог мутахассис, ўз йўналиши бўйича барча янгиликлардан боҳабар, ҳаётда ўз ўрнини топган мавқеига, салоҳиятига ва мактабига эга; олим фузало, оқил комил ўрнак бўладиган, ўзининг илфор тажрибасига эга ва келажакни илмий тасаввур қиласиган; илмий, билимли, ҳамма томондан тан олинган малаҳаттўй инсон.

Дунёда бирон кимса йўқки, унинг устози бўлмаса. У ҳукумат раҳбарими, буюк алломами, вазир ёки иқтидорли шифокорми, халқ меҳрини қозонган ёзувчими ёки қўли гул косибми, қарангки барчабарчанинг ўз устози ва ҳаёт йўлини чароғон этиб турувчи йўлбошчиси бўлади. Сиз ўзингизни устозлик баҳт соҳиби ҳисобласангиз, қўйидагиларни унумаслик керак.

– «Ўзбекистон келажаги буюк давлат» рояси сизнинг ҳар кунги фаолиятингиз учун дастуриламал бўлсин ва шу буюк халқ ва дав-

латта муносиб шогирдлар тайёрланг.

Устознинг энг буюк бурчи – халқа нафи тегадиган ақл идрокли, қобилиятли ўкувчи, шогирдлар тайёрлашдан иборат. Устоз яхши шогрд тайёрлаш учун энг аввало унинг ўзи маънавий жиҳатдан баркамол, фикрлаш тарзи ноёб, дунё қарши соғлом, ўз юрти ва халқининг рояси ва илғор мафкуранинг байроғдори бўлиши керак.

## **2-§ Мактабдаги тарбиявий ишлар тизимида синф раҳбарининг фаолиятини ташкил этиш методикаси**

Ҳозирги даврда мактаб ва уйдаги ўкув-тарбия ишларнни амалга ошираётган педагогик жамоа олдига жуда катта вазифалар қўймоқда. Мактаб ёш авлоднинг дунёқарашини таркиб топтириш, роявий, сиёсий жиҳатдан чиниқтириш, юксак ахлоқий фазилатларга эга қилиш, меҳнатига ва онгли касб танлашга тайёрлаш лозим. Бу вазифаларни ҳал қилишда синф раҳбари мухим рол ўйнайди. Чунки, у бир синф шароитида тарбиявий вазифаларни амалга оширишга қаратилган ишларни ташкил этади ва бошқаради.

Синф раҳбари қуйидаги вазифаларни бажаради:

1. Ўзига юклатилган синфдаги тарбиявий ишларни амалга оширади. Бу вазифани бажараёттанда у ёлғиз эмас, шу синфда дарс берётган турли фан ўқитувчилари билан ҳамкорликда ва уларга сунянган ҳолда ўкувчиларда миллий дунёқараш асосларини шакллантиради, ахлоқий тарбиясини ривожлантиради. Ўкувчиларнинг дарсдан ташқари тадбирларини ташкил этади ва синф жамоасини мустаҳкамлайди.

2. Ўкувчиларнинг билимга бўлган қизиқиш ва қобилиятини ўстириш ҳар бир ўкувчининг индивидуал-психик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда касбга йўналтириш ва ҳаётий мақсадларини шакллантириш синф раҳбарининг алоҳида вазифасидир. Айни пайтда ҳар бир соғлигини мустаҳкамлашга ҳам эътибор беради.

3. Синф раҳбарининг дикқат марказида ўкувчиларнинг юқори дарсда ўзлаштиришини таъминлаш масаласи туради. Бунинг учун у ҳар бир ўкувчининг кундалик ўзлаштиришидан воқиф бўлиб туради. Орқада қолаётганларга ўз вақтида, кечиктирмай ёрдам уюштиради.

4. Синфдаги ўкувчиларнинг ўз-ўзини бошқариш ишларини

йўналтиради, улар иштирокида синф жамоасининг ижтимоий фойдали ишлардаги иштирокини таъмин этади, мактаб миқиёсида уюштирилаётган муҳим тадбирларда ўз синфининг фаол қатнашишини таъминлайди.

5. Синф ўқувчиларининг ота-оналари, ўқув куни узайтирилган гуруҳларининг тарбиячилари, корхоналар ва муассасалардаги, турар жойлардаги оталиққа олувчилар билан яқин алоқа ўрнатади.

6. Синф раҳбари шу синфда дарс берётган барча фан ўқитувчилари ўргасида ўқувчиларга нисбатан ягона талаблар ўрнатилишига эришади, ота-оналарга педагогик билимлар тарқатиб, оила билан мактаб ўргасидаги алоқани мустаҳкамлайди.

7. Синф раҳбари ўз синфидаги турли ҳужжатларни; синф журнали, ўқувчиларнинг кундаликлари, табеллар, шахсий маълумотлари, турли хил режа ва ҳисоботларни юритади.

Кўриниб турибдики, вазифа кенг ва мураккаб, уларни муваффақиятли ҳал қилиш синф раҳбарининг шахсий сифатларига ҳам боғлиқдир. Синф раҳбарининг шахсий сифатларига қўйиладиган талаблар ўқитувчига қўйиладиган талаблардан фарқ қилмайди. Лекин, синф раҳбари асосий тарбиячи, болалар маънавий жиҳатдан андоза оладиган шахс бўлганилиги учун ҳам, бу талаблар унинг шахсий фазилатига айланиб кетиши билан тарбияда алоҳида роль ўйнайди.

Тарбиявий ишларнинг сифат ва самарадорлиги, аввало тарбиячининг ғоявий ишончига ва эътиқод даражасига боғлиқ. Бунинг учун синф раҳбари фан янгиликларини мунтазам эгаллаб бориши билан ўзининг билимини, онгини оширади.

Синф раҳбарининг ахлоқий обрўси ғоят даражада юқори бўлиши ҳам бу ўринда муҳимдир. Синф раҳбари ана шундагина тарбиявий таъсир кўрсатишга эга бўлади. Тарбиячининг шахсий фазилатлари, маънавий қиёфаси ўқувчилар онгининг шаклланишига катта таъсир кўрсатади. Синф раҳбари учун малака ва кўнникмаларга эга бўлишни ўзи етарли эмас. У ўз тарбиявий фаолиятида юксак даражадаги инсонпарварлик фазилатлари, ўз ишига садоқати, интизоми, одамийлиги, ахлоқий сифатлари билан ҳам таъсир ўгказади. Чунки, тарбиячиллик қобиляти жуда кўп сифатларни: чуқур билим, кенг фикрлилик, ишга жон дилдан кўнгил қўйиш, болаларга бўлган чексиз муҳаббат, муомала назокатлилиги, қалб

ёшлиги, оқил ва адолатлилик намунаси, алоҳида назокат, сиполик ва вазминлик каби фазилатларнинг бўлишини тақозо қиласди. Бунга яна тарбиячилик техникаси қўшимча ишда муваффақият таъминланиши табиийдир. Тарбиячилик техникаси синф раҳбарининг асосий қуролидир.

Синф раҳбарларидан маданият даражасининг кенглиги, педагогик одоб талабларига риоя қилиш, ҳар бир бола шахсини инсон сифатида ҳурмат қилиш билан унга нисбатан талабчанликни унутмаслик, ташкилотчилик малакаларига эга бўлиш, ўз муомоласини тинимсиз ошириб бориш билан ишга ижодий ёндашиш талаб қилинади. Муҳими шундаки, синф раҳбарининг ўзи болаларни тарбияламоқчи бўлган роявий-ахлоқий барқамолликка мос бўлиши керак. Тарбиядаги хатоларнинг кўпчилигига асосий сабаб, боланинг олдига қўйилаётган талаблар тарбиячи ҳарактерида ҳамиша ҳам на-моён бўлавермаслигидадир.

Синф раҳбарининг фаол жамоатчи сифатида ҳамиша намуна кўрсатиши муҳим аҳамиятга эга. Айни вақта у коммуникатив қобилятга эга бўлиши, рўй бераётган воқеа ва ҳодисаларни фақат педагогик қоидаларга боғлаб баҳолашгина эмас, балки рўй бериш сабабига қараб ҳукм ҳам чиқариш, ижод қилиш қобилятига эга бўлиши керак. Синф раҳбари мактабдаги энг етук педагог ҳисобланиб, у бажарадиган меҳнатининг ўлчови, чегараси йўқ. Унинг билмаган иши уддасидан чиқа олмайдиган соҳаси бўлмайди. Шу билан бир қаторда, у беғараз, холис шахс бўлиб, жамоатчилик асосида ишлайди. Синф раҳбари педагоглар, ота оналар ва ўқувчиларни ўзаро боғловчи шахс сифатида барча томонларининг нуқтаи назарини ҳисобга олиши, ҳаракатларни бир марказга бирлаштириши, ўзаро алоқаларнинг тўғри бўлишига таъсир ўтказishi ва айни вақтда ўзининг ўрнини аниқ таъминлай олиши керак. Мана шу фазилатлар синф раҳбарининг тарбиявий ишлари самарасини оширишга ва унинг муваффақиятини таъминлашга гаров бўлади. Синф раҳбари ўқувчиларга пухта билим беришга, уларни фикрлаш қобилятини фаоллаштиришга ҳамиша ғамхўрлик қилиб боради. Ҳатто ўзлаштириш юқори бўлган синфларда ҳам болаларда илмга бўлган қизиқиши ва муҳаббатни ўстиришга, таълим сифатини оширишга ҳаракат қилиш зарур.

Айрим мактабларда юқори ўзлаштиришга эришишга ўқув, дидак-

тик масала сифатида мактабда таълим-тарбияни тўғри йўлга қўйишга боғлиқ бўлади. Ўқиши жараённида болаларда меҳнатсеварлик, дикқатни, матонат каби сифатларни тарбиялаш билимни муваффақиятли ўзлаштиришга ёрдам беради.

Мактабда олиб бориладиган тарбиявий ишлар тизими тўғри ва бевосита синфда ўзлаштиришни кўтаришга таъсир этади. Синф раҳбари ўқитувчилар билан ҳамкорликда болаларни ўқишга онгли муносабатда бўлишга ўргатади. Ўқувчиларнинг ўқишларини назорат қиласди, дарсларга киради, кузатади ва ўз синфидаги ўқувчилар билан биргаликда синфда ўқув ишларининг сифатини ошириш чоратадибайларини белгилайди.

### **3-§ Синф раҳбари тарбиявий фаолиятининг самарадорлигини ошириш шарт-шароитлари**

Синф раҳбари мактаб ўқитувчилар жамоаси ва педагогика кенгашининг аъзосидир. Синф раҳбарининг бурчи жуда кенг ва кўп қирралидир.

Синф раҳбари ишининг асосий қисми ўқувчиларни ўрганиш. Ўқувчилар билим сифатини ошириш ҳамда уларнинг тартиб интизомини мустаҳкамлаш. Дарсдан ва синфдан ташқари тарбиявий ишларни ташкил этиш ва уларни ўтказиш. Ўқувчиларнинг ота-оналари билан олиб бориладиган ишлар ҳам синф раҳбарининг асосий вазифаларидан биридир.

Ўқувчилар жамоаси – синф раҳбарининг таянчи. Ўқувчиларни тарбиялашда синф жамоасидаги барча ўқувчиларнинг бир-бирларига таъсирлари катта аҳамиятга эга. Уларни бир-бирига кўрсатадиган ўрнаклари интизомни яхшилашга ва мустаҳкамлашга, уларнинг хулқ маданиятини, одатини, кўникмасини ҳосил қилишга олиб келади.

Синф раҳбари болаларни одобли қилиб тарбиялашни, уларга андиша билан гапиришни, мақбул ҳракат қилишни ўргатиши лозим.

Алишер Навоий «Маҳбуб-ул-қулуб» асарида таълим-тарбия жараёнларини, воситаларини, аҳлоқ-одоб талабларини кўрсатади. Ўз давридаги мусулмон мактабларининг ютуқ ва камчиликларини таҳлил этади. Ўқитувчи одоби ва муаллимлик касби, мударрислар, мактабдорлар ва таълим бераётган фанини ва тарбия жарёнини се-

виши керак дейди. Ўзига хос ўқувчи жамиятда обрўли ва ҳурматта лойиқ инсондир, деб ҳисоблайди. Шогирдлар муаллимни ҳурмат қилишлари, эъзозлашлари зарурлигини уқтиради.

Навоийнинг фикрича, бальзан бир киши биттага болага тарбия беришга ожизлик қиласи, муаллим эса бир нечта бола-синф жамоасини ташкил этади ва илму-адаб ўргатади. Бу жараёнда синф раҳбари кўп машақатларга дуч келади. Шунинг учун шогирдлар устоз олдидага умрбод қарздор эканликларини ҳис этишлари лозим. Шогирд подшолик мартабасига эришса ҳам муаллимга қуллуқ қилса арзиди.

Ҳақ йўлида сенга бир ҳарф ўқитмиш ранж ила,  
Айламак бўлмас адо онинг ҳақин юз гањ ила.

Синф раҳбари ўқувчиларни маънавий-аҳлоқий тарбиялар экан, у ўз фаолиятида қуйидаги талабларга риоя қилиши керак:

- синф раҳбари ўқувчи ота-онасининг мансаби, бойлигига қараб болага муомала қилмаслиги лозим;
- синф раҳбари болаларга аҳлоқий нормаларни ўргатишни керак;
- гердайиши, манманлик, таъмагирлик, нодонлик каби иллатлар ўқитувчи аҳлоқига ёд сифатлардир;
- ҳалқ назарида олим ҳисобланадиган ўқитувчилар ёмон ишлардан, фиску-фасоддан ўзларини тия билишлари зарур.

Синф раҳбарининг ота-оналар билан тўғри муомила қила олиши мураккаб, нозик иш. Чунки ҳозирги ота-оналарнинг кўпчилиги ўрта ёки олий маълумотли кишилар, улар вақтли матбуот, телевидение, радио орқали кўпгина педагогик ахборотларни билиб оладилар. Шундай вазиятлар ҳам бўладики, ўғил ёки қиз бола мактабда ўзбошимчалик қиласи, лекин оиласда хушёр ва гапга қулоқ солади, ёки аксинча. Оиласда муомаласи кўпол, ўзбошимча, мактабда эса ўзини хушмуамола, интизомли тутади. Бунинг сабаби нимада? Бундай ҳолатларнинг ҳаммаси учун бир хил сабаб ва тўғри жавобни топиш амри маҳол. Чунки ҳар бир ҳолатда унинг сабаблари турлича бўлиши мумкин. Демак, синф раҳбари ва ота-оналарнинг мақсадлари бир хил бўлса ҳам, уларнинг ҳамкорлиги, бир-бирини тушуниши, муомала муносабатлари қарама-қаршиликларсиз бўлмайди.

Синф раҳбарининг фаолияти камол топаётган киши шахсини таркиб топтиришга қаратилгандир. Бу фаолиятнинг натижалари

тарбияланувчининг қиёфасида, унинг шахсидаги хусусиятларида, характер ва хулқ-авторида ўз аксини топади. Тарбиячи педагог нимага интилаётганини равшан ва аниқ тушунилмаган жойда тарбияланувчилар шахсини такомиллаштиришга астойдил интилиш бўлмайди, балки тарбияда ўтказиладиган иш тасодифий тусга эга бўлиб, бунинг учун ажратилган вақтни тўлдириш учунгина олиб борилади. Тарбия фаолиятининг мақсадларини аниқ билмаган ва бу мақсадларни ҳисобга олмаган ҳолда тўла қимматли тарбия йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Маънавий-аҳлоқий тарбиянинг мақсади жамият талабларига боғлиқ бўлиб, бу талаблар ўз навбатида ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиш даражаси ва жамиятда ёшларни ўқитиши ва тарбиялаш ишларининг ҳаммаси ёш авлодда маънавий аҳлоқ ва эътиқодни шакллантиришга, уларни Ватанга чексиз садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қилиши лозим.

Ёшлиарни маънавий-аҳлоқий тарбиялаш тузимини такомиллаштиришда бошланғич мактаб муҳим ўрин эгаллайди.

Маънавий аҳлоқий тарбия-маънавий онгни бир мақсадни кўзлаб таркиб топтириш, аҳлоқий туйғуларни ривожлантириш ҳамда хулқ-автор кўнкималари ва одатларини ҳосил қилишдан иборат. Синф раҳбари ўқувчиларни маънавий-аҳлоқий тарбиялашнинг қуидаги вазифаларини ҳал этиши керак.

1) Туғилиб ўсган жойига, Ўзбекистон Республикасига юксак муҳаббат туйғуларини, унинг табиати ва кишилар ҳақида, Ватанинг ҳимоячилари ва меҳнат қаҳрамонлари тўғрисида, ота-боболаримиз, уларни дунё цивилизациясига қўшган ҳиссалари тўғрисида кўпроқ билишга интилишни тарбиялаш.

2) Ўқувчиларда Ватанимизнинг бой тарихи, шунингдек бошқа мамлакатлар тўғрисда, тинчлик учун кураш ҳақида, чет эллардаги болалар ташкилотлари ҳақида дастлабки тасаввурларни ҳосил қилиш.

3) Болаларда ўртоқлик туйғусини, бошқаларга ёрдам кўрсатиш иштиёқини, умумий фойда йўлида биргаликда фаолият кўрсатишга интилишни таркиб топтириш. Болалар ўртасида, ўғил ва қиз болалар ўртасида дўстона муносабатларни рағбатлантириш, соҳта ўртоқлик кўринишларига қарши кураш олиб бориш лозим.

4) Ўз сўзи ва ваъдаси учун, ўқитувчи ва жамоа топшириқларининг бажарилиши учун масъулият туйғусини тарбиялаш.

5) Болаларда кишиларга түгри муносабатни, кексалар, беморлар, ногиронларга нисбатан зытибор ва ғамхўрликни, хушфөъл ва бетартиб, камтар ва ҳақғўй бўлишини тарбиялаш.

Ўқувчиларни барча кишиларнинг яхши ва ёмон хатти-ҳаракатларини фарқлай олишга, ўз хатти-ҳаракатларига ва ўртоқларининг хатти-ҳаракатига адолатли баҳо беришга ўргатиши ҳамда ўз куч ғайратини ўқувчиларда нопоклик, адолатсизлик, кишиларга раҳм-шафқатсиз бўлишга нисбатан салбий муносабатни таркиб топтиришга қаратиши керак.

Ўқувчиларни тарбиялаш ўқитишга қараганда анча қийин деган фикрни ўқитувчилар орасида тез-тез эшиши мумкин. Маънавий-аҳлоқий тарбия таълим бериш билан мустаҳкам алоқада бўлгани ҳолда ўзининг хусусиятларига эга. Маънавий-аҳлоқий тарбия ўсиб келаётган авлодни тарбиялашни барча жараёнларини билим бериш ва ўргатиш билан бирга қамраб олади. Бунда ҳаётни билиш ва унга бўлган муносабатни таркиб топтириш жараёнлари ажралиб туради. Ҳаётни билиш маълумот олишининг асосий функцияси, унга бўлган муносабатни таркиб топтириш тарбиянинг асоси, вазифасини ташкил этади.

Синф раҳбари фақат таълим-тарбиянинг бирлигини эмас, балки уларнинг хусусиятларини ҳам кўра билиши мухимдир. Мактабдаги тарбия инсон шахсини таркиб топтириш юзасидан олиб борилалигдан улкан ишининг бир қисми ҳолос, у боланинг илгариги тажрибаларини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилади, ундаги барча яхши сифатларни ўстириб, нотўғри тасаввурлар, одатларни тузатиб бориши ва бўлажак сифатга замин тайёрлаши керак. Маънавий-аҳлоқий тарбия ўқувчи мактабни тамомлагандан кейин ҳам тугалланмайди, у бутун умр давом этади.

Маънавий-аҳлоқий тарбия-таълим бериш билан борлиқ бўлгани ҳолда, ўз хусусиятларига, ўзига хос вазифалари, уни ташкил этишининг форма ва методларига эга бўлиб, маҳсус равишда ўрганилиши лозим.

Ўқувчиларни маънавий-аҳлоқий тарбиялашнинг мухим шарти сифатида уларнинг ўқув ва ўқищдан ташқари хилма-хил фаолиятларининг бирлиги тўғрисидаги тушунчалар билан борлиқдир.

Ўқув ва маънавий-аҳлоқий тарбия фаолияти бир-бирини тўлдиради. Синф раҳбари томонидан тарбиявий босқичта раҳбарлик

қилинганды тақдирдагина тарбияда бирор мақсадта қаратилғанлық, маълум бир тизимиңнинг бўлиши мумкин. Маънавий-аҳлоқий тарбиялаш аввало тарбияланувчи шахсининг таркиб топиш жараёнига раҳбарлик қилишни такозо этади.

Бирор мақсадта қаратилған тарбия жараёнидаги тарбияланувчи-ларнинг жисмоний ҳамда маънавий-аҳлоқий етуклиги ўсиб боришига қараб уларнинг мустақиллiği ва ижодий активлиги ортиб боради. Ўқувчилар жамоасининг онглилиги ортиб бориши билан тарбиячининг вазифалари ҳам ўзгаради. Тарбия давомида тарбияланувчининг қарашлари, ҳаётий нуқтаи назари аста-секин шаклланана бошланади.

#### **4-§ Синф раҳбарининг ўқувчиларни ўрганиш методикаси**

Синф раҳбарининг фаолияти кўп қиррали ва сермазмундир. У ўзи раҳбарлик қилаётган синф ўқувчиларини тарбиялаш билан бир қаторда ўқув йили ёки чорак давомида нималар қилиш кераклиги, болалар ҳаётини нима билан банд қилиш ва танланган иш турини қандай амалга оширишни бехато аниқлаш каби анча мураккаб муаммони ечади. Бу борада синф раҳбари турли хил манбалар ёрдам беради.

Тарбияга комплекс ёндашиши бирор ўқувчини ҳам эътибордан четда қолдирилмаслик синф раҳбари учун муҳим масаладир. Тарбиялаш учун синф раҳбари тарбия обьекти бўлган болани яхши билиши, уни яхлит идрок этиши керак. Кўпчилик синф раҳбарлари болани дарсда ўқувчи, мусобақада спортчи сифатида, яъни ҳар бир аниқ иш шароитидан келиб чиқиб идрок этади ва шунга кўра муоммола қиласи, бола шахсининг бошқа томонлари эса ҳозирча ҳисобга олинмайди. Аммо ҳар бир боланинг ўз тажрибаси, ўз эмоционал маданият даражаси, қадрлайдиган нарсалар, эҳтиёjlари, талаблари, умидлари, алоқалари, муносабатлари каби бутун бир дунёси бор. Тарбияда ана шулар ҳисобга олинниши керак. Синф раҳбари ўз ўқувчисининг ички дунёсини, кечинмаларини, ҳулқида вужудга келаётган ҳолатларнинг сабабини, иродасини яхши билсагина унинг қалбига йўл топа олади ва болага таъсир этишининг тўғри йўлини аниқлайди. Ана шундай сифатларга эътибор берган синф роҳбари тарбияда етакчи ўринни эгаллайди.

Шуни ҳам унитмаслик керакки, болага тарбиявий таъсир этувчи

омиллар ҳозирги даврда фоят даражада кўпайди: оила, кенг жамоатчилик, радио, телевидение, кино, театр, китоб, журнал, мусиқа ва бошқалар.

Синф раҳбарининг болага тарбиявий таъсир этишдаги етакчилик, бирдамлик ролни тарбиявий таъсирининг бу қадар кўп тармоқлари орасида сақлаб қолиш фоят қийинлашиб боряпти. Баъзан болага тарбиячидан кўра ўртоғи, кўшниси, кўчадаги дўстлари кучлироқ таъсир этиши ҳолларига дуч келамиз. Аммо бунинг акси бўлган тақдирдагина тарбияда муваффиқиятга эришилади. Бунга эса тарбиячининг нутқи назари ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Чунки, ҳар бир болада маълум куртаклар: яхшилик ва поклик билан бир қаторда салбий, активлик ва пассивлик сифатлари мавжуд. У муносабатларга эътибори жиҳатидан ҳам ҳар хил сифатларга эга. Агар тарбиячи унга оптимистик нуқтаи назардан ёндашса, бола яхшиликка интилиб, унинг умидини оклади ва аксинча болага олдиндан ношуд, ялқов, тартибсиз деб қаралса ҳамда ўжарлик ва терслик боланинг сифати ҳукум чиқарилса у ҳолда тарбияланувчи ўзининг худди шундай қилиб кўрсатади. Натижада у бу борада ҳам тарбиячининг «умидини оқлайди».

Синф раҳбари болаларни яхши била олиши учун уларни ўрганиш дарсда, дарсдан ташқари вақтларда умуман боланинг ҳаёти ўтадиган барча шароитларда амалга оширилади. Болани ўрганиши билан синф раҳбари унинг индивидуал хусусиятлари ҳақида аниқ маълумотта эга бўлади.

Боланинг индивидуал хусусияти унинг хулқига, ўзлаштиришига муносабатларига, жамоадаги ўрнига таъсир этади. Шу боисдан ҳам жамоадаги индивидлар тарбиялананаётганда алоҳида ўқувчини унитиш ярамайди. Чунки синф раҳбари кўпгина ташкилий ишларни уюштиришда кимга суюниш, кимга қандай вазифа юклаш, кимга мустақиллик бериш ва кимга мунтазам ёрдам бериш кераклигини фақат уларнинг индивидуал хусусиятларини яхши билиш, туфайлигина бехато аниқлайди. Демак, индивидуал муносабат болага тарбиявий таъсир этишининг энг самарали йўлини топиш имконини беради.

Тарбиявий ишлар жараёнида синф раҳбари бутун синф жамоасини ҳам ўрганиши керак.

**Синф раҳбари ўзига берилган синфи қабул қилиб олиш билан**

болалар ҳақида кўпгина маълумотларни аниқлайди. Бу маълумотлар боланинг оиласидан, ўқитувчилардан, ўртоқларидан олинади ва тарбияга ягона таъсир бирлиги ҳам шу асосда вужудга келади.

Мана шу ўринда болалар, ота-оналар ва ўқитувчилар ўртасида ги ўзаро муносабатлар масаласига алоҳида эътибор бериш лозим. Бу учлик марказида бола, яъни ўқувчи турди, мактаб ва оила эса унга икки томондан таъсир этади. Айни вақтда бола мактаб билан оиласидаги алоқани таъминловчи восита ролини ҳам бажаради. Лекин унинг мактаб ҳақида оиласига етказадиган маълумотлари ҳамиша ҳам ҳақиқатта тўғри келавермайди ва у ҳатто кундалик орқали бериладиган ахборотларни ҳам ўзига талқин этиб боради. Кўпинча оила билан мактаб ўртасида вужудга келадиган англашин-мовчилик ҳам мана шу туфайли рўй беради. Ўқувчи катталарнинг ўзи билан муомола қилаётган вақтдаги ҳолатни солиштириб кўриш орқали маълум хulosага келади ва ўзига ҳукум чиқаради. Худди шу ҳол унинг хулқида ўз аксини топади ва у бир гал ўқитувчининг, бошқа вақт ота-онасининг тарбиясини олади. Ҳатто энг вижданли болада ҳам бу ҳолни рўй бериши табиийдир.

Ана шу ҳолатнинг вужудга келмаслиги учун ота-онага ёрдам бериш, ўқитувчи билан ота-она ўртасидаги ҳамкорликнинг тўғри бўлишида оила тарбиясига раҳбарлик қилиш зарур. Бунинг учун у ҳар бир оилани ҳар томонлама ўрганиш керак. Синф раҳбари оиласий шароитни индивидуал ўрганиши учун у қуидагиларни ўз ичига олган дастурга эга бўлиши керак:

1. Оила ҳақида умумий маълумот: оила таркиби: катталарнинг иш жойи, касби, оиланинг моддий жиҳатдан таъминланганлик даражаси; уй жой шароити;

2. Оиланинг маданий даражаси: оила аъзоларининг маълумоти, оилавий кутубхона бор йўқлиги, қандай матбуотта ёзилиши, анъаналари ва оилавий байрамлар;

3. Оиланинг тарбиявий имкониятлари, ота-онанинг болага ва боланинг ота-онага муносабати, уларнинг инсоний етуклиги ва қиёфаси болаларнинг ўз ота-оналарининг касби ҳақида тушунчалари, оила-да салбий таъсирнинг бор йўқлиги;

4. Болага оиладан ташқарида кўрсатилаётган таъсирлар ва ота-оналарнинг уларга муносабати, ўртоқлари, ҳовли, кўча, қўшнилар, ота-онанинг танишлари, қариндошлар ва бошқалар.

Синф раҳбари тарбиявий ишининг муваффақияти кўп жиҳатдан унинг болалар ички дунёсига чукур сингиб киришига, уларнинг кечинмалари ҳамда хулқ-авторини тушунишига боғлиқдир. Ўқувчининг қандай яшәтганинги, унинг қизиқиши ва майиллари қандайлигини, иродасининг ўзига хослиги ҳамда ҳарактери хусусиятларини ўрганиш деганимиз, унинг қалбига мумкин қадар ишончли йўл топиш, унга тарбиявий таъсир этишнинг ҳамда мақбул методларидан фойдаланиш демакдир.

Тарбиячи ўқувчининг индивидуал хусусиятларини яхши ўргангач ва тушунган тақдирдагина, бу ўқувчи шахсини муваффақиятли тарбиялаб етишира олади. Ўқувчиларни ўрганиш ўқитувчининг, айниқса синф раҳбарининг вазифасидир. У ўқувчиларни фақат дарсдагина

эмас,

синфдан ташқи вақтдан уларга тарбия бериш вақтида ҳам, ўқувчилар уйларига борганда ҳам, ҳар хил экскурсиялар вақтида ҳам ўрганади.

Синф раҳбари синфни қабул қилиб олгандан кейин, унинг биринчи иши, одатда, ўқувчиларни ўрганиши билан боғлиқ бўлади.

Бу иш унинг ўзи биринчирилган синфдаги бутун иш фаолияти мобайнида давом этади ва унинг тарбиявий иши системасида муҳим бир томонни ташкил этади.

Ўқувчиларнинг ўзига хос хусусиятлари, уларнинг ҳулқлари ва майлларини, улар олган тарбия даражасини билган ҳолда, маълум мақсадга қаратилган ва таъсирчан режа тузиш осон бўлади.

Маълумки, ўқувчи шахснинг таркиб топиши ва ривожланиши бир текис бормайди. Синф раҳбарининг мазкур ўқувчи тўғрисида фикрлари бутунга келиб етарли бўлмай қолиши мумкин.

Тўғри, ўқувчиларни ўрганиш кўп вақт ва куч талаб этади. Аммо кейинчалик булар ҳаммаси катта натижалар беради. Синф раҳбари ўқувчиларни, уларнинг хусусиятларини билган ҳолда, улар камолоти жараёнини муваффақиятли тарзда йўлга солиб етишиш мумкин бўлади. Ўқувчиларни ўрганишга бошқа ўқувчилар, етакчилар ва ота-оналар жалб этилади.

Бунда ўқитувчилар ҳамда синф раҳбарлари ишидаги муносабликка риоя қилиш жуда муҳимдир. Ўқувчиларни ўрганишнинг натижалари билан барча ўқитувчиларни таништириб бориш зарур. Шу билан бирга уларнинг ҳар қайси ўқувчи тўғрисида билганларини ҳам ҳисобга олиш лозим. Булар ўқувчиларга тарбия бериш жараё-

нида уларга бир хилда талаблар қўйиш ва уларга бир хил муомола қилишга эришишга ёрдам беради. Ўқувчиларни ўрганиш уларга индувидуал ёндашишининг зарур шартидир. Ўқувчиларни уларга таълим ва тарбия бориши жараёнида ҳар қайси ўқувчига индивидуал ёндашишга эришиш мақсадида ўрганмоқ лозим. Ўқувчилар ўз ҳарактерига қизиқиши ва майлига кўра бир хил эмас. Улардан бир хиллари бир мунча чаққон, бошқа бир хиллари эса сусткаш, уқувсиз, баъзи ўқувчилар жасур ва шижоаткор, бошқа бирлари эса уятчан ва тортичоқ бўлишади. Баъзи бир ўқувчилар ўз ташкилотчилиги ва қаътийлиги билан ажralиб турса, бошқа бирларида эса бу хусусиятлар мавжуд эмас. Хуллас, синф бир бирига ўхшамаган, турли хусусиятдаги болалардан ташкил топган бир групидир. Синфда ташқи кўриниши жиҳатидан бир-бирига ўхшаш болалар бўлмагани сингари, ўз ички хусусиятлари жиҳатидан бир бирига ўхшайдиган болалар ҳам бўлмайди. Уларнинг ҳарактери, қизиқишилари кайфиятлари ва хоҳишилари, уларнинг хулқ-атворлари сабаблари, кўникума ва малакалари, одатда, турлича бўлади. Ҳар қайси ўқувчи ўзига хос, бошқаларга ўхшамайдиган хусусиятга эга бўлади. У алоҳида шахс сифатида камол топиб боради.

Одатда синф раҳбари синфдаги барча ўқувчиларга нисбатан ягона тарбиявий вазифалар қўяди ва ҳал этади. Масалан, у ўзининг барча ўқувчиларини меҳнатсеварликка, бир жон бир тан бўлишига, ҳаққонийликка ўргатишга ҳаракат қиласди. Аммо бу вазифаларнинг ҳал этиш йўллари, восита ва методлари ўқувчиларнинг индувидуал хусусиятларига қараб турлича бўлиши мумкин. Уларнинг баъзиларини ўз вақтида рағбатлантириш, баъзиларига буюриш, хулқ-атвор қоидаларини бузган ўқувчиларни жазолаш даркор. Бинобарин, ўқувчиларга тўғри тарбия бермоқ учун тарбия жараёнида уларга индивидуал ёндашишни амалга оширмоқ керак. Бунииг учун эса уларни чуқур ва ҳар томонлама ўрганмоқ зарур. Синф раҳбари ўз ўқувчиларини билмаса, у ўқувчиларга ёндашишда, педагогик таъсир кўрсатиш методдарини танлашда хатоларга йўл қўйиши мумкин.

Ўқувчиларга индивидуал ёндашишнинг амалга ошириши тарбия ва таълим бериш принципларидан биридир. Бу тамойил ўқувчилар ва синф раҳбарликларининг ўқув-тарбиявий иш тажрибалиридан болаларни севиш ва ҳурмат қилинининг номоён бўлиши,

уларнинг камолоти тўғрисида кундалик ғамхўрлик қилиш асосида кенг қўлланади.

Тарбиячи ўқувчилар жамоасини тарбиялар экан, ҳеч қайси ўқувчини назардан соқит қолдирмасилиги даркор. Ўқувчиларнинг хулқатвори тартиб интизоми, ўзлаштириш кўп жиҳатдан уларнинг индивидуал хусусиятларига боғлиқдир. Баъзи бир ўқувчи ўзининг ўқишига бардошизлиги туфайли дарсларга улгурмайди, иккинчи бирининг дарсда яхши жавоб беришга ўз журъатсизлиги, тортинчоқлиги ҳалақит беради, яна бирининг яхши ўқишига ўзлаштирилмаганлигининг сабабларини билган тақдирдагина, унинг олдини олиш борасида, реал ва таъсирчан тадбирлар қўллаш мумкин бўлади.

1. Ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятларини ҳамиша ва ҳамма ҳолда ҳисобга олмоқ зарур.

Ўқувчиларга индивидуал ёндашиш бу ҳар қайси ўқувчининг хусусиятларига фаол тарзда мослашиш эмас. Бу энг аввало ҳар қайси ўқувчининг индивидуал хислатларини, унинг психологик тараққиёти хусусиятларини, унинг шахсий тажрибасини ҳисобга олган ҳолда унга тарбиявий таъсир кўрсатишнинг янада самарали йўлларини фаол равишда қидириб топишдир. Бундай ёндашишга фақат тарбиялаш ва ўқитиш қийин бўлган ўқувчиларгина эмас, балки истисносиз ҳамма ўқувчилар муҳтождир, тарбиячининг ўқитувчининг вазифаси фақат қолоқларни ва интизомсизларни илғорлар ва интизомлилар қаторига етказиб олишдагина иборат эмас, балки шу билан барча ўқувчиларнинг, жумладан, энг яхши интизомли, билимли, санъатга ҳавасманд болаларнинг ҳам ақлий, ҳам қувватларини ва ташкилотчилик қобилиятларини ҳар томонлама ривожлантиришдан иборатдир.

Ўқувчиларга тарбия бериш жараёнида уларга индивидуал тарзда ёндашиш ҳар қайси ўқувчини ўз назар-эътиборида тутишдан, унинг хусусиятларини билишдан, унинг ижобий хислатларига таянишдан, унга оғир пайтларда мунтазам ёрдам кўрсатиб боришдан ва уни яхши хатти-ҳаракати учун рағбатлантириб туришдан иборатдир.

Хатто ўқувчиларни синфда жойлаштириш каби ишларда ҳам уларга индивидуал ёндашишга риоя қилмоқ даркор. Ўқувчиларни ўрганиш қатор талабларга жавоб берган тақдирдагина, у ўз олдига қўйилган натижаларни беради. **Мактаблар ўз тарбияний ишини кўп**

даражада енгиллаштириш, бу тарбиявий ишни янада аниң ва маң-садга йұналтирилған тарзда олиб бориш эканлыгини синф раҳбари учун қоюда тусига кирмоги зарур.

2. Үқувчиларни ўрганиб, уларга тарбиявий таъсир күрсатып.

Үқувчи шахсини ўрганиш ҳам пираворд маңсад эмас балки улар-га таълим-тарбия бериш учун зарурий шарт-шароитдир. Одатда тажрибали синф раҳбарлари ўрганаётіб тарбия бериш, тарбиялаё-тиб ўрганиб бориш қоидасыга амал қыладилар. Үқувчиларни ўрга-ниши бу тарбиячилар учун муваффақиятлы тарбиялашнинг зару-рий шарт-шароити бўлиб хизмат қилади, тарбиялаш эса ўз навба-тида ўқувчиларни камол топтириш жараённанда уларни ўрганишнинг асосий йўлларидан бири сифатида фойдаланилади. Үқувчиларни ўрганиш борасидаги ишлар шахсни камол топишида табиий тарзда фаол иштирок этиш билан, ўқувчиларда зарурий маънавий хислат-лари ва характер хусусиятларини таркиб топиш билан органик ра-вишда қўшилиб кетади.

Синф раҳбари ўқувчилар хулқ-авторидаги ижобий хислатларшпи ривожлантириш, салбий хусусиятларга барҳам беришни «ложиҳа-лаштиради».

3. Үқувчиларни ўрганишни режали тарзда ва мунтазам олиб бо-риш даркор.

Үқувчи хулқ-авторидаги якка-ярим учрайдиган ва тасодиғий воқеаларни эмас, балки унинг шахсида жуда кўп учрайдиган типик хусусиятларни ўрганмоқ керак. Шуни ҳисобга олиш керакки ўқув-чилар ҳамма вақт ўсиб камол топиб борадилар. Уларнинг қизиқи-лари доим ўзгариб боради, уларнинг ички дунёлари доимо бойиб боради. Шунинг учун ҳам ўқувчиларни фақат ривожланишга ўргат-моқ ва бу ривожланишни фаол бошқариб бориш зарур. Үқувчилар-ни янада яхши, ҳар томонлама ўргатмоқ учун қилинадиган муо-миллаларнинг барча имкониятларида фойдаланмоқ лозим.Faқат ўқувчиларнинг айрим хатти-ҳаракатларига бу хатти-ҳаракатлар номоён бўлишларини ташкил этиш тажрибаларини ўрганиш ва таҳ-лил қилиш асосида ўқувчиларни ўрганишда амал қилиши лозим бўлган талабларни шундай ифодаламоқ мумкин.

Болаларни ўрганиш уларга тарбия ва таълим бериш сифатини оширишга бўйсндирилмоғи лозим. Үқувчиларни мунтазам тарзда ўрганиш асосида бошланғич жамоага ҳамда алоҳида ўқувчиларга

тарбиявий таъсир этишининг янада самарали усул ва методларини танлаб олишга ижодий ёндашиб мумкин бўлади. Ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятлари, майллари ҳамда қизиқишиларини қайд қилиб бериш билангина чекланиб қолиш нотўғри бўлур эди. Бу ўрганиш асосида ўқувчиларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб, булар билан олиб бориладиган тарбиявий ишини ташкил этиш муҳимдир. Ўз ўқувчиларни яхши ўрганиш демак, ташқи томонига эмас, балки улар ҳулқ-атвор сабабларини ўрганишга эътибор бериш керак.

4. Ўқувчиларни табиий ҳаёт ва иш фаолияти шароитида ўрганиш.

Ўқувчини таълим жараёнида ижтимоий фойдали маслаҳатга ва жамоат ишига жалб қилиш лозим. Ўқитувчиларнинг ўқитувчи ва ўқувчилар жамоаси билан, ота-оналар ва теварак-атрофидаги кишилар билан киришадиган муносабатларини ўрганиши муҳим аҳамият касб этади. Бу муносабатлар жараёнида шахс янада тўла очилади. Ўқувчиларни тиббий иш ва кундалик ҳатти-ҳаракат жараёнида ўрганиш ўқувчига ҳақиқий баҳо беришга ёрдам беради.

Ўқувчиларни хилма хил методлар ва усуллар билан ўргатиши.

Ўрганиш методлари қанчалик турли туман бўлса, ўқувчиларни шунчалик тўла ва асосли ўрганиши мумкин бўлади. Ўқувчи шахсини ўрганишининг асосий методларидан бири унинг иш фаолияти ва ҳатти-ҳаракатларини ўрганишдан иборатдир. Айни бир вақтда қўшимча методлар сифатида ўқувчилар билан, мазмун сифатида иш олиб борадиган ўқитувчилар билан ўқувчиларнинг ота-оналари билан суҳбатлардан фойдаланилади. Ўқувчилар инсонларга тақлид қилиш ва улар иш фаолиятлари натижаларини таҳлил қилиш сингари методлар ҳам қўлланилади. Ўқувчиларни ўрганиш методикаси таъсирчан бўлмоги керак. Ўқувчини ўрганиш асосида унинг ҳарактери ва ҳулқ-атворидаги салбий хусусиятларининг олдини олиш ҳам ижобий ҳислатларни мустаҳкамлаш йўлларини белгилаб олишда муҳим аҳамият касб этди.

5. Ўқувчиларни ўрганиб, улар ҳаёти ва турмуш шароитлари билан танишиш.

Ўқувчиларнинг ахлоқий ҳислатлари, унинг ютуқлар ва камчиликлари, энг аввало унинг таълим ва тарбия олиш жараёнида ижтимоий уй шароити, теварак-атрофи ҳам аҳамият касб этмайди. Ўқувчиларни ўргатиш дастури уларни фақат мактабдагина эмас, балки

шу билан бирга уй шароитида, оиласа ҳам ўрганишни назарда тутмоги даркор.

6. Шахснинг алоҳида хусусиятларини эмас, балки бутун шахсими ўрганмоқ даркор.

Синф раҳбари тарбиявий ишнинг турли босқичларида ўқувчи ҳулқ-авторининг айрим томонларини ўргатишга эътиборини қартиши мумкин. Ўқувчини ҳар томонлама ўргатишга эришмоқ учун дастурни олдиндан яхши ўйлаб тузиш, ўқувчиларни ўргатиш режасини, сұхбат саволларини, иншолар мавзуларни тайёрлаб олиш зарур.

I.	- Оила; - Маҳалла жамоатчилиги; - Мактаб жамоатчилиги; - Телевидение; - Ҳозирги давр янгиликлари; - Ўзаро муамала.	II.	- Ўзининг тажрибаси; - Қадрлайдиган нарсалари; - Шахсий талаблари; - Ниятлари ва умидлари; - Ўзаро алоқалари; - Муносабатлари.
III.	- Алоҳида эътибор бериш; - Ҳар бир ҳаракатини кузатиши; - Рағбатлантириш; - Сұхбат ўтказиш; - Эркин мулоқотта ўргатиш; - Яқиндан сирлашиш	IV.	- Мавзуни түгри тақлаш; - Тарбиявий аҳамиятини кўрсата билиш; - Қизиқарли ўтказиш; - Ўқувчилар ижросини эшиш ва кўриш; - Мақсадга эришиш; - Мазмунли ташкил этиш.

Болаларга тарбиявий таъсир этувчи омиллар

Ўқувчиларни тарбиялашда ўқитувчининг талаблари

Синф раҳбарининг ўқувчиларин ўрганиш методикаси

Ўқувчига индивидуал муносабатда бўлиш

Тарбиявий ишларни түгри ташкил этиш

## 5-ғұрметтілік педагогик күзатиши

Үқувчилар жамоаси мустақил ташкилотдир, аммо у педагогик раҳбарлықка муҳтождир. Үқувчиларни ўз ҳолига ташлаб қўйиш ҳам, айни вақтда болалар жамоасига нисбатан маъмуриятчилик ҳам, буйруқбозлиқ йўлига ўтиб олиш ҳам мумкин эмас. Биринчи ҳолда, синф раҳбари бу ишлардан умуман четлашиб, үқувчилар билан алоқанинг сусайишига йўл қўйса, иккинчи ҳолда у тазиий йўлига ўтиб үқувчилар мустақиллигини йўққа чиқаради.

Синф раҳбарининг бош вазифаси болалар жамоаси фаолиятини моҳирлик билан бошқариш, үқувчилар ташаббускорлигини ўстириш, синф жамоаси фаоллиги ва мустақиллигини таркиб топтиришдан иборатдир.

Үқувчиларни педагогик күзатиши үқувчилар ҳаёти ва фаолиятини ўрганишнинг энг ишончли усулларидан биридир. Бу иш дарсларда, дарсдан ташқари вақтларда, ижтимоий-фойдали меҳнат шароитида, қўйингки, ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида амалга оширилади. Албагта – бу дегани – синф раҳбари ҳамма вақт ва ҳамма жойда үқувчилар изидан юриб, уларни зимдан күзатади деган гап эмас.

Үқувчиларни күзатиши нафақат мактабда, балки кўча-кўйда, оиласда, театрда, сайру-томушада, спорт ўйинларида, оддий гурунгларда ҳам олиб борилади.

Үқувчиларни күзатиши қанчалик пухта, аниқ, изчил режа асосида олиб борилса, иш шунчалик осон кечади.

Тажрибали синф раҳбарлари үқувчиларнинг турли ахлоқий ва жисмоний хислатларини бир қанча синовлар орқали осонгина аниқлаштиради қўяди. Жисмоний тарбия дарсларида турникка тортиниш, қийин ва нозик машқларни бажаришда, врач хонасидаги эмлаш жараённада, бир оз қийинроқ меҳнат топшириқларида, улардан узоқдаги бирор кишини чақириб келиш, ёқтиргмаган ишни буюриш орқали улардаги ирода ва қўрқоқлик, куч ва нимжонлик, қатъилик ва журъатсизлик, меҳнатсеварлик ва ялқовлик каби хислатлар намоён бўлади.

Үқувчиларни күзатиши ва ундан тўплланган маълумотлар умумийлик ва нисбийлик касб этишини унутмаслик лозим. Шунинг учун ҳам тасодифий ва шошилинч хulosалар чиқармаслик керак. Үқувчилар хулқ-авторидаги ташқи жиҳатдан бир хилдаги воқеа-ҳодисалар турли сабабларга кўра содир бўлиши мумкин.

Ўқувчиларни кузатиши давомида, айниқса уларнинг баъзи бир хатти-ҳаракатларини баҳолашда уларнинг келтириб чиқарган сабабларини аниқлаб олиш жуда муҳимдир. Масалан, ўқувчи дарсга кечикиб келди, дейлик. Синф раҳбари уни койишдан олдин вазиятни аниқлаб олиши мақсадга мувофиқдир. Бу ҳолатда балки ота-она айбдордир, балки у кўр кишини кўчадан ўтказиб қўйгандир, балки йўлда йиқилиб тушиб, кийимларини қайта алмаштириб келгандир... Ҳаётда ҳамма нарса бўлиши мумкин. Буни инкор қилиб бўлмайди.

Баъзан ўқувчи ўқитувчининг гапларини эътиборсиз тинглайди. Бу ўқитувчидаги нароziлик уйғотади ва у ҳақ. Балки унинг оиласида нотинчлик бўлгану у тун бўйи ухламасдан безовта бўлиб чиқсан, дарсда фикрини бир жойга тўплай олмайди.

Нима бўлгандаям, ўқувчиларни кузатиши юксак маданий, сахий қалб, болалар шахсига катта ҳурмат, болалар тарбиясини билиш, синчковлик, етук маҳорат ва малака талаб этади.

Педагогнинг кузатиши қанчалик қимматли бўлмасин, бутун синф ҳақида ва айрим ўқувчилар тўғрисида маълумотлар ўрганишнинг бошқа усул ва йўл-йўриқлари ёрдамида аниқлашни ва кенгайтиришни талаб этади.

Бундан келиб чиқиб, мактабда ўқувчилар шахсий ишини самарали ташкил этиш замон талабидир. Бунинг учун уларга меҳнатни илмий ташкил қилишнинг оқилона энг оддий усувларини ўргатиш зарур. Бу билан уларга энг кам куч сарфлаб энг кўп самарага эришиш имконини яратган бўламиз.

Меҳнатни илмий ташкил қилишнинг қуйидаги асосий талаблари мавжуд:

1. Мақсадин аниқлаб олиш;
2. Ишни қисмларга ажратиш;
3. Қисмларни кераксиз нарсалардан тозалаш, қолганларини оқилона жойлаштириш;
4. Энг керакли қурол-асбобларни танлаш;
5. Энг яхши усувларни ўрганиш;
6. Мақсадга эришиш.

Буларни ўқувчилар ҳаётига қандай татбиқ қилиб бўлади?

Ўқиши – ақлий меҳнат турларидан бири. Мамлакатимизда миллионлаб ўқувчилар мактабларда ўқишида. Ўқиши – бу ўзига хос хусусиятга эга меҳнатдир. Шу нарса аниқки, бу меҳнат ҳам айни бир

натижага эришиш учун кўп ёки оз куч сарфланишига қараб у ёки бу даражада самарали бўлиши мумкин.

Ўқувчиларни ҳар бир ишга киришидан олдин хоҳ ёзма, хоҳ оғзаки режа тузиб олишга ўргатиш керак. Ижтимоий ишлабчиқаришида ҳам, шахсий ишда ҳам тартиблилик, тежамлилик режанинг мавжудлиги ва мукаммаллигига боғлиқдир:

Режа – ишдаги муваффақиятнинг асосидир.

Режа – ҳаракат учун дастур.

Режанинг таркибий қисмлари:

1. Иш мақсадини аниқлаш;
2. Иш учун нималар керак?
3. Иш тартиби, иш жараёни, вақти, жойи.

Ниҳоят, ишнинг ўзини: унинг нимадан бошланиши, қандай бориши, нимадан кейин нима келишини аниқ тасаввур қилиш керак.

Ишни бажариш учун энг аввало тегишли иш ўрни керак. Мактабдаги кўпчилик дарслар учун парта ёки стол сингари иш ўрни тўлиқ кифоя қиласди.

Энди иш ўрнига қўйидаги талаблар қўйилади:

1. Иш ўрнида ҳеч қандай ортиқча нарса бўлмаслиги керак. Акс ҳолда керакли нарсани топиш учун кўп вақт сарфланади.
2. Иш ўрнида тозаликни таъминлаш керак. Иш ўрни қанчалик тоза бўлса, ишлаш шунчалик осон, завқли бўлади.
3. Иш ўрнида бажариладиган ишга мувофиқ тартиб таъминлаши лозим. Бизга керак бўладиган ҳамма нарсани бир томонда (яхшиси чапда), бажарилган ва фойдаланилган нарсаларни ўнг томонда сақлаш керак. Кўп ишлатиладиган нарсалар яқинроқ туриши керак.

Столда тартиб сақланиши учун ручка, қалам, кнопка, қисқич, ўчирғич ва маҳсус қаламдондан фойдаланиш ўринли. Шуни унумаслик керакки, синф хонасидаги тартиб, озодалик ҳар бир иш ўрнидаги тартиб ва озодаликка боғлиқ.

Бу хилдаги иш жараёни ўқувчиларни тартиблиликтак, озодаликка, ўз-ўзини назорат қилишга, қизиқиб меҳнат қилишга ўргатади.

## **6-§ Ўқувчилар билим сифатини ошириш ва синфда интизомни мустаҳкамлаш**

Ўқувчиларнинг билиш фаоллигини тараққий эттиришда синф раҳбарининг вазифаси қўйидагилардан иборат:

1. Билимга қизиқиши ва муҳаббат ўйғотиш.

Бола билимга қизиқмасдан туриб, ўқишга интилмайди, муваффақиятли ўқий олмайди. Болада ўз кучига ва қобилиятига ишонч ҳосил этиш, ўқишга жалб этиш, илк ютуқлари учун рағбатлантириш айниқса аҳамиятлидир. Боладаги ўқишга қизикувчанлик қийинчиликларни енгизга, фаоллигини оширишга, ишонч ўйғотишга ва мустақиллиги камол топишига олиб келади.

2. Ўқув меҳнатига онгли муносабатда бўлиш ва унга масъулият билан ёндашиш.

Ўқув меҳнатига онгли муносабатда бўлишлик таълимнинг ижтимоий, ўқишининг шахсий аҳамиятини тушуниш демакдир. Синф раҳбарлари ўқувчиларга уларнинг асосий вазифаси – ўқиш эканлигини уқтиришлари керак. Ўқишга масъулият ҳисси, фақат Ватан олдидаги бурчагина эмас, кенг ижтимоий қамровли – жамоа, ўқитувчилар, ота-оналар ва ўз олдидаги масъулият, уларнинг фикрлари, маъқуллашларини эшишишга интилиш, синф, ўқув жамоасида муносиб ўринни эгаллашга ҳам тегишилидир.

3. Ўқув маданиятини ошириш.

Ўзлаштиришнинг паст бўлиши аксарият ҳолларда, ўқувни тизимили ва режали олиб бориши иқтидори ва кўнникмасининг болаларда шаклланмаганлигидан келиб чиқади.

Синф раҳбарининг ва фан ўқитувчиларининг асосий вазифаси ҳар бир ўқувчининг фаолиятини қўйидаги шартлар асосига қуриш билан борлиқ:

1. Фаолиятни режа асосига қуриш;

2. Қунт билан ишлаш;

3. Пала-партишликка йўл қўймаслик, саранжомликка ўрганиш;

4. Билим сифатини ошириш;

5. Қийинчиликларни енгиз;

6. Ўқув меҳнатига муайян режимга итоат этиш;

Бу дегани ўқув меҳнатини ўқувчининг дам олиши билан тўғри алмаштириб борилишидир.

7. Ўқиша ўртоқларча ўзаро ёрдам уюптириш;

Ўртоқларча ўзаро ёрдам синфда улгурмовчиликнинг олдини олади, синф жиспслигини оширади, жамоатчилик руҳининг шаклланишига олиб келади.

### 8. Синф ўқитувчилари билан ҳамкорлик.

Синф раҳбари таълим-тарбиявий ишларни якка ўзи эмас, балки шу синфда дарс берувчи бошқа ўқитувчилар билан ҳамкорликда олиб боради.

Энди бевосита ана шу ишлар мазмуни билан танишиб чиқамиз.

Синф раҳбари тарбиявий ишларни амалга ошириш жараёнида ўқиш нафақат ҳар кимнинг шахсий иши, балки ижтимоий аҳамиятга эга бўлган иш эканлигини ўқувчиларга тушунтириб боради. Мустақил давлатимиз, бутун ҳалқимиз мактаб даргоҳидан чукур билимли, ҳаётта ҳар томонлама тайёрланган кишиларнинг етишиб чиқишини кутмоқда. Булар ҳақида синф мажлисларида, ҳар бир ўқувчи билан алоҳида ёки бир гуруҳ ўқувчилар билан ўтказиладиган суҳбатларда, турли тарбиявий тадбирларда синф раҳбари батифсил гапириб беради. Ўқиш бу жиддий меҳнат эканлигини ва бунга астойдил ёндашиш, катта масъулият билан қарап кераклиги болаларга тушунтириб борилади.

«Билим – такрорлап мевасидир», – деган эди Абу Райҳон Беруний. Синфда ва уйда кўп ва жиддий ишлайдиган болалар, одатда ўқишида ва меҳнатда катта муваффақиятларга эришадилар. Ҳар қандай муваффақиятнинг заминида тинимсиз меҳнат ётади. Болаларни ўқишга масъулият билан қарап руҳида, кўчириб олишга қарши нафрат руҳида тарбиялаш керак.

Синф мажлисларида вақти-вақти билан мазкур масалалар бутун мазмун-моҳияти билан муҳокама қилиниши, шу орқали ўқув машғулотларига лоқайдлик билан қарайдиган ўқувчиларга сезиларли таъсир ўтказиш керак.

Синфнинг ўзлаштириш масаласи атрофида жамоатчилик фикрининг шаклланиши, бу борада синф деворий газетаси имкониятларидан фойдаланиш яхши натижалар беради.

Ўқувчиларни билимга бўлган қизиқишлигини оширишда уларнинг назарий билимларини мустақил равища қўллай билишларини ҳисобга олиш айниқса муҳимдир. Бу тажриба жуда кўп мактабларда муваффақиятли қўлланилиб келинмоқда. Ўқувчиларга бирор бир фан бўйича кўргазмали қурол ёки бирор жиҳоз ясада келиши бу юрилади. Бунда «Агар тиришсанг, бу сенинг қўлингдан келади»

деган гапни унинг қулоғига қўйиш керак. Буни ўқувчи нафақат оддий топшириқ, балки ўқитувчининг ишончи сифатида ҳам қабул қиласди. Тўғрисини айтганда, бундай нарсаларни ясаш учун ўқувчи етарли назарий билимга эга бўлиши керак. Ўқувчи топшириқни пухта қилиб бажариши учун у ёки бу фан асосларини ўрганишга, ўз билимини чуқурлаштиришга ҳаракат қиласди, ўзи ясаётган ўқув қуролига, ушбу фанга ниҳоятда қизиқиб қолади. Шу билан биргаликда ҳар бир ясалган нарса заминида меҳнат ётганиligini ҳис қиласди, синф ва мактаб жиҳозларини авайлашга ўрганади.

Мактаб ўқувчиларининг билимга қизиқиши уларнинг ҳаётий эҳтиёжларига бевосита боғлиқdir. Мактаб ҳовлисидағи боғ, токзор, иссиқхонада ўтказиладиган амалий жараён – дарахтларни буташ, уларга пайванд солиш, ток кесиши, дарахт ўтказиши, иссиқхоналарда помидор, сабзавотлар етишиши қоидалари ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотади. Бу ҳол уларни ботаника, геометрия, жўкрофия, меҳнат фанларига ҳавас, уларни севиб ўрганишга рағбат уйғотади. Ахир, юқоридаги фанлардан чуқур билим ва малака ҳосил қилмай туриб, мазкур ишларнинг моҳир усталари бўлиб етишиш мумкинми? Болаларга ижтимоий фанларга қизиқишини орттириш учун уларни турли маданий-маърифий тадбирларга тортиш аҳамиятлидир. Ҳудди шунингдек, физика, химия, биология, тарих, меҳнат, астрономия, чет тили фанлари ҳам ўқувчиларда ҳавас ўйғотадиган жуда катта ҳаётий амалий имкониятларга эгадир. Билимга бўлган қизиқишини шакллантириш ва ўстиришда синфларни, ўқув хоналарини ва мактаб биносини жиҳозлаш ҳам катта аҳамият қасб этади, ўқувчиларда турли қарашлар, дид, дунёқарашни шакллантиради, эстетик завқ уйғотади, тегишли маълум соҳаларга ҳавас ўйғотади.

Бугунги кунда турли фанлар бўйича қизиқарли адабиётлар нашр қилинмоқда: «Машҳур кишилар ҳаётидан», «Қизиқарли математика», «Қизиқарли ботаника», «Қизиқарли жўкрофия», «Ўсимликлар ҳаёти», «Бизни ўраб турган олам», «Тарихимизга бир назар» ва ҳоказо илмий-оммабоп туркумдаги бу китоблар ўқувчилар қўлига берилса, улар ҳаётида албатта бурилиш ясали турган гап. Китобдан ҳам яқинроқ дўст, ундан ҳам қудратлироқ тарбия воситаси борми ўзи?

Ўқув жараёнида фанлар бўйича ўзаро боғланишга катта эътибор бериш керак. Бундан ўқитувчию ўқувчи ҳам ютади. Бунга бир неча мисоллар келтириш мумкин. Физика дарсида масалалар ечиш

асносида математика формуулаларидан фойдаланилди. Математика дарсларида физик катталиклар ва ўлчов бирликлари қўлланилади. Булардан ташқари иккала фан биргаликда ўрганадиган мавзулар бўладики, уларда иккала фан ўқитувчиси ҳам бир дарсда ўз соҳалари бўйича тушунча берсалар нур устига нур бўлади. Адабиёт-тарих, меҳнат-ботаника, тарих-жўрофия жуфтликлари фаолиятида ҳам бундай имкониятлар чексиздир. Боланинг муайян бир фанга қизиқишига суюниб туриб, унда бошқа фанларга ҳам онгли равишда ёндашиш ва фан асосларини ўрганишга ҳавас уйғотиш мумкин бўлади.

Ўқувчиларни билиш фаоллигини такомиллаштириш учун тўграк, амалий машгулотлари жараёнида кенгроқ фойдаланиш лозим. Синф раҳбари ўз ўқувчиларининг қизиқиши, мойиллиги, уй шарорити ҳақида маълумотлар билан фан ўқитувчиларини таништиради, болага қандай муносабатда бўлиш кераклиги ҳақида маслаҳатлар беради. Ҳатто, шундай ҳам бўладики, бирор фандан ўзлаштирмаётган ўқувчи билан синф раҳбарининг ўзи бевосита иш олиб боради. «Иккаламиз бу топшириқни бажармасдан қўймаймиз», деб далда беради шогирдига. Керак бўлганда, аълочи ўқувчиларни ёки ушбу фан ўқитувчисини ҳам кўмакка чақиради. Бундан ўқувчини кўнгли тоғдек кўтарилади, ёлғиз эмас эканлигини тушунади, топшириқни ўзлаштиришга ҳаракат, ҳавас уйғонади.

Болаларда ўқув меҳнатига жавобгарлик ва масъуллик ҳиссини тарбиялаш жуда муҳимдир. Масъулликни сезмаган ўқувчи палапартиш ўқийди. Масъуллик кишини сергак тортиради, ўқув фаолиятига алоҳида жавобгарлик ҳисси билан қарашга ундейди

Маълумки, онгли интизом ва мастьулият ҳиссини сезиши мактабда олиб бориладиган тарбиявий ишлар тизимининг самараси ҳисобланади.

Болаларнинг интизомли бўлишида синф раҳбарининг хизмати катта. У дарсда ва дарсдан ташқари вақтларда турли тарбиявий усуллардан фойдаланиб, болаларда интизомни тарбиялаб боради, синфда аниқ режим ва ички тартиб ўрнатишга киришади; жиҳозлаш, тозалик ва тартибни жорий этиб боради.

Бу ишларни синф раҳбари бир ўзи эмас, балки ўқитувчилар, синф жамоаси, фаоллари ва ота-оналар билан ҳамкорликда амалга оширади.

Синфда интизомни сақлаш ва жорий қилиш фақат синф раҳбарининг иши деб тушунувчилар ҳам учраб туради. Бу мутлақо нотў-

гри фикр. Интизом учун бутун синф, педагогик жамоа масъулдир. Интизомни тарбиялаш жуда қийин ва мураккаб тарбиявий жараёндир. Шуниси ҳам борки, кўп вақт қилинган меҳнатни бир пайтни ўзидаёқ йўққа чиқариш мумкин. Масалан, синф раҳбари ва айрим фан ўқитувчилари дарсларида болалар жим, интизомли ўтиришида, дарсларни берилиб тинглашади, ўқув юмушлари билан банд бўлишади; баъзи ўқитувчиларнинг дарсларида бунинг акси: болалар қий-чув қилишади, бир-бирига қофоз отишади, партанинг остига кириб яширинишади, натижада ўқитувчи тажанглашади, ўқувчилар билан ихтилофга боради. Бундай аянчли манзара ҳар бир мактаб ҳаётида учраб туриши табиий.

Нега шундай бўлади? Бу ҳолатда ўша фан ўқитувчисининг ўзи айбордир. Негаки у дастлабки машгулотларидаёқ ўз «сири»ни болаларга олдириб қўйган. Ўта кўнгилчан, сўзлари, ҳаракатлари таъсирсиз, бўшанг, мулоим, болаларни ўзига жалб қилолмайди, ташкилотчилик қобилиятига эга эмас.

Хўш натика нима бўлади? Ўқитувчи ўз кайфиятини бузади, жисмонан чарчайди, ўқувчиларни уради, дарс мақсадига эришиш у ёқда турсин, дарсни тўлиқ ўтолмайди, бундан ҳам ёмони ўқувчилар интизомини бузади, синфда тарқоқликни, бошбошдоқликни вужудга келтиради. Мана, сизга биргина бўшанг ўқитувчининг келтирган зиёни.

Ўқувчиларда интизомни тарбияламасдан туриб, уларни мактабга, атроф-муҳитга, кишиларга, дарсларга тўғри муносабатда бўлишга, уй вазифаларини бажаришга, сараёнкомликка ўргатиш қийин. Онгли интизомни тарбиялаш – мактабнинг асосий вазифаси ҳисобланади.

Синф раҳбарлари ҳудди шундай ҳолатларга ўз эътиборларини қаратишлари лозим. Бутун синф ўқитувчилари олдига ягона педагогик талабларни, қаттиққўлликни, синфда интизомни сақлаш, ўқувчиларга бўлган талабчанликни оширишни алоҳида вазифа қилиб қўйиш лозим.

Шарқнинг файласуф шоири Шайх Саъдий:

Агарда муаллим бўлса беозор,  
Болалар синфни қилишар бозор,

деб бежиз айтмаган.

Яна шуни ҳам айтиш керакки, интизом деганда болаларнинг партада қимирламай ўтиришини эмас, балки онгли интизомни тушиши керак. Кўпгина ўқитувчилар ўзича интизом ўрнатмоқчи бўладилар. Синфга қош-қовогидан қор ёғдириб кирадилар, дағ-даға қилиб болаларни сиқувга оладилар, гаҳ деса қўлга қўнадиган қилмоқчи бўладилар. Бу билан мутлақо келишиб бўлмайди. Зўравонлик асосига қурилган тартиб яхшиликка олиб бормайди. Бу мурғақ қалбларга адоват уругини сочади, уларни совуққон, қўрқоқ, журъатсиз, ёлрончи, озор-безозор қилиб қўяди.

Дарслардаги тартиб-интизомни сақлашнинг энг яхши усули ўқувчилар ишончини қозонишидир. Дарсни қизғин, ижодий, кўргазмали қуроллар ёрдамида, улар ҳавасини ва ҳайратини уйғотиш, лол қолдириш, дарс ўтилгач бирорта ҳам ўқувчини «беиш» қолдирмаслик – ҳар бирига ўзига хос амалий топшириқлар бериш айни муддаодир.

Интизомли бўлиш нафақат мактабда, балки ўқувчининг келгуси ҳаётида ҳам асқотиши турган гап. Чунки, инсон ҳаётининг чигал ва мураккаб сўқмоқларида ҳам тартиб-интизом муҳим аҳамиятга эга.

## 7-§ Ўқувчиларда интизомлиликни тарбиялашнинг усул ва методлари

Синф раҳбари ўз ўқувчисини доимо ўрганиб бориши учун фақат ўқувчилар билангина эмас, балки ўқитувчилар билан, ўқувчиларнинг ота-оналари билан ҳам иш олиб бориши керак. Синф хонасининг жиҳози ва кўриниши ўқувчиларнинг эстетик тарбиясига жиддий таъсир кўрсатади. Синф раҳбарининг кўргазмали қуроллардан самарали фойдаланиш, ўқувчиларни дарсдан бўш вақтларидан фойдаланиш ва болалар ижодий қобилияtlарини ўстирипда уларни ҳар томонлама камол тоғтиришга ёрдам беради. Дарсдан ташқари вақтларда ўқувчиларнинг жамоат тошириқларини бажаришини, тўгаракларда иштирок этишини назорат қилиш керак.

Болаларни севиш, уларни ҳурмат қилиш яхши хислатларни юзага келтириши мумкин. Агар ўқитувчи ўз ўқувчиларига нисбатан бефарқ, айниқса менсимасдан муносабатда бўлса, бундай ўқитувчи ни ўқувчилар ҳурмат қилмайди ва обрўси тушив боради.

Синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишларнинг самара-дорлигини ошириш аввало комил инсонни шакллантиришнинг энг

замонавий ва қулай йўналишларини топиб жорий этишга боғлиқ. Тарбиявий ишларни давр талабига жавоб берадиган ҳолда келтириш учун тарбиянинг асоси бўлган барча ғоялар қайтадан кўриб чиқилиши, асосий эътибор бола шахсига қаратилиши, йиллар давомида тўплланган ижобий тажрибадан унумли фойдаланиш зарурлигини тақозо этади. Ўзбекистонда ёшларни баркамол инсонлар қилиб тарбиялаш, улар онгига умумисоний ва миллий-маданий, маънавий, аҳлоқий қадриятларни сингдириши талаб этилади.

Ўқувчиларда интизомлиликни тарбиялашда синф раҳбари ўз олдига қўйидаги мақсад ва вазифаларни қўяди:

- ёш авлодни маънавий-аҳлоқий тарбиялашда халқнинг бой миллий, маънавий тархий анъанааларга, урф-одатлари ҳамда умумбашарий қадриятларга асосланган самарали ташкилий, педагогик шакл ва воситаларни ишлаб чиқиб амалга жорий этиш;
- шахснинг ақлий, аҳлоқий, эркин фикрловчи ва жисмоний ривожланиши, унинг қобилиятларини ҳар томонлама очиш учун имконият яратиш;
- ёшларни эркин фикрлашга тайёрлаш ҳаёт мазмунини тушуниб олишга кўмаклашиш, ўз-ўзини идора ва назорат қила билишини шакллантириш, ўз шахсий турмушига мақсадли ёндашув, уларда режа ва амал бирлиги ҳиссини уйғотиш;
- ўқувчиларни миллий, умумисоний қадриятлар, ватанимизнинг бой маънавий мероси билан таништириш, маданий ҳамда дунёвий билимларни эгаллашга бўлган талабларини шакллантириш, малака ҳосил қилдириш ва эстетик тушунчаларни шакллантириш;
- ҳар бир ўқувчини билимдонлигини ва ижодий имкониятларини аниқлаб уларни ривожлантириш, инсон фаолиятининг турли соҳаларда жорий қилиб кўриш. Болалар ижодкорлиги, иқтидорини юзага чиқариш ва янада қўллаб-қувватлар учун шарт-шароитлар яратиш;
- инсонпарварлик одоби меъёрларини шакллантириш, бирбирини тушунадиган, меҳрибонлик, шафтақлилик, ирқий ва миллий камситишларга тоқатсизлик, муомала одоби каби тарбия воситалари (ноҳақлика, ёлғончилик, тухмат, чақимчиликка тоқатсизлик) кенг қўлланилиши лозим;
- ватанпарварлик, дунёвий фикрлаш, жамиятимизда яшаётган одамлар билан ўзаро муносабат – мулоқотни ўрганиш, ўз халқига,

давлатига, унинг ҳимояси учун ҳамиша шай бўлиб туриш, Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатларнинг рамзларига ҳурмат билан қараш, ёш авлодни Ўзбекистон Конституциясига, байробига, гербига, мадҳиясига, президентига садоқатли қилиб тарбиялаш;

– қонуний жамоа аҳлоқи ва турмуш қоидаларига ҳурмат билан қарашни тарбиялаш, шахснинг ноёб қирраларини белгиловчи фуқаролик ва ижтимоий масъулият ҳисларини ривожлантириш, ўзи яшаётган мамлакатнинг равнақи, инсоният тараққиётини барқарор сақлаб қолиш учун фидойилик, экологик таълим-тарбия бериш;

– мустақил республикамиз Ўзбекистоннинг ички ва ташқи сиёсатига тўғри ва ҳолисона баҳо беришга ўргатиш, унинг тинчлик-севарлик, демократия ва бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, очиқ-ошкора ташқи сиёсатига ва ўз халқининг турмуш даражасини оширишга йўналтирилган, фуқароларни ижтимоий ҳимоя қиласидиган ички сиёсатни тўғри тушунтирум оғизи керак.

– турмушда энг олий қадрият ҳисобланган меҳнатта ижодий ёндашиш фазилатларини шакллантириш;

– соғлом турмуш тарзига интилишни тарбиялаш ва ривожлантириш, муносиб оила соҳиби бўлиш истагини шакллантириш;

– ёшларимизни эркин мустақил фикрлашга ўргатиш;

– баркамол авлодга хос одоблийлик санъати ва маданиятини ўргатиш;

– ўзбек халқининг миллий урф-одат, анъана ва қадриятларини амалда қўллаш малакаларини шакллантириш;

– инсоният тарихий тараққиётни жараённида маданий, маънавий, миллий меросдаги авлод-аждодларимиздан қолган одоб-аҳлоқ ҳақидаги билимлардан боҳабар этиш;

– Мараказий Осиё мутафаккир ва маърифатпарварларнинг асарларидағи ҳикмат, ўгит ва насиҳатларни ўргатиб, уларга амал қилишни уқтириш;

– табиятга тўғри муносабатнинг моҳиятини, табиятни муҳофаза қилиш инсоннинг бурчи эканлигини, экологик ночорликка олиб келадиган сабабларни англаш ва баҳолаш бўйича билимлар бериш;

– ота-она ва ватан олдидағи бурчни ва унга содиқлик нима эканлигини англатиш;

– ўз-ўзини англаш шарт-шароитларини, инсон қадри ва хур-

лигини аңглаш, унинг табиатини, миллый ва умуминсоний маданийини, она тилини сақлаш, маънавий тараққиётни бозор иқтисодига билан узвий ривожланишини тушунтириб бериш;

– юксак инсоний фазилатлар моҳиятини англатиш, уларга онгли муносабатда бўлиш, яхшини-ёмондан ажратса олиш билимiga эга бўлишини тушунтириш;

– таълим-тарбия жараёнида бериладиган билимлар яхлит ва ижтимоий шарт-шароитлар, миллый ва тарихий, маънавий омиллар, умуминсоний қадриятлар моҳиятини тушунтириш;

– ўқувчиларни билим олиш билан биргаликда юксак инсоний комиллик моҳиятини тушуниб амал қилишга ўргатиш;

– дарсларда маънавий, маърифий, иқтисодий, ҳуқуқий, касбий тушунчаларнинг моҳиятини узлуксиз англатиб бориши мухимдир;

– одоб-аҳлоққа хос сифатларни ўқувчиларнинг кундалик эҳтиёжига айлантириш;

– ўқувчиларда меҳнат кўникмаларини, ижодий мустақил фикрлашни, касб танлапга ва атроф оламга онгли муносабатни ҳосил қилиш;

– аҳлоқийликнинг оддий ҳаётий қоидалари бўлиши катталарга ҳурмат, кичикларга иззат, оиласда бир-бирини эъзозлаш, меҳмон кутиш ва бошқаларни кундалик турмушга сингдириб бориши. Болаларни тарбиялашда (ўқувчи) ўқитувчи қўйидагиларни ҳисобга олиши керак;

– тарбиянинг ўқувчилар руҳияти ва ёш хусусиятига мослиги-ни ҳисобга олиш;

– ўқувчиларнинг ақлий-маънавий муносабатлари таъсирини ўрганиш;

– ўқитувчи-тарбиячининг саводхонлик даражаси, санъат ва маҳорати;

Ўқувчиларда интизомлийликни тарбиялашда дарсларни ижодий, ноанъянавий, сұхбат, ўйин, баҳс-мунозара, учрапшув шаклида бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Педагогик технологияларни қўллашда ўқитувчи қўйидаги қоидаларга амал қилиши лозим:

1. Замонавийлик – таълим-тарбия амалиётга асосланган тажриба, синовдан ўтган дидактика соҳасидаги янгиликларни жорий этиш;

2. Тарбия мазмунини узлуксиз янгилаб бориш;

3. Умумий ва миллий қадриятлар соҳасидаги янги-янги ижодларни ўрганиб бориш;

4. Тарбия жараёнида ўқувчи билан ўқувчи фаолиятини оптималлаштириш, фаоллаштириш. Уларнинг ички руҳияти ва тарбия дарражасини кенгайтириш;

5. Илмийлик – янги усул, восита муаммоси ҳолатларидан фойдаланиб, ўқувчиларни мустақил фикрлаш ва ўзини англашга ўргатиш;

6. Бунинг учун болаларни режадаги мавзулар асосида амалий фаолиятга жалб этиш;

7. Илғор тажрибаларга суюниш;

8. Тарбиянинг мақсадини аниқлиги, мазмунининг замонавийлиги, миллий маънавий қадриятлар билан бойитилиши, ўқувчининг ижодий мустақил фаолияти, тарбия жараёнида мақол, матал, эртаклардан ўринли фойдаланиш, ўйин тест саволлари, кўргазмали куроллар, савол ва топшириқлардан фойдаланиш;

9. Янги педагогик технологияни амалга ошириш учун ўқитувчи назарий чуқур билимларга эга бўлиши керак.

1-2-3-4-синфларда дарсларни турли шаклларда ташкил этиш лозим:

1. Ўйин, суҳбат, баҳс, учрашув, оиласа, жамоат жойларда, маҳаллаларда ҳар бир дарс мақсадининг аниқлиги, тарихийлиги ва замонавийлиги билан одоб-аҳлоқ тушунчаларини тарбиялапга қаратилиши.

2. Ўқув машғулотини ранг-баранг усуллар: аудио, видео, кўргазмалик, жонли сўз таъсирида ташкил этилиши.

3. Ўқитувчини янги технологик маҳоратга эга бўлиши ва ижодкорлиги.

Тарбиявий соатларни мақсадига кўра хилма-хил шаклларида ташкил этиш:

1. Ижодий дарс.

2. Ерталик дарси.

3. Баҳс.

4. Суҳбат.

5. Саёҳат дарслари.

6. Учрашувли дарс.

Янги ўқувчиларни мустақил фикрлашга одатлантириш мақсадида кино, телевидение, маънавий ўйинлар, мушоиралар қўлланилиши мумкин. Кишилик жамиятигининг ҳар бир соҳаси у ёки ижти-

моий-сиёсий масалаларни ҳал қилишда инсондан маҳорат талаб этишини халқ оғзаки ижодиётида, ёзма ёдгорликларида, афсона, достон, эргак, ҳисса, ҳикоят, ривоятларда ҳамда ҳурфиксирли, доно, маърифатпарвар, мутафаккирларимизнинг асарларида атрофлича талқин этилган. Шу асарлардан ўқувчиларни маънавий-аҳлоқий жиҳатдан тарбиялашда бу асарлардан кенг фойдаланиш мумкин. Ҳар бир тарбиячининг дунёқараси, тарбияси одоблиги, унинг муомаласида намоён бўлади.

### **8-§ Ўқувчиларнинг ўқув фаолияти самарадорлигини ошириш борасида синф раҳбари олиб борадиган ишлар**

Синф раҳбарининг фаолияти кўп қиррали ва сермазмундир. У ўзи раҳбарлик қилаётган синф ўқувчиларини тарбиялаш билан бир қаторда ўқув йили ёки чорак давомида нималар қилиш кераклиги болалар ҳаётини нима билан банд қилиш ва танланган иш турини қандай амалга оширишни бехато аниқлаш каби анча мураккаб муаммони ечади. Бу борада синф раҳбарига турли хил манбалар ёрдам беради. Ўқувчиларнинг айrim хатти-ҳаракатларига бу хатти-ҳаракатлар номоён бўлишларининг ташкил этиши тажрибаларини ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида ўқувчиларни ўрганишда амал қилиши лозим бўлган талабларни шундай ифодалаш мумкин.

1. Болаларни ўрганиш уларга тарбия ва таълим бериш сифатини оширишга бўйснайдирмоғи лозим. Ўқувчиларни мунтазам тарзда ўрганиш асосида бошланғич жамоага ҳамда алоҳида ўқувчиларга тарбиявий таъсир этишининг янада самарали усул ва методларини танлаб олишга ижодий ёндашиш мумкин бўлади.

Ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятлари, майллари ҳамда қизиқишиларини қайд қилиб бориш билангина чекланиб қолиш нотўғри бўлур эди. Бу ўрганиш асосида ўқувчиларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб, булар билан олиб бориладиган тарбиявий ишни ташкил этиш мухимdir. Ўз ўқувчиларини яхши ўрганиш демак, ташки томонига эмас, балки улар ҳулқ атвор сабабларини ўрганишга зътибор бермоқ даркор.

2. Ўқувчиларни табиий ҳаёт ва иш фаолияти шароитида ўрганиш.

Ўқувчи таълим жараёнида ижтимоий фойдали маслаҳатга ва жамоат ишига ўрганиши лозим. Ўқитувчиларнинг ўқитувчи ва ўқунчилар жамоаси билан, ота-оналар ва теварак атрофидаги киши билан киришадиган муносабатларини ўргатиш жуда мухим

ят касб этади. Бу муносабатлар жараёнида шахсни янада тўла очилади. Ўқувчиларни тиббий иш ва кундалик хатти-ҳаракат жараёнида ўрганиш ўқувчига ҳақиқий баҳо беришга ёрдам беради.

Синф раҳбари педагоглар, ота оналар ва ўқувчиларни ўзаро боғловчи шахс сифатида барча томонларининг нуқтани назарини ҳисобга олиши, ҳаракатларни бир марказга бирлаштириш, ўзаро алоқаларнинг тўғри бўлишига таъсир ўтказиш ва айни вақтда ўзининг нуқтани назарини аниқ таъминлай олиши керак. Мана шу фазилатлар синф раҳбарининг тарбиявий ишлари самарасини оширишга ва унинг муваффақиятни таъминлашга гаров бўлади. Синф раҳбари ўқувчиларга пухта билим беришга, уларни фикрлаш қобилягини фаоллаштиришга ҳамиша ғамхўрлик қилиб боради. Ҳатто ўзлаштириш юқори бўлган синфларда ҳам болаларда илмга бўлган қизиқишини ўстиришга, таълим сифатини оширишга ҳаракат килиш зарур.

Баъзи айрим мактабларда юқори ўзлаштиришга эришиш ўқув, дидактик масала сифатида мактабда таълим тарбияни тўғри йўлга қўйилишига боғлиқ бўлади. Ўқиш жараёнида болаларда меҳнатсеварлик, дикқатни, матонат каби сифатларни тарбиялаш билимни муваффақиятли ўзлаштиришга ёрдам беради.

1. Ўқув меҳнатига онгли муносабатда ва унга маълумот билан ёндашиш ҳиссини тарбиялаш билимнинг сифатли бўлишига, боланинг ўқишига бўлган интилишига, қизиқишига, уларнинг ҳаракат-чанглигига, диқақатига, фаолиятига ташаббускорлигига, мустақиллигига боғлиқдир. Бундай сифатларни ўқувчиларда шакллантириш, уларга ўқув меҳнатининг ижодий аҳамиятини тушунтириш ва ўқув машғулотларига масъулият билан ёндашиш ўқувчилардан талаб этиш синф раҳбарининг фаолиятида муҳим ўрин эгаллайди. Бунга эса уларнинг ўқишидаги ҳар бир ютуғини ижтимоий фойдали меҳнат билан боғлаш, ўқиш билан ҳаёт ўртасидаги меҳнат фаолияти ўртасидаги алоқани кўрсатиш, ватанни ҳимоя қилиш ҳиссини тарбиялаш орқали эришилади.

2. Ҳар нарсани билишга қизиқиши ва билимга муҳаббат уйроши.

Бола билимга қизиқмай туриб, ўқишига интилмай туриб, муваффақиятли ўқий олмайди. Биринчи навбатда қийинчиллик билан ўзлаштирилган фанларига нисбатан боланинг қизиқишини уйрошиш керак. Боладаги ўқиш меҳнатига нисбатан, меҳнаттага нисбатан ҳавас ва қизиқиши ўқишидаги қийинчилкларни енгилшга, билим фаолия-

тини оширишга қызықувчанлық ва мустақиллігінің камол топишиға олиб келади.

### 3. Ўқув мәхнати маданиятінің ошириш.

Үзлаштирилінг юқори даражада бўлиши аксарият, ўқув мәхнатини тизимли ва режали олиб бориш иқтидорли болаларда шаклланғанидан келиб чиқади.

Синф раҳбарининг ва ўқитувчининг асосий вазифаси ҳар бир ўқувчининг фикрлашга ўргатышдан иборатдир. Айниқса болаларда ўқишиң қийинчилекларини енгиш, тушуниб ўқиши ва китоб билан мустақил ишлаш уй вазифаларини пухта бажариш, олган билимларни амалда қўллаш сифатларини шакллантириш катта аҳамиятга эгадир. Ўқувчиларниң ақлий ва жисмоний равнақ топишиға маданиятли бўлиб ҳаракат қилиш ва ҳамиша бу ҳақда ғамхўрлик қилиш лозим.

4. Ўқувчиларни ўқув мәхнатида муайян режага итоат этишга ўргатиш.

Ўқув мәхнати билан дам олишни тўғри алмаштириб бориш, ташкилий равишда уй вазифаларини бажариш таълим самарадорлигини оширади. Ўқувчилар режимга итоат этишларини ўқитувчи, синф раҳбари ва ота-оналар мунтазам равишда назорат қилиб боришлари керак. Шу йўл билан уларни муваффакиятли ўқишига, ўқув мәхнатада сарамжонликка ўргатиш мумкин.

5. Синфда ўқиши жараёнида ўртоқларга ёрдам уюштириш. Ўртоқларга ўзаро ёрдам, синфда улгурмовчиликни, икки йилликни ва мактабни ташлаб кетиш ҳолларининг олдини олишига ёрдам беради. Шу билан бирга синфда ўртоқлик дўстлик ва бир жамоа шаклланишига олиб келади.

6. Синф ўқувчилари билан алоҳида бўлиши ва яхши ҳамкорлик.

Синф раҳбари таълим-тарбиявий ишларни якка ўзи эмас, балки шу синфларда даре берувчи бошқа ўқитувчилар билан ҳамкорлик-да ҳал этади. Ўқув ишларида синф раҳбарининг ва шу синфда ишлайдиган бошқа ўқитувчиларнинг бир ёқадан бош чиқариб ишлashi, ўқувчиларга нисбатан ягона талабни амалга ошириш ва ўқувчиларнинг бир-бирига ўзаро ёрдамлари таълим -тарбия сифатини оширади.

## **9-§ Мактаб ўқувчилари шахсинн ҳар томонлама камол топтириш**

Бола шахсининг ривожланишига ирсият, муҳит ва тарбия каби омиллар таъсири этади. Бола шахсининг ривожланишига наслнинг таъсири деганда, ота-оналарга ўхшашликни ифодаловчи биологик белгиларнинг такрорланишини тушунмоқ керак. Ҳар бир бола ота-онасидан мерос шаклида баъзи биологик сифатларга (тананинг тузилиши, сочнинг, кўзнинг, терисининг ранги, бўйи басти ва бошқалар) эга бўлган ҳолда дунёга келади. Булар жисмоний хусусиятлардир. Олий нерв фаолиятининг хусусиятлари ҳам турғма ўтади. Бу физиологик хусусият ҳисобланади.

Академик И.П.Павлов таълимотига кўра бола бир қатор турғма хусусият ва инстинктларга эга ҳолда туғилади ва булар шартсиз рефлекслар гуруҳини ташкил этади. Булар орасида ошқозон рефлекси (сўлак ажратиш), муҳофаза рефлекси (иссиқдан қўлни тортиш, ёргулардан кўзини қисиши) кабилар алоҳида аҳамият касб этади. Аммо бу хусусиятлар инсонга ҳам, ҳайвонга ҳам тааллуқлидир. Айни вақтда инсонларга хос бўлган хусусиятлар ҳам ирсият йўли билан ўтади. Масалан, тананинг вертикал ҳолдаги ҳаракати, тафаккур ва нутқ ривожланиши, меҳнат қилиш қобилияти – булар турғма имкониятлар бўлиб, уларнинг ривожланиши учун инсон боласи одамлар орасида яшаб, улар билан алоқа қилиши даркор. Бу руҳий имкониятларнинг чиндан ҳам ривожланмоғи, рўёбга чиқмоғи учун бола фақат ўсибина қолмай, балки шу ўсиш жараёнда инсонлар орасида ящамоғи, улғаймоғи ва ижтимоий ҳаётда иштирок этмоғи керак. Чунки инсон биологик мавжудот сифатида эмас, балки ижтимоий мавжудот сифатида ривожланади ва камолга етади. Бола нутқни эгаллаши учун нутқ шароитида, меҳнат қилиш учун меҳнат шароитида, ақлий тараққий этмоғи учун ақлий фаолият шароитида ящамоғи даркор. Ана ўшандаги боланинг нимага, қандай соҳага лаёқати борлиги намоён бўлади. Физиология ва психология фанининг кўрсатишича, инсон боласи тайёр қобилият билан эмас, балки бирор хил қобилиятнинг рўёбга чиқиши ва ривожланишига таъсири этадиган имкониятлар, яъни шахс хусусиятини ифодалайдиган лаёқат билан туғилади. Турғма лаёқат ўз ҳолича ривожлана олмайди, гўё у “мудроқ” ҳолатда бўлиб, унинг уйрониши, ривожланиши учун қулаги муҳит зарур.

Агар бола ўз лаёқатига мос шароитда ўсиб, зарур фаолият билан шуғулланса, лаёқат эрта кўриниб, ривожланиши, акс ҳолда йўқ бўлиб кетиши мумкин. Шунинг учун педагогик лаёқатнинг намоён бўлиши ва қобилият сифатида ривожланиши тўла-тўкис ҳаёт шароитига ва тарбияга боғлиқ.

Инсон камолотига таъсир этадиган омиллардан бири ташқи муҳитдир. Муҳит деганда кишига табиий таъсир этадиган ташқи воқеалар мажмуу тушунилади. Бунга табиий муҳит, ижтимоий муҳит, оила муҳити (микромуҳит) киради.

Табиий (географик) муҳит (иқлим, табиий шароит) сўзсиз инсоннинг ҳаёт тарзига, характеристига ва меҳнат фаолиятига таъсир этади. Масалан, тропик минтақада ҳаёт кечираётган инсонларнинг ҳаёт тарзи узоқ шимолдаги инсонлар ҳаёт тарзидан фарқланади, бу уларнинг ҳаёт тарзига ва уларнинг ривожланишига таъсир этадиган қатор омиллар билан исботланади.

Шу билан бирга, инсон камолотида микромуҳит – оила шароити ҳам катта таъсир кучига эга. Чунки бола кўз очиб ота-онасини, қариндош-уруғини кўради. Унинг интенсив-жисмоний ва психологияк ривожланадиган даври оила таъсирида шаклланади. Халқимизда “Қуш уясида кўрганини қиласди” деган нақл бекорга айтилмаган. Оиланинг ҳаёт тарзи, ундаги бола тарбиясига ижобий таъсир этадиган тарбиявий муҳит унинг камолотида муҳим аҳамият қасб этади.

Бола камолотида ижтимоий муҳит ҳам муҳимдир. Чунки ишлабчиқариш муносабатлари ва уларни тартибга солиб турадиган ижтимоий қонун-қоидалар кишига алоҳида таъсир қиласди. Ижтимоий алоқа, яъни инсонлараро ўзаро муносабат натижасида одам боласи ҳаётга ва меҳнатга тайёрланади, керакли тажриба ва билимларни эгаллайди.

Инсон камолотига ижтимоий муҳитнинг таъсири турли тарихий даврда (формацияларда) турлича бўлади, турли социал гуруҳларга ҳам турлича таъсир этади. Шундай экан, ҳозирги замон педагогика фани муҳиттга, унинг инсон ривожланишидағи таъсирининг ролига алоҳида эътибор беради. Муҳит тушунчасига кирадиган ижтимоий ҳаёт воқеаларининг шахсга таъсири ғоят муҳим эканлигини кўрсатади ва ижтимоий муҳит абадий эмас, ўзгарувчан деб қарайди. Шунинг учун муҳит инсон тақдирини белгилаб берадиган омил деб ҳисобланмайди. Аммо унинг таъсири ҳам рад этилмайди.

Тарбия мұхит каби инсон камолотига таъсир этувчи ташқи омиллардан ҳисобланади. Тарбиянинг хусусияти шундаки, у аниқ мақсадни күзлаб, инсонда ижобий фазилатларни таркиб топтириш йўлида тарбиячи раҳбарлигига мунтазам амалга ошириб борилади.

Аммо тарбия таъсирининг кучи ва унинг натижаси ирсият ва мұхит каби омилларнинг ҳамкорлиги билан белгиланади.

Инсон камолоти ирсият йўли билан орттирилган ва табиий лаёқатлар билан белгиланиб қолмай, балки бутун ҳаёти даврида уни қуршаб олган воқелик таъсирида орттирилган хусусият ва сифатлар билан ҳам белгиланади.

Шубҳасиз тарбия одамнинг кўзи, сочи, терисининг рангига, унинг бадани тузилишига таъсир эта олмайди, лекин жисмоний тараққиётта таъсир этиши мумкин. Чунки, маҳсус ташкил этилган жисмоний машқулар орқали боланинг саломатлиги мустаҳкамланади ва чиниқтирилади. Инсоннинг табиий қобилияти фақат тарбия орқали, уни маълум бир фаолият турига жалб қилиш орқали ривожланиши мумкин.

Маълумки, бола лаёқатини ривожлантириш, уни қобилиятга айлантириш ва ҳаётга мос ҳолда ўстириш учун меҳнатсеварлик ва ишчанлик керак. Меҳнатсеварлик ва муттасил ўтириб ишлаш каби фазилатлар фақат тарбия натижасида орттириладиган фазилатлардир. Гарчанд инсон камолотига таъсир этадиган омиллар бир қанча бўлса ҳам, лекин маҳсус тарбия муассасаларида тарбиячи раҳбарлигига амалга ошириладиган тарбия жараёни етакчи ҳисобланади. Чунки, биринчидан, тарбия таъсирида турли фазилатлар ўзлаштирилади ва билим, маълумот эгалланади, меҳнат ва техник фаолият билан боғлиқ қўникмалар, малакалар ҳам маҳсус уюштирилган тарбия орқали ҳосил қилинади.

Иккинчидан, тарбия туфайли туғма камчиликларни ҳам ўзгартириб, шахсни камолга етказиш мумкин. Масалан, кўрлар, гунглар ҳам ўқитилиб, соғлом кишилар қатори ҳаётга тайёрланади.

Учинчидан, тарбия ёрдамида мұхитнинг салбий таъсирини ҳам йўқотиши ёки бартараф қилиш мумкин.

Тўртингчидан, тарбия доимо келажакка қаратилган мақсадни белгилайди. Шу туфайли, у шахснинг камолга етишини тезлаштирувчи роль ўйнайди. Инсон камол топишида мактабнинг аҳамияти катта. Болалар мактабга қадам кўяр экан, улар ўқув меҳнати билан банд бўладилар. Болалар мактабда фан асосларини эгаллаш билан бир-

га, уларда секин-аста илмий дүнёқараш шаклланиб боради. Ўқитувчи-тарбиячиларнинг раҳбарлигига инсонга хос бўлган юксак фазилатларни эгаллайдилар. Тарбиявий ишларни режа асосида ташкил этиш, болани тарбиялашда оиласа ҳар вақт ёрдам кўрсатади. Тарбиячи ўз тарбияланувчисининг оиласавий шароитидан хабардор бўлиши, педагогик маслаҳатларга, ёрдамга мұхтож бўлган оиласарга ёрдам бериши мұхим. Тарбиячи учун бола бўш вақтини кимлар билан ва нималар билан машғул бўлиб ўтказаётгани аҳамиятсиз эмас. Чунки, ўз ҳолига ташлаб қўйилган бола кўчанинг салбий таъсирига берилиб кетиши мумкин.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, инсон фақат фаолиятда ривожланади, ундан ташқарида ривожланиши ўйқ. Бола жуда ёшлигидан бошлабоқ катталар ёрдамида ташқи мұхит билан турли хил алоқада бўлади. Мактаб ёшида бу алоқалар ўқиш ва шу билан боғлиқ бўлган бошқа фаолият билан боғланади ва булар ривожланиши учун манба ҳисобланади.

Педагогик жиҳатдан тўғри уюштирилган ҳар қандай фаолият шахснинг ақлий ва иродавий ривожланишига таъсир этади. Демак, бола улрая борган сари унинг фаолияти ҳам шакли ва мазмуни билан ҳамоҳанг ўзгариб бораверар экан. Масалан, боғча ёшида болаларнинг асосий фаолият тури ўйин бўлса, мактаб ўқувчиси учун ўқиб, меҳнат қилиш асосий фаолият бўлиб қолади. Демак, бола ҳаётида фаолият турларининг ўзаро муносабати ҳам ўзгаради ва бунинг таъсирида бола камолоти ҳам янги, юқорироқ босқичга кўтарилади.

Умуман, педагогик жиҳатдан тўғри уюштирилган ҳар қандай фаолият бола шахснинг ақлий, ахлоқий, эстетик, жисмоний ва иродавий ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади. Раҳбарлик қилинмаган фаолият эса бир ёқлама ёки салбий таъсир этиши мумкин.

Шундай қилиб, инсон тараққиётининг илмий концепцияси инсон камолотига таъсир этадиган омилларни таҳлил этиб, инсон камолоти ва унинг шахсини шакллантиришни ягона ва бир бутун жараён эканлигини таъкидлайди. Бу жараёнда инсоннинг фаоллигига катта ўрин берилади. У фаоллиги билан ўз шахсини шакллантира олади. Тарбиячи томонидан қўйиладиган мақсад аниқ бўлса ва бу мақсаддага эришиш учун одам астойдил ҳаракат қилса, кутилган натижага эришилади.

## **10-§ Синф раҳбари ишини режалаштириш ва ҳисобга олиш**

Синф раҳбари ўз ишларини мактаб маъмурияти раҳбарлиги ва болалар ташкилотлари билан ҳамкорликда олиб боради. Шунинг учун унинг фаолиятини режалаштириш умуммактаб ҳамда болалар ва ўсмирлар, «Камолот» жамғармаси ишининг режалаштирилиши билан узвий равишда борлангандир.

Синф раҳбари ишини режалаштиришнинг ўзига хос ҳусусияти шундан иборатки, унда ўқувчиларнинг ўзлари фаол иштирок этадилар, бироқ унга синф раҳбари бошчилик қиласиди. Синф раҳбарлари олдида жуда қийин вазифа – тарбиявий мақсадларда ўйланган ҳар бир нарсани болалар ўзларининг шахсий фикр ва ғоялари сифатида қабул қилишларига эришиш вазифаси туради.

Режа – ўқувчиларга тарбия бериш жараёнини муваффақиятли ташкил этишининг зарурий шартидир. Режасиз иш олиб бориш синфдаги тарбиявий ишлар мазмунни, шакллари ва услублари ўлда жўлда, тарқоқ, ноаниқ, тасодифий ҳолатларда бўлади ва кўр-кўрона ҳаракат қилишга олиб келади. Бундай тақдирда тарбиянинг асосий вазифаларини ҳал этиш қийинлашади, баъзан эса бутунлай сана марасиз бўлади. Режа синф раҳбариининг тарбия бериш фаолиятини тўғри ташкил этиши учун жуда катта имкониятлар очиб беради.

Синф раҳбарининг тарбиявий фаолиятини режалаштиришга қўйиладиган асосий услубий талаблар нималардан иборат?

Синф раҳбарлари ўтказилаётган ишларни ҳамда уларнинг ўқувчилар тарбиясига кўрсатган таъсирини ҳар куни таҳлил қилишлари, ўзлари эришган ютуқлари ва муваффақиятсизликлари сабабларини тушунишга ҳаракат қилишлари, жамоасининг ривожланишида рўй берәётган ўзгаришларни қайд қилишлари керак. Шундай қилиб, режалаштиришнинг ҳар бир босқичига тайёрланиш мунтазам олиб борилади. Жамоани ва айрим ўқувчиларни ўрганиш юзасидан олиб борилган барча ишлар якунида синфга педагогик тавсифнома ёзилади. Мазкур тавсифнома синф жамоасининг ўзига хос аниқ ҳусусиятларини ҳисобга олиш имконини беради.

Ҳар бир синф раҳбари ўз-ўзини бошқаришнинг сайлаб қўйиладиган ўқувчилар қўмитаси ҳамда болалар ва ёшлар ташкилотлари билан бирга ишлаб, синф жамоасига раҳбарлик қилиши юзасидан олиб бориладиган амалий ишларда бу талабини рўёбга чиқаради.

Тажрибали синф раҳбарлари ўзининг кузатишлари ва хуносала-

рини алоҳида варақларга қисқача қилиб ёзиб боради. Булар махсус жилларда сақланади. Тўплангандан маълумотлар ўқувчилар жамоаси ҳаётини, унинг эришган ютуқлари ва камчиликларини кейинчалик таҳлил қилиш учун хизмат қиласди.

Синф раҳбарни ўқув йили охирида синф жамоаси ишини таҳлил қилишга алоҳида эътибор беради. Бунда режада белгиланган вазифаларни қандай ҳал этилганлигини, синф ижтимоий ҳаётида қандай иштирок этганлигини, мамлакатимиздаги ва чет эллардаги воқеаларга қандай қараганлигини, амалга оширилган ишлардан қайсилари муваффақиятли бўлган ва анъанага айланиши кераклигини, ўқувчилар ўртасида қандай муносабатлар вужудга келганлигини, синф фаолларининг ташаббускорлиги, мустақиллиги, обрў-эътибори ва бошقا масалаларни атрофлича таҳлил қилиш муҳимдир.

Синф раҳбарни тажриба орттирган сари анча мураккаб масалалар билан қизиқа бошлади. Уни синфдаги ишлар қанчалик муваффақиятли ўтгани эмас, балки улар ўқувчиларга қандай таъсир кўрсатгани, синфнинг ижтимоий фойдали ишларда иштирок этиши эмас, балки иштирок этиш сабаблари қизиқтиради.

Шуни назарда тутиш керакки, синф раҳбарни ўз синф жамоаси олдига қўядиган аниқ тарбиявий вазифалари дастлабки вақтларда унча мураккаб бўлмаслиги мумкин. Масалан, синф раҳбарни синфа келгандан сўнг деярли ҳамма ўқувчилар яхши ишлашини, лекин уларнинг бир-бiri билан алоқаси йўқлигини аниқлади. Бундай синфда шундай бир иш топиш керакки, бу иш ҳамма ўқувчиларни ягона мақсадга олиб борсин. Болаларга бу вазифа – мактаб ҳовлисида ҳашар ўтказиб, экинларни парваришлаш керак, ўз мазмунига кўра жуда оддий бўлган бу топшириқ ўқувчиларда қизиқиш уйғотади, уларда темир-терсак йигишида бир-бирлари билан мусобақалапшиб, уни тезроқ бажариш иштиёқини ҳосил қиласди.

Бошқа бир синф раҳбарни ўз ишларини таҳлил қилиб чиқиб, шундай хулосага келди: синфда кўп ишларни ўзи бажаради, ўқувчилар эса шахсий ҳаёт эгалари бўлиб эмас, балки кўпинча ишнинг ижро-чилари бўлиб қоладилар. Шунинг учун у ўқувчиларнинг ташаббус ва мустақиллигини ривожлантириш, барча ўқувчиларни синф ижтимоий фаолиятига жалб этиш ва ҳар бир ўқувчидаги ўзига ёқадиган иш бўлишга эришиш вазифасини кўйди. Шундай вазифа қўйгач, синф раҳбарни ўқувчиларнинг кўпчилик қисмини зарур малака ва кўникумалар билан қуроллантириш учун ўз диққат-эътиборини синф

фаолларини тарбиялашга қаратиш кераклигини тушунади.

Ана шу таҳлитда изчил иши олиб борилса, тарбиявий вазифалар ўқувчилар учун қизиқарли, истиқболли вазифаларга айланади.

Синф раҳбари турли режалар тузиб олиши мумкин: келажакка мўлжалланган, яъни истиқболли (йиллик, бир неча йиллик) ва муваққат (оийлик, ҳафталик, кунлик).

Хўш режанинг асосий манбаи нималардан иборат бўлиши керак?

Бош манба – ҳукуматимизнинг фармон ва қарорлари, президентимиз И.Каримовнинг қатор рисолалари ҳамда халқ таълими тизимишинг расмий йўл-йўриқлари, ҳужжатлари ҳисобланади.

Режанинг яна бир муҳим манбаи – ўтган ўқув йилидаги тарбиявий тадбирларнинг ютуқ ва қамчиликлари таҳлилидир.

Режа қуидаги бир қатор талабларга жавоб берини керак:

1. Режага Истиқлол ғояларини сингдириш.
2. Режанинг шакл ва йўналишлари ранг-баранг ҳамда истиқболли бўлиши.
3. Режа узлуксиз ва изчил бўлиши.
4. Режанинг аниқлиги.

Ушбу талабларнинг қисқача мазмуни билан танишиб чиқамиз.

*Режага мустақиллик ғояларининг сингдирилиши.* Барча тарбиявий вазифалар мактаб олдига қўйилган асосий мақсадни – ўқувчиларни ҳар томонлама, «Сорлом авлод учун» дастури асосида маънавий ва жисмоний баркамол қилиб тарбиялаш, уларни ҳаётга, мустақил давлат қурилишига фаол қатнашишга тайёрлап мақсадини амалга оширишга қаратијмоғи даркор.

“Ҳар қандай улуғ мақсадларга етишиш янги жамият, фаровон турмуш қуриш, инсон зотига муносиб гўзал ҳаёт барпо этиш, аввалио, шу жамият аъзолари бўлган комил одамларга, келажак баркамол авлодга боғлиқдир”, – деган эди президентимиз И. Каримов.

Синф раҳбари ғоявий-сиёсий ишларни режалаштиришда болаларни фақат китобий билимлар билан эмас, балки амалий, ҳаётий тажрибалар билан қуроллантиришни назарда тутиши зарур. Бу маърузачилар, сиёсий мактаблар, сиёсий клублар ва ҳоказоларни ташкил қилиш мўлжалланаётган вақтда ўқувчиларнинг ўз ғоявий эътиқодларини қай даражада эканлигини синааб қўришга имкон берадиган вазиятларни вужудга келтиришни назарда тутади. Бу ишларни мунозараларда, баҳсларда, оғзаки ва ёзма журналарда, меҳнат ҳаракатларида, байрамларда, болалар ва ёшлар ташкилотлари ишлари-

да, табиатни, ҳайвонот дунёсини, тарихий ёдгорликларни қўриқ-лаш каби ранг-баранг тадбирларда амалга ошириш мумкин.

Ахлоқий ва ватанпарварлик тарбияларига истиқдол руҳи том маъноси билан сингиб кетган бўлиши керак. Баъзан айрим синф раҳбарлари иш фаолиятида кўнгилочар ўйинларни кўпроқ ўтказиш анъанаси кўзга ташланади. Режалаштиришда шуни назарда тутиш керакки, у ўйинми, у ишми бирор мақсадга қаратилганлигига, унинг тарбиявий аҳамиятига эътибор бериш керак бўлади.

*Режанинг шакл ва йўналишлари ранг-баранг* ҳамда истиқболли бўлиши. Тарбиявий ишнинг хилма-хил шакл ва услублари бўйича иш олиб бориш тарбиявий ишларни ўқувчилар учун янада ранг-баранг ва қизиқарли тарзда олиб боришга ёрдам беради. Режада ўқувчилар билан фақат умумий ҳолда эмас, балки шу билан биргаликда болаларнинг қизиқишлари ва майлларини ҳисобга олган ҳолда ҳам иш юритишни назарда тутиш муҳимdir.

Режа узлуксиз ва изчил бўлиши. Режада белгиланадиган тарбиявий тадбирлар ягона тарбиявий жараённинг тадрижий бўлакларидан иборат бўлмоғи керак. Ҳар бир тадбир ўзидан олдинги тадбирнинг давоми бўлиши ва эришилган тарбия натижаларига асосланиши лозим. Бу узлуксизлик ва изчилликни таъминлайди, эришилган ютуқлар, қимматли кўнкималарни йўқолиб кетишдан сақлайди.

*Режанинг аниқлиги.* Режага бажариб бўлмайдиган ишларни киритмаслик керак. Ишни режалаштиришда маҳаллий шароитлардан келиб чиқиш лозим. Режада ҳамма нарса: иш вақти, жойи, масъуллар аниқ бўлсин.

Синф раҳбарининг тарбиявий ишлар режаси – бу мажбурий педагогик ҳужжатдир. Уни амалга ошириш учун синф раҳбари шахсан масъулдир. «Синф раҳбари ҳақида Низом»-да: «Синф раҳбарининг иши режа асосида олиб борилиши лозим» деб белгилаб қўйилган.

Синф раҳбари умуммактаб иш режалари, болалар етакчиси, «Камолот» жамғармаси котиби иш режалари билан танишиб, директор ўринбосарлари, синф ўқитувчилари, синф фаоллари, ота-оналар билан фикрлашиб, уларнинг қимматли таклифларини ҳисобга олган ҳолда ишнинг истиқболли режасини тузади.

Ишнинг истиқболли режаси синф жамоаси томонидан тўплangan тажрибага қараб ва синф раҳбарининг ўз вазифаларига мувофиқ равишда бир ёки бир неча йилга тузилиши мумкин. Низомда

«Синфнинг йиллик иш режаси тузилади. Уни тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари тасдиқлайди» дейилган.

Режанинг ифодалаш шакли жуда оддий бўлгани маъқул: ишнинг номи, бажариш муддати, масъул киши. Режа қисқа ва аниқ бўлиши керак. Бўлар-бўлмас ишлар рўйхатини қалаштириб, қаппайган режа тузишга берилиб кетмаслик керак. Режага фақат ҳаёт илгари сурган ва ўқув йили давомида муваффақиятли бажарилиши мумкин бўлган тадбирларнигина киритмоқ лозим. Киритилган тадбирлар ҳам бири боғдан, бири тоғдан олиб ёзилмаслиги, балки улар тарбиявий ишлар тизимида бир-бири билан боғланган, бир-бирини тўлдирадиган ҳолда бўлиши зарур.

Режа бола шахсига таъсири кўрсатувчи турли тарбиявий омилларнинг нафақат умумий, балки хусусий аниқ тадбирларни ҳам ўз ичига олиши керак.

Биз қўйида синф раҳбари иш режасининг асосий бўлимлари ва мазмунини берамиз:

*I. Ўқувчилар жамоаси билан ишлаш.* Ўқувчини ўрганиш (ўқувчи ҳақида маълумот тўплаш, унинг ақлий, жисмоний, руҳий ривожи, билим, кўникма ва малакалари даражасини, тарбияланганлик, жамоатчиликка интилиш даражаларини диагностик дастурлар асосида ўрганиш), синф жамоасини ўрганиш (ўқувчилар сони, жинси, миллати, ёши, расмий ва норасмий лидерлар, илорлар, қолоқлар, интизомсиз ва тарбияси қийин болалар, уларнинг синфга таъсири, синфнинг жамоатчилик топшириқларига муносабати, синфнинг тарбияланганлик, жипслик, ривожланганлик даражаларини диагностик дастурлар асосида ўрганиш), синф жамоасини ташкил этиш ва йўналтириш (ташкилий ишлар, синф фаоллари билан ишлаш, умумий ишлар устидан назорат, болаларни ўз-ўзини назорат қилишга ўргатиш, навбатчиликни, ўзаро ёрдамни йўлга кўйиш, газета таҳририяти билан ишлаш, касалманд ва ногирон болаларга фамхўрлик, вақтли матбуот нашрларига ёзилиш, меҳнат ҳаракатларида қатнашиш, синф мулкини сақлаш, кундалик режимга бўйсуниш ва ҳоказолар).

*II. Болалар ва ўсмиrlар уюшмаси («Камолот» жамгармаси)* билан биргаликда олиб бориладиган ишлар. Ушбу бўлимда болалар Етакчисига, «Камолот» жамгармаси котибига уларнинг тарбиявий иш фаолиятларида бериладиган ёрдамнинг аниқ шакллари кўрсатилади.

**III. Синф ўқитувчилари билан ишилаш.** Дарсларда ўқувчиларни ўрганиш (ўқувчининг дарсда ўзини тутиши, уларнинг ўзлаштирмаслиги, билимдаги нуқсонлар, хулқи), ўқувчилардаги билим кўникмаларини аниқлаш (ўқувчилар кундаликлари, дафтарларини кўриб чиқиш, ўқитувчилар билан суҳбатлашиш, ўқувчиларнинг ўқув ишларини кузатиш, дарсликлар, маълумотномалар, жадваллар ва ҳоказолар билан таъминланиш аҳволини ўрганиш, нутқ маданияти, уйга вазифа, касб танлаш масалалари билан қизиқиши), ўқувчи-ўқитувчи муносабати (ўқувчи билан ўқитувчининг чиқишимлиги, ўқитувчининг педагогик одобга, педагогик талабларнинг бир хиллигига эришиши масалалари), ўзаро ёрдамни ташкил этиш (қолоқ ўқувчиларни аниқлаш, фан ўқитувчиси билан биргаликда унинг сабабларини таҳлил қилиш ва тегишли тадбир белгилаш, аълочи ўқувчилардан ўзаро ёрдам ҳаракатини уюштириш), ўқитувчиларга ёрдам бериш (ўқувчилар ҳақида тегишли маълумотлар, маслаҳатлар бериш, фанга оид тадбирларни ўтказища кўмаклашиш).

**IV. Синфдан ташқари тарбиявий ишларни ташкил қилиш.** Бунда ақлий, ахлоқий, ватанпарварлик, ҳукуқий ва бошқа тарбиялар бўйича белгиланган ишлар ва тадбирлар, касб танлаш ишлари (каслар рўйхатини тузиб чиқиш, касб ҳақида бурчак ташкил қилиш, меҳнат аҳиллари билан учрашувлар, ўқувчиларга анкеталар тарқатиш, жавобларни таҳлил қилиш, қизиқишлар картасини тўлдириш, касб ҳақида иншо ёздириш, ўқувчиларнинг техник ижодиёти кўргазмасини ташкил қилиш, синфдан ташқари ўқишини ташкил қилиш), фан ўқитувчилари билан биргаликда адабиётлар рўйхатини тузиб чиқиш, ўқилган асрлар юзасидан суҳбат уюштириш, синфда адабий кўргазма ташкил қилиш, кутубхона билан алоқа боғлаш ва ҳоказолар, синфда кўргазмали ташвиқот ишлари олиб бориши (синф бурчаги, деворий газеталар, варақалар чиқариш, синфи мазмунли беҳаш, экологик бурчак ташкил этиш ва ҳоказолар).

**V. Ота-оналар билан ишилаш.** Бу бўлимда оиласларни ўрганиш (оиласнинг ижтимоий аҳволи, ўқувчига яратилган шарт-шароитлар, оиласнинг тарбиявий имкониятларини ўрганиш), ота-оналар фаоллари билан ишилаш (улар ёрдамида ва иштироқида болалар тарбиясига оид турли-туман ишлар режасини тузиш, улар томонидан баъзи оиласларга кўмак ва таъсир ўтказиш), ота-оналарнинг тарбияя

оид билимларини ошириш (ота-оналар мажлислари, университетларини ташкил қилиш, яхши оиласалар ташвиқоти билан шуғулланыш, ўзаро тажриба алмашиш).

Келтирилган режа тартибини мажбурий деб қарамаслик керак. Синф раҳбарлари иш режаси турлича тузилиши ва ҳар хил шаклда бўлиши мумкин. Бу синф раҳбарларининг иш савияси, тажрибаси, ўз касбига қизиқиши, ҳар хил синфларда иш шароитларининг турличалигига боғлиқдир. Шуни назарда тутиш лозимки, иш режаси қайси шаклда бўлишдан қатъи назар, тарбиявий ишларнинг мақсад ва вазифалари мазкур режанинг муҳим бўлимларидан бири бўлиши шарт.

Иш режасини тузиш ва уни ҳаётга тадбиқ қилиши ишларига ўқувчилар ва ота-оналар фаолларини жалб қилиши керак. Аввало улар алоҳида топшириқларни, аста-секин режада кўрсатилган кенг ҳажмдаги ишларни амалга оширади.

Режага киритиладиган иш ва тадбирлар, уларнинг мазмун-мөҳияти, амалиётта тадбиқ қилиши ҳақида мазкур китобнинг тегишли бўлимларида атрофлича фикр юритилган.

## III. БҮЛІМ.

### ЖАМОАДА ШАХСНИ ТАРБИЯЛАШ

#### 1- . Синф жамоасини ташкил этиш ва уни тарбиялаш методикаси

Синф раҳбари ишида ўқувчилар жамоасини ташкил этиш марказий вазифа ҳисобланади, чунки жамоада шахсни тарбиялаш – тарбиянинг етакчи мақсадидир.

Болалар жамоасини ташкил этиш методикаси ҳозирги кунда анча түлиқ ва мукаммал ишлаб чиқилган. Бу методиканинг умумий асослари педагогика курсида баён этилган, жамоа ва жамоада шахсни тарбиялаш назариясига таянади. Жамоа назарияси қоидаларига мувофиқ уни яратиш методикаси ишлаб чиқилган. Унинг умумий асослари куйидагилардан иборат: талаблар қўйиш; фаолларни аниқлаш, ўқув меҳнат, ижтимоий сиёсий ва оммавий маданий фаолиятдаги истиқболларни ташкил этиш; соғлом жамоатчилик фикрини шакллантириш, ижобий анъаналарни яратиш, ва кўпайтириш.

Таърифланган бу қоидалар ҳар қандай жамоа (мактаб, синф жамоаси, мактабдан ташқари болалар бирлашмаси ва ҳоказолар)ни шакллантириш ва ривожлантириш учун қўлланма бўлиб ҳисобланади.

Болаларнинг жамоа турмуш нормалари ва қоидаларининг интизомини бўзилишига муносабатларини кузатиб жамоанинг ташкилий гузулиши таъсирчанлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Жамоа ривожланишининг дастлабки босқичларида болалар тарқоқ бўлиб, уларда яқдил фикр ва синф раҳбари таяниши мумкин бўлган таъсирчан фаоллар бўлмайди. Шунинг учун жамоада салбий ҳодисалар очиқ муҳокама қилинмайди ва мустақил жамоа қарори қабул қилинмайди. Агар жамоа ривожланишининг иккинчи босқичида бўлса, номигагина эмас балки ҳаракатларини қўллаб қувватлайдиган ҳақиқий ҳаракат қўйувчи фаоллар бўлса, унинг айrim ўқувчилар ва жамоа олдига муайян талаблар қўйишини кузатиш мумкин.

Жамоанинг ривожланиш даражасидан далолат берадиган муҳим белгилардан бири – ўқувчиларнинг биргалиқдаги фаолиятга иштиёқи чиқинди қороз ёки металлолом тўплаш, кечага тайёргарлик кўриш каби мактаб тажрибасида мунтазам учраб турадиган ишларда қўзга ташланади. Жамоанинг ривожланиш даражасини аниқлашда ўқув-

чиларнинг фақат синфдан ташқари фаолиятида намоён бўладиган муносабатларни таҳлил этиш билангина чекланиб бўлмайди.

Синф раҳбари ишининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, у оддий болалар жамоасини эмас, балки ўқувчилар жамоасини ташкил этади. Ўқувчиларнинг асосий вазифаси ўқишидан иборат. Шунинг учун синф раҳбари даставвал болаларнинг ўқишига қандай муносабатда эканликларини, ўзларини дарсда қандай тутишларини, уй вазифаларни сидқидилдан бажарипларини ёки бажармасликларини аниқлайди. Ва ниҳоят энг муҳими – уларнинг ўқишидаги режаларини ижтимоий моҳиятта молик ёки молик эмаслиги ҳисобланади.

Ўқувчилар ўртасида салбий ҳолатлар рўй бермаслиги учун жамоанинг ривожланиш усулини аниқлаб олишимиз керак. Бунинг энг ишончли усули – ўқувчиларни улар билан дарсда, дарсдан тапиқарида ўзаро фаол ҳамкорлик қилиш жараёнида кўзатишдан иборатdir. Бунинг учун маҳсус диагностик усувлар, масалан, анкета тарқатиш, педагогик вазиятларни вужудга келтириш, бошқа усувлардан ҳам фойдаланиш мумкин.

Лекин, бу усувлар гуруҳга жуда эҳтиёткорлик билан, катта педагоглик одоби билан қўллаш лозим. Ўқувчиларни ўрганишнинг ҳар бир усули айни вақтда тарбия усули ҳам эканлиги ўқитувчилар учун қонун бўлиши керак.

Жамоада шахсни якка тартибда тарбиялашда мактаб ўқувчисини ўз-ўзини тарбиялашга жалб этиш, уни тегишли малака ва кўникмалар билан қуроллантиришдан иборатdir. Тарбиявий таъсир кўрсатишга бўйини ёр бермайдиган, тарбияси қийин болалар – бу албатта, ёмон ўзлаштирувчилар эмас. Замонавий синф раҳбар ўқувчилар ёмон хулқ авторининг, паст ўзлаштиришнинг сабабларини пухта ўрганади. Бунда ўқувчининг синфдошлари билан муносабатлари, бу муносабатларнинг маънавий асослари энг муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Жамоа муносабатлари – даставвал муайян мақсадларга асосланган ва ижтимоий аҳамиятта эга бўлган мақсадлар йўналтириб турадиган ўзаро масъулиятли муносабатлардир.

Синф ўқувчилари кўп бўлган шароитда ҳар бир болага якка тартибда ёндашиш, ҳар бир бола қалбига тўғри йўл топиш жуда қийин. Агар ўқувчилар жамоаси қўллаб қувватласа, ҳар ҳолда бундай йўлни топиш мумкин.

**Жамоада шахсни тарбиялашда якка тартибдаги ёндашувнинг мониторингини**

ҳияти алоқида ўқувчини жамоа фаолиятиган жалб этишдан, жамоани эса мазкур ўқувчи билан қизиқтириб қўйишдан иборатdir. Ҳар ҳандай жамоада тарбияси қийин болалар бўлади, лекин «ажратиб қўйилган» болалар бўлмайди.

Ўқувчиларнинг хулқатвори, ўқувчининг мунтазам ўрганишини ўз олдига мақсад қилиб қўймаса унинг учун сезилмаган тарзда ўзгариши мумкин. Бундай ўрганиш якка тартибда ишни ташкил этишининг ҳал қилувчи шарти ҳисобланади. Жамоани шакллантириш, юзасидан олиб бориладиган иш албатта айрим ўқувчиларнинг ривожлашига таъсир этади ва шунинг учун ҳам бу жараён стихияли эмас, балки мақсадга қаратилган ва бошқариладиган бўлиши керак.

Синф раҳбари ўқувчиларни якка тартибда ва жамоа билан тарбиялашда ота-оналар билан ўзаро ҳамкорликда бўлади. Ота-оналарга педагогик билим беришни уюштиришда синф раҳбарига муайян тарзда ёрдам берадиган асосий манба «Ота-оналарга педагогик билим беришнинг намунавий дастури»dir. Мазкур дастур ўқувчиларнинг ота-оналари билан хилма-хил машғулотларни бирга қўшиб олиб боришни кўзда тутади.

Дастурда ўқув йили мобайнида иккита умумтаълим машғулоти ва ҳар бир синф ота-оналари учун 6 тадан 9 тагача машғулот ўтказиш назарда тутилган. Машғулотлар шундай тарзда қуриладики, ота-оналар педагогика, психология ва физиология асослари изчил курсини ўзлаштириб, фарзандлари билан синфдан-синфга ўтгандек бўлишади. Курс болаларнинг ёш хусусиятларига мувофиқ ва таълим мининг ҳар бир йилдаги таълим-тарбия вазифаларини ҳисобга олиб қурилган.

Ота-оналарнинг юксак таълимий ва маданий даражасига педагогик ва психологик таъсир этиши сифатини ошириш учун улар билан бевосита муомалада, бўлиш ва ўқитувчиларнинг ижодий жамоа ишида ўрганиш мумкин.

Ота-оналар билан иш олиб боришнинг анъанавий таркиб топган шакл бу ота-оналар йиғилишларидир. Ота-оналар йиғилишлари турли хил кўринишда бўлади:

1) Ташкилий йиғилишларда ота-оналар комитети сайланади. Бунда асосан жамоатчи, ўқимишли кишилар (ҳисобланади) сайланади.

2) Чоракдаги якунловчи синф мажлислари ота-оналарнинг эъти-

борини ўқувчиларнинг билишга доир қизиқишларига, ахлоқий қобилятларига, иродали фазилатларига, ютуқлари ва камчиликларига, фойдаланилмаган имкониятларига қаратиш мақсадини кўзда тутади. Агар ҳар бир ота-она мажлисдан кейин ўз боласига тарбиявий таъсир кўрсатиш системасига тузатишлар киритишининг асосий йўлларини аниқ тасаввур этсагина, синф раҳбарни ўтказилган мажлислардан ҳоноат ҳосил қилиши мумкин.

3) Бирор мавзуга багишланган йиғилишлар, тарбиянинг энг дол зарб муаммоалари юзасидан ўтказилади.

Агар мактаб синф раҳбарлари орқали ота-оналарга уларнинг педагогик билимини оширишда ёрдам берар экан ўз навбатида ота-оналар ҳам мактабга болаларни тарбиялашни ташкил этиш ишида ҳар томонлама ёрдам беришлари мумкин ва лозим.

Синф раҳбарининг ота-оналар комитети билан моҳирона, яхши уюштирилган ва йўлга кўйилган иши, болалар билан олиб бориладиган бутун тарбиявий ишларнинг мувафақиятли бўлишига гаров ҳисобланади. Ташабускор, ижодий ишлайдиган ота-оналар комитети синф раҳбарига, синф жамоасини ташкил қилишдаги бебаҳо ёрдамчисидир.

Якка тартибдаги педагогик суҳбат синф раҳбарининг ўқувчилар ота-оналари билан олиб бориладиган ишининг энг оммалашган қулай ва самарали шакли ҳисобланади.

Суҳбат ёрдамида вужудга келадиган масалаларни тез ҳал этиш, ота-оналар билан ишончли муносабатлар ўрнатиш, ўқувчилар оила-вий тарбия шароитлари ҳақида қўшимча маълумотлар олиш, ота-оналарга педагогик билим бериш, боланинг якка тартибдаги ривожланиш дастурини, педагогик ҳаракатлар системасини биргаликда ишлабчиқиши, ота-оналарнинг тарбиявий таъсир кўрсатиши са-марасини ошириш, ва тарбияси қийин бола ҳулқини тузатиш ва ўқувчилар ўргасидаги келишмовчиликларни ҳал этиш каби кенг кўламдаги таълим-тарбия вазифалари ҳал қилинади.

Ўқитувчилар у ёки бу ўқитувчининг бирор ўқувчи унинг дарсида интизомни бузганлиги хусусидаги шикоятга жавобан ота-онани мактабга чақириладилар. Синф раҳбари ҳамма нарсани синчилаб ўрганиб чиқиши керак. Баъзан ўқувчиларнинг дарсни ёмон ўзлаштиришига, гап қайтаришига ва ҳакозоларга ўқитувчининг ўзлари айбдор бўладилар. Бундай ҳолда ўқитувчидаги педагогик одоб-

нинг йўқлиги ёки унинг дарсдан, синфдан ташқари таълим-тарбия жараёнини ёмон ташкил этганлиги учун масъулиятни ўқитувчи ва ота-оналарга ағдариш ногўри бўлур эди. Агар ўқувчи бир мунча тарбиясиз интизомсиз бўлса ҳам синф раҳбари ота-оналарга фақат унинг камчилклари ҳақида гапирмаслиги керак. Бу уларнинг ёқимсиз бўлиб, улар ва педагог ўргасида ишончли муносабатлар ўрнатишига ёрдам бермайди.

Ҳар бир ота-она ўз фарзандини яхши қўради, шунинг учун улар, ўз фарзандида ҳосил бўлган янги, ижобий куртаклар хусусида қувончни ўртоқлашадиган ва болаларнинг хулқидаги ижобий жиҳатларни мустаҳкамлаш юзасидан эҳтимол тутилган, биргаликдаги ҳаракатлар хусусида маслаҳатлашишни муҳим деб ҳисоблайдиган синф раҳбарига самимий ҳурмат ва ишонч билан қарайдилар. Бундай шароитда ота ёки она жуда хайриҳо бўлади ва синф раҳбари билан бажонидил алоқа боғлади.

Синф раҳбарининг ўқувчилар оиласарида бўлиши мактаб ва оила ўзаро ҳамкорликнинг муҳим шакли ҳисобланади. Оиласа бўлишининг мақсадини аниқ вазият белгилаб беради. Синф раҳбари нима мақсадда оиласа борицга олдиндан тайёргарлик қўради (Ўқитувчилар билан маслаҳатлашади, ўқувчининг ўзлаштириши хулқини аниқлайди, аввалги бориши натижалари тўғрисидаги мавзуларни кўриб чиқади, сұхбат мазмунини ва шаклини белгилайди, муҳокама қилиш, ота-оналар билан келишиш учун масалаларни танлайди, яқин келажак учун ота-оналарнинг тарбиявий вазифаларни, тавсијномаларни ва ҳақазоларни белгилаб олади).

Синф раҳбари оиласа бўлганда фақат маслаҳатчи бўлиб қолмасдан, ўзи ҳам ота-оналарнинг фикри ва таклифларига қулоқ солиши керак, чунки ота-оналар фарзандларининг мувофақиятидан бизга нисбатан кам манфаатдор эмаслар. Юқори синф ўқувчиларининг оиласарига боришини зарур деб ҳисоблайдиган синф раҳбари ноҳақдир. Юқори синф ўқитувчилари олдида касб танлаш муаммоси туради, ота-оналар эса бунга ўз фарзандларининг у ёки бу фаолиятига қизиқиши ва қобилятини инкор этиб, ўз ҳаётий тажрибалари асосида ёндошадилар. Бу жиҳатдан синф раҳбари тамонидан одоб билан ёрдам бериши зарур.

Нобоп оиласар билан ишлаш синф раҳбари учун алоҳида қийинчилик туғдиради. Одатда бола оиласий нотинчликнинг қурбони

бўлади, бинобарин уни педагогикага зид оилавий муносабатлардан асрараш – мактабнинг вазифасидир.

Жамоатчи ва билимли синф раҳбари ҳар қандай вазиятдан жуда усталик билан чиқиб кетади ва ҳар томонлама ривожланган синф жамоасини ташкил қиласиди.

Мактаб, оила ва жамоатчиликнинг тарбиявий таъсирини мувофиқлаштиришда – оила бошқа тарбиявий муассасалардан фарқли равишда одамнинг бутун ҳёти давомида унинг барча томонларига, қирраларига таъсир кўрсатишга қодир ва одатда таъсир кўрсатади ҳам.

Оила тарбия вазифасининг бу улқан миқиёси унинг мафкуравий ва психолигик таъсир кўрсатишининг чуқур ўзига хослиги билан уйғунлашиб кетади. Бу эса уни оила даражасида таъсирчан қилибгина қолмай, шу билан бирга шахсни шакллантириш жараёнининг зарур бўғинига айлантиради.

Мактаблар тажрибасида фаолият одатда оммавий жамоа, гуруҳ ва индивидуал шаклларда ташкил этилади.

Фаолиятни ташкил этишнинг оммавий шакллари ҳам (яъни уларда ўқувчиларнинг муайян гуруҳлари иштирок этади), ўз моҳиятига кўра уни амалга ошириш жараённида фаолият мақсадига (масалан, лекция, концепт ва ҳоказо) эришиш учун қатнашчиларнинг ўзаро муаммосини назарда тутмайди.

Жамоа ташкил этишнинг самарали шаклларидан бири гуруҳий ишдир. Бунда мазкур иш болаларнинг таркиб жиҳатдан (энг кўпич билан беш киши) гуруҳларда амалга оширилади. Шундай кичик гуруҳларда барча аъзолар бир-бирлари билан бевосита муомилада бўладилар ва бир-бирларига бевосита таъсир кўрсатадилар.

Ўқитувчилар гуруҳларда муаммоларнинг ўзига хос ҳусусиятини ўрганиш, гуруҳларни ўқувчилар муомаласини ташкил этишнинг самарали шаклига айлантириладиган ҳусусиятларини аниқлаш имконига эга бўладилар.

Мактабларда гуруҳий ишларни ташкил этишнинг турли усула-ри қўлланилади: бир хил ишлар; унда жамоани ташкил этган барча гуруҳлар бир хил топшириқларни бажарадилар; табақалаштирилган гуруҳий ишлар; унда гуруҳлар индивидуал топшириқ оладилар. Ташкил этишнинг гуруҳий шакллари амалда ўқувчилар фаолиятининг барча соҳаларида қўлланилади. Масалан, синфдаги дар-

сдан ташқари билиш фаолиятида «топилган ва топилмаган сирлар кечаси» ўтказилади. Синф бир неча гуруҳга бўлинади, улардан ҳар бири ўз «сири»ни белгилаб ва уни синфга тақдим этади. Дарсда билиш фаолиятини масалан 8-синфдаги тарих дарсида ўқувчилар гуруҳларга бўлинадилар, уларнинг ҳар бири топшириқ олади. Гуруҳларнинг вакиллари тошириқларнинг бажарилиш якунларини бутун синфга маълум қиладилар, синф улар муҳокама қилиб, тузатишлар киритади.

Жамоа ташкил этганда ўқувчилар муҳитида мавжуд бўлган ҳақиқий гуруҳларни тутиш, бир-бирига ва ўзаро дўстлашадиган болаларни бирлаштириш зарур. Педагог бу гуруҳларнинг хусусиятларини, уларнинг йўналиши, қизиқишлари, қобилиятларини билиши керак. Жамоа ишни ташкил этишда ва амалга оширишда взифаларни тақсимлаш вақтида мазкур хусиятларни ҳисобга олиш ишининг самародорлигини оширади. Иккинчи томондан, бу ҳол гуруҳдаги муаммоларни жамоанинг қизиқишлари соҳасига ва жамоанинг қизиқишларини гуруҳдаги муомила соҳасига олиб киради.

Жамоа фаолиятини ташкил этишда ўқитувчиларнинг шахслараро реал мавжуд бўлган алоқаларни ҳисобга олиш икки хил мақсадга эришиш: гуруҳ аъзоларини жамоа ҳаётига жалб қилиш ва улар ўргасига муомалага таъсир кўрсатиш имконини беради.

## 2-§ Шахсга жамоавий-тарбиявий таъсир кўрсатиш

Жамоа назарияси қонунларига мувофиқ ўқувчилар жамоасини ташкил этиш методикасининг асослари қуидагилардан иборат: талаблар қўйиш, фаолларни тарбиялаш, ўқув, меҳнат, ижтимоий-сиёсий ва оммавий-маданият фаолиятдаги истиқболларни ташкил этиш, сорлом жамоатчилик фикрини шакллантириш, ижобий анъаналарни яратиш ва кўпайтириш.

Таърифланган бу қоидалар ҳар қандай жамоани ташкил этиш ва ривожлантириш учун қўлланма ҳисобланади.

Тарбия методларини танлашда ўқувчиларнинг ривожланишни дараҷасига мослиги муваффақияттининг муҳим шарти ҳисобланади. Шунинг учун ҳар бир ўқитувчи тарбиявий ишни синфдан, жамоа муносабатларининг ривожланишини даражасини аниqlашдан бошлиади.

Назарияда жамоа ривожланишнинг уч ёки тўртга даражаси ажратиб кўрсатилади.

Бошланғич даражада педагогнинг куч-райрати натижасида синф-да ўрнатилган муайян даражадаги тартиб, интизом билан, ўқувчи-ларнинг унга катта бўлмаган қисми синф раҳбарининг ҳаракатла-рини кўллаб-кувватлаши билан изоҳланади. Тарбия жараённига ўз-ўзини тарбиялаш жараённига ўтганда юксак даражага эришилади. Айрим ўқувчилар ва умуман жамоа ўз фаолиятини мустақил режа-лаштиради ва ташкил этади, ўзига ва бир-бирига талаблар қўяди ва ўз-ўзини назорат қиласди. Синф раҳбари ва ўқувчилар жамоаси ўй-ниятлари ва ишларида биргадирлар.

Паст даражадан юқори даражагача борадиган йўл узоқ бўлиб, муайян қийинчиликларни баргараш этиш билан кечади. Айни пай-тда жамоани шакллантириш юзасидан олиб бориладиган жуда қизи-қарлидир. Бу синф раҳбарининг асосий ишидир. Умуман мактаб ўқувчиси тарбиясининг асосий натижалари бу иш қанчалик мувваф-фақиятли ўтишига боғлиқ бўлади. Агар ўқувчилар жамоаси таш-кил этилмаган бўлса, ўқувчи мактабни ҳеч афсусланмай тарк эта-ди, ҳатто кейинчалик ўқувчилик йилларини эсламайди ҳам. Ўқув-чиларни иноқ жамоага бирлаштириб моҳир синф раҳбари қўлида тарбияланган одам баҳтлидир. Улграйётган кишининг ҳаётдаги ма-вқенини шакллантиришда, унинг ҳаёт йўлини белгилашда ўз вази-фасини англаш синф раҳбарининг болалар жамоасини барпо этиш юзасидан олиб бориладиган фаол ва қатъи фаолиятнинг зарур шар-ти ҳисобланади.

Жамоанинг ривожланиши даражасини белгилаш методикаси. Унинг моҳияти у ёки бу ривожланиши даражасидаги жамоа норма-тив таърифини аниқ жамоа таърифи билан таққослашдан иборат-дир. Ихтимоий аҳамиятга эга бўлган мақсаднинг, педагоглар би-лан ўқувчиларнинг биргаликдаги ҳар томонлама собитқадам фаолиятининг, ўзаро масъулиятли муносабатларнинг мавжудлиги: ўз-ўзини бошқариш органларининг фаолияти ва ҳ.к.

Болаларнинг жамоа туркум нормалари ва қоидаларининг, инти-зомнинг бузилишга муносабатларини кузатиб, жамоанинг ташки-лий тузилиши таъсирчанлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Жамоа ривожланишининг дастлабки боскичида болалар тарқоқ бўлиб, уларда яқдил ва синф раҳбари таяниши мумкин бўлган таъ-сирчан фаоллар бўлмайди. Шунинг учун бундай жамоада салбий ҳодисалар очиқ муҳокама қилинмайди, мустақил жамоа қарори

қабул қилинмайди ва ҳакозо.

Агар жамоа ривожланишининг иккинчи босқичида бўлса, ноградигина эмас, балки педагогнинг ҳаракатларини қўллаб-қувватлайдиган ҳақиқий ҳаракат қилувчи фаоллар бўлса, унинг айрим ўқувчилар ва жамоа олдига муайян талаблар қўйишни кузатиш мумкин.

Жамоа ривожланиш даражасидан далолат берадиган муҳим белгиларидан бири – ўқувчиларнинг биргалидаги фаолиятига иштиёқи чиқинди қофоз ёки металлом тўплаш, кечага тайёргарлик кўриш каби мактаб тажрибасида мунтазам учраб турадиган ишларда кўзга ташланади. Синф раҳбари жамоанинг ривожланиш даражасини белгилаш учун болаларда уларнинг ҳозирги ва бўлажак ҳаётларида ижтимоий аҳамиятга молик мақсадлари мавжудлигини билиш муҳим, яъни жамоанинг ҳаётий фаолияти истиқболларини барча ёки ярим ўқувчилар қабул қилишни ва бу истиқболларнинг хусусияти қандайлигини билиб олиш зарур. Агар бўлажак шанбалик ёки байрам кечаси болалар учун фаолиятга ундовчи бўлса бу жамоа ривожланишининг иккинчи босқичи ҳақида гапириш мумкин.

Жамоанинг ривожланиш даражасини аниқлашда ўқувчиларнинг фақат синфдан ташқари фаолиятида намоён бўладиган муносабатиларни таҳдил этиш билангина чекланиб бўлмайди. Синф раҳбари ишининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, у оддий болалар жамоасини эмас, балки ўқувчилар жамоасини шакллантиради. Ўқувчиларнинг асосий вазифаси ўқишидан иборат. Шунинг учун синф раҳбари даставвал болаларнинг ўқишига қандай муносабатда эканлиларини, ўзларини дарсда қандай тутишларини, уй вазфаларини сидқидилдан бажаришлари ёки бажармасликларини аниқлайди. Ва ниҳоят, энг муҳими – уларнинг ўқишидаги мақсадлари нималардан иборат, бу мақсадлар ижтимоий моҳиятга молик ёки молик эмаслиги ҳисобланади.

Одам боласининг ривожланиши бу муҳим жараён саналади. Бизга маълумки, инсон ҳаёти давомида жисмоний ва психик томонидан ўзгариб боради, лекин болалик ва ўсмирлик даврида ривожланиши ниҳоятда қучли бўлади. Бола шу йилларда ҳам жисмоний, ҳам психик жиҳатдан ўсиб, ўзгариб шахс сифатида камолга етади. Бунда берилаётган тарбия мақсадга мувофиқ таъсир этиши натижасида бола жамият аъзоси сифатида камол топиб, мураккаб ижтимоий муносабатларни ташланади.

батлар тизимида ўзига муносиб ўрин эгаллайди. Шахснинг фазилатларини тўғри аниқлаш ва беҳато баҳолаш учун уни турли муносабатлар доирасида, турли вазиятларда кузатиб кўриш лозим. Ана шундагина шахснинг ижтимоий ҳулқи, маънавий қиёфаси, инсоний фазилатлари рўёбга чиқади. Демак, шахсни ривожлантириш вазифасини тўғри ҳал қилиш учун унинг хулқига, таъсир этувчи омилларни, бу омилларнинг табиатини, шахснинг хусусиятини яхши билмоқ керак.

Боланинг камолотига, руҳиятига, феъл-атвори шаклнанишга қуйидаги омиллар таъсир этади: биологик омил, ижтимоий омил ва тарбия таъсир этади.

Ўрта Осиё мутафаккирларидан Фаробий, Абу Али Ибн Синолар ҳам инсон тарбиясига таъсир этадиган омиллар аҳамиятига эътибор берганлар. Жумладан, Фаробий инсон камолотида таълим тарбиянинг муҳимлигини таъкидлаб: «муносиб инсон» бўлиши учун одамда икки имконият: таълим ва тарбия олиш имконияти бор. Таълим олиш орқали назарий камолотга эришилади, тарбия эса, бу кишилар билан мулоқотда аҳлоқий қадр-қимматни ва амалий фаолиятни яширишга олиб борадиган йўлдир дейди. Абу Али Ибн Сино этика ва аҳлоқий тарбия масалаларини фалсафий педагогик асосда ёритиб беради. У айниқса оила тарбиясида ота-онанинг мавқеига алоҳида тўхталиб: Бола туғилгач, аввало, ота унга яхши ном қўйиши, сўнгра эса уни яхшилаб тарбия қилиши керак. Агар оиласда тарбиянинг яхши усулларидан фойдаланилса оила баҳтли бўлади деган фикрни илгари суради.

Бола шахсининг ривожланишга, камол топипига ирсият, муҳит ва тарбия каби (таъсирлар) омиллар таъсир этади. Бола шахсининг ривожланишга наслнинг таъсири деганда, ота-оналарга ўхшашликни ифодаловчи биологик белгиларни такрорланишини тушунмоқ керак. Ҳар бир бола ота-онасидан мерос шаклида баъзи биологик сифатларга (тананинг тузилиши, сочнинг, кўзнинг, терисининг ранги, буй-басти ва бошқалар) эга бўлган ҳолда дунёга келади. Буларнинг барчаси жисмоний хусусиятларга киради. Булардан ташқари олий нерв фаолиятининг хусусиятлари ҳам турма ўтади. Бу эса физиологик хусусият ҳисобланади.

Инсон камолотига таъсир этадиган омиллардан яна бири бу муҳитдир.

Муҳит деганда кишига ҳаяжонли таъсир этадиган ташқи воқеа-

лар мажмуаси тушунилади. Бунга табиий муҳит, ижтимоий муҳит, оила муҳити киради. Шулар билан бирга муҳит-оила шароити ҳам катта таъсир кучига эга. Чунки, бола кўз очиб ота-онасини, қариндош уругини кўради. Бола камолотида ижтимоий муҳит янгилик бўлиб ҳисобланади. Чунки, бу ерда ишлабчиқиши муносабатлари ва уларни тартибга солиб турадиган ижтимоий қонун-қоидалар алоҳида таъсир қиласди. Бу хил муносабат натижасида одам боласи ҳаётда ва тажриба ва билимларини эгаллайди. Инсон камолотида ижтимоий муҳитнинг таъсири турли тарихий даврда турлича бўлади, турли ижтимоий гурухларга ҳам турлича таъсир этади.

Бизга маълумки комил инсон шахсни тарбиялашда юқоридаги омиллардан ташқари яна бир омил, яъни жамоанинг роли ҳам катта ҳисобланади. Чунки, жамоа ҳар қандай бола тарбиясини тўғри йўлга солади. Масалан, синф жамоасини оладиган бўлсак, агар шу синфда бир ёмон, яъни хулиқи, тарбияси жиҳатдан ёмон булса, шу синф жамоаси уни аста-секинлик билан ўз таъсирини албатта ўтказади. Яъни қандай йўллар билан деган савол туғилиш мумкин. Масалан, тадбирлар ёки саёҳатлар орқали. Азал-азалдан бизгача отабоболаримиздан қолган ўлмас мақолларимиздан бирини шу ўринда келтириб ўтмоқчиман; «Ақлни беақлдан ўрган», ушбу мақол замирида бир қанча маънолар бор. Яъни жамоада ҳар хил болалар бўлиб, улар бир-бирига қараб ҳам ўзларидаги ёмон хулқларни йуқотадилар. Бу хислатлар эса уларнинг комил инсон бўлиб тайёрланётганидан дарак беради.

### 3-§ Ўқувчиларни тарбиялашда жамоанинг роли

Ҳар бир ишнинг ўзига хос, маълум қонун-қоидалари бўлганидек, бола тарбиясининг ҳам ўзига хос бир қатор муҳим қонун-қоидалари борки, уларга амал қилиш тарбия ишининг самарали бўлишини таъминлайди. Чунончи,

- тарбиянинг бир мақсадга қаратилганлиги;
- тарбиянинг ҳаёт, меҳнат билан, Ўзбекистонимизнинг мустақиллиги, гуллаб яшинаши йўлида қилинаётган фидоий ишлар билан боргланиши;
- ўқувчини жамоада жамоа орқали тарбиялап;
- тарбияда бола шахсини ҳурмат қилиш ва унга талабчанлик;

- тарбиявий ишларнинг изчиллиги, мунтазамлиги ҳамда бирлиги;
- тарбияда ўқувчиларнинг ёши ва ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш.

Куйида тарбия жараёнининг қонун-қоидаларини кўриб чиқамиз:

1. Тарбиянинг бир мақсадга қаратилганлиги. Тарбия мақсадини белгилашда жамият талаблари, давр нафаси, миллий хусусиятлар асос қилиб олинади.

Тарбиянинг мақсади – ҳар томонлама камол топган-мукаммал инсон шахсини тарбиялашдир.

Ўқитувчилар жамоаси ва ҳар бир ўқитувчи-тарбиячи ана шу мақсадлардан келиб чиқиб, тарбиявий ишларнинг, вазифаларини белгилайди, унинг мазмунини аниқлади ҳамда мактаб иш шароитларини ҳисобга олган ҳолда ўқувчиларни тарбиялашнинг шакл ва услубларини танлайди.

2. Тарбиянинг ҳаёт билан боғлиқлиги қоидаси тарбиявий ишларнинг мазмуни ва ташкил этилишини доимо янгилаб туришини талаб этади. Тарбиячилар болалар тарбиясини ҳаёт билан боғлар эканлар, уларга ўзларида иймон-эътиқодни тарбиялаш имконини берадилар. Тарбиявий ишлар шундай ташкил қилинганда ёшлар жамият ҳаётига фаолроқ жалб қилинади, бу эса ўқувчи шахсининг таркиб топишига ёрдам беради.

Илғор ўқитувчилар тажрибасининг кўрсатишича, ўқувчилар аҳил жамоа бўлиб уюшгандагина тарбия ишларини фаол ўқувчиларга таянмоғи, ўқувчиларни турли ишларни биргаликда бажаришга одатлантириб, уларга жамоатчилик руҳини сингдириб бориши лозим.

Синф раҳбари ишида ўқувчилар жамоасини шакллантириш асосий вазифа ҳисобланади, чунки жамоада шахсни тарбиялаш-тарбиянинг етакчи тамойиллари ҳисобланади. Жамоа назарияси қоидала-рига мувофиқ уни яратиш усули ишлаб чиқилган. Унинг умумий асослари қуидагилардан иборат:

Талаблар қўйини;

Фаолларни аниқлаш;

Ўқув меҳнат, ижтимоий-сиёсий ва оммавий-маданий фаолиятдаги истиқболларини ташкил этиш;

Соғлом жамоатчилик фикрини шакллантириш;

Ижобий анъанааларни яратиш ва кўпайтириш;

Юқорида таърифланган барча қоидалар ҳар қандай жамоани

шакллантириш ва ривожлантариш учун қўлланма ҳисобланади.

Тарбия усулларини танлашда уларни жамоанинг ривожланиш даражасига мослиги муваффақиятнинг муҳим шарти ҳисобланади. Шунинг учун ҳар бир ўқитувчи тарбиявий ишни синфдаги жамоа муваффақиятнинг муносабатларини ривожланиши даражасини аниқлашдан бошлайди. Ўқитувчининг эса янги синф билан кўп марта иш бошланишига тўғри келади: ўз меҳнат фаолиятининг дастлабки йилида, синфни навбатдаги битириб чиқиш мавсумидан кейин, бальзан эса мактабда вужудга келган вазият тақозоси билан.

Тарбия жараёни ўз-ўзини тарбиялаш жараёнига ўтганда юксак даражага эришилади. Айрим ўқувчилар ва умуман жамоа ўз фаолиятини мустақил режалаштиради ва умуман жамоани ташкил этади, ўзига ва бир-бирига талаблар қўяди ва ўз-ўзини назорат қиласади.

Ўқитувчи ўқувчиларнинг на фақат салбий томонларини балки болада одатдаги шароитда бошқалардан яширинган ижобий томонларини ҳам очиб берадиган вазиятларни вужудга келтириш керак. Синф раҳбари жамоа ривожланишининг аниқланган даражасига қараб тарбия усулларини танлайди. Бунда ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олиш қўшимча шарт ҳисобланади. Бу хақда гапирмаса ҳам бўларди, чунки бу шарт педагогик тамойиллардан биридир. Шу билан бирга ишни энди бошлаган ўқитувчи, айниқса, синф раҳбари тарбия усулларини эмас, балки шаклларини танлашда ўз тарбияланувчилари ёшини ҳисобга олиши муҳимдир. Бунда бир хил усуллар, талаблар, топшириқлар ва ҳоказолар турлича изоҳланади. Таълим жараёнида жамоа муносабатларини ривожлантариш истиқболлари синф раҳбарининг катта зътибор беришини талаб этади. Жамоа фаолиятида кўпроқ муомала қилишга бўлган эҳтиёж ётади. Дарсларда бу эҳтиёж кам қондириллади. Агар дарсдаги муомалага бўлган эҳтиёж тўғри тушунилса, унинг негизида ўқувчиларнинг ўзаро ёрдами, дарсларга биргаликда фойдали тайёргарлик кўриш, кизиқишилар буйича машгулотлар ташкил этилади. Таълим жараёнидаги жамоатчилик туйғуси ана шу, яъни биргаликдаги меҳнат болаларда катта қониқиши ҳосил қилиш ижобий кечинмадан бошланади. Шу тариқа ўзаро ёрдам ташкил этиш синфдаги жамоа муносабатларини шакллантиришнинг йўлларидан биридир. Ўқитувчи яна ўқувчиларни ёш хусусиятларини, синф жамоасининг хусусиятларини, унинг шаклланганлик даражасини ҳисобга олади,

ўша талабларида жамоа фикрининг қўллаб қувватланишига таяна-ди. Жамоа ривожланисининг ҳар қандай даражасида синф раҳба-ри муайян усуллардан фойдаланиб, жамоатчилик фикрини шакл-лантириш тўғрисида маҳсус ғамхўрлик қиласи. Ўқувчилар жамоа-сини шакллантириш жараёнини паст даражадан юқори даражага борадиган вақт давомидаги ҳаракат, ижтимоий талаблар аввал шах-сан синф раҳбаридан, ўқитувчидан фақат якка болалар, кейинча-лик кўпчилик болалар идрок этадиган ва ниҳоят, барча учун ва ҳар бир бола учун ҳаёт қонуни бўлиб қоладиган тарзда жўн тушуниб бўлмайди. Ҳатто уюшган жамоада ҳам жамоатчилик хусусиятлари заиф ривожланган айрим ўқувчилар бўлади. Синф раҳбари жамоа ва ҳар бир алоҳида ўқувчининг тарбияси учун масъулдир. Шунинг учун унинг жамоа тарзидаги ва якка тартибдаги шаклларини қўшиб олиб бориши тарбиявий ишдаги ўзига хос хусусиятларидан бири-дир. Жамоанинг шахсга нисбатан юксак талабчанлиги кузатилади.

Мактаблар тажрибасида фаолият одатда оммавий, жамоа, гурӯҳ ва индивидуал шаклларда ташкил этилади. Фаолиятни ташкил этишнинг оммавий шакллари ҳам (яъни уларда ўқувчиларнинг муайян гурӯҳлари иштирок этади) ўз моҳиятига кўра уни амалга ошириш жараёнида фаолият мақсадга (масалан, маъруза, концерт ва ҳоказо) эришиш учун катнашчилариинг ўзаро муомаласини назарда тутмайди. Бироқ, бундан олдинги ҳолда бўлгани каби, бу шаклларда бевосита тенгдошлар билан биргаликда қатнашиш баъзи ҳолларда уларнинг фаолиятидаги иштирокини фаоллаштиради, бошқа ҳолларда аксинча бўлади. Бу кўп жиҳатдан ўқувчиларнинг фаолият мазмунига, муносабатига (ижобий, пассив ёки салбий) боғлиқ бўлади. Фаолиятни амалга ошириш жараёнида унинг мақсадига эришиш учун ўқувчиларнинг ўзаро муомалага киришишларини назарда тутувчи фаолият шакллари жамоа шакллари дейилади, бу муомала жараёнида ўқувчилар ўргасида жамоа алоқалар вужудга келади. Бу шакллар объектив жиҳатдан ўзида муомала учун муайян шарт-шароитларга эга бўлади. Улар ўқувчиларга ишнинг муваффақиятли амалга ошириш учун вазифаларни ўзаро тақсимлаб чиқиш имконини беради, катнашчилар ўргасида алоқа таъсирининг пайдо бўлишига олиб келади. Мисол тариқасида ўқувчиларнинг билиш фаолиятини ташкил этишнинг жамоа шаклларидан бири – билимларнинг ижтимоий кўригини қараб чиқамиз. У бирор фан

бўйича ўтказилади. Унда иккита параллел синф ёки бир синфдан иккита команда иштирок этиши мумкин. Кўрикнинг дастури ишларнинг ҳар-хил турларидан (ёзма, оғзаки, график масалалар ечиш, топшириқ учун топшириқларни бажариш ва шу кабилар) ташкил топади, уларни бажариш умуман олганда 40-60 дақиқадан ошмайди. Кўрик охирида ҳайъат аъзолари ҳар бир қатнашчига ва умуман командадаги ўргача баҳони зълон қиласди. Бу ўринда билиш фаолияти билан боғлиқ бўлган муомала кўрикка ҳозирлик кўриш вақтидаёқ бопланади ва уни ўтказиш жараённида жуда самарали давом этади. Бунга сабаб шуки, кўрикка доир дастлабки топшириқлар жамоадан тайёргарлик режасини муҳокама этишни, вазифаларни тақсимлашни ёки гуруҳ бўлиб ишлашни талаб қиласди. Кўрик жараённида муомала унинг ҳамма қатнашчилар ўргасида содир бўлади, чунки улардан ҳар бири муайян вазифага эга бўлиб, ўз ҳаракатларини бошқа қатнашчилар билан мувофиқлаштиргандагина вазифани муваффақиятли бажариши мумкин. Жамоа муомалани ташкил этишининг самарали шаклларидан бири гуруҳий ишдир, бунда мазкур иш болаларнинг таркиб жиҳатидан унча катта бўлмаган (энг кўпин билан 5 киши бўлиши керак) гуруҳларида амалга оширилади. Бундай кичик гуруҳларда барча аъзолар бир-бирлари билан бевосита муомалада бўладилар ва бир-бирларига бевосита бирор таъсир кўрсатадилар.

Ўқувчилар гуруҳида муомаланинг ўзига хос хусусиятни ўрганиш унинг гуруҳларини ўқувчилар муомаласини ташкил этишининг самарали шаклига айлантирадиган хусусиятларини аниқлаш имконини беради. Умумий тарзда улар қуидагича тасвирланиши керак: гуруҳий иш жараённида ўқувчиларнинг муомаласи жуда самарали бўлади. Бунга сабаб шуки, биринчидан, гуруҳий муайян топшириқ олади, яъни ўзига хос йўл-йўриқ олади. У гуруҳ аъзолари учун мақбул бўлган мақсадларни маълум қиласди, лекин бунгача бу мақсадларни унинг ўзи илгари сурмаган бўлади. Йўл-йўриқ, муаммо, масала тошишмоқни ўз ичига олади. Бу ҳол жамоа аъзоларида тахминий-тадқикодчилик жавобини ва иш мақсадига интилишни вужудга келтиради. Жамоадаги муомала мунозара тусига эга бўлади, бу ҳол қатнашчилардан илгари сурилган қоидаларни исботлашни талаб қиласди, жамоага муаммони нотўғри ҳал этишга интилишга тезда жавоб қилиш, бир-бирини тузатиш ва тўлдириш имконини беради.

Жамоада мумалани ташкил этганда, ўқувчилар мұхитида мавжуд бўлган ҳақиқий гуруҳларни назарда тутиш, бир-бирига меҳр билан қарайдиган ва ўзаро дўстлашадиган болаларни бирлаштириш зарур. Педагог бу гуруҳларнинг хусусиятларини, уларнинг йўналиши, қизиқишлари, малакасини ва ҳоказоларини билиши, ҳисобга олиши ва улардан фойдаланиши керак.

Жамоа ишини ташкил этишда ва амалга оширишда вазифаларни тақсимлаш вақтида мазкур хусусиятларни ҳисобга олиш ишининг самарадорлигини оширади. Бу ҳол гуруҳдаги мумалани жамоанинг қизиқишлари соҳасига ва жамоанинг қизиқишларини гуруҳдаги мумала соҳасига олиб киради. Масалан, жамоа етарли даражада обрў қозонган, жамоатчилик йўналишига эга бўлган гуруҳга муайян бир тадбирни тайёрлаш ва ўтказишга бошлилик қилишни топширса бўлади. Қандайдир ўзига хос қизиқишларини бор гуруҳга бутун жамоа учун бу қизиқишларга мос келадиган ишнинг ташаббускори ва ташкилотчиси бўлиш тақлиф этилади ва ҳоказолар.

Жамоа фаолиятини ташкил этишда ўқувчиларнинг шахслараро реал, яъни аниқ мавжуд булган алоқаларини ҳисобга олиш иккى хил мақсадга: гуруҳ аъзоларини жамоа ҳаётига жалб қилиш ва улар ўртасидаги мумалага таъсир кўрсатиш, бундан ташқари ўз олдиларига қўйган мақсадга эришиш имконини беради.

Одам боласининг ривожланиши мұхим жараён саналади. Бизга маълумки, ҳаёти давомида инсон жисмоний ва психик томонидан ўзгариб боради, лекин болалик ва ўсмирлик даврида ривожланиш ниҳоятда кучли бўлади. Бола мана шу йилларда ҳам жисмоний, ҳам психик жиҳатдан ўсиди, ўзгаради, шахс сифатида камолга етади. Бунда берилаётган тарбия мақсадга мувофиқ таъсир этиши натижасида бола жамият аъзоси сифатида камол топиб, мураккаб ижтимоий муносабатлар тизимида ўзига муносиб ўрин эгаллайди. Шахснинг камол толишида ва унинг хулқига ижтимоий ва биологик омилларнинг таъсир кучи ҳамиша бир хил бўлавермайди. Сабаби одамнинг хулқига, муносабатига ва алоқаларига ёши, билими, ҳаётий тажрибаси, одатлари ва ниҳоят, вазият ҳам таъсир этади. Шахснинг фазилатларини тўғри аниқлаш ва бехато баҳолаш учун уни турли муносабатлар доирасига тортиб, турли вазиятларда кузатиб кўриш лозим. Ана шундагина шахснинг ижтимоий хулқи,

маънавий қиёфаси, инсоний фазилатлари рўёбга чиқади. Демак, шахсни ривожлантириш вазифасини тўғри ҳал қилиш учун унинг хулқига, таъсир этувчи омилларни, бу омилларнинг, табиатини, шахснинг хусусиятини яхши билмоқ керак.

#### **4-§ Жамоада ўқувчиларни ўртоқлик ва дўстлик ҳиссида тарбиялаш**

Дўстлик – инсон ахлоқининг бебаҳо гўзалиги, ижобий фазилатлар гавҳари. Инсондаги барча гўзал фазилатлар бир марварид шодаси бўлса, унинг дур-гавҳари чин инсоний муҳаббатга асосланган дўстлиkdir, Дўстлик туфайли хонадонимиз обод, дунёда тинчлик ва дастурхонимизда тўкинлик ҳукмрон. Шунинг учун ҳам доно кишилар ҳамиша дўстликни улуглаб, қадрлаб келганлар ва одамларни дўст бўлиб яшашга, кўпроқ дўст ортиришга ундангарлар.

Пайғамбаримиз Муҳаммад мустафо саллоллоҳу алайҳи вассалам ҳадисларидан бирида: «Бир-бирингизга хайр-эҳсонли, меҳр-муҳаббатли бўлиб, қўл бериб сўрашиб юринглар, шунда дилларингиздаги ғамлик кетади», - деганлар.

Дўстлик инсоннинг кучига куч, қудратига қудрат қўшадиган, кишини баҳтли қиласидиган, ҳаётини безайдиган энг муҳим омилларданdir.

Халқимиз ўргасида дўстлик муносабатларига бағишлаб жуда кўп ҳикматли сўзлар яратилганки, улар орқали дўстликнинг кипи ҳаётидага тутган ўрни ифода этилган. Жумладан:

«Қора кунингда дўстинг ярайди».

«Дўст ачитиб, душман кулдириб галирар».

«Қоқилганингда дўстинг сяяб қолади».

«Ўзини сийламаган, ўртоқларини ҳам сийламас».

«Ўзингни қурбон қилиб бўлса ҳам, ўртоқларингни сақлаб қол».

«Кунинг қувноқ ўтишини истасанг, ўртоқларинг билан бўл».

«Улфат қанча кўп бўлса, кулфат шунча оз бўлади».

«Ақли кўпни дов олмас, дўсти кўпни ёв олмас».

«Яхшилар бўлса ўртоқ, кунда бўлурлар қўноқ».

«Чин дўст чин юракдан сўзлайди».

«Арпа, буғдой бир кунинга ярайди, содиқ дўстинг ўлгунингча ярайди».

«Қалин ўртоқ – қариндошдан ортиқ».

«Яхши дўст давлат».

«Яхши либос – танга оройиш, яхши йўлдош жонга осойиш».

Бу пурмаъно ҳикматли сўзларда эл-улуснинг бир умрли орзу-умидлари яшайди. Мазкур ҳикматли сўзларда дўстлик ва ўртоқликка хос бўлган энг яхши ҳислатлар ифодаланганки, биз ўз ҳаётимизда уларга ҳар қадамда дуч келиб турамиз.

Дўстлик-биродарликнинг энг яхши ҳислатларидан бири – кишиларга меҳр-шафқатли бўлишни англатади. Масалан, бир синфа да ўқийдиган ўртоқларимиздан бири бетоб бўлиб қолди ёки хона-донида бирор кўнгилсизлик рўй берди дейлик. Шундай пайтда дарҳол ҳол-аҳвол сўраб, дардига малҳам бўла олсак, нур устига аъло нур бўлади. Бунинг натижасида кишилар ўртасида яқинлиқ меҳроқиб ортиб боради.

Дўстликка хос бўлган яна бир ҳислат ўзаро ёрдам ҳисобланади. Биз ўқищда, меҳнатда, жамоат ишларида ўртоқларимиздан ёрдамимизни аямаслигимиз керак.

Дўстлик, ўртоқлик ришталарининг боғланиши ва мстаҳкамла-нишини таъминловчи бирмунча ҳислатлар бор. Жумладан, ростг-ўйлик, бир-бирини ўзаро ҳурмат қилиш ва сирдош бўлиш, ўртоқларга доимо ғамхўр бўлиш кабиларни ўз вақтида амалта ошириб борсак, бизнинг ўртоқлигимиз ортиб, ҳақиқий дўстлик даражасига кўтарила олади, шунинг учун ҳам дўстлик ўртоқликнинг олий шаклидир, деб юритилади, чунки дўстлик аввало ўртоқликдан бошланади. Киши ўз ўртоқларидан бирини бошқалардан ортикроқ сева-ди. Уни бошқалардан кўпроқ ҳурмат қиласди, унга нисбатан ўз мой-иллигини амалда кўрсатишга тиришади. Иккинчи томон ҳам бу ҳурматга ҳурмат билан жавоб бериши айни муддао бўлади. Дўстлар доимо бир-бирларидан маслаҳат оладилар, бир-бирларнга мунтазам ёрдамлашиб турадилар, моддий ва маънавий жиҳатдан бир-бирларини қўллаб-қувватлайдилар. Шундай қилиб, аввалги оддий ўртоқлар кейинчалик яқин дўст бўлиб кетадилар.

Дўстликни тор маънода, яъни икки киши орасидаги алоқадан-гина иборат, деб тушунмаслик даркор. Дўстлик тушунчаси ижти-моий аҳамиятга эга бўлиб, миллион-миллион кишиларнинг аҳил яшаши, иқтисодий, сиёсий ва маданий соҳаларда ҳамжиҳатлигини билдиради. Ҳозир ҳам, бундан аввал ҳам ер курраси халқлари орасидаги байналмилал дўстлик жаҳон аҳамиятига эга бўлган, бундан

кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

Дўстлик – олтингдан қиммат, пул билан ўлчаб бўлмайдиган бе-баҳо нарса. Дўстликни сақлаш ер юзидағи барча ҳалқларнинг, катта-ю кичик – ҳамманинг ҳаётий вазифасидир.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, дўстлик аввал икки кипи орасида бошланниб, кўпайиб, кенгайиб боради ва ижтимоий тус олади. Дўст орттириш ҳамма ёшда ҳам зарур, лекин ёшлиқда бошланган дўстликнинг илдизи жуда чуқур ва мустаҳкам бўлади. Шунинг учун ҳам ёшлиқимиз иложи борича кўпроқ дўст орттиришлари ва бир-бирлари билан аҳил яшамоқлари даркор. Дўстлик ширин суҳанликдан бошланади ва хушмуомалалик, очиқ кўнгиллилик, меҳр-садоқат билан мустаҳкамланиб боради. Енгилтаклиқ, жizzакилиқ, ифво-бўғтонга берилиш ва ўзаро ҳурматнинг йўқолиб бориши дўстликка раҳна солади, унинг емирилишига олиб келади. Дўстлик ўрнини душманлик, фаразгўйлик эгаллайди.

Ота-боболаримиз дўстликни юқори даражада қадрлашган. Дўсти йўқ одамни қуриган дараҳтга, жисман мавжуд бўлса ҳам қалбини ўлик мурдага ўҳшатишган. Дўсти кўп одамни ҳўрмат қилишган. Дўст орттириш учун меҳнат қилиш, бировларнинг юкини кўтариб мушкулини осон қилиш кераклигини уқтиришган.

Ривоят. Улур шоир Алишер Навоийнинг Паҳлавон Муҳаммад деган шогирди, ҳам дўсти бор экан. Шоир уни жуда яхши кўрар, шогирди бўлса ҳам қадрдон, сирдош дўсти, деб билар экан. Кунлардан бир куни Паҳлавон Муҳаммад кичик бир гуноҳ қилиб қўйиб, шу туфайли Султон Ҳусайнинг қаттиқ ғазабига учрабди. Воқеа бундай бўлибди: Султон Ҳусайн ғазаб отига миниб турган бир пайтда Паҳлавон Муҳаммаднинг гуноҳ иш қилиб қўйганини етказишибди, Ҳусайн Бойқаро:

- Паҳлавоннинг соқол-мўйловини қириб ташланглар, сўнг калтадум либос кийдириб, кўча-кўйда сазойи қилинглар,- деб буйруқ берибди. Паҳлавоннинг бундай жазога гирифтор бўлганини Алишер Навоийга айтишибди. Навоий, агар бу жазо амалга оширилса, Паҳлавон Муҳаммаднинг иззат-нафси камситилиб, у бунга чидай олмаслигини англаб, уни бундай шармандалиқдан қутқазиш ҳаракатига тушшибди. Тезлиқда Ҳусайн Бойқаро ҳузурига етиб бориб:

- Султони бокарам, маълумингизки, мен ва Ҷаҳлавон Муҳаммад ёшлиғимиздан бир хил кийинамиз, бирга соқол-мўйлов қўйиб,

дүст-биродар бўлиб юрамиз,-деб аҳдлашган эдик. У бошқа кийиниб, мен бошқа кийиб юрсам ўргадаги аҳд бузилиб, гапимиз тузсиз, ўзимиз субутсиз бўлиб қоламиз. Буюрсангиз, менинг соқолмўйловларимни қирсинилар, менга ҳам ҳудди Паҳлавон Муҳаммадга берилгандек калта либос кийгизилиб, дўстим билан бирга сазий қиласинилар,- дебди.

Навоийнинг шогирди ҳамда дўстига бўлган садоқатини, меҳроқибатини кўрган Ҳусайн Бойқаро ғазабидан тушиб қолганини ўзи ҳам билмай қолибди-да:

- Паҳлавоннинг гуноҳидан ўтдим, жазо қолдирилсин, - деб фармон бериби.

Биз тарихда катта ижобий фазилатлари билан ном қозонган улуғ боболаримиздан ҳамиша ибрат олиб яшаймиз. Мактабда, кўча-кўйда, маҳаллада, давраларда ёшларимизни дўст ортиришга чақирамиз. Ёшлика боғланган дўстлик иплари мустаҳкам бўлади, уни фийбат, туҳмат шамоллари уза олмайди. Дўстинг билан бир умрга боғланиб қолсанг, кайфиятинг яхши бўлса, уни баҳам кўргани, дик-қат бўлсанг уни ёзгани дўстингниги борасан, меҳмон бўласан ёки дўстинг ҳам шундай ҳолатларда сеникига келади, кўнглини ёзади.

Меҳмоннавозлик дўстликни мустаҳкамловчи омиллардан биридир. Чунки меҳмонни кузатиш жараёнида мезбондаги сахийлик, пазандалиқ тозалиқ инсон кўнглини олиш каби олижаноб фазилатлар намоён бўлади. Дўстлик анъаналарига садоқатли оиласа меҳмон келиши байрамга, курсандчиликка айланади. Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидовнинг «Дўст билан обод уйинг» ғазалида бу ҳақда ажойиб фикрлар бор.

Дўст билан обод уйинг,  
Гар бўлса у вайрона ҳам,  
Дўст қадам кўймас эса  
Вайронадир кошона ҳам.  
Интизор ҳар уй қадрдон  
Дилкушолар базмига.  
Гар ош қўйса қабоҷат  
Йифлагай остона ҳам.  
Дўст қидир, дўст топ жаҳонда  
Дўст юз минг бўлса оз,  
Кўп эрур бисёр душман  
Бўлса у бир дона ҳам.

Абу Али Ибн Синонинг фикрича, инсонда ахлоқий сифатларнинг камол топишида яхши хуштабиат, илмли дўст катта ўрин тулади. «Яхши дўст оқиздир, - дейди олим, - унда кишининг бутун яхши ёки ёмон томонлари акс этади». Яхши дўст уз вақтида ўргонинг ёмон қилиқларини кўрсатади, ўзининг маслаҳати ва хулқодоби билан уларни бартараф этишга ёрдам беради.

Ибн Сино дўстликнинг уч хил кўринишини айтиб ўтади.

1. Ҳақиқий дўстлик - бунда дўстлар ҳар қандай шароитда, жумладан ҳаётда юз берган энг оғир дамларда ҳам бирга бўладилар.

2. Бойлик, амал-даражага туфайли боғланган дўстлик.

3. Ягона мақсад ва ғоявий бирлик асосидаги дўстлик.

Булардан биринчи ва учинчиси мустаҳкам, ҳақиқий ва бузилмас, иккинчиси эса, муваққат ва мустаҳкам бўлмаган, сохта дўстлик эканини таъкидлайди.

Форс-тожик адабиётининг мумтоз намоёндаси Абдураҳмон Жомий фикрича, киши муайян ҳаёт кечириб тарбияланар экан, демак, бошқа одамлар билан алоқасиз яшай олмайди. Ҳар бир кишининг дўстона, ўзгаларнинг ёрдамисиз камолотга эришиши жуда қийин. Шунинг учун ҳам ҳар бир кишининг ўзига муносиб, ҳақиқий дўсти ва ёр-бирордари бўлиши лозим.

Чин дўст ул дўстлиги ошаверса гар,

Дўстидан ёмонлик кўрганида ҳам,

Бошига минг жафо тоши ёғилса,

Мехр уйи у тошдан бўлар мустаҳкам,-

деб Жомий дўстликка катта баҳо беради.

Бирор билан дўст тутинган киши ўз дўстининг камчиликларини бартараф қилишга, яхши хулқ сифатларини эъзозлашга ёрдам берishi керак. Лекин, иккинчи томондан, дўстларининг айбини ўзигагина айтиш лозим, аммо бегоналар олдида камчилигини айтиб, мулзам қилиш чин дўстнинг иши эмас. Ҳаётда ҳақиқий дўстлардан ташқари, сохта дўстлар ҳам учраб туради. «Сохта дўстдан ошкора душман афзал» дейишади. Айрим сохта дўстлар борки, улар бошқаларнинг бойлигига учиб, шахсий манфаатлари йўлида дўст бўлишга интиладилар. Бундай қалбаки дўстликни Жомий каттиқ қоралайди.

Жомий ҳақиқий дўст дўстликнинг ҳамма қонун-қоидаларига риоя қилиши, дўстига ҳар қандай йўл билан ёрдам кўрсатишга интилиши, агар зарур бўлса, ҳатто жонини бериши кераклигини таъкидлайди. Бундай дўстликнинг намуналари ўзбек халқ оғзаки ижо-

дида ҳам ардоқланиб, оғиздан-оғизга күчіб, улуғлаб келинади. Масалан, ўзбек халқ достони «Алпомиш»да унинг етакчи образлари Алпомиш ва Қоражон ўргасидаги дўстлик туфайли асар воқеаларидаги зиддиятлар яхшилик билан ҳал бўлади. Чунки, бу дўстлик Алпомиш билан Қоражон ўргасидаги самимият, адолат ғалабаси учун кураш йўлидаги ягона мақсад билан мустаҳкам боғланган дўстликдир.

Алишер Навоий дўстлик, ростгўйлик, ўртоқлик мадҳини баралла куйлаган ва шу гояни ривожлантиришга ҳисса қўшган. У Фарҳод билан Шопур, Мажнун билан Навфал, Ширин билан Меҳинбону образларини яратиб, ана шу образлар тимсолида киши кишига дўст, биродар бўлиши ҳақидаги азалий орзуларини беназир мадҳэтган. Инсон ва унинг қадр-қиммати Навоий ижодида марказий ўринни эгаллайди. Навоийнинг фикрича, халқни ўйлаган кишигини ҳақиқий инсондир. Шунинг учун ҳам шоирнинг:

Одами эрсанг демагил одами,  
Ониким йуқ халқ ғамидин ғами,

- деган байти халқ ҳикматига айланиб кетган.

Навоий инсонларни миллӣ, ирқий ва диний эътиқодларидан қатъи назар, бир-бирлари билан иноқ яшашга даъват этади.

Навоий дўстликни улуғлайди. Шу билан бирга, сохта, рараз билан дўст бўлувчи кишиларни қоралайди.

Ҳақиқий дўст кишининг оғир, аламли-дардли кунларида ҳамдам бўлади. Дўстликнинг энг муҳим ва асосий шарти вафодир, - дейди шоир.

Вафо - халққа, давлатта, дўст-ёрларга ҳар қандай қийинчиликлардан қўрқмай, садоқат билан хизмат этиш ва ёрдам бериш демакдир.

Вафодорлик инсонни, дўстларни севиш, ҳурмат қилиш демакдир:

Ёрки, бора анда вафо ёр бил,  
Умр деган ёри вафодор бил.

Хукмрон доиралардан вафосизлик ва ҳаёсизлик кўрган Навоий кишиларнинг вафодор бўлиши зарурлиги ҳақида жуда кўп фикрларни айтади. У, аввало, бу хислатта ўзи амал қиласиди ва барча асарларида бунга даъват этади.

«Бобурнома»да ҳам дүстлашиш, уни эъзозлаш ҳақида ёшларга ибрат бўларли насиҳатлар жамланган. Чунончи, дўстга ҳамиша эътиборли бўлиш, зиёратга бориш, яхши-ёмон кунида ҳамдардлик қилиш, дўсти кўп кишининг айблари сир тутилиши, фазилатлари кўпайиши, янги дўст топгандан эскисидан юз ўғирмаслик ва бошқалар уқтирилади.

Бир куни Искандардан сўрабдилар:

«Бунча оз сармоя билан бу миқдор кўп мулкни қандай хислат билан қўлга киргиздинг?»

Искандар жавоб қилди:

«Душман бирлан илтифотли муомала қилиш, ўзаро келишувчи ҳамда дўстларга садоқатли бўлиш ила шунча мамлакатни қўлга олдим, яна билгинки, дўстларнинг дўстлари ҳам дўстларингдир. Агар дўстинг сенинг душманингни севса, бундай дўстдан эҳтиёт бўл, бундай дўст душман тарафидан сенга ёмонлик қилишдан ҳам андиша қилмагай. Сенинг дўстингта душман бўлғон дўстдан парҳез эттил, мурувватсиз, фазилатсиз кишини дўст тутмагилки, бундай кишининг хосияти бўлмас ва уларни ош-нон дўстлари тоифасидан билғил, ор ва номус дўсти эмасдурлар. Яхшиларга кўнгил била ва ёмонларга тил била дўстлик қилғил, токи икки тоифанинг ҳамдўстлиги сенга нисбатан ҳосил бўлсун, нединким, кишининг ҳожати танҳо дўстига тушмағусидир.

Дўстликка лойиқ одамни икки нарса била билса бўлур: бири улки, дўстига тангдастлик етишғон вақтда қудрати етгунча молин дўстидан дариф қилмас ва қашпоқлик вақтида ундин юз ўғирмас; яна бири улки, дўсти бу жаҳонда ўтғондан сўнг ул дўстининг фарзандларини, қариндошлари ва дўстларини йўқлаб, уларга яхшилик кўргизграй. Гоҳгоҳ ул дўстнинг мазори зиёратига борғай ва ҳасрат чекиб, дуолар қилграй.

Ҳикоят. Суқрот ҳакимни ўлдириш учун олиб боришаётган чоғда шогирдлардан бир жамоа унга ҳамроҳ бўлиб борар эдилар. Улар йиғлаб, зорлиғ қилиб сўрадилар: «Ҳай ҳаким, энди ўлимга кўнгил қўймишсан, айтгил, сени қайси ерга дафи этайлик?» Суқрот табасум қилиб деди: «Қай жойни кўнглингиз тиласа, ул жойга дафи қилинг, яъни менинг жасадим қайда бўлса, сўнгакларим унда бўлғай, фақат мени ёд қилсангиз бас».

Одамлар била дўстлигинг ўртача бўлсун,  
Дўстларингнинг эътиқодидан рофил бўлманг.

Дўстликни фароғликда ва тангдастлиқда имтиҳон қилғил, фароғликда роз ва таом била, тангдастлиқда суд ва зиён била. Ҳар дўстки, сенинг душманингни душман тутмас, уни дўст демагил. Таъмагир, кекчи дўстдин узоқ бўлғул.

Юсуф Ҳожиб ҳам «Кутадғу билиг» асарида улфат тутиш ҳақида, уларга ҳамиша эътиборли бўлиш, ҳамдардлик кўрсатиш, зинҳор дилларига озор етказиб, дўстни душманга айлантирмаслик ҳақида фикр билдради.

Чунончи:

Кўнгил деганлари мисоли шиша,  
Синиб қолмасин у, асрар ҳамиша.  
Кўнгил нозиклиги бу сўзга нишон,  
У иссиқ-совуқда боғлиқ ҳар қачон.  
Жура кўнгли синса, булар ички ёв.,  
Қайда ёв бўларкан, кеки-беаёв.

Ёви бор одамнинг ҳаёти тотли бўлармиди? Ёви бўлган, ёви билан уриша-уриша қариган киши нима дейди, эшитгин:

Душманим кичик деб рафлатда қолма,  
Нега қўрқайин деб сен шов-шув солма.  
Ёвинг бўлмаса, асло ғомил бўлмагин,  
Ёвга ёв, яхшига яхши бўл, толма.

Муаллиф фикрини давом эттириб кимнинг дўсти кўп бўлса, унинг исми ёйилади. Барча ишлари ўз вақтида адо этилади. Дўстлар кишининг яхши томонини оширади, айб-нуқсонларини яширади, дейди.

Агар яқин дўстлар, қариндош-уруглар сендан оёқ узиб кетгудек бўлсалар, сен ўзинг яқинлик ишларини улагин, деб насиҳат қиласади.

Яқин бўлса кўнгил, йироқ ер яқин,  
Вафо билан аммо яқинлик тағин.  
Шарқу Farb ораси бир ўрлам ердир,  
Вафо деб билса ким яқинлик ҳақин.

Дўстлик, ўртоқлик, ҳамкорлик, биродарлик, аҳиллик ва бирлик-нинг улуғ кучи ҳақида мақоллар, ҳикматларда ҳам ажойиб фикрлар мавжуд:

Бирлашган дарё бўлар, Тарқалган ирмоқ бўлар.

Бирлашган куч – енгилмас; Дўстдан-дўст камол топади.

Дўстинг мингта бўлса ҳам кам дегин, Душманинг битта бўлса ҳам кўп билгин.

Инсон ҳамма вақт яхши кишиларга яқинлашишга ҳаракат қиласди, бу хусусият жуда эрта, болалик чоғидан бошланади. Ҳар бири миз ёшлиқданоқ ўз тенгимиз билан ўйнаб, дўст тутинишга интиламиз, ҳаёт ва меҳнатда, бошга ҳар хил иш тушганда синашда бўлганлар билан дўстлашамиз. Баъзи дўстлар содиқ бўлиб қолади, баъзилари ажрашиб кетади. Зотан, доно дўст, шинаванда улфат, ғамгузор ўртоқ орттириш жўн иш эмас, албаттга.

Бу ўринда, дўст ва ўртоқ орттириш ҳақида бир ривоят келтириб ўтишни лозим топдик.

Ривоят. Бир куни Абу Ҳусайн Абдуллоҳ вояга ета бошлаган ўғли Ибн Синони ёнига чақириб:

- Сиз шаҳзодаларни даволаш учун саройга кўп қатнамоқдасиз. Хоҳлардимки, ўзингиз сарой қурсангиз. Сиз қурган сарой шаҳар ва қишлоқда сон-саноқсиз бўлса.

Ибн Сино «хўп» деб отаси олдидан чиқиби-ю ўйланиб қолибди. Кўплаб сарой қуриш учун пулни қаердан олишга боши қотибди. Орадан бир неча кун ўтгач, донишманд оқсоқолнинг олдига борибди ва отаси истагини айтибди.

Бухорои шарифга атрофдан одамлар кўп келади. Ана шу одамлар билан кўнгил боғланг, яхшилик қилинг, шаҳару қишлоқларни айланинг, беморларни даволанг, кўнгил яраларига малҳам бўлинг. Сиз яхшилик қилган беҳисоб одамларнинг хонадони сиз учун беҳисоб сарой бўлади. Қачон борсангиз сиз учун очиқ туради. Отангиз ана шуни орзу қилибди.

Дўстлик гулдан нозик, пўлаттан қаттиқ, довулдан кучли, дейишиди. Дўстлик ўзаро муносабатда самимиликни, зийракликни, ростгўйликни, тўғриликни талаб этади. Масалан, бир киши дўстига кўп яхшиликлар қилган дейлик: қийналиб қолганда уни самимий қўллаб-қувватлаган, кўнглини қўтарган, моддий ёрдам бериб турган. Яхшилик кўрган киши дўстининг бу яхшиликларини унут-

гани йўқ, аммо яхшиликка яхшилик билан жавоб беришга ҳали унинг қурби етмайди. Нима бўлди-ю, дўстининг кўнглига ёқмайдиган бир гап айтиб, ранжитиб куйди. Шундан сўнг яхшилик қилган одам кўпчилик ичиди: «Фалончига шунча яхшиликлар қилдим, билмади, нонкўрлик қилди», - деб шикоят қиласди. Шунда яхшилик кўрган одам ҳижолатда қолади. «Нега ўша нарсаларни олдим, деб афсусланади. Халқимизда «Миннатли ошни ит ҳам ичмайди», - деб бекорга айтилмаган.

Бу ўринда дўстига яхшилик қилган одам андишасизлик қилаяпти. Агар киши одамгарчиликни, ўзаро ҳамкорликни, дўстликни бир ёқлама тушунса, у дўстини тез ранжитиб қўяди. Ёрдам кўрган киши ҳатто шу ёрдамни унутиб қўйганда ҳам буни унинг юзига солиш одобдан эмас.

Ҳар бир яхшилик beminnat, betalma bўlgani maъkuldir. Aйтиларку, «Яхшиликни балиққа қил, балиқ билмаса ҳолик билади» деб. Вижданан айтганда дўстининг қилган яхшилигини билиш, унга миннатдорчилик изҳор қилиш, яхшиликка яхшилик билан жавоб қайтариш яхшилар ишидир.

Ҳаким айтади: Ташаккур – дўстнинг қилган яхшилигини эътироф этиш, унинг ўзига сўзлаб миннатдорлик билдиришdir. Ташаккурнинг ғояси – яхшилик қилган кишининг қилган яхшилиги тан олинганини, ўринсиз кетмаганини билиши, яхшилик қилган кишига унинг ҳимматини, гўзал ахлоқини эътироф қилишdir. Яна бу муносабат фурсат келганда, сен ҳам унга яхшилик қилишга шопшил, дўстингнинг қилганига яраша қайтар деганидир.

Хўш, шундай экан, дўст-ўртоқларни кўпайтириш учун қандай муомала-муносабат лозим? Бунинг учун киши бирор билан дўст-ёр бўлса ёки дўст-ёрлик даъвосини қилса, ўзига раво кўрмаганини унга ҳам раво кўрмаслиги керак, баъзи нохуш нарсаларни ўзига раво кўрса ҳамки, дўстига раво кўрмаслиги лозим.

Ривоят: Қадим замонларда бир мамлакатда икки қалин ва иноқ дўст бўлган экан. Улар замона зайлар билан бир-бирларидан ажралишиб, бир неча йиллардан сунг яна учрашиб қолибдилар. Улардан бири жуда бойиб кетган, иккинчиси эса фақир ҳолда экан. Фақири қадрдан дўсти билан бир дилдан суҳбатлашмоқчи бўлибди. Бадавлати эса дўстини танимай, кеккайган ҳолда ундан: «Сен кимсан ва нима учун менинг ҳузуримга келдинг?»- деб сўрабди. Шун-

да фақир унга:- Мен сенинг қадрдан дүстингман. Сени күр булиб қолибди деб эшитдим. Шунинг учун сени күргани келгандим,- де-ган экан.

Бир донодан сұрашды:- Дүстлик рамзи нима?

Доно кекса айтди:-Дүстлик рамзи – дилкаш ва елқадош бўлмоқ, аммо, яна унинг уч шарти бор: биринчиси - дүстликни авайламоқ, иккинчиси — уни зиён-заҳматдан сақламоқ, учинчиси – яхши емоқ кунда ҳамдам бўлмоқ. Дүстлик фазилатини билгандар турмуш зийнатини топадилар. Ҳар бир киши ўзининг қайғуси ёки шодлигини кўнгил тортар дўстига айтиб, юрагини ёзгиси келади. Дўст ўзининг юпатувчи сўzlари, оқил маслаҳатлари билан дўстининг дардини енгиллаширади, шодлигидан қувонади.

Одамлар ўртасидаги дўстлик кўпинча очиқ кўнгиллилик, тўғрилик, мақсад бирлiği ва ана шу ягона мақсадга содиқлик асосида мустаҳкамланиб келган.

Дўстлар бир-бирларига ҳеч вақт хиёнат қиласликлари ва бир-бирларининг сирларини бошқа бирорларга айтмасликлари, ўзаро ҳурмат ва ишончни ардоқлашлари зарур.

Дўстлик ўз вафоси билан гўзалдир. Ваъдага вафо қилиш, ҳамдам, ҳамдард бўлиш самимий дўстликнинг белгиларидан биридир. Халқимизда турли маъракаларни кўпчилик билан бирга ўтказиш одати бор. Шундай кунларда дўсттига дўстнинг ёрдами ниҳоятда зарур. Катта маъракаларда ёшлар қиласидиган юмушлар кўп бўлади. Шундай чоғда дўст хонадонида ўтаётган маъракада хизматини аямаган ўғил-қиз эл ҳурматига сазовор бўлади.

Айрим педагогларимиз турли хил маъракаларда ёшларнинг иштирок этишини ёқтиргмайдилар. Аслида эса бундай йиғинлар йиллар ўтиб, ёшларимиз бошига ҳам тушади. Шуни ҳисобга олиб, бундай маъракаларни ўтказишни, унда хизмат қилиш одобнни ва дўстининг раму шодлигига шерик бўлишни ёшлар ўрганиб боради.

Шундай қилиб, ҳаёт тажрибалари дўстликни мустаҳкамловчи қўйидаги омилларни вужудга келтирди:

- 1) ўзаро ҳурмат ва ишонч;
- 2) дўстта содиқлик;
- 3) зарур пайтда бир-биридан моддий ва маънавий ёрдамини аямаслик;
- 4) камчилигини ётири билан ўзига айтиб тузатиш;

- 5) дўст сирини сақлай олиш;
- 6) дўстнинг шодлигидан қувониш, ташвишига шерик бўлиш;
- 7) мақсад бирлиги;
- 8) ўзаро (муносабатда самимилик, зийраклик, ростгўйлик, тўғрилик;
- 9) бир-бирини юракдан қувонтиришга интилиш.

### **Ҳикматлардан намуналар**

Тангрига иймон келтиришдан кейинги амалларнинг афзали бу одамлар билан дўстлашиш, яъни солиҳ амаллар қилишдир.

Олий ҳимматли, мард одам бир лаҳзада дўст ортиради, пасткаш эса неча йиллик ошнолигини бир лаҳзада барбод қиласди.

Бир-бирларингизга эҳсон қилинглар, чунки эҳсон муҳаббатни оширади ва дилдаги ғашликларни йўқотади.

Одамлар билан дўстлашиш ақлнинг ярмига teng.

Сир сақлаш – тил остига чўр олиб туришдан ҳам мashaққатлироқдир.

Киши биродари учун ҳикматли сўздан афзалроқ чарса ҳадя қилолмайди. Чунки шу ҳикмат сабабли Тангри уни тўғри йўлга соилиб қўяди ёки ёмон йилдан қайтаради.

Дўстларнинг ҳасади душманларнинг хусуматидан ёмондир.

Ҳисобли дўст ажралмас.

Инсон қўлга киритган ўлжаларидан энг хайрлиси самимий дўстликлар.

Айбизз дўст қидирган кишининг дўсти камайиб қолади, дўстларини ранжитаверса, душмани кўпаяди.

Уч нарса дўстликни мустаҳкамлайди: дўстларнинг бир-бирларини зиёрат қилиб туришлари, самимий суҳбатлашишлари ва биргалашиб сайру саёҳат қилишлари.

Давлатли, неъматли бўлган вақтингизда дўстларни ёдга олинг.

Душманингизни кичик деб ҳисобламанг. Агар душманингиз дўст бўлмоқчи бўлса андиша қилманг.

Дўст ғам ва кулфат вақтида маълум бўлади.

Фақирларни дўст тутинг, чунки давлатмандларни шундоқ ҳам барча дўст тутади.

Кимки дўстларининг душманлари билан сулҳ қиласа, дўстларига озор берган бўлади.

Дўсту душман билан муомалада эҳсон йўлини тутки, дўстларнинг меҳру-муҳаббати оргади, душманларнинг адовати камаяди.

Дўстлар дилини ранжитиш душманни муродига етказишидир.

Ҳаёт тъами дўстликдадир.

Фақат маслаҳат бериб, кўлини чўзмайдиган дўст ярим дўстдир.

Дўст тутишдан олдин у билан аввал туз-намак бўл.

Бахт дўстлик келтирса, баҳтсизлик уни синовдан ўтказади.

Меҳмондорчилик қанча қисқа бўлса, дўстлик шунча узаяди.

Виждони нопок одамлар билан дўст тутинма. Совиб қолган дўстликни иситиб бўлмас. Атрофингни девор билан эмас, дўстлар билан ўра.

Дараҳт – шоҳсиз, шон-шуҳрат – сафдоҳсиз, дўстсиз бўлмайди.

Дараҳт – дараҳтга, одам – одамга суюнади. Дўстлик – умр баҳорининг гули. Дўстлик ўлимни енгади.

Дўстлик – бебаҳо бойлик, дурдона. Бу кўнгил бойлигини кўз қорачиғидек сақлашимиз, қадрлашимиз лозим. Дўстликда қадрланаидиган томонлар: ўзаро ҳурмат, бир-бирини тушуниш, ишонишдир. Дўст билан бирга бўлиб, ўзига маънавий озиқ олиш, лозим бўлганда дўстдан моддий ва маънавий ёрдамнни аямаслик, унинг муваффақиятидан кувониш, қайғусига шерик бўлиш, хато-камчиликларини юзига айтиб тузатиш, дўстнинг сирини ошкор этмаслик, дўстликнинг қадрига этиш кабилардир.

## 5-§ Ўқитувчининг ўқувчилар жамоаси билан ишлаш усуллари

Синф раҳбарининг иш усуллари – бу синф жамоалари фаолиятини ташкил этиш ҳамда ўқувчиларнинг онги ва ҳис-туйруларига таъсир этиш усулларидир. Синф раҳбари тарбия усулларидан ўз иш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда фойдаланади. Турли хил ўзаро боғланган мажмуани қўллаш болалар, ўсмиirlар ва ёшларнинг маънавий қиёфаси онги, эътиқоди, ахлоқий туйрулари ва хулқ-атвори-ни таркиб топтиришга ёрдам беради.

Синф раҳбари ўқувчиларни фаолиятта жалб этади, тарбия жараённида алоҳида ўрин эгалланди, бу фаолият уларнинг ижтимоий

фаоллигини таркиб топтиради. Турли хил жамоа ишларида ўқувчи ишиңинг ижтимоий мазмунига кўра билишга ўрганади, ўзининг тенгдошлари ва катта кишилар билан бўладиган муносабат доирасини кенгайтиради, маънавий бойликларни ўзлаштириб олади. Синф раҳбари иш-фаолиятининг асосий вазифаси шахснинг ўз муносабатларини ва фаол ўрнини таркиб топтиришдан, шахсий туйғулар ва ахлоқий хатти-ҳаракатларнинг муайян бир йўлини ривожлантиришдан иборатдир.

Синф раҳбарининг тарбиявий имкониятлари ўз-ўзидан намоён бўлмайди. Бунда муайян усулларни қўллаш зарур. Биз қўйида ана шу усуллардан энг муҳимларини кўриб чиқамиз.

Фаолиятнинг бирор мақсадга қаратилганлиги аввало барча ишларнинг шахснинг ижтимоий қимматли, ғоявий-ахлоқий сифатларини тарбиялашга, синф жамоасининг мақсадга эришишга қаратилганлиги сифатида намоён бўлади. Бирор мақсадга қаратилганлик яна шунда ифодаланадики, фаолиятнинг ижтимоий аҳамиятли мақсади ўқувчиларнинг ўzlари томонидан қабул қилинади, англаб олинади ва амалга оширилади.

Бирор мақсадга қаратилганлик ўқувчиларнинг фаоллиги ва мустақиллиги талаби билан мустаҳкам боғланган. Ижтимоий фаолиятда фаоллик кўрсатиш ҳар қайси ёпдаги ўқувчига хосдир. Кичик ёшдаги ўқувчи кўп нарса қилишни истайди, аммо ўзининг имкониятлари дарајасини билмайди, етарли малака, сабот-матонат, қатъиликка эга эмас. Ўқувчиларни ишга аста-секин жалб қилиш, уларга тобора кўпроқ мустақиллик бериш жамоа ҳаётининг мураккаблашиб борувчи меъёrlарини эгаллаб олишга ёрдам беради.

Фаолликка ва мустақилликка таяниш ҳар қандай аниқ ишни ташкил этиш услубиётида асосий талаблардан бири сифатида намоён бўлади. Агар ўқувчилар бирор кечани ўтказишга қарор қилган бўлсалар, бу қарорга ўzlари келишган бўлишлари керак. У синф раҳбари томонидан танланган парчаларни шунчаки ёдлаш ва уни ўқиши билан алмаштирилмаслиги, балки кечани тайёрлаш жараёнидаги қизғин ва фаол ишлар давомида амалга оширилиши лозим. Ўқувчиларни жамоа ишига жалб қилиш йўли билан уларнинг онги ва хулқ-атворига таъсир этиш жараёни амалга оширилади. Агар ўқувчилар ўз ишларининг ижтимоий маъносини англасалар, қийинчилликларни енгигиб ўтсалар, ижтимоий мақсадга эришсалар бу

жараён самарали бўлади.

Ёрқинлик ва жўшқинлик талабидан келиб чиқиши синф раҳбари иш фаолиятига янгича руҳ ва мазмун баҳш этади. Агар ўсмирлар олдида ёрқин, қизиқтирувчи мақсад бўлса, улар жуда қўп ишларни амалга оширишлари мумкин. Синф анъаналари ва байрамларини нишонлаш, тоғларга, шаҳарларга саёҳат қилиш қайси ўқувчини бефарқ қолдиради дейсиз? Гап болаларнинг кўнглини олиш, улар учун мумкин қадар кўпроқ байрамлар уюштиришда эмас, балки синф жамоасининг кундалик ҳаёти етарлича ёрқин ва жўшқин булишида, ижтимоий йўналиш олган фаолиятда қувончли кечинмалар пайдо бўлишидадир.

Ўқувчиларнинг foявий-ахлоқий жиҳатдан ўсиши, ижобий сифатларнинг таркиб топиши, шахснинг ривожланишидаги камчиликларнинг йўқотилиши – бу тарбиявий натижадир.

Синф жамоаси фаолиятига баҳо беришда қилинган ишлар миқдори, олинган ёрлиқлар, мукофотлар сонига қараб-эмас, балки ўқувчилар жамоасининг ташкил топипида рўй берган аниқ ижобий ўзгаришларга эътиборни қаратиш керак.

Аввало ижобий тарбиявий натижаларни баҳолай билиш ва шунга интилиши - синф раҳбарининг услубий жиҳатдан қуролланганлигининг муҳим кўрсаткичларидан биридир.

Ижтимоий фойдали меҳнатни ташкил этиши. Ўқувчиларнинг ўз меҳнатларининг ижтимоий аҳамиятини англаб этиши синф раҳбари ишини услубий жиҳатдан тўғри ташкил этилганлигини билдиради.

Меҳнат қилиш орзузи турли сабаблар билан пайдо бўлиши мумкин. Агар синф раҳбари ҳар қандай ишни ташкил этишида ишнинг ижтимоий аҳамиятини англашни назарда тутувчи юксак даражадаги мавзулар (сабаблар) ҳақида қайғурса, ҳар бир иш ўқувчида меҳнатда қатнашишнинг барқарор кўникмалари, унга эҳтиёж тарбияланишига ёрдам беради.

Ўқувчилар жамоасида агар меҳнатдан кўзланган мақсаднинг ўзи аниқ ифодаланган юксак маънога, кўтаринки руҳга эга бўлса, синф раҳбари осонгина меҳнат қилиш истагини юзага келтиради.

Одатда, ўқувчилар ўзлари учун қизиқарли иш бўлиб кўринган меҳнат топшириқларини бажаришга киришадилар. Мактаб ҳовлисини тозалаш, синфда ўз-ўзига хизмат кўрсатиш каби ишларда кипини жалб қиласиган нарсалар кам. Бу ўринда синф раҳбари бола-

лар бажараётган ишларнинг аҳамияти ҳақида гапириб бериш, уларнинг умум ишига қўшаётган ҳиссалари нималардан иборат эканлигини тушунтириши керак.

Синф раҳбаридан ўқувчиларга синф жамоасининг ижтимоий фойдали ишлари – ўқувчиларнинг катталар билан биргаликда иштирок этадиган муҳим ижтимоий ишларнинг бири эканлигини тушунтира билиш талаб этилади.

Меҳнатни ташкил этипда болаларнинг ёшини ҳисобга олиб ёндашиш талаб қилинади. Бу ҳар бир маълум ёш учун меҳнат топширигининг оғир-енгиллигини, меҳнатнинг турли даражада англапшилишини ҳисобга олиш демакдир.

Меҳнат кўтаринкилигини бажарилаётган ишнинг охиригача сақлаб туриш жуда муҳимдир. Кўпинча болалар иштиёқ билан ишга киришиб, тезда чарчаб қоладилар, меҳнат турларини чала-чулпа бажарадилар. Ўқувчидан ишни охиригача етказишни талаб қилиш, уни ўз кайфиятини бошқара би-лишга ўргатиш, чарчашини енгиш, зерикиш ҳиссини йўқотиш – буларнинг ҳаммаси меҳнатда шахснинг ахлоқий машқ қисмлари сифатида намоён бўлади.

Меҳнат топшириқлари қандай бажарилганлиги, жамоанинг ҳар бир аъзоси қандай ишлаганлиги, ишга қандай муносабатда бўлганлиги, ижодий ташаббус, зеҳн, ўртоқларча ўзаро ёрдам қандай намоён бўлганлиги билан қизиқиши айниқса муҳимдир. Бу масалаларни бутун синф жамоаси билан муҳокама қилиш ижтимоий қимматли ахлоқий сифатларнинг тарбияланишига ҳамда жамоада самимий ва дўстона муносабатларнинг вужудга келишига олиб келади.

Ижобий намунада тарбиялаш синф раҳбари иш фаолиятида жуда катта ўрин тутади. Ижобий намуналар тақлид қилиш учун яққол намуна сифатида жуда катта ишонтирувчи ва илҳомлантирувчи кучга эга. Ибратли мисолнинг тарбиявий кучи болаларнинг тақлид қилишга мойиллиги ва қобилиятига асосланган. Болаларда етарли даражада билим ҳамда ҳаёт тажрибаси бўлмагани учун атроф-теваракдагиларнинг хатти-ҳаракатларига ва қилиқларига диққат билан қарайдилар, уларга тақлид қиладилар, катта кишилар ўзларини қандай тутсалар, улар ҳам ўзларини шундай тутишга ҳаракат қиласилар. Ижобий намуналар тарбияни яққолроқ, кўрсатмалироқ қиласиди, унинг ҳаёт билан борлиқлигининг қарор топишига ёрдам беради.

**Тарбиявий ишда ота-оналар, ўқитувчилар, тарбиячиларнинг**

шахсий намуна кўрсатишилари, ўзларидан катта авлоднинг энг яхши меҳнат намуналари, юрг мустақиллиги учун курашчилар ҳаётидан мисол сифатида фойдаланиш айниқса муҳимдир.

Ижобий намунани идрок қилиш ҳамда ўқувчиларнинг унга бўлган муносабати болаларнинг ёшига – қараб фарқ қилди. Масалан, 8-10 ёшли ўқувчиларни, кичик ёшли болаларни ёрқин воқеалар, машҳур кишилар ҳаётидан олинган мисоллар қизиқтиради, лекин улар ҳали мустақил ишлар олиб боролмайдилар.

Қаҳрамонлик саргузаштлари билан қизиқиш – кичик ўсмирлар, 11-12 ёшли ўқувчиларга хос хусусиятдир. Улар бу ҳақидаги китобларни берилиб ўқийди, китоб қаҳрамонларининг жасоратли, шижоатли, мардонавор ишларига қизиқади, атрофдаги кишиларда ана шу сифатларни қадрлайди. Ботирлик ва мардлик ўсмир ҳаётининг фаол қирраларига айланади. У кўпинча узвий ҳам кучли, ботир, қўрқмас, жасоратларга қодир деб билади. Бу ҳол уларни кўпинча жасоратнинг фақат ташқи томони билан қизиқишини кўрсатади, қаҳрамонликлар қандай мақсадда амалга оширилганлиги ва уни келтириб чиқарадиган сабаблар билан боғланмайди.

Бу ёшдаги ўқувчилар чинакам жасоратда юксак ахлоқий софлик, кишиларга бўлган чексиз муҳаббат, зўр самимиyлик намоён бўлишини ҳар доим ҳам тушуниб етмайди. Синф раҳбарининг диққат зътибори ўқувчилар тушунчасининг шунга ўхшаш чекланганлигини бартараф этишга қаратилиши керак.

Катта ёшли ўқувчилар, яъни 13-15 ёшдаги ўсмирлар қаҳрамон сиймосини ўзларининг ички дунёларига мос, онгли равишда ажратади биладилар. Шунинг учун ҳам танлаш жўшқин тус олади. Ўзларига турли-туман саволлар беради, ўзига хос умумлапшмалар қилинади, жасоратнинг аслий хусусиятлари идрок қилинади.

Суҳбатлар, учрашувлар, китобхонлик кечалари, санъат, мусиқа, кино асарлари устидаги баҳслар бу борада яхши натижалар беради.

Ўқувчиларга тарбия беришда синф раҳбарининг шахсий намуна кўрсатиши жуда катта аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам унинг синфдаги хулқ - автори, унинг ўқувчиларга бўлган муҳаббати самимиy бўлиши керак.

Ва ниҳоят, ўқувчиларнинг фаолияти ва муносабатида ўртоқлари намунасининг таъсири ҳам муҳимдир. Ташқи юриш-туриш хусусиятлари қабул қилинади; қизиқишлар, ахлоқий жиҳатдан баҳо бериш,

мулоҳазалар, севимли машғулотлар, қизиқиши ва дидлар ўзаро бир-бирига таъсир этади.

Ана шу ишлар жараёнинда пайдо бўладиган ўқувчи анъаналари ҳар бир ўқувчининг хулқ - авторига қўйиладиган талабларни аниқлаштиришга ёрдам беради. Ижтимоий аҳамиятли ишларда ижобий намунага тақлид қилиш ўқувчининг ахлоқий жиҳатдан машқ қилишига айланади.

Топшириқлар - муҳим тарбиявий усул ҳисобланади. Ўқувчиларнинг жамоа ҳаётида қатнашиши уларнинг фаоллигига боғлиқдир. Фаоллик эса фаолият жараёнинда таркиб топади ва намоён булади.

### **Топшириқлар:**

ижтимоий аҳамиятга қаратилган;

жамоанинг ижтимоий ҳаётида фаол қатнашувчи кишининг ташкilotчилик қобилияtlари ва сифатларини таркиб топтиради;

болаларнинг фаол фаолиятга, ўз-ўзини қарор топтиришга бўлган интилишини қаноатлантиради, турли ишларда фаоллик кўрсатиш учун шароит яратади;

болалар ўргасидаги муносабатларнинг янги имкониятларини вужудга келтиради.

Топшириқлар ўқувчилар жамоасига ва айрим ўқувчиларга берилиши мумкин.

Топшириқнинг тарбиявий таъсири унинг мазмунига ҳам, турли ёш ва жинсдаги ўқувчиларнинг бу топшириқдан манфаатдорлигига ҳам боғлиқдир.

Топшириқлар турлича бўлиши мумкин:

Ташкилий топшириқлар (турли-туман ташкилий ишлар, сайловлар, синф фаолларини белгилаш ва уларни йўналтириш ишлари);

Оталиқ топшириқлари (оталикда олинган кичкин тойларга ёрдам уюштириш, завод ва жамоа хўжалиги ишчи-дэҳқонларига кўмак бериш);

Ижтимоий-маърифий топшириқлар (болалар ва ўсмирлар ҳарачатида қатнашиш, деворий газета чиқариш ва ҳоказо);

Ўқув ишлари билан борлиқ топшириқлар (ўзаро ёрдам уюштириш, имтихон ва олимпиадаларга тайёргарлик қуриш, фан кечалари ва ҳоказолар);

**Спорт ва ўйин топшириқлари.**

Топшириқларнинг моҳияти ва мазмунига қараб ўқувчиларнинг уларга турлича муносабатда бўлишни, у ёки бу топшириқларнинг маълум даражада таъсир этишини назарда тутиш керак. Синф раҳбари болаларда ожизлик туйғулари пайдо бўлмаслиги, улардаги ишончсизликнинг йўқолиши, ишдаги иштиёқи мустаҳкамланиши учун алоҳида зътибор қилишга тўғри келади.

Шуни ҳам ҳисобга олиш керакки, айрим болалар топшириқни бажаришдан мамнун бўладилар, ҳар қандай ишдан сесканмайдилар, баъзи болалар эса ишга умуман қизиқиш сезмайдилар. Булар тарбияси анча қийин болалар бўлиб, алоҳида ёндошишни талаб этади. Ҳаётда учинчи тоифа ўқувчилар ҳам бор. Улар жамоада яхшигина обрўга эга бўлсаларда, ўз кучига етарли равишда ишонч сезмайди, уятчан, торгинчоқ бўлади, гарчи у ишни бемалол уddeлай олса ҳам ўз зиммасига каттaroқ жамоат ишини олишга ботина олмайди. Бу ҳолатларнинг ҳаммаси жамоатчилик обрўйининг па-сайишига, жамоа алоқаларининг бўшашиб кетишига олиб келади.

Жамоанинг ижтимоий ҳаёт даражаси қанчалик юқори бўлса, топшириқлар мазмуни қанчалик қизиқарли, хилма-хил-бўлса, жамоада баъзи қарама-қаршиликлар осон бартараф этилади.

Топшириқлар ўқувчиларни ёш хусусиятларига жавоб бериши, уларнинг кучи етадиган бўлиши керак. Ўқувчига кучи етадиган ишни топшириш айни вақтда мавжуд қийинчилекларни енгиш имконини ҳам беради. Қийиничилекларни енгиш эса ўз навбатида иродани тарбиялайди.

Ўйин - етакчи фаолият туридир. У туфайли ўқувчи руҳиятида муҳим ўзгаришлар рўй беради, шахс ривожига катта таъсир ўтказади.

Ўйин эркин фаолият бўлиб, у фақат ўйин натижаларидан иборат эмас, балки у ўзидан ҳам қувонч, ҳам қаноатланиш ҳиссини келтириб чиқаради, болаларда фаол, ижодий, ширин кечинмалар ҳосил қиласди.

Ўқувчилар билан олиб бориладиган ишда ўйин усулидан турлича фойдаланиллади. Ҳозирги пайтда ўйин усуllibаридан дарс жараённида ҳам кенг фойдаланилмоқда ва яхшигина натижаларга эришилмоқда.

Синф раҳбарининг услубий маҳорати ўқувчиларни ўйин ғояси билан қизиқтира билишда, ўйиннинг моҳияти, қоидалари, талабла-

рини тушуниб олишда уларга ёрдам беришда намоён бўлади. Болалар билан биргаликда ўйин зарур бўлган ҳамма нарсаларни тайёрлаш ва ижрочиликни бўлишда уларда ёрдам бериш лозим. Мусобақалашадиган жамоаларни ўз жисмоний ва ақлий тайёргарлиги жиҳатидан тахминан бир хилда бўлишига эришиш айниқса муҳимдир. Ўйинда бўлар - бўлмасга маъмуриятчилик қилиш, буйруқ бериш, ҳар қандай таъкид заарлидир.

Болаларнинг ўйин фаолиятини ташкил этишда катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлган ўйинлар мавжудлигига эътиборни қаратиш лозим. Шу билан биргаликда, шафқатсизлик дағаллик, ортиқча зўриқиши ва қизиқиши ҳолатларини келтириб чиқарадиган, болаларнинг соғлигига, тарбиясига зиён етказадиган кўнгилочар ўйинлардан эҳтиёт бўлмоқ керак.

Ишонтириш орқали ўқувчиларнинг онги ғоявий-ахлоқий меъёrlар ва тушунчалар билан бойишга эришилади. Ишонтириш усули биринчи навбатда онга таъсир этади, ғоявий-ахлоқий тушунча, қараш, баҳо бериши таркиб топтиради. Маълумки, эътиқод, қараш, баҳо бериши ҳатти-ҳаракатларнинг ахлоқий талқинларига айланади ва пировардида хулқ-атворга ҳам таъсир этади. Ўқувчиларда ўзлари билиб олган ахлоқий талаблар даражасида бўлишига интилиш пайдо бўлади ва ривожланиб боради. Бу интилишни сақлаш ва мустаҳкамлашгина эмас, балки уни амалга ошиши учун имконият яратиш муҳимдир.

Ўқувчиларнинг тўғри сўзлари ва уларнинг ҳақиқий эътиқоди, қарашлари, баҳо бериши, хулқ-атвори ўртасида узилиш пайдо бўлганда ишонтириш усулининг нотўғри кўлланилиши оғзаки тарбия хавфини келтириб чиқаради. Бундан сохталик, иккюзламачилик, тилёғламалик келиб чиқади, тарбияга жиддий путур этади. Болаларга маъноси тушунарсиз, мазмуни қизиқарсиз, улар томонидан ҳис қилинмаган сўзларни тинглашга мажбур қиласмаслик керак. Уларнинг шахсий тажрибаларига таяниб, янгича қараш пайдо қилишига ёрдам бериш, ишонтириш ва агар зарур бўлса, фикридан қайтариш жуда муҳимдир.

Ўқувчилар фаолиятининг энг тарқалган шаклларидан бири синф мажлиси, болалар ташкилотларн ҳаракатлари, йириллари бўлиб, уларда ишонтириш усули кенг кўлланилади. Булардан ташқари, тарбиявий соатларда, учрапшувларда, ахлоқ муаммоларига доир баҳ-

сларда, кечаларда, ўқувчилар билан яккана-якка суҳбатларда бу усул қўйл келади.

Ўқувчиларнинг фақат синф раҳбарининг суҳбат ва тушунтиришлари ёрдами билангина эмас, балки уларнинг ўз ҳаётий тажрибалири, кундалик ижодий фаолиятлари, бошқа кишилар билан доимий суратда муомалалари орқали ҳам тарбиялаш лозим. Яхши китоб, юксак фояли санъат асари, қизиқарли радио эшилтиришлари, ойнаи жаҳон кўрсатувлари, синфдан ташқари ўқишини ташкил этиш, газета ва журналлар ўқишига ўргатиш ҳам ишонтириш мақсадига хизмат қилади.

Аммо, баъзи ҳолларда одатда ўқувчи бирор хатоликка йўл қўйган тақдирдагина танбек берилади, насиҳат қилинади. Бундай суҳбатнинг ишонтирувчи таъсири жуда кам бўлади. Синф раҳбарининг ишонтирувчи сўзи катта таъсир кучига эгадир. У пайдо бўлган саволга жавоб беради, муаммони ойдинлаштиради, шубҳа-гумонларни бартараф этади, маълум бир йўл-йўриқларни тавсия этади.

Рағбатлантириш – педагогик таъсир кўрсатиш усулидир. Ўқувчиларнинг, болалар жамоасининг хатти-ҳаракатлари ва ишларини ижобий баҳолаш унинг асосини ташкил қиласди. Рағбатлантиришнинг тарбиявий аҳамияти шундан иборатки, у ўқувчилар хулқ-атворида ижобий ҳислатларни кўпайтириб, мустаҳкамлашга ёрдам беради. Унда рағбатлантирилган ўқувчиларгина эмас, балки бутун синф зарурий сабоқ олади. Бунинг натижасида ўқувчилар жамоасида ишни янада яхши бажаришга, тартиб-интизомли бўлишга, ишончни оқлашга интилиш юзага келади.

Рағбатлантириш мақташ ва мукофотлаш, уларни қувватловчи фикр-мулоҳазалар айтиш, баъзан бош қимирлатиб қўйиш, бош бармоқни кўрсатиш, жилмайиш, ишора қилиш шаклларида ўз ифодасини топади. Рағбатлантириш ижобий ҳис-туйғулар учун туртки бўлади, боладаги ўзига, ўз кучига бўлган ишончни оширади, ижобий жўшқин кайфият уйғотади ва пировардидага хулқ-атворнинг ижобий ахлоқий талқинларини тарбиялайди, тўғри ишлар қилиш ва одобли бўлиш майдини уйротиш воситаси сифатида намоён бўлади. Агар синф жамоаси рағбатлантирилаётган бўлса, ҳар бир ўқувчи ўз жамоаси учун қувонч ва ифтихор ҳиссини бошидан кечиради, унинг муваффақиятларини сақлаш ва ривожлантиришга ҳаракат қиласди.

Аммо нотўрри рағбатлантиришлар айрим ўқувчиларда ва жамоаларда ўз-ўзидан магурланиш, ўз-ўзига юқори баҳо қўйиш, ўртоқларига нисбатан ҳурматсизлик каби салбий хислатларни тарбиялаши мумкин. Мақтov, ташаккур, мукофот жамоа аъзоларининг фикрмулоҳазаларига асосланган бўлсагина кўзда тутилган мақсадларга эришилади.

Ўқувчиларнинг ножўя хатти-ҳаракатларига салбий баҳо бериш жазолашда ўз ифодасини. топади. Жазолаш ўқувчиларнинг ёмон хатти-ҳаракатларига қарши курашишга ёрдам беради ва улардаги зарарли одатларни таг-туби билан йўқотишга имкон турдиради. Бундан ташқари, у ранжиш, уялиш, пушаймон бўлиш, ўз ишларини қоралаш каби туйғулар уйғотиб, хатти-ҳаракатнинг ахлоқий жиҳатларини тарбиялайди ҳам.

Кўпгина педагоглар жазолашни қўлламасдан туриб, ўз ўқувчилари интизомли бўлишишга эришадилар. Аммо болалар мактабда ёки оиласда интизом ва тартибни қаттиқ бузганларида уларни эътиборсиз қолдириб бўлмайди.

Синф раҳбарлари огоҳлантириш ёки танбеҳ бериш, номақбул хатти-ҳаракатларни кўрсатиш, бундай ҳолатларни қоралаш, янада қаттиқ жазолаш берилиши ҳақида огоҳлантириш, синф олдида огоҳлантириш ва бошқа жазо чораларини қўллайдилар.

Ҳозирги замон мактабида рарбатлантириш ва жазолашни кулаш болалар шахсини ҳурмат қилишишга асосланган.

#### IV. БҮЛІМ.

### МАКТАБ, ОИЛА ВА ЖАМОАТЧИЛИК ҲАМКОРЛИГИ

#### 1-§ Ҳамкорлик ишларининг мазмунни

Мамлакатимизда болалар түгрисида, оналар ҳақида ғамхўрлик қилиш чинакам давлат аҳамиятига молик ишдир. «Жамики яхши нарсалар – болаларга» шиори янада барадла жарангламоқда. Кейинги йилларда мазкур масала юзасидан қабул қилинган қарорлар фикримизнинг исботидир.

Маълумки, бола мактабга келгунга қадар ҳам, мактабда ўқиши даврида ҳам, асосан оиласда тарбияланади. Оила давлатнинг асосий куртаги сифатида болаларнинг дунёқараши, хулқи ва дидига таъсир кўрсатиши табиий ҳолдир. Оила аъзоларининг маънавий бирлиги ёшлиарни ҳар томонлама камол топтиришнинг дастлабки ва асосий омилларидан бири ҳисобланади.

Болаларни баркамол инсон қилиб етиштиришда-мактабни оила билан мустахкам боғламай туриб, тарбия соҳасидаги бутун ишларни муваффақиятли амалга ошириб бўлмайди. Шу мақсадда ота-оналар ўртасида таълим-тарбияга оид ташвиқот ишларини кенгайтириш, уларни мактабнинг фаол ёрдамчиларига, ўқувчиларнинг синфдан ва мактабдан ташқаридағи ишларида ҳар томонлама фойдали ташкилотчиларига айлантириш зарур.

Жамиятнинг жадал ривожланиши, фаолият турларининг тобора мураккаблашиб бориши шахс онгига кўрсатаётган кўринмас таъсирларнинг куччайишига олиб келмоқда. Мана шундай шароитда кишининг мавжуд билими, касб-хунари, малакалари камлик қилиб қолмоқда. Энг аввало, инсонларда оиласда таркиб топган дид, фаросат, ақл, одоб, эмоционал маданиятта муҳтожлик сезилмоқда. Эстетик, ахлоқий ва бошқа тарбия сифатлари кундалик ҳаёт эҳтиёжга айланишиб бормоқда. Табиийки, бундай сифатларга оиласидан тарбия орқали асос солинади, камол топтирилади. Тўғри, бунда ижтимоий тарбиянинг ўрнини инкор этиб бўлмайди. Ана шу нуқтаи назардан уларнинг монолит бирлигига, ўзаро ҳамкорликларига асослансанак, баркамол инсон тарбиясида муваффақиятларга эришиш мумкин. Оиласидан тарбия педагогика фанида мураккаб муаммолардан биридир. Унинг мураккаблиги шундаки, ҳар бир оила ўзига хос ибтидоий гуруҳ бўлиб, тарбияда фақат мазкур гуруҳга хос хусусиятларга

асосланади. Таъкидлаганимиздек, оилавий тарбияни ижтимоий тарбия билан алмаштириш болалар камолотига салбий таъсир кўрсатди. Масалан, ясли, боғчаларга бормай, фақат оиласда ўсган ва вояга етган болалар мактабга боргандарида ўз тенгқурлари ичида кўп жиҳатлари билан ажралиб туради. Оиланинг болаларга моддий ва маънавий ғамхўрлигини, кўрсатаётган тарбиясини ясли, боғча тарбияси билан ёки, аксинча, ясли, боғча тарбиясини оилавий тарбия билан алмаштириб бўлмайди. Фақат ўзаро ҳамкорлик масалани ижобий ҳал этиш имкониятини беради.

Лекин ўзининг хусусиятлари ва такрорланмас таъсири билан оила бола тарбиясида муҳим омиллилигича қолади. Амалиётда кузатганимиздеқ болада ота-онасининг меҳри, эркалаплари асосида ота-оналарига, қариндош-уругларига бўлган хиссиётлари шаклланади. Боланинг отасига бўлган ҳурмати онанинг ҳурматини жойига қўйишида асос бўлади. Онага бўлган меҳр-муҳаббат оқибат натижада ўз оиласига, хотини, фарзандларига бўлган муносабатларда ўз аксини топади.

Иккинчи томондан, болалар ҳам ўз ота-оналарига таъсир кўрсатдилар. Оилавий алоқалари оилавий қизиқиш, маънавий қониқиши ҳисларини такомиллашига сабаб бўладилар.

Ота-оналарнинг ўзига ва болаларига бўлган талабчанлиги, катта ва кичикларнинг ўзаро муносабатлари, дўстона муҳит, ишонч ва ўзаро бир-бирларини тушуниш оила, мактаб ва жамоатчиликнинг болалар тарбияси юзасидан олиб бориладиган муҳим омилларидан биридир. Бундай бирликнинг руёбга чиқишида, энг аввало, ота-оналарнинг сиёсий онглилиги муҳим роль ўйнайди. Чунки ота-оналарнинг фаоллиги оилавий ҳаётда ўз ифодасини топади. Шу маънода болалар ўз ота-оналарининг сиёсий ва фуқаролик қиёфаларига қараб ўз ҳулқ-атворларини тартибга соладилар, зўр атларини жойига қўядилар.

Болалар улғая бошлиши биланоқ ўз ота-оналарининг қаерда ишлаплари, жамиятда туттган ўринлари, уларнинг билими билан қизиқа бошлайдилар. Шунинг учун ҳам ота-оналарнинг нималарга қизиқишиларини, кимлар билан сафдош эканликларини болалар мумкин қадар эртароқ билгандари маъқул. Ота-она қандай ишда бўлмасин уни жиддий, эл ҳурматига лойиқ бир иш деб биладиган бўлиши керак. Бу борада оиласдаги тарбиянинг мақсадга мувофиқ

ташкил этилиши юзасидан жавобгарлик маълум даражада мактабга юкландади. Оиладаги ҳукмронликнинг тарбиявий жиҳатдан тўғри бўлишини таъминлаш мактабнинг муҳим вазифаларидан биридир. Оилавий тарбиянинг мазмуни ташкил этилишига дастлабки таъсирни мактаб белгилайди. Мактабгина оилавий тарбия самарадорлигини ошириш юзасидан раҳбарлик қила олади. Бу вазифаларнинг муваффақиятли бажарилишида, ижобий ҳал этилишида ота-оналар ўртасида олиб бориладиган тарбияга оид тарбиботнинг, роли бенихоядир. Чунки, ота-оналарни ҳозирги замон рухий-таълим-тарбиявий. билимлар билан қуроллантирумай туриб, оилавий-тарбияни йўлга қўйиб бўлмайди. Оммавий-тарбиявий тарбиботда энг яхши оилалар намунасида таъсир кўрсатиш энг мақбул йўлдир. Бола тарбияси юзасидан оила, мактаб ва жамоатчилик ҳамкорлиги ҳозирги кунимизнинг долзарб масалалиги ҳам мана шундадир. Чунки, биринчидан, бола тарбиясида оила, мактаб ва жамоатчилик ҳамкорлигининг ўзи мураккаб жараён бўлиб, бунда муаллимлардан ташқари ишлабчиқариш жамоалари вакиллари, ёшлар, касаба уюшмалари иштирок этадилар. Иккинчидан, ота-оналар ва қариндош-уруглар турли меҳнат жамоаларининг вакиллари бўлиб, ишлабчиқариш ва ёру дўстларининг маънавий ҳаётларида омилларни муҳокама қиласидилар, уларнинг ҳаётга, санъатга, оилавий мажбуриятларга бўлган муносабатлари ҳақида гапирадилар. Шу сабабли ҳам мана шундай тоифа оилаларида тарбия топаётган болалар бошқа ота-оналарнинг кўчада, жамоат жойларида – ҳаёт фаолиятларига қараб ўз ота-оналарига баҳо берадилар. Тўпланган тажрибаларини ясли, боғча, мактабдаги ўртоқлари билан муҳокама қиласидилар ва ҳоказо. Учинчидан, ўзбек оилалари, уларнинг ҳаёт тарзи республикамиздаги улкан ижтимоий воқеалар натижасида сифат жиҳатидан ўзгаришларга учратмоқда. Шу сабабли ҳозирги кунда оилавий тарбияда сифат ва мазмун жиҳатидан ўзгаришлар қилиш учун янги самарадор йўл ва усууллар қидирилмоқда.

Ўзбек оилаларининг болалар тарбияси учун имконият доиралари анча кенг бўлиб, кўплаб оилаларимиз моддий жиҳатдан яхши таъминланган. Ота-она энг камидай ўрта маълумотли. Бундай ҳолатлар ота-оналарнинг педагогика, психология соҳасидаги билимлар билан қуролланишига ва мактаб билан ҳамкорликда болалар тарбиясини яхшилаш имкониятларини яратади. Ота-оналарнинг би-

лим савияси, умумий-тарбияга оид-маданияти, ижтимоий интилишлари ва талаблари, болалар тарбиясига нисбатан турлича муносабатлари, шаклланган ҳаёттй тажрибалари, тарбия ва ижтимоий тараққиёт натижасида ҳосил қылган ишонч ва эътиқодлари, оиласдаги ўзига хослик болалар тарбиясига салмоқли таъсир кўрсатади. Кўплаб ўзбек қишлоқ оиласидан жамоатчилик ёрдами мавжудлигига қарамасдан) тарбиявий кучларнинг бир бутунлигига эришилмаган, ўзаро ҳамкорликни қандай ташкил этиш мумкинлиги ҳақида маълумот етарли эмас. Ўқитувчилар ҳам синф ота-оналар мажлисининг ўтказилиши мактаб ва оила ҳамкорлигини таъминлади, деб ўйлашади. Тўғри, ота-оналар мажлиси ҳам ҳамкорликни таъминлашнинг энг муҳим омилларидан ҳисобланади, лекин оила, мактаб, жамоатчилик ҳамкорлиги учун, уларни бирлаштириш учун маҳсус ташкил этилган марказ бўлиши лозим.

Демак, мактаб мукаммал ташкилот сифатида барча тарбиявий ишларни мақсадга мувофиқ ташкил этиши лозим. Ўз ўқитувчилар жамоасини уюштира олган жамоатчиликни болалар тарбиясига йўналтира олган, уларнинг ота-оналарини яхши билган мактаб маъмуриятигина тарбиявий ютуқларни қўлга кирита олади. Бундай мактаблар эса ўз атрофидаги завод, фабрика, жамоа ва давлат хўжаликлари, оталиқقا олган корхоналар билан алоқани мустаҳкамлаб, ўқувчиларнинг мактабдан бўш вақтларини мазмунли ташкил этмоқдалар, қаровсиз, тарбияси оғир болаларни ўз назоратларига олмоқдалар. Бундай хайрли ишларда кўплаб ота-оналар мактаб билан яқиндан алоқада бўлиб, ўқувчилар тарбияси юзасидан ўқитувчилар жамоаси билан бамаслаҳат иш олиб боришимоқда.

Лекин, кўплаб ота-оналар болалар тарбиясига тайёр эмасликлари, уларга таъсир этувчи тури омиллардан бехабарликлари, бола камолотининг мураккаб томонларини билмасликлари натижасида оиласвий тарбияда кўплаб кўнгилсиз воқеалар ҳам содир бўлмоқда. Бундай салбий омиллар ўғил ёки қизларнинг мактабдаги таълим-тарбиясига ёмон таъсир кўрсатмоқда. Вояга етмаган ёшлар, орасидан қонунбузарликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.

Кузатишлар шуну кўрсатмоқдаки, ҳали ҳам айрим ота-оналар болалар тарбияси ва уларнинг келажаклари ҳақида замон талаби даражасида тарбиявий масъулиятни ҳис қилмаяштилар. Ота-оналар

билин суҳбатлашиш натижасида шу нарса аниқландик, улар фарзандлари 15-16 ёшга етгандағина «Үғлим ёки қызим юқори синфда ўқымоқда. Келажақда қаерга юборсам экан? Қаерда ўқитсам экан?» деган фикрға борадилар. Имкони борича, таниш-билиш орқали ўзлари учун маъқул даргохға ўқишига ёки ишга жойлаштироқчи бўладилар. Улар болаларининг қобилиятига ҳам, қизиқишига ҳам, хоҳишига ҳам эътибор бермайдилар. Бундай ҳолат ота-оналарнинг тарбия масаласида аниқ мақсад ва дастурлари йўқлиги оқибатида содир бўлади.

Ўрни келганда шуни алоҳида таъкидлаш керакки айрим мактаб ўқитувчилари орасида ўз ишига масъулиятсизлик билан муносабатда бўлувчи шахслар ҳам йўқ эмас. Уларнинг энг ёмон хатоларидан бири тарбияга оид барча камчиликларни ота-оналар зиммасига юклаб қўйиб, ўзлари эса кузатувчи бўлиб қолишлариdir.

Ўқитувчи ота-оналарнинг фаол ёрдамисиз болаларнинг баркамоллигини таъминлай олмайди. Ўзига нисбатан талабчан муаллим ота-оналар билан ҳамкорликда ўқувчиларда мустақил фикрлаш ва ҳаракат қилиш, янгиликни сезиш, ташаббускорлик ҳамда ижодкорлик қобилиятиларини шакллантириш мақсадида уларга қатъи талаблар қўйиш учун маънавий ҳуқуққа эга бўлади.

Республикамизмизнинг айрим мактабларида ота-оналарни маълум гуруҳларга бўлиб мажлисларга чақириш жорий этилмоқда. Масалан, ёш ва кам тажрибали оиласларни алоҳида, нотулиқ оиласларни, кўп болали оиласларни алоҳида-алоҳида чақириб, улар билан ишлаш йўллари белгиланмоқда.

Баъзан ота-оналар болаларининг «Уй вазифаларига ёрдам бериш керакми?» деган саволни беришади. Бунга дафъатан «Ҳа» ёки- «йўқ» деб жавоб бериш ҳам ноўрин. Гал шундаки, уйга берилган топшириқлар болаларнинг мустақил ишлари бўлиб, уларнинг фикрлаш фаоллигини таъминлашни мақсад қилиб қўяди. Ўқувчиларнинг у ёки бу ўқув материаллари билан амалда танишишлари, тегишли хулоса чиқаришлари назарда тутилади. Шу сабабли уй вазифаларини болаларининг иштирокисиз ўзлари ечиб бермасдан, балки уни ечишда тарбиявий раҳбарлик қилишлари, фикрлаш учун имконият яратишлари лозим. Баъзан шундай ҳолатлар учрайдикни ота-оналар болаларини ўқитаётган ўқитувчиларни, тарбиячиларни танимайдилар, билмайдилар. Болалари бўш вақтларини қаерда, ким билан

ўтказишидан бехабар бўладилар. Баъзан эса, ўқитувчиларнинг та-лаблари, илтимос-истакларига терс жавоб берувчи, тескарисини бажарувчи ота-оналарни ҳам учратиш мумкин.

Мактабга тез-тез бориб турувчи ота-оналарнинг фаолияти мақ-товга сазовордир. Чунки ўқитувчилар билан бўлган учрашувлар, болалари юзасидан билдирган фикрлар ўз навбатида ота-оналар учун муҳим аҳамият касб этади. Энг муҳими, улар болалари қаерда, ким билан юради, уларнинг дўстлари ким ва қандай фанларга қизиқишиларини билиб оладилар, назорат қилиш имконияти ортади.

Мактабни оила билан борловчи восита – бу ўқувчилардир. Ўқувчилар билан ишлаш, уларнинг илмий дунёқараашларини шакллантириш, ижтимоий фаолликларини таъминлаш орқали ота-оналарга таъсир кўрсатиш усулларини ишлабчиқиши мақсадга мувофиқдир. Бу борада мактаб ва оила алоқасини таъминловчи, ота-оналар мажлислари, болалар тарбиясига алоқадор муаммоларни жамоа бўлиб ҳал этиш кабиларнинг ролини инкор этиб бўлмайди. Жумладан, «Болангизнинг қандай ўқишини биласизми?», «Болаларимиз одоби ҳақида суҳбатлашайлик», «Мустақил ҳаёт бўсафасида» каби мавзуларда олиб бориладиган суҳбатлар ота-оналарни ўз болалари ҳақида уларнинг келажаги ҳақида қайгуришиларига сабаб бўлди.

Мажлисда фаол ота-оналарнинг иштироки ва ўз тажрибаларини батафсил баён этишлари кўплаб ота-оналар олдида турган мураккаб вазифаларнинг ижобий ҳал этилишига олиб келади. Албатта, бунинг учун ўқитувчилар жамоалари, синф раҳбарлари мажлис ўтказиш учун асосли тайёргарлик кўришлари, қачон ва қандай ҳолда мажлис ўтказиш ва ундан кўзланган мақсад режаларини мукаммал ишлабчиқишилари, тўпланган тажрибаларни таҳлил қилиш, ота-оналардан кимлар сўзга чиқиши ҳақида келишиб олишлари лозим. Ана шундагина мажлиснинг тарбиявий самарадорлиги таъминланади.

Ота-оналарнинг тарбияга оид билимини ошириш учун жонли, ҳаётий мавзуларга қизиқарли маъруза, суҳбатлар ташкил этиш тавсия этилади. Бунда оиланинг ўзаро муносабатлари, оилавий тарбияда ўқитувчининг тутган ўрни, уларга таъсир этиш ва бошқа сифатларни чуқур таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади. Ҳаётий бўлмаган мисоллар, умумлаштиришлар, қуруқ маърузалар ҳеч қандай самара бермаслигини ҳамма тушунади. **Мактаб ва оила ҳам-**

корлигидаги ишларда күшімча услублардан ҳам фойдаланиш яхши натижа беради. Жұмладан, ташкилотчиларнинг ота-оналарнинг ўзлари ўз хатти-харапатларини, хулқ-одобларини танқидий баҳолашлари, маъқуллап ва муҳокама юритиш методларни күллашдағи шахсий таъсирни ҳисобга олиш ниҳоятда муҳимдир. Бундай хатти-харапатларға доир усуллар, одатда, жамоатчилик томонидан ижобий баҳоланған бўлиши керак. Чунки катталар фаолиятининг ижобий ёки салбий баҳоланиши улар кўрсатадиган тарбиявий таъсирнинг кучини ё оширади, ёки камайтиради. Мактабларда ота-оналар билан ишлашда эсга солиши, маслаҳат, таклиф, илтимос, талаб каби услублар ҳам мавжуд бўлиб, уларни ўрни келгандан, ўз вақтида қўллаш яхши самара беради. Уларни татбиқ этишда ниҳоятда назокатли бўлиш, киши шахсини ҳурмат қилиш тавсия этилади.

Юқоридаги масъулиятли вазифаларнинг бажарилишида синф раҳбарларининг тарбиявий фаолиятлари ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Масалан, синф раҳбарларининг ҳар бир оиласа кириб бориши шу оиласа ва ота-оналарга ҳурмат сифатида баҳоланади. Синф раҳбарининг ота-оналар билан биргаликда тарбиявий чора-тадбирларни белгилашлари, синф раҳбарининг ўқувчилар кўз олдида ота-оналари билан суҳбатлашишлари уларнинг тарбиясига самарали таъсир кўрсатади. Ҳатто, синф раҳбарининг уйига, келишининг ўзи уларнинг қалбларини қувончга тўлдиради. Синф раҳбарининг ота-оналар билан суҳбатидан кейин ўқувчилар ҳаётидаги сезиларни ўзгаришлар юз беради, бу уларни ҳурсанд қиласи, янада куч-файрат сарфлашга илҳомлантиради. Фақат синф раҳбарлари эмас, балки фан ўқитувчиларининг ҳам ота-оналар билан қилаётган ҳамкорликлари фойдадан ҳоли эмас. Тўғри, ҳамма синф раҳбарлари ёки фан ўқитувчилари ўқувчиларнинг уйларига ҳа дегандага боришга имконият тополмайдилар. Бундай пайтларда ўқувчилар кундаликларига «Бугун ўғлингиз берилган саволларга жуда яхши жавоб берди», «Фарҳоднинг одоби яхшиланмоқда», «Салимжон ўртоқларига ўз хулқи-одоби билан намуна бўлмоқда», «Туробжонни одобли қилиб тарбиялаётганингиз учун сизларга раҳмат» каби ёзувларнинг, ҳам тарбиявий аҳамияти ниҳоятда каттадир. Ўз навбатида, синф раҳбарлари ота-оналар томонидан билдирилаётган хабар, танқидий фикрларини вазминлик билан, мулойимлик билан эшлишилари ва имконият доирасида ижобий ҳис этишлари жуда муҳимдир. Бун-

дай муносабатларда синф раҳбарларига ота-оналарни ўз тенгқурларидек дўст тутишлари, «Келинг бирғаликда ўйлаб кўрайлик», «Сиз нима дейсиз» каби дўстона савол-жавоблар орқали иш тутишлари тавсия этилади.

## **2-§ Синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишларда оила ва маҳалла ҳамкорлиги**

Мактаб ва мактабдан ташқари муассасаларнинг ташкилий шакларини мазмуни ва мақсадини белгилаш бугунги кунимизнинг барча қирраларини ҳисобга олишини талаб этмоқда.

Синф ва мактабдан ташқари мазкур тарбиявий ишлар шахс камолоти босқичларини белгилаб олишга қаратилганлиги билан тъсисланади. Мазкур муаммони ижобий ҳал этиш учун синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишлар тизимида куйидагилар бўлиши лозим:

- Улғаяётган инсон шахсини тарбияда олий ижтимоий қадрият деб тан олиш, ҳар бир бола, ўсмир ва ёш йигитнинг бетакрор ва ўзига хослигини ҳурматлап, ижтимоий ҳуқуқини эътиборда тутиш зарур.

- Миллийликнинг ўзига хос анъана воситаларига таяниш.

- Педагоглар ўртасида ўзаро ҳурмат муносабатларини шакллантириш.

Синфдан ва мактабдан ташқари ишлар ўқувчиларни дарсдан бўш вақтлардаги ўқув тарбия жараёнини тўлдиради ва кенгайтради, ўқувчиларни мустақил билим олишлари, ижодий қобилиятларини, ташаббускорлигини оширишга имконият яратади. Синфдан ташқари ташкил этиладиган тадбирларда фан ўқитувчилари ўз фанига қизиқ-қан ўқувчилар билан машғулот ўтказиб, ўқувчиларнинг қизиқишларини оширади. Синфдан ташқари ишларни тўла қамраб олган тўгараклар бир неча хилда бўлиши мумкин:

- а) фан тўгараклари;
- б) моҳир қўллар тўгараклари;
- в) спорт тўгараклари;
- г) бадиий ҳаваскорлик тўгараги.

Ўрта умум таълим мактабларида бу ишларни синф раҳбари ва тарбиявий ишлар ташкилотчиси уюштиради. Синф раҳбари синф-

дан ташқари ишларни уюштиришда тұғарак раҳбарларига яқындан ёрдам беради. Қизиқышлари, интилишлари бир хил бүлгап үз үқувчиларини бирор тұғаракқа айзаттырып, оның міндеттесінде оның өзінен жасалған тәжірибелерін сипаттауда көмек көрсетеді. Уларни қайси тұғаракда машрул бўлишлари ҳисбога олинади.

Мактабдан ташқари тарбиявий ишлар болаларни ижодкорликка даъват этувчи тарбиявий маскандыр. Педагогик тажрибалар шуни күрсатмоқдаки, ҳозирги шароитда мактабдан ташқари тарбиявий ишларни олиб борувчи болалар уйлари, ёшлар саройлари, ёш техниклар саройлари, ёш техниклар уйлари мактаб тарбиясининг узвий давомчиси бўлиб қолиши керак. Ўзбекистон Республикасининг «Синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишлар концепцияси» бу ишларни режалаштириш ва амалга оширишда асос бўлади.

Маълумки, ўқувчиларни гоявий-сиёсий, ахлоқий, меҳнат, нафосат ва жисмоний жиҳатдан тұлық, шаклланган кишилар қилиб тарбиялаш дарс жараёнидан бошланади. Бироқ, ўқувчиларнинг кундалык ўтиб бораётгап эхтиёжлари, талаблари ва барча қизиқышлари фақат дарс жараёни билангина чеклаб бўлмайди.

Бундай кўп қиррали қизиқышларни синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишларни узвий боғланиш асосидагина қондириш мумкин. Шу сабабли кейинги даврда ўқувчиларнинг дарсдан ташқари вақтларини қўнгилли уюштиришга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Синфдан ва мактабдан ташқари ташкил қилинган ишлар ўқувчилар ҳаётидаги тарбиявий фаолиятни түлдиради. Уларнинг дунё-қарашини түғри шаклланишига, ахлоқий камол топишига кўмаклашади. Назарий билимларни амалиёт, ишлабчиқариш билан чамбарчас боғланишига замин яратади. Синф-дан ва мактабдан ташқари ишларга раҳбарлик қилувчи ташкилотчининг вазифалари ҳам кўп қирралидир. Синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишларни ташкилотчисининг вазифаларига қўйидагилар киради:

- дарсдан ташқари тарбиявий ишларни режалаштириш ва амалга оширишни назорат қилиш;
- ўқувчиларнинг синфдан ва мактабдан ташқари кўп қиррали ишларини педагогик жамоа, ўқувчилар ташкилотлари, синф фаоллари ёрдамида йўлга қўйиш;
- синфдан ва мактабдан ташқари ишлар йўналишига бевосита раҳбарлик қилган ҳолда ўқитувчилар, ота-оналар, синф фаоллари,

услубий ёрдам кўрсатиш;

- умуммактаб ва мактаблараро ўtkазиладиган энг муҳим тарбиявий тадбирларда қатнашиш;

- ўқувчиларнинг бўш вақтларини ташкил қилишда тарбия ва маданият муассасалари ҳамда жамоатчилик кучидан кенг фойдаланиш.

Бу борада ташкилотчилар фаоллигини 3 та асосий томонини куриш мумкин: 1-ташкилотчилик, 2- усулий, 3-маъмурӣ.

Булар кўпинча ўзаро узвий боғланган ҳолда намоён бўлади. Ташкилотчининг ташкилотчилик фаолиятига қўйидаги бир қатор ишларни киритиш мумкин:

- тарбиявий ишлар соҳасида эришилган ютуқ ва камчиликларни таҳдил қилиш;

- тарбиявий ишларни мақсад ва вазифаларини аниқлаш;

- тарбиявий, оммавий-сиёсий ишларни режалаштириш ва уларнинг мазмуни, шакл ва усулларини аниқлаш;

- синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишларни гуруҳлашибдириш, бошқарувчи шахсларни аниқлаш.

Мактабда тарбиявий ишларни аниқ режалаштиrmасдан, унинг мазмуни, шакл ва усулларини аниқламасдан, маълум бир тизимга солмасдан туриб кўзда тутилган мақсадга эриши қийин.

Оила – тарбия ўчғи. Оила – жамият негизи ҳар бир инсонда илк ёшлигидан бошлаб онгига шаклланадиган барча инсоний фазилатлар, эзгу ният, маслаклар, қадриятлар такомил топадиган, мафкуравий ва маънавий тарбия амалга ошириладиган муҳитдир. Ўзбек оиласи ўзида кўп асрлик мустаҳкам маънавий қадриятларимиз равнақ, топадиган шундай масканки, унинг барқарорлиги ва мустаҳкамлиги жамиятимиз ривожининг муҳим омилларидан биридир. Агар оиладаги муҳит соғлом бўлса, унда камол топаётган ёш авлод қалби ва руҳига шу хусусиятлар, миллий ва умуминсоний қадриятларни, миллий истиқлол ғоясини сингдириш учун қулай шароит яратилган бўлади.

Оила манфаатларини таъминлаш борасида 1998 йилда қабул қилинган ва муваффақиятли амалга оширилаётган тадбирлар тўғрисида давлат дастури ва ушбу дастурда белгиланган тадбирларнинг стратегик йўналишларига эътибор берилса, улар мамлакатимиздаги оилаларнинг мустаҳкам бўлишига имкон берувчи вазифаларни назарда тутади.

1998 йилнинг «Оила йили» деб эълон қилиниши ва шу йилнинг ўзида Оила кодексининг қабул қилиниши ҳамда мамлакатимиз та-рихида илк бор ташкил этилган Республика «Оила» илмий-амалий марказининг мақсади ҳам давлатимизнинг оилани ҳар томонлама мустаҳкамлаш, ҳимоя этиш борасидаги сиёсатга ҳамоҳанг бўлиб, оиласа тааллуқли бой ва сермазмун миллӣ анъаналарни авайлаб-асраси, уларни умуминсоний қадриятлар билан уйғунлаштириш, оила ва никоҳнинг муқаддаслигини ёш авлод онгига чуқур сингди-риш йўли билан оилани мустаҳкамлиги, барқарорлигини таъмин-лаш, оила аъзоларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш муам-моларини илмий ўрганиш, оиласи ҳаётга боғлиқ, муаммоларни тадқиқ этиш ва фуқароларга бу масалаларда амалий ёрдам бериш-дан иборатдир.

Марказнинг муҳим мақсад ва вазифаларидан бири оила-концеп-циясини яратиш ва уни ҳаётта тадбиқ этишнинг услуг ва воситала-рини жорий этиш орқали ҳукуматимизнинг ижтимоий соҳадаги инсонпарвар сиёсатини амалда ҳар бир фуқаро онгига оила инсти-тути орқали сингдиришдан иборатдир.

Давлатимиз раҳбари И.А.Каримов ҳар чиқишиларида оид маса-лаларига катта зътибор берар эканлар, унинг тарбия берадиган мас-канлар орасида энг муҳими қадрли эканлигига оид фикрлари ало-ҳида аҳамиятта эга. «Оила ҳақида гапирап эканмиз, авваламбор оила ҳаётнинг абадийлигини, авлодларнинг давомийлигини таъминлай-диган, муқаддас урф-одатларимизни сақлайдиган, шу билан бирга келажак насллар қандай инсон бўлиб етишишига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчор эканлигини тан олишимиз даркор». Мус-тақииллик йилларида республика ҳукумати ва Президенти И.А. Ка-римов томонидан оиласа кўрсатилаётган этибор, йилларга мақом бериладиганда оилани мустаҳкамлаш, никоҳни қадрият сифатида зъозозлашга қаратилган чора-тадбирлар том маънода юртимизда оила ва фарзандлар ҳукуматнинг доимий диққат -зътиборида эканлиги-дан далолатдир.

Тақдим этилаётган концепция Оила институтини юртимизда янада мустаҳкамлаш, у орқали миллӣ истиқлол тоғисини фуқаро-лар онгига сингдириш ишлари учун дастуриламал бўлиб хизмат қиласиди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ўзгаришлар,

янгиланиш жараёнлари ва ислоҳотлардан кўзланган асосий мақсад озод ва обод Ватан, ривожланган фуқаролик жамиятни барпо этиш, шу тарзда халқ фаровонлигини таъминлаш, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаш, оиланинг барқарорлигига эришиш экан, Оила бағишланган концепциянинг вужудга келиши ўта долзарбдир. Зеро, Республикамиз ўз иқтисодиётини янги босқичга кўтариш, жамиятни эркинлаштириш ва демократиялаш сиёсатини изчил олиб борар экан, бизга жамиятнинг негизи бўлган оилалар муаммолари ва истиқболига қаратилган концепция зарур. Дарҳақиқат, концепция Ўзбекистондаги оилаларнинг ривожланиши истиқболини тасаввур қилиш, оила борасидаги ижобий ва муаммоли масалаларни олдиндан башорат қилиш учун, мавжуд муаммоларнинг сабаб ва омилларини белгилаб олиш учун ҳам хизмат қиласди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки «Оила» концепциясини яратиш ва бу билан боғлиқ ишларнинг долзарблиги ҳамда бажарилишининг мақсадга мувофиқлиги мустақиллик йилларида Республика раҳбари И.А.Каримов ташаббуси билан йилларга берилган мақомлар доирасида амалга оширилаётган давлат дастурларининг оилани, она ва болани ижтимоий муҳофаза қилишга қаратилганлиги, ҳукумат томонидан оила манфаатларига ажратилаётган сармояларнинг амалда оқланиши зарурати билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 5 февраль 6-сонли «Она ва бола» Давлат дастури тўғрисидаги қарорида белгиланган вазифаларнинг муҳимлиги ва долзарблигидан ҳам келиб чиқади.

Оила ва жамият – моҳиятан бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, оилада жамиятнинг туб моҳияти ва муаммолари ўз аксини топади. Шунинг учун ҳам оилани кичик жамият дейиш мумкин. Ҳар бир жамият аъзоси оила бағрида вояга етади, ижтимоий муносабатларни ўзлаштиради ва инсоний фазилатларни намоён этади. Баркамол инсонни шакллантириш, уни ҳаётга, меҳнатга тайёрлаш оиланинг муқаддас вазифасидир. Оилани мустаҳкамлаш жамият барқарорлиги ва қудратининг муҳим шартидир. Шу боисдан ҳам давлат оилани ўз ҳимоясига олади.

Оила қандай бўлса, жамият ҳам шундай бўлади. Мамлакатимизда миллий мустақиллик йилларида маънавият соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар, аввало, оила қадриятларини энг илғор анъаналярини тиклашга қаратилгандир. Оилавий тарбия – оилада ота-

оналар, васийлар ёки катта кишилар томонидан болаларни тарбиялаш, ёшى авлоднинг ҳар томонлама ривожланishiда муҳим ўрин тулади. Оила тарбиясида доимий тарбиявий таъсирчан куч-оилавий тартибидир.

Оила ва маҳалла бошқа тарбиявий муассасалардан фарқли равишда одамнинг бутун ҳаёти давомида унинг барча томонларига, қирраларига таъсир кўрсатишга қодирдир ва одатда таъсир кўрсатади. Оила ва маҳалла ҳамкорлигидаги тарбия вазифасининг бу улкан миқёси унинг мафкуравий ва психолого-такомоника таъсир кўрсатишнинг чуқур ўзига хослиги билан уйғуналашиб кетади. Бу эса уни олий даражада таъсирчан қилибгина қолмай, шу билан бирга шахсни шакллантириш жараёнининг зарур бўғинига ҳам айлантиради.

Оила ва маҳалланинг юксак тарбиявий имконияти болалар ва ота-оналарнинг ўзига хос хусусиятлари: қон-қариндошлиги, қўни-қўшнилиги, муҳаббати, яқинлиги, ишончи, бурч ҳисси, обрўлиги ва ҳоказолар билан таъминланади.

Маълумки, хилма-хил фаолият шароитида боланинг қобилияtlари энг самарали ривожланади, унинг ижодий имкониятлари очилади, болани оила ва маҳалладан бошқа ерда ҳам фаолиятнинг хилма-хил турларига жалб этиш мумкин. Оила ва маҳалла ҳамкорлигидаги тарбия қимматлилигини аҳамияти ана шундаки, болалик пайтида оиласда эгаллаган нарсалар бир умр сақланиб қолади. Худди шунинг учун ота-оналарнинг болаларни ҳар томонлама тарбиялаш мажбурияти қонуний тарзда белгилаб қўйилган.

Оила ва маҳалла ҳамкорликда тарбиявий ишни ташкил этар эканлар, энг янги психолого-педагогик тадқиқотлар маълумотларини эътиборга олишлари ҳам муҳимдир, уларга мувофиқ ўсиб келаётган кипи шахсини шакллантиришга оиласи қўшадиган ҳиссаси турли ёш босқичларда турлича бўлади ва тўлқинсимон ўзгаради.

Синфдан ва мактабдан ташқари ишларнинг тарбиявий таъсири кўп даражада ўқув жараёнини ташкил этиш савиясига ҳамда ўқувчилар жамоасининг хилма-хил ишларни қандай йўлга қўйишларига боғлиқдир. Синфдан ташқари фаолият мажбурий дастур билан чегараланмайди, балки ёшлар ҳил ўқувчиларни ихтиёрий равишда бирлаштиради. Уларнинг ташаббуси асосида ишларни амалга оширади, фанга қизиқтиради, уларни халқнинг маданий ҳаёти муҳитига олиб келади. Синфдан ташқари ишлар шахсдаги

ижтимоий фаоллик, ижтимоий онг ҳамда ахлоқий одатларни тар-  
киб топтиришнинг энг муҳим омилидир.

Ўқувчилар мактабдан ташқари ишларда қатнашиб, турли киши-  
лар билан муайян муносабатга киришадилар, турли вазиятларга дуч  
келадилар.

Шунинг учун ҳам ўқувчиларнинг мактабдан ташқари фаолият-  
лари қанчалик хилма-хил бўлса, уларнинг муносабатлари шунча-  
лик бой, муносабат доираси кенг ва маънавий ўсиши самарали бўла-  
ди. Мактабдан ташқаридаги тарбиявий ишларда ўқувчилар жамоа-  
да ишлашни ўрганадилар, ижтимоий меҳнат қувончини ҳис қила-  
дилар, ишлабчиқариш меҳнатига қўшиладилар, жамоатчилик фик-  
рига бўйсунишга, жамоа шарафи учун курашишга одатланадилар.

Мактабдан ташқари тарбиявий ишлар унда қатнашувчиларнинг  
маънавий ва жисмоний ривожланиши ҳамда ёш хусусиятларига қўра  
белгиланади. Бу жараёнда улар таълим олаётган мактабнинг шаро-  
ити ҳам таъсир этади.

Тарбиявий иш педагогдан бутун қобилиятини ишга солишни,  
тинмай ишлашни тақозо этади.

Синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишларни кўнгилда-  
гидай олиб борища үсиб келаётган ёш авлодни етук ва баркамол  
инсон қилиб тарбиялашда оила ва маҳалла ҳамкорликда иш олиб  
бориши лозим деб ўйлайман. Чунки келажак авлод тарбияланган,  
уюшган, жонажон Ватанимизнинг ҳақиқий фуқароси бўлишлари  
лозим.

## V. БҮЛІМ. ОИЛАДА БОЛА ТАРБИЯСИ

### 1-§ Шахснинг оила мұхиттада ва жамиятта шаклланиши

Ўзбек халқининг буюк шоири Алишер Навоийнинг қуйидаги шеърий парчасига әътибор беринг.

*Улча эрур тиғлға шойиста ии,  
Билки кичикликда эрур парвариши,  
Қатрага чун тарбият этди садаф,  
Эл бошига чиққунча топди шараф.*

Тифл, яни болани кичиклигіда парваришлиш, тарбиялаш көрек, садаф қаторига кирган қатра, яни дур одамларнинг бошида туриш шарағыға мұяссар бўлди. Худди шунингдек, ота-она гўё садаф, болалар эса уларнинг бағриданы қатралар - дурлардир.

Оиладаги шароит, озиқ-овқат ва жиҳозлар таъминоти, ўзаро мұносабатлар: эр-хотин, бобо-буви, қайнона-қайнота, ака-ука, опасингил, тоға-амаки ҳамда бошқа қариндошларнинг бир-бирига муомаласи оила аъзоларининг биргаликда ишлаши, дам олиши, адабиёт, санъат, илм-фан ва спорт билан шуғулланиши, даромад, рухий-маънавий ҳолатлар, қўни-қўшничилик алоқалари, маҳалладаги тўй-маъракаларга қатнашиш ва ҳоказолар оила мұхитини ташкил этади.

Оила мұхити ахлоқ-одоб, маданият қоидалари асосида ташкил топса, бола шахснинг тўғри шаклланиши учун шарт-шароит яратилса, бунда оиладаги болалар тўғри камол топади.

Оила мұхитининг аҳамияти шундаки, боладаги табиий истеъоддининг қирралари дастлаб шу ерда кўзга ташланади. «Инсонларда бўлган табиий истеъодод ёрочдаги ёниш хусусиятига ўхшайди: ёрочга ўт қўйилмаса, ёнмайди». Бинобарин, бола истеъододининг ёниши оиладан бошланса, шунча яхши. Ота-она ўз боласини кузатиб бориб (гўдаклигиданоқ) бошқа болалардан фарқини, нимага қобилу, нимага қобилмаслигини аниқласа, уни қобилияти кучли бўлган томонга туртки берса, ривожлантирса, шахснинг истеъододи шунча ёрқин ва тез кўзга ташланади. Мурғак онгли гўдакнинг ҳимояга, ёрдамга, ривожлантиришга мұхтож қизиқиши, интилишини биринчى бўлиб ота-она сезмаса, ким сезади?! Кўзларини мўлтиратиб турган гўдак, фақат сизга нон учун жовдираб қараётгани йўқ-

ку! Уни тушунинг, ҳис қилинг, унга йўл очинг! Қобилияти, истеъ-  
доди болалигиданоқ ота-онаси ёхуд бошқа бир мураббий ёрдамида  
ривож топган кишилардан буюк даҳолар етишиб чиққан. Боланинг  
юрагини тушунмай, ҳадеб арзир-арзимас рўзғор, тирикчилик иш-  
ларига қайраб солавериш ҳам тўғри эмас. Бола мусиқа, расм, ада-  
биёт, фанга ёки бошқа ҳунарга қизиқаяптими? Ота-она бу ҳақда  
йўлаб кўриши, гўдакка мадад бериши керак. Тўғри, бу осон эмас,  
жуда тадбиркор, заҳматкаш бўлишни талаб этади.

Оила муҳитидаги ота-она ва болаларнинг муносабатига тўхта-  
либ, қуйидаги ривоятни келтириш мумкин.

**Ривоят.** Бир йўловчи қишлоқ оралаб кетар экан, бир хонадон  
олдида турган кекса кишига ёшгина йигитнинг қаттиқ-қаттиқ га-  
пираётгани, қарияни беибо сўзлар билан ҳақорат қиласётгани усти-  
дан чиқиб қолди. Кекса кўзига ёш олиб, бағри хун бўлганича уй  
олдидаги кунда устида ўтиарди. Ёш йигит бегона кишини кўриши  
билан уйга кириб кетди, шунда йўловчи кекса ёнига борди, салом  
бериб уни юпатмоқчи бўлди.

- Эй отахон, бу йигит кимки, сизни шундай ҳақорат қиляпти?
- Ўғлим,- деб жавоб берди кекса кўз ёшини артганча.
- Во ажаб!- ҳайрон қолди йўловчи.
- Эй йўловчи, ажабланма, мен ҳам ёшлигимда ўзимнинг қўпол  
муомалам билан отамнинг қалбига кўп озор берган эдим. Қаранг-  
ки, отамга ўтказган ситамим, ўғлимдан ўзимга қайтди!- деди.
- Во дариф, қайтар дунё экан-да!- деб йўловчи йўлида давом этди.

Бу ривоят муҳокама қилиниб, «ўз ота-онангга қандай ҳурмат-  
эътибор ёки беписандлик кўрсатсанг, келажакда фарзандларингдан  
сенга ҳам шундай ҳурмат-эътибор ёки беписандлик қайтади», де-  
ган хулоса чиқарилади.

Жамоаизм руҳининг болага сингиши ҳам оиладан бошланади.  
Ахир, бола биргаликда овқатланиш, биргаликда ишлаш, биргалик-  
да дам олиш, биргаликда тўй-маъракаларда иштирок этиш жараё-  
нида жамоа-чиликка ўрганиб боради. Ўқитувчи ўқувчилар диққа-  
тини «Ҳотамнома»дан (Тошкент, F.Фулом номидаги Адабиёт ва  
санъат нашриёти, 1988) олинган қуйидаги парчага қаратади.

«Ҳотам туғулғон куни олти минг ўғул Ямандин ва атрофдин та-  
валлуд қилди. Ул болаларни ҳозир қилиб, олти минг энагага бола-  
ларни боқмоқга буюрди. Тўрт энага – хуш ва шод ва ёшни илраб

(ажратиб), Ҳотамни парвариш қилиб, сут бермакка тайин қилди.  
Ҳотам сут эмгали унамади. Тайға хабар бердики:

- Ҳотам сут эммайдур?

Аҳли нужумларни ҳозир қилиб сүрадиқи:

- Бола нима учун сут эммайдур?

Аҳли нужумлар айттиқи:

- Бу ўғул саҳоват бирла оламда оти пур (маш-хур) бўладур.

Тоинки ҳамма тифллар ва энагалар бир ерга жам бўлуб, ҳамма болаларга сут бердилар. Ҳотам ҳам сут эмди».

Бу парча Ҳотамнинг фақат саҳоватпеша эканлигини кўрсатмайди, унинг худбинлик қобигига сиғмайдиган феъл-авторини ҳам билдиради. Зотан оила аъзоларининг барчаси дастурхон атрофида жам бўлиб овқатланишида ҳам ҳикмат бор. Жамоаизмнинг дастлабки уруғлари ана шундай иноқ давраларда унади.

Ўзбек ҳалқи қадимдан жамоаизм анъаналарини маҳкам туттган. Қўшнининг бошига оғир кун тушса, атрофдаги одамлар дарҳол етиб келишади, ҳар қандай ишини ташлаб қўшнига ёрдам берадилар. Бу эса оиланинг қаддини тиқлаб олишида муҳимдир. Қуйидаги ҳикоя ўқиб берилади.

«Якшанба куни том сувоқ ҳашари бўлди.

- Нормат полvon ҳашарга айтибди, нуқул эртага сув музлайди-ёв девдим, ҳайрият, эрталаб турсам кун иссиқ экан,- деб дадамга ҳазиллашиб ҳаммадан илгари етиб келган Файзи бобо. Олдинмакетин Эргаш бобо, Рашид ака, Мусулмонқул ва Саид акалар, улардан сал кейин Босим ака кириб келди. Энг охири Мумин амаки чиқди. Ҳамма йигилгунча уста Файзи бобо дадам билан қилинадиган ишларни маслаҳатлашиб олди, лойни бориб кўрди; керакли нарсаларни тез тайёрлашини дадамга буюорди. Ҳашарчилар супага ўтириб, ловия ва атиргул гулбарги солиб пиширилган сут чойни мақтаб-мақтаб ичишли. Ўринларидан қўзғалмоқчи бўлган ҳашарчиларга:

- Ўтирибсизлар-да, аввал чой ичиб олинглар,- деб манзират қилган эди, Файзи бобо дадамни қаттиқ койиб берди:

- Полvon, сиз одамларнинг баданини совутманг! Улар ошга эмас, ишга келганлар! Қани, турдик бўлмаса! Омин!..

Фотиҳа ўқилиб, ҳамма ўрнидан турди. Файзи бобо бир зумда одамларга иш тақсимлади. Эргаш бобо уста катта уйга дераза ўрнати-

гунча томга чиқиб андава тортиб турадиган бўлди. Соли ака ҳам томга лой ташишга тайинланди. Қўшнимиз Мўмин амаки кекса бўлгани учун енгилроқ ишга қўйилди; у пақирларни лойдан тозалаб, тагига оз-оз сув солиб туриши керак эди. Устанинг гапи билан Мусулмонқул ака лойхонага тушди, чунки фақат угина уста бобонинг кўнглидагидек лой қила оларди. Полвонкелбатли Саид ака уста айтиб ўтирасданоқ лойни тортиб олиш учун томга чиқа бошлади. У бу вазифани барибир ўзига қолишини яхши биларди. Ахир, у ҳақда одамлар: «Мачитнинг томига ҳам бир силтov билан лой чиқарган!- деб гапириб юришарди-да! Лойни пақирларга солиб айвоннинг олдига олиб бориш дадам билан Рашид аканинг зиммасига тушди. Уста бобо мени ҳам ишсиз қолдирмади, пақирларни илгакка илиб юборадиган «лавозим»га тайинландим.

Уста бобо: «Мени нима ишга тайинлайсиз?»- деб кўзларини жалтганглатиб турган Босим акага қараб:

- Босимбой, сиз томга чиқинг! Сизга паст ҳавфли! - деди.

Бу гапни эшитиб ҳамма кулиб юборди. Чунки уста бобонинг гапи тагида гап бор эди. Босим ака кимникига ҳашарга бормасин, бир-икки соат ишламасидан қизи ёки ўғли бориб, уйга меҳмон келгани ё бошқа бир сабабни айтиб чақириб кетаркан: аслида Босим ака ҳашарга кетиши олдидан болаларига шундай деб тайинлаб келаркан, ўзи ишёқмас эмасми, шу баҳонада анча вақт йўқолиб кетиб, дам олиб яна ҳашарга қайтарди. Дастреб одамлар буни билсалар ҳам билмасликка олишибди, бу одатини ташлайвермаганидан сўнг бир-икки марта юзига ҳам айтишибди, лекин Босим акада ўзгариш бўлмапти. Бир куни Босим ака ҳам ҳашар қилибди. Одамлар энди иш бошлашган ҳам экан, Соли аканинг ўғли келиб: «Уйга меҳмон келди!»—деб отасини эргаштириб кетибди. Яна бир оздан сўнг бошқасининг қизи келибди; шундай қилиб, бирининг қизи, бирининг ўғли келиб турли баҳоналарни айтиб, оталарини чақириб кетаверибди, охири ҳеч ким қолмабди. Соли аканинг қувноқ товуши эшитилди:

— Ҳой, Босим ака! Ўғлингиз келаяпти, уйга меҳмон келди-ёв!

Ҳашарчиларнинг қаҳ-қаҳ отиб кулишларидан атроф жаранглаб кетди. Бу қаҳ-қаҳ-қаҳ Босим аканинг ўзи ҳам кўшилиб, завқи ошганидан тиззаларига уриб куларди. Мен баъзан арзимаган нарса учун бир-бирлари билан хириллашиб қоладиган бу қишлоқ одамлари-

нинг ҳашар пайтида ака-уқадек бўлиб ҳазил-мутоиба гаплар айтишиб, жон-дилдан берилиб ишлапларига қойил қолиб турардим. Мана, уста бобо бирпасда иккита деразани ўрнатиб бўлиб, томга чиқди. Ҳашарчилар: «Гезроқ қимиранглар, уста бобо томга чиқдилар», - деб бир-бирларини шошилтира бошлидилар. Дарҳақиқат, уста бобо қўлига андавани олиб енгларини шимарди. Рашид ака Мусулмонқул аканинг пақирга солган лойини кўтариб кетаркан, секингина:

- Уста енгини шимарајити, ўлдим деявер, Мусулмонқул! - деди.
- Парво қилма Рашид, чарчаб қолсанг, лойни кетмон билан шу ердан отиб томга чиқариб юборавераман, - деди Мусулмонқул ака пақирларни лойга тўлдирап экан.

Уста бобо эса том сувашни бошлиш олдидан дадамга деди:

- Полвон, келинга айтасиз-да, тушликка ўша зўр шўрвадан бўлсин.

- Хўп бўлади, уста бобо, - деди дадам.

Аям тайёрлайдиган шўрва қишлоқда машҳур эди. У шўрвага, опшовоқ, лавлаги, картошка, нўхат солиб, шундай боллаб пиширардики, уларнинг ҳеч қайсиси эзилиб кетмас, ҳудди жойида туриб пишгандек бўлиб, шўрва сувининг таъми эса ичган одамнинг оғзидан бир умр кетмасди. Уста бобо ана шунаقا шўрва ҳақида гапираётганди. Унинг гапи бу шўрванинг мазасини тез-тез татиб турадиган Мўмин маслаҳатта ҳам жуда ёқиб тушди.

- Ичимсиз-да, уста, ичимсиз! - деб қўйди у.
- Мулла Мўмин, ҳотиржам бўлинг, сиз шўрвага лойиқ иш қилаётганингиз йўқ, - деди уста бобо.

- Ҳой, уста, кўраяпсизми, мен бу ерда қандай ўлиб-тирилаяпман! - У шундай деб ўзини кўрсатмоқчи бўлди, ўрнидан туриб, жилпанглаб пақирларга сув қуяётган эди, ўзи сув тўқавериб, сирпанчиқ қилиб юборган лойхонанинг четидан сирпаниб кетди, музозанатини сақлаш учун қаддини тиклашга ҳаракат қилди-ю, ўзини ўнглаб ололмай бор бўйича шалоплаб лойхонага қулаб тушди. Ҳамма қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборди. Мўмин амаки оғзига кириб кетган лойни зўр бериб туфлаб:

- О, баччағар! О, баччағар! - дерди.

Мусулмонқул ака товушини баралла қўйиб, бақирди:

- Ҳой, одамлар! Маслаҳат билан Мўмин амакини лойхонадан

қандай чиқариб оламиз, энди! Ҳа-ҳа

- Ҳа-ҳа-ҳа ...

- Сайд, арқонингни ташла, қайнатангни боғлаб берай, - деди Мусулмонқул aka яна ҳа-ҳалаб куларкан.

Мумин амаки кулги садолари остида апил-тапил лойхонадан чиқиб кийимини алмаштириб келгани уйга жўнаб қолди.

Бу самимий кулгилар, назаримда, ҳашарчиларнинг ҷарчонини ёзиб юборди; улар ишни янада жадаллатиб юбордилар; уст-бошлири, юз-қўллари лой бўлиб кетганига қарамай, уста бобони кутдириб қўймайлик, деб бир-бирларини шошириб ишлашарди. Мана, Мўмин амаки ҳам кийиниб келиб ўз ўрнини эгаллади. Ҳашарчилар тушлик пайти ҳам узоқ ўтиришмади; бир косадан шўрва ичишида ва яна туриб кетишиб шу билан кечгача ишлашди. Аям тандир-ўчиқларини ҳам суватиб олди; ҳаммадан ҳам у хурсанд эди, ҳар икки гапнинг бирида: «Ховлимизга файз кириб қолди!» - дерди. Чиндан ҳам катта уйга дераза қўйилиши, атрофи яхшилаб сувалиши ҳовли-миз чиройига чирой қўшган эди».

Бу ҳикоядан кўринадики, ҳамқишлоқлар бир оиласек яшаб, бир-бирларидан хабардор, бир-бирларига меҳрибон бўладилар, қишлоқнинг, жамоанинг иши ҳақида ҳисоб бериб турадилар, бир-бирларини ва шу аснода болаларини ҳам жамоа руҳда тарбиялайдилар.

Ибн Сино жамоадан, жамиятдан ажралиб тарбия топган боланинг бахтсиз бўлиб қолишини таъкидлайди. Инсон оиласда дунёга келгани билан жамиятта алоқадордир. «Форобий фикрича, инсоннинг ва жамиятнинг ғалабага эришуви, яхшиликни қўлга киритиши, ахлоқий ва ақлий мукаммалликка эришуви, инсон ва жамоанинг ўз қўлидадир. Табиий бошланғичлар таъсири остида камол топиб инсонга айланишгина кифоя қўлмайди, чунки инсон бўлиб, инсоний камолотга эришуви учун сўзлаш ва касб-ҳунарга муҳтождир». Ўз-ўзидан маълумки, бу эҳтиёжлар жамиятда қондирилади.

Жамоа бир мақсад, бир интилиш йўлида бирлашган, шу мақсад йўлида иқтисодий тафаккур, ижодий куч-қувватларини, фаолиятларини бағишлайдиган кишилар гуруҳидир. Жамоа туйғуси ҳам ана шу уюшган шахсларнинг маънавий-ихтиёрий бирлигидан келиб чиқади ва шахс, гуруҳ, жамиятнинг мақсад йўлида бирлашуви билан белгиланади. Жамоа жисмоний, ақлий меҳнат фаолиятида, маънавий-ахлоқий сифатларнинг маълум маънода умумий бўлишида

яқол кўринади. Шунга кўра шахс жамоада, жамиятда меҳнат қиласди, жамиятнинг кичик бир табии ҳужайраси бўлган оилада яшайди. Жамиятнинг қанчалик ривожланганини оила фаровонлигида, шахснинг камолотида кўриш мумкин. Ёки шахснинг баркамоллиги, оиланинг тўла-тўқислигига қараб, жамиятнинг иқтисодий, сиёсий, маънавий-ахлоқий аҳволини билиш мумкин. Чунки, шахс-оила жамият муносабатлари ўзаро мустаҳкам боғланган. Шунинг учун шахс оила - жамият муҳитида шаклланади, камол топади.

## **2-§ Оиланинг бола тарбиясида ҳалқ миллий анъаналаридан фойдаланиш**

Халқ – ахлоқий қадриятлар бўлиб, у қимматли анъаналар ижодкори. Халқ қадриятлар ва анъаналарни ўзининг озодлиги учун олиб борган курапайлардан мардонавор ижод қилди, уларни толмас меҳнатда, чет эл босқинчилари билан қилган жангларида қадралади ва эъзозлади.

Анъаналарнинг ижтимоий, сиёсий, ахлоқий мазмуни турли тарихий даврларда айниқса кескин синфий қурашларда яқол кўринди. Оммавий халқ ҳаракатлари, инқилобий жанглар авж олган даврда ҳам кишилар ижтимоий қизиқишлар билан яшаганлар. Юксак идеаллар учун курашган вақтларда ҳам анъаналар таркиб топган.

Анъаналарни ўрганишда улар қандай тарихий шароитда ва қайси синф томонидан яратилганинини, кимларга хизмат қилганинини, кимнинг манфаатини ёқлаганинини ва қайси синфнинг ҳукмронлигини мустаҳкамлаганинини кўра билиши керак.

Урф-жамоа тузуми шароитида анъаналарни тўғри, ҳаққоний ёки соxта тушунтириб берган. Бундан ташқари урф-одатлар ва маросимлар ота-боболар томонидан ижро этилиб, уларнинг авлодлари ҳам ана шу урф-одатлар ва маросимларга риоя қилишлари лозим бўлган. К.Рамуссен Эскимослар ҳақида жумладан шундай деб ёзади: «Уларнинг ҳаммаси ҳар бир муайян ҳолда нима қилиши кераклигини аъло даражада билар эди, аммо менинг «нима учун шундай қилиш лозим?» -деб берган саволим ҳар сафар жавобсиз қолар эди». К.Рамуссен қуйидаги биттагина «тушунтириш» ни эшигтан холос, «...Визнинг ота-боболаримиз барча эски турмуш қоидалари билан қуролланган. Бу қоидалар авлодларимиз тажрибаси ва донишман-

длигидан вужудга келган. Биз бу қоидалар қандай ва нима учун пайдо бўлганини билмаймиз, аммо тинч яшаш учун уларга риоя қиласверамиз. Бизлар шунчалик содда ва ишонувчанмизки, ўзимиз билмайдиган нарсалардан ҳам кўрқаверамиз. Ўзимизнинг урф-одатларимизни сақлаймиз ва уларга риоя қиласмиш».

Бинобарин, анъаналар ҳаёт талабларига жавобан пайдо бўлади ва у ёки бу синф манфаатига жавоб бера олгунча яшайди. Улар қандайдир ишнинг тақорланиши натижасида, вазият тақозосига кўра пайдо бўлади. Бунда улар тасодифан вужудга келади ёки онгли равишда жорий этилади.

Энциклопедияда анъана қутидагича таърифланади: «анъана (лотинча – ratio – узатиш сўзидан)» ижтимоий ва маданий мероснинг авлоддан авлодга ўтадиган ва муайян жамиятларда, синфларда ва ижтимоий гуруҳларда узоқ вақт сақланадиган элементи бўлиб, у ижтимоий мероснинг обьект (моддий ва маънавий қадрият) ларнинг – ўз ичига қамрайди.

Кичик энциклопедияда бу таъриф шундай аниқлаштирган: «анъаналар (ratio – узатаман сўзидан) тарихдан таркиб топган ва аждоддан авлодга ўтадиган одатлар, ижтимоий тартиб, хулқ нормаси, гоялардан иборатдир». Педагогика луғатида анъана хусусида шундай дейилади: «оилавий анъана (лотинча – ratio- узатиш сўзидан олинган) оиласда қабул қилинган ва катта авлод кичик авлодга берадиган одатлар ҳамда хулқ нормаларининг мажмуи. Анъаналар мактабда мустаҳкам ўрин олган, жамоа сақлайдиган ва ўқувчиларнинг бир авлоддан бошқа авлодга ўтадиган одатлар, тартиблар, хулқ қоидалари».

«Анъана бир авлоддан иккинчи авлодга ўтган, олдинги авлоддан мерос бўлиб қолган нарсалар (масалан, гоялар, қарашлар, дидлар, ҳаракат образлари, одатлар ва ҳоказолар)»

Одат ҳатти-ҳаракатда, турмушда ўрин олган тартиб, дея изоҳланади С.И.Ожегов муаллифлигидаги луғатда (151).

Шундай қилиб, анъаналар ўтиш, бериш деган маънони англатали. Анъаналар тасодифан вужудга келмаслиги, балки йиллар мобайнида таркиб топиши маълум. Демак, анъаналар кўп марта тақорланидиган ва аждоддан авлодга ўтадиган муайян қарашлар, эътиқодлар, дидлар, ҳатти-ҳаракат нормалари ва қоидалари, ишлар ва ҳодисалардир. Биз анъаналар яшашининг асосий шарти уларнинг сақла-

ниши ва узатилишида деб ҳисоблаймиз. Анъана кўп қиррали, мураккаб ҳодисадир. Уни турли белгиларига кўра таснифлаш мумкин.

Ушбу мавзуга ўтишдан олдин, аввало, қисқача бўлсада, қўйидаги тушунчаларга аниқлик киритиш керак: «Урф-одат ва анъаналар нима?», «Улар бир-биридан нимаси билан фарқланади?», «Қандай анъаналар мөҳнат анъаналари деб аталади ва уларнинг бошқа анъаналардан фарқли жиҳатлари нималардан иборат?». Буларни аниқлашнинг муҳимлиги шундаки, мавжуд адабиётларда мазкур муаммоларни ёритиш бўйича жуда кўп чалкашликлар учрайди, айrim тушунчалар аралашиб кетади ва ҳоказо. Масалан, «Ўзбек тилининг изоҳли лугати» китобида «одат» сўзи муайян ҳалқда қабул қилинган анъаналар, шакллар деб «бир одам томонидан қабул қилинган усуллар, ҳаракат тарзи, тамойиллар» деб изоҳланади. Анъаналар эса тарихан таркиб топган ва аждоддан авлодга ўтиб келган маросимлар, ахлоқийлик нормаси деб таърифланади(257).

Бизнингча, урф-одатлар ва анъаналарни бундай изоҳлаш илмий нуқтаи назардан у қадар тўғри эмас. Чунки мазкур ҳолда «анъана – урф-одат» ва «урф-одат – анъана» тушунчалари таърифи орасига тенглик белгиси қўйилган. Ҳолбуки, бизнингча, анъана урф-одатга нисбатан кенг тушунчадир.

Тўғри, урф-одат ва анъана тушунчаларининг маъноси энциклопедияларда «Изоҳли лугат»дагига қараганда кенгроқ ёритилган. Лекин биз энциклопедияларда ҳам айrim ноаниқликлар бор деб ҳисоблаймиз. Масалан, уларда: «Муайян жамиятдаги ва ижтимоий гуруҳдаги урф-одатлар мерос сифатида қоладиган, такрорланадиган, ҳар бир аъзо учун стереотипга айланган ахлоқ қоидаларидир», - деб ёзилган (257).

Биринчидан, мазкур ҳолда «мерос сифатида қоладиган» ибораси ноўрин ишлатилган. Чунки урф-одатлар, ахлоқ қоидалари мерос сифатида ўтмайди, балки ҳаётнинг ўзида ўзлаштирилади. Улар ёш авлодга онгли ва онгсиз равишда ўтади. «Мерос сифатида ўтиш» эса ирсийлик билан боғлиқ бўлиб, хромосомалар, генлар орқали ўтишdir ва бу жараёнга унинг ҳеч қандай алоқаси йўқ.

Иккинчидан, урф-одат иборасини «жамиятнинг ҳар бир аъзоси учун нормага айланган ахлоқ қоидаси» деб тушуниш мумкин эмас. Чунки битта жамиятнинг ўзида у ёки бу гуруҳлар риоя қилмайдиган, айrim оиласлар, шахслар тан олмайдиган урф-одатлар бўлиши

мумкин ва мавжуддир. Лекин бу ҳол ана шу урф-одатларни тарк этишга олиб бормайди. Демак, мазқур таърифдаги «мерос» ва «ожамиятнинг ҳар бир аъзоси» сўзлари иборанинг аниқлигига путур етказади.

Ниҳоят, биз урф-одатнинг энциклопедиялардаги таърифи бир-мунча кенг деб ҳисоблаймиз. Бу таъриф урф-одатдан кўра анъана-га кўпроқ тўғри келади.

Анъана тушунчасида муайян маросимлар ва урф-одатлар, ахлоқ қоидалари бирлашади. Анъана ўзига хос интеграцияланган ва аҳамиятли ҳодиса бўлиб, унда авлодларнинг ижтимоий ҳаётга боғлиқ тажрибаси умумий шаклда акс этади. Профессор Г.Н.Волков таъбири билан айтганда, «анъана у ёки бу кишилар гуруҳидан бошлиниб, катта авлоддан ёш авлодга ўтган урф-одатлар, маросимлар ва ахлоқ, қоидаларининг мажмуудир». Аниқроқ айтганда, анъана қадриятларнинг таркибий қисми бўлиб, у ижтимоий ва маданий меросда узоқ, даврлар мобайнида сақланади, кейинги авлодлар томонидан қабул қилинади ва йил давомида янги элементлар билан бойиб бораверади. Бинобарин, анъана муайян маросимларга, удумларга, урф-одатларга қараганда анча кенг ва умумлашган ҳодисадир (70).

Анъаналар феномен сифатида ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларига (ҳуқуқ, сиёsat, иқтисодиёт, этнография, дин, адабиёт, санъат, маданият ва ҳоказоларга) хос бўлиб, маълум маънода барча ижтимоий тизим ҳаётийлигининг муҳим шартидир. Фоялар, учрапувлар, маълум ижтимоий тадбирлар, жумладан, дидлар, урф-одатлар, ахлоқ нормалари, маросимлар, байрамлар, қўшиқлар ҳам анъана шаклига кириши мумкин. Шунингдек, ҳалққа, мамлакатга, ўлка-га, миллатга ва оиласага хос анъаналар ҳам мавжуд бўлади. Умуминсоний анъаналар ҳам бор. Масалан, меҳнат анъаналари гарчи, миллий кўринишга эга бўлса-да, умуминсоний анъаналардир. Улар илғор жиҳатлари туфайли узоқ яшайди, эъзозланади ва авлоддан авлодга ўтади(164).

Даврнинг ҳамда ижтимоий-иқтисодий тузумнинг талабларига жавоб берадиган анъаналар эҳтиёткорлик билан сақланади ва бойитилиади; акс ҳолда янги анъана билан курашда унупилиб кетади. Академик Ф.Когормнинг таъкидлашича, «анъаналар диалектик ривожланади, янги аиъаналар қабул қилинади, ҳалқ, асрлар мобайни-

да яраттган анъаналардаги барча яхши ва илғор нарсалардан фойдаланилади. Иккинчи томондан, эскирган ва замон талабларига жағоб бермай қолған анъаналар ривожланиш жараённанда янги анъанаға ўз ўрнини монеликсиз бүшатиб беравермайды. Одатда янгилик эскилилкка қарши курашда вужудга келади ва ўзига йўл очади» (108).

Анъаналар, урф-одатлар ва байрамларнинг ҳар бири муайян тарихий даврнинг маҳсулидир. Улар моддий турмуш шарт-шароитларининг таъсири билан пайдо бўлган, ривожланган, такомиллашган, асрлар оша аждоддан авлодга ўтиб келган ва халқнинг яхши орзу ниятлари ҳамда маънавий бойликларини ўзида мужассамлаштирган бўлади. Улар синфий жамиятда синфий характер касб этади. Илғор анъаналар эса янги давр, ижтимоий тузум эҳтиёжларига мослашади. Масалан, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, инсонпарварлик, меҳмондўстлик, болалар тарбияси билан боғлиқ анъаналар асрлар давомида яралган бўлиб, улар ҳозир ҳам ижтимоий аҳамиятини йўқотмаган.

Ҳар бир авлод ўзидан олдинги авлодлардан мерос қолган анъаналар ва урф-одатларни меҳнати, билими, тажрибалари билан бойитади ва ривожлантиради.

Урф-одатларни этнографлар, файласуфлар, фольклоршунослар, публицистлар турли нуқтаи назардан таърифлайдилар. Файласуф олим Угринов фирича, урф-одатлар янги авлодга муайян ғоялар, ахлоқ ҳатти-ҳаракатлар, бойликлар ва туйгуларни ҳадя этишнинг маҳсус усулидир. Ворисликнинг бошқа усууларидан эса урф-одатлар ўзининг рамзийлик табиати билан фарқланади (205).

«Урф-одатлар билан боғлиқ ҳатти-ҳаракат ҳамма вақт рамзийлик билан суғорилган. Рамзлар ўзида у ёки бу ижтимоий ғояни, образни, фикрни умумлаптиради, тунга мувофиқ туйгуларни қўзғайди» (169).

Урф-одатлар, удумлар, расм-руsumлар занжирдан иборат. Улар маданий бойликларни авлодларга ҳадя этувчи муҳим восита ҳисобланади. Удумлар, расм-руsumлар урф-одат сингари рамзий образларга эга эмас. Улар кишиларнинг узоқ йиллик фаолияти – меҳнатдаги, турмушдаги, оиласдаги амалий ҳатти-ҳаракати натижасида таркиб топади.

Маросимлар – анъананинг бадиийлашган, рамзий белгилар, образлар мусиқа, рақс, қўшик, публицистик на бадиий сўз воситаси-

да англашиладиган муайян ғоялар, ахлоқ нормалари шаклидаги кўриниш. Маросим бир нечта расм-русум, удумлар занжиридан иборат. У анъаналарнинг тантанали бадиийлашган қисми бўлиб, оммавий ҳаракатлар йифиндисидир (173).

Маросим урф-одатнинг ҳамма вазифасини адо этишга қодир змас, балки унинг бирор қисми – бошланиши, кульминацияси, тугалланишини намоён қилади. Щу боис урф-одат кенг режали хатти-ҳаракат мажмуи бўлса (тўй байрамлар, армия сафига чақириш ва ҳоказолар), маросим ана шу тантана (урф-одат) ни ўтказиш пайти – бадиийлашган қисмидир.

Байрамлар – кишиларнинг ҳусусий ва жамоа бўлиб кечириш шароитининг йифиндиси бўлган тарихий ижтимоий тараққиёт жараёнида юзага келган, ўзида идеалларни, эстетик эҳтиёжларни ифодалаган анъаналар ва урф-одатларнинг муайян шаклдаги тантанали кўриниши. Байрам – жамият, давлат, синф, ижтимоий гурӯҳ, оила ҳаётидаги бирор муҳим ва қувончли воқеага бағицланган кундир. Байрамлар бир қанча элементларни ўзида намоён қилиб, сиёсий тадбирлар (тантанали мажлис, илфорларни мукофотлаш), ўзига хос одатлар (ҳарбий парад, меҳнаткашлар намойиши), оиласий тантаналар (қариндоллар, дўстлар учрашуви) кабиларнинг занжиридан иборат (265).

Халқ анъаналари, урф-одатлар ва байрамлар кишиларнинг жамоа бўлиб уюшишларини, мулоқотга киришишларини тақозо зтади. Зотан, улар халқ, ҳаётининг барча томонлари - иқтисодий, ижтимоий, миллий, илмий, маданий, ҳарбий, касб-хунар ва ишлабчиқариш жабҳаларида намоён бўлади.

Анъана, байрам ва урф-одатлар турмуш маданияти тушунчасининг таркибида ҳаракат қилади. Анъана ва урф-одатлар кишиларнинг ўзаро ва жамиятга ижтимоий муносабатларини такрор ишлабчиқаришда, олдинги авлод эришган моддий ва маънавий бойликларни ўзида акс эттириб, кейинги авлодга етказишда муҳим восита.

### 3-§ Оилада бола тарбиясининг ўрни

Ўқитувчи мавзууни эълон қилгач, тахтага иккита портретни, масалан, Ҳ.Олимжон ва бир номаълум шахснинг портретларини илади ва «Кимларнинг суратларини кўриб турибсиз?» деб сўрайди.

Аммо нотўғри рағбатлантиришлар айрим ўқувчиларда ва жамолаларда ўз-ўзидан мағурланиш, ўз-ўзига юқори баҳо қўйиш, ўртоқларига нисбатан ҳурматсизлик каби салбий хислатларни тарбиялаши мумкин. Мақтov, ташаккур, мукофot жамoa аъзоларининг фикр-мулоҳазаларига асосланган бўлсагина кўзда тутилган мақсадларга эришилади.

Ўқувчиларнинг ножўя хатти-ҳаракатларига салбий баҳо бериш жазолашда ўз ифодасини. топади. Жазолаш ўқувчиларнинг ёмон хатти-ҳаракатларига қарши курашишга ёрдам беради ва улардаги зарарли одатларни таг-туби билан йўқотишига имкон турдиради. Бундан ташқари, у ранжиш, уялиш, пушаймон бўлиш, ўз ишларини қоралаш каби туйғулар уйғотиб, хатти-ҳаракатнинг ахлоқий жиҳатларини тарбиялайди ҳам.

Кўпгина педагоглар жазолашни қўлламасдан туриб, ўз ўқувчилари интизомли бўлишига эришадилар. Аммо болалар мактабда ёки оиласда интизом ва тартибни қаттиқ бузганларида уларни эътиборсиз қолдириб бўлмайди.

Синф раҳбарлари огоҳлантириш ёки танбеҳ бериш, номақбул хатти-ҳаракатларни кўрсатиш, бундай ҳолатларни қоралаш, янада қаттиқ жазолаш берилиши ҳақида огоҳлантириш, синф олдида огоҳлантириш ва бошқа жазо чораларини қўллайдилар.

Ҳозирги замон мактабида рарбатлантириш ва жазолашни куллаш болалар шахсини ҳурмат қилишига асосланган.

амалга оширишда боланинг жисмоний ривожланишига, чиниқишига ҳам эътибор бериб бориши лозим. Бола тилга кира бошлиши билан нисбатан мураккаб тарбиявий ишларни амалга ошириш керак. Бола озода, интизомли, одобли қилиб тарбияланса-ю, замонавий ижтимоий-психологик ва тараққиёт талаблари ҳисобга олинмаса, унинг келажагига, баҳтига зомин бўлиб қолиш мумкин. Шунинг учун ота-она ижтимоий тарбия муассасалари билан ҳамкорликда болаларнинг касб-хунарни, компьютер саводхонлигини, тилларни, бадиий адабиётни, илмни ўрганишга спортта интилишини рағбат-лантиришлари зарур.

Ота-она синчков психолог, нозик дидли педагог, боланинг келажгини яратувчи башпораттўй бўлиши лозим. Агар ота-она боладаги истеъдод куртакларини ўз вақтида сезиб, уларнинг ривожланишига шароит яратиб бера олса, бола шахсининг камол топишига катта йўл очади.

Ўқитувчи ана шуларни тушунтиргандан сўнг ота-онанинг болага намуна сифатидаги таъсири ҳақида тўхталади. У аввало қуйидаги парчани ўқиб беради ёки ўқувчилардан бирига ўқитади:

«Сизнинг ўз хулқу авторингиз - ҳал қилувчи энг муҳим нарсадир. Болани фақат у билан гаплашганда, насиҳат қилганда, ёки унга бирор нарса буюргандагина тарбиялайман деб ўйламанг. Сиз болани турмушингизнинг ҳар бир лаҳзасида, ҳаттоқи ўзингиз уйда йўқлигингизда ҳам тарбиялайсиз. Сизнинг қандай кийинишингиз, бошқалар билан ва бошқалар ҳақида қандай гаплашишингиз, хурсанд бўлишингиз ёки ташвишланишингиз, дўст ва душманингиз билан қандай муомала қилишингиз, кулишингиз, газета ўқишингиз – булар ҳаммаси бола учун катта аҳамиятга эга. Гапингиз оҳангги сал ўзгарса ҳам бола буни дарров пайқаб олади ёки сезади, бола фикрингиздаги ҳамма ўзгаришларни ҳар хил йўл билан билиб олади, лекин ўзингиз бундан бехабар бўласиз. Агар сиз уйда кўполлик ёки мақтанчоқлик қиласангиз ёки ичқиликка берилсангиз, ундан ҳам ёмони – онани хақорат қиласангиз – сиз болаларингизга ниҳоятда катта зарар етказган бўласиз, уларга ёмон тарбия берган бўласиз ва сизнинг бу ножӯя қиликларингизнинг оқибати жуда ёмон бўлади.

Ота-онанинг ўзига талабчан бўлиши, ота-онанинг ўз оиласини ҳурмат қилиши, ота-она ўзининг ҳар бир қадамини назорат остига олиши лозим тарбиянинг биринчи ва энг асосий методи шудир!».

Ўқитувчи: «Бу парча ҳар бир оилада бўлиши ва тез-тез ўқиб турилиши лозим бўлган А.С.Макаренконинг «Болалар тарбияси ҳақида лекциялар» китобидан келтирилди. Бу китобдаги гаплар мағзини чақиб олган ота-она ўз педагогик маданиятини юксалтиришга эришади», дейди ва ўзбек оилаларидағи тарбиянинг ўзига хослигига тўхталади.

Ўзбек оилаларида болани меҳнатсеварликка ўргатишга алоҳида эътибор берилади. Бунда кўпинчча ота-оналарнинг ўзлари болаларга ўрнак кўрсатадилар. Масалан, она овқат пишириш, кир ювиш, уйни саронжом-саришта тутиш, каби ишларни сидқидилдан бажарди ва буни ўзининг оиладаги бурчи деб билади, ҳеч қачон эрига: “Хўқуқимиз тенгку, сиз ҳам кир ювинг, нон ёпинг!” демайди. Ота ҳам ўз навбатида рўзгордаги барча оғир ишларни, оилани иқтисодий жиҳатдан таъминлашни ўз зиммасига олади, бу борада меҳнатсеварлик, жонкуярлик намуналарини кўрсатади. Бундай шароитда ота-онадан бола шахсида меҳнатсеварлик, оилапарварлик хислатлари таркиб топа боради. Ўзбек ҳалқининг «бир болага етти қўшни хўжайин», деган нақли бор. Бола улгайган сайин маҳалладаги тўй-маъракаларда қатнашади, атрофдаги яхши одамларни кўриб ўзининг фазилатларини бойитади, камчиликларини йўқотишга ҳаракат қиласиди, ундаги худбинлик ҳислари йўқолиб боради. Катта ёшли кишилар болани яхши ишлари учун мақтаб, ёмон қилиқлари учун уялтириб турадилар.

Юқоридаги фикрлардан ўзбек оилаларида бола шахсини камолга етказиш учун ҳамма шарт-шароит муҳайё, деган хулоса келиб чиқмайди. Баъзи ўзбек оилаларида боланинг усти бут, қорни тўқ бўлса етади, бўладиган бола ўзи бўлаверади, деган салбий қарашлар ҳам мавжуд. Ёки катта-катта тўй-маъракалар қилган ҳолда бола шахсининг ривожланиши учун зарур буюмларни харид қилишни истамайдилар. Баъзи хонадонларда болаларнинг дарслигидан ташқари бадиий, илмий-оммабоп китоблар йўқ, газета-журналларга обуна бўлишмайди, мен бир косиб ёки савдо ходимиман, китобни нима қиласман дейишади. Ваҳоланки, китобсиз ҳеч кимнинг шахси камолга ета олмайди. Кейинги йилларда ҳар бир хонадон учун зарур «Саломатлик», «Уй-рўзгор энциклопедияси» «У ким? Бу нима?» каби китоблар чоп этилади. Бу китоблар оилада бола тарбияси билан шугулланишда жуда қўл келади, шунинг учун ўзбек хонадон-

лари уларга эга бўлиши лозим. Баъзи ота-оналар борча, мактаб бор деб бола тарбияси билан жиiddий шуғулланмайдилар, болалари но-тўғри йўлга кириб кетгандан сўнг эса-оҳ-воҳ қилиб юрадилар. Ота-она мактаб билан яқин алоқа ўрнатса, оиласдаги тарбиявий ишлар ижтимоий тарбия билан уйғунликда олиб борилса, бола шахсининг шаклланиси икки хиллик, хатолар рўй бермайди.

Оила тарбиясида катта-кичик масала йўқ. Шунинг учун овқатланиш, муомала, юриш-туриш, кийиниш, шахсий гигиена қоидаларига амал қилиш, телевидение, радио эшиттиришларидан фойдалана билиш, кўпчилик орасида ўзини тутиш, катталарни ҳурмат қилишни ўрганиш бола шахсининг камол топишида бирдек аҳамиятга эга бўлган ишлардир.

Ҳар бир халқ ўз болаларининг баҳтли бўлиши учун қадимдан курашиб келган. Буни авлодлардан авлодларга ўтиб келган маънавий хазина – китоблардан билса бўлади. Ана шундай китоблардан бири - Шарқда машҳур бўлган «Қобуснома» дир. У XI асрда, форстохик тилида яратилган, жуда кўп тилларга таржима қилинган. 1860 йилда Огаҳий томонидан ўзбек тилига таржима қилингач «Қобуснома» ўзбек халқининг оила тарбиясини амалга оширишда ёрдам берадиган қўлланмалардан бўлиб қолган. Бу китобда касб-ҳунар ўрганишнинг зарурлиги хусусида шундай дейилади: «Агар табиатинг ҳар қанча асл бўлса ҳам, унга мағрур бўлмагил, чунки тан гўзаллиги ҳунар безаги билан зийнатланмас, ҳеч нарсага арзимайди. Масалан, дебдурларким, улуғлик акут ва билим биландир, насл-насаб билан эмас. Ота-онанг қўйған отларига мағрур бўлмагил, бу от фақат ташқи кўринишдан бошқа нарса эмас. Аммо сен ҳунар билан бир номга эга бўлгил». Бинобарин, ҳар қандай касбнинг устаси бўлиш учун оиласда болага йўл очиш керак, чунки болаликда шаклланган моҳирлик, уdda-буронлик сифатлари бир умр доимий йўлдош бўлади.

Ота-она бола тарбиясида бир ёқадан бош чиқариши зарур, агар ота бошқача, она бошқача талаб қўйса, болада иккюзламалик аломатларини кўрамиз. Бундай пайтда ота-она дарҳол ўз хатосини тўғрилаши, боладаги ножӯя қилиқларни йўқотишга ҳаракат қилиши лозим. Ота-она шундай иш тутиб, ўзлари бераётган тарбиянинг болага қандай таъсир кўрсатаётганини кузатиб бориши, болада ножӯя қилиқлар сезилса, тарбиянинг бошқа самаралироқ усулларини

қўллаши зарур. Болага меҳрибонлик қилиб, ҳаддан ташқари эрка-  
лаш унинг калондимоғ, худбин қилиб қўйиши ёки писмиқ, журъат-  
сиз, ташаббуссиз бўлиб қолишига олиб келиши мумкин.

Маълумки, педагогикада тан жазоси бериш тақиқланган. Шу-  
нингдек, оила тарбиясида ҳам болага тан жазоси беришдан сақла-  
ниш лозим. Бунинг ўрнига тушунтириш, дашном бериш, оилавий  
йиғилишида гуноҳкор болани муҳокама қилиш усусларидан фойда-  
ланиш зарур. Болани ҳадеб жазолайвериш, «сен одам бўлмайсан!»  
деб камситиш ҳам нотўғри. Бунда бола қашқатаёқ бўлиб қолади.  
Шунинг учун болани вақт-вақтида рағбатлантириб туриш керак.

Хуллас, ҳар бир ота-она болага тарбия бериш борасида ўзининг  
педагогик маданиятини юксалтириб бориб, бу жуда масъулиятили  
ишга қатъият ва ижодкорлик билан ёндошиши зарур.

#### **4-§ Тарбия жараёнида ўқувчиларда тежамкорлик тушунчаларини сингдириш**

Бозор иқтисодиёти оила тарбиясида кенг қўлланиб келинган  
миллий қадрият сифатидаги тажрибаларига суюнишни ҳам тақозо  
этади. Масалан, ўзбек оилаларида болаларни тежамкорлик руҳида  
тарбиялаб келганлар, исрофгарчиликка йўл қўймаганлар.

Маълумки, «иқтисод» сўзининг маъноси кенг бўлиб, у чуқур  
мазмунга эга. Кўп ўринди бу сўз халқ ичида «тежамкорлик» сўзи-  
нинг синоними сифатида қўлланилади. Тежамкорлик ҳақида сўз  
кетганда исрофгарчиликка йўл қўймасликки тушунамиз.

«Иқтисод» тушунчасига, машҳур ўзбек миллий маърифатпар-  
варлиги йўналишининг атоқли намояндаси Абдулла Авлоний қўй-  
идагича таъриф беради: «Иқтисод деб пул ва мол каби наъматлар-  
нинг қадрини билмакка айтилур.

Мол қадрини билувчи кишилар ўринсиз ерга бир тийин сарф  
килмас, ўрни келганда, сўмни аямас. Саҳоватнинг зидди баҳиллик  
ўлдиги каби иқтисоднинг зидди исровдур. Аллоҳ. Таоло исроф  
қилувчиларни сўймас».

Ота-боболаримизнинг ўз фарзандларини тежамкор бўлишга ун-  
даганларини халқ оғзаки ижоди мисолида ҳам кўришимиз мумкин.  
Масалан, тежамкорлик мавзуи халқ мақолларида ҳам ўз аксини топ-  
ган. Зеро, бу мақоллар юз йиллар давомида авлоддан-авлодга ўтиб,

халқнинг дилида сақланиб келган.

Мақоллар кишиларнинг тарихий тажрибаси сифатида кўпгина синовлардан ўтиб шаклланади ва чуқур маъно касб этади. Мана уларнинг айримлари: «Тежаган-бирга бирни қўшар, тежамаган бирини ҳам бой берар», «Пул топиш учун куч-кувват керак, тежаш учун-фаҳму-фаросат», «Ўзингникини бир бор тежасант, халқникини минг бор тежа», «Тежамлигу расомадлик-ака-ука, тўғрилигу ҳалоллик-опа-сингил», «Тежамкор-олқиши олар, исрофгар койишга қолар» ва ҳоказо.

Ҳаттоқи, ота-оналаримиз тежамкорлик руҳида тарбиялаш вазифасига фарзандларининг баҳтли-саодатли бўлишнинг бир шарти, ахлоқий тарбиянинг бир кўриниши сифатида қараганлар.

Бозор иқтисодиётининг мақсади жамиятнинг барча аъзоларини, жумладан, ота-оналарни, уларнинг фарзандларини амалий ҳисобкитобга ва оқилона омилкорликка ўргатишдан иборат. Зотан, пул ҳам шахсни тарбиялайди. Уни менсимаслик икки томонлама хатоларни келтириб чиқариши мумкин. Унинг бир томони, болани оиласнинг моддий қийинчиликларини билишни истамаслик одати пайдо бўлади ва у текинхўрликка ўрганади. Иккинчи томони, пулга хирс қўйиш, очкўзлик, худбинлик, хасислик каби иллатларни келтириб чиқаради.

Маълумки, азалдан ота-оналаримиз болаларни хўжалик ишлари билан таништириб, оиласнинг кирим ва чиқим ишларини уларга ўргатиб келишган. Шу тарзда, болада оиласнинг моддий аҳволи ҳақида тасаввур ҳосил бўлишига эътибор берилган.

Ҳозирги замонда бутун дунёда кўзга ташлаётган озиқ-овқат, ичимлик суви, фойдали қазилмалар ва шу каби заҳираларнинг камайиб бораётганлиги, шунингдек, аҳоли сонининг ортиб кетаётганлиги қатор муаммоларни келтириб чиқараётганлиги тежамкорлик, ишбилармонлик, омилкорлик каби қадриятларнинг умуминсоний, умумбашарий аҳамиятининг зарурлигини кўрсатиб бермоқда.

Демак, тежамкорлик ишбилармонликнинг бир кўриниши сифатида қадрият ҳисобланиб келинган ва у маънавий-ахлоқий мазмунга эгадир. Бу тушунчани бола онгига сингдириб бориш ота-оналинг вазифаси бўлиб, уни бажариш фақат шахсий иш бўлмасдан, балки ижтимоий аҳамиятига молик ҳодисадир. Чунки, бола ўзида тежамкорлик туйғусини шакллантира бориб, фақат ўз меҳнатини

ва ўзгалар мәҳнатини қадрига етадиган бўлади. Буни англаб этиш болада ўзи, ота-онаси ва жамият яратган бойликларни қадрига этиш, уларни асраб-авайлаш кўнкимасини ва малакасини пайдо қиласди.

Ота-оналар болаларининг келажагини ўйлаб, уларни илк ёшлидан мәҳнаттага солиб чиниқтириб борадилар. Тўғри тарбиянинг энг таъсирли, энг самарали усули ҳам шу мәҳнатдир. Ота-оналар болаларининг мәҳнатига ҳамма вақт ҳам муҳтож бўлавермайдилар, лекин болани ёшлигидан ишга ўргатиш, мәҳнатга кўнигириш зиммаларидағи бурч эканлигидан шундай йўл тутадилар.

Биздаги оила хўжалиги рўзгор учун керакли бўлган буюмлардан, ашё ва жиҳозлардан иборатдир. Оила давлатманд бўлса, бу ҳол оила аъзолари яхши ва баҳти кечираётганини, истеъмол буюмларини кўпроқ харид қилаётганини, ўз эҳтиёжларини кўпроқ қаноатлантираётганини билдиради.

Ҳар бир оила ўз хўжалигини тузатиб олиш йўли билан турмушини яхшилашга уринади. Оиланинг давлатманд бўлиши кўпроқ бутун мамлакат эришган муваффақиятларга унинг иқтисодиёт ва маданият соҳасидаги ютуқларига боғлиқ бўлади. Оилада болаларни тежкамкорлик руҳида тарбиялашга қанчалик кўп эътибор берилса, улар ҳалқقا ҳам, ота-оналарига ҳам, ўзларига ҳам шунча кўп фойда етказадилар.

Ҳар бир бола оиланинг тенгҳуқуқли аъзосидир. Демак, у оила хўжалигининг иштирокчисидир. Шу билан бирга, болаларимизни фақат оила хўжалигини юритишга қобилиятли кишилар қилиб тарбиялабгина қолмай, шунингдек бутун жамият хўжалигини ҳам тежаб-тергаб юритадиган садоқатли фуқаролар қилиб тарбия қилмомиз лозим.

Барча ота-оналар бундай тарбия мақсадлари тўғрисида ўзларида равшан тушунча ҳосил қилиб, бу билан ўз тарбия йўсинларини доимий ишга солиб ва текшириб боришлари зарур.

Кўпингча ота-оналар болаларининг ҳамма нарсани муҳайё бўлиши, яъни яхши еб-ичиши, яхши кийиниши, катта бўлганда уй-жойли бўлиши ҳақида ўйладилар. Буларнинг ҳаммасини фарзандларига чексиз меҳрибонликларидан ва уларни беҳад севганликларидан қиласдилар. Болаларини деб ўзларининг энг зарур эҳтиёжларини қондиришни ҳам четта суриб қўйядилар, лекин буна эсига ҳам келтирмайди ва ҳатто секин-аста ўзини ҳаммадан ортиқ, ме-

нинг истагим ота-онам учун қонун, деб ўйлашга одатланади.

Бу тарбиянинг нотўри ва зарарли йўли бўлиб, бундан ота-она-ларнинг ўзлари кўпроқ заҳмат чекадилар. Бизнингча, ота-оналар ўз фарзандларини меҳнатсевар ва тежамкор қилиб тарбиялаш учун қўйидагиларга амал қилишлари керак.

1. Бола ўз ота онасининг қаерда ишлапшини ва нима ишлабчиقا-ришини, бу ишлаб-чиқаришнинг бутун жамият учун қандай аҳами-яти борлигини билиши керак.

Умуман, бола ота-онаси ишлаб, топиб келтирадиган даромад-нинг катта ва фойдали ижтимоий меҳнат эвазига олинадиган иш ҳақи эканини мумкин қадар эртароқ яхши тушуниши лозим.

2. Болани оила бюджети билан мумкин қадар эртароқ таништи-риш лозим. У отаси ва онасининг қанча маош олишини билиши керак. Бола ота ёки онасининг нимага муҳтоҷ эканлигини, бу муҳ-тоҷликнинг қанчалик зарурлигини билиши зарур, у оиланинг бо-шқа аъзолари эҳтиёжини яхшироқ қондириш учун ўзининг баъзи эҳтиёжларидан вақтинча кечишга одатланиши керак. Оиланинг умумий эҳтиёжига доир масалаларини муҳокама қилишга болани кўпроқ жалб қилиш лозим.

3. Агар оиланинг моддий шароити жуда яхши бўлса, боланинг ўз teng-дошлари олдида бундай яхши шароит билан фуурланиши ва мақтанишга одатлантирмаслик керак. Бола оиланинг бойлиги-дан ўзгалар олдида гердайишга ҳеч қандай асос йўқлигини тушу-ниш зарур.

4. Ота-оналар болаларининг ҳалол, ростгўй ва софдилликка одатланиб боришларини диққат билан кузатиб боришлари керак. Улар ҳеч нарсани боладан атайнин яширмасликлари ва шу билан бирга унинг кўз ўнгига ётган бўлса ҳам, сўроқсиз олмасликка ўрга-тишлари зарур. Ҳавас келтирадиган ҳар хил нарсаларни атайнин бо-ланинг кўз ўнгича қўйиб, уни ана шу нарсаларга бепарволик билан, сухлик қилмай қараашга ўргатиш лозим.

5. Оиласда тежамкорлик ва эҳтиёткорлик тарбиясини тўғри таш-кил этиб, эскириб қолган нарсаларни яхшилаб таъмир қилиб, янги-сини сотиб олиш вақтини чўзиш ва шу йўл билан ота-оналар ёки оиланинг бошқа аъзолари топган пулнинг маълум қисмини тежаб қолиш болани жуда кичик ёшлигидан бошлаб хўжалигини яхши юритмоқчи бўлган киши рўзфорда қайси нарсанинг эскира бошлан-

ганини аввалроқ пайқаши, рўзғор буюмларининг жуда эскириб қолишига йўл қўймаслиги, уларни ўз вақтида тузаттириш, бозорда ёки дўконда тасодифан кўриб қолган нарсасини сотиб олавермай, балки ҳақиқатдан керак бўлган нарсани сотиб олиши мақсадга му-вофиқдир. Болаларга ҳам шу одатни сингдириб бориш керак.

6. Бола фақат ўз хонадонидаги буюмларинигина эҳтиёт қилиб қолмай, балки бошқа кишиларнинг буюмларини айниқса, кўпчилик фойдаланадиган буюмларни ҳам эҳтиёт қиласидиган бўлиши лозим.

7. Тежаб-тергаб иш кўриш одатларини болада мумкин қадар эртароқ тарбияламоқ керак. Одат машқ қилиш билан ҳосил бўлади. Шу йўл билан болада буюмларни тежаб-тергаб туриш истагини доимо рағбатлантириб туриш керак.

8. Пулни тежаб-тергаб сарфлаш айниқса муҳимдир. Бундай ҳаражатларнинг рўйхати боланинг ёшига ва оиланинг қурбига қараб турлича бўлиши мумкин. Дейлик, 10 яшар бола учун тахминан қўйидагича рўйхат тузса бўлади: дафтар, китоб сотиб олиш, йўл кира, бутун оила учун нон, сут, сарёғ, совун сотиб олиш, унинг ўзи ва укасига ручка олиш... бола катта бўлган сари, бундай ҳаражатлар рўйхати анча масъулиятлироқ ва мураккаброқ бўла бориши лозим.

Оилада ота-оналар ўз фарзандларининг меҳнатсевар, тежамкор ва эҳтиёткор кишилар бўлиб етишишларида ўзлари намуна бўлишлари керак. Бу тарбия ишлари учун жуда муҳим омиллардан саналади.

Оила бюджети ва хўжалиги.

Бизнинг мавзуни ўрганишда оила бюджети ва хўжалиги, уни режалаштириш, ота-она, болалар ўртасида ишларнинг тақсимланиши ва оиланинг иқтисодий манбаи хусусида фикр юритилиб, ўқувчиларда оила бюджетининг даромади ва ҳаражати, оила хўжалигини бошқариш каби тушунчалар шакллантирилади.

Ўқитувчи дарснинг ташкилий қисмидан кейин қўйидаги икки лавҳани икки ўқувчига ўқитади.

Пул ва молни керакли, зарур нарсаларга сарфлагандан кейин қолган пулдан бир қисмини келгуси кунлар учун сақлаш лозим. шундай қилинса, доимо иқтисод қилиб борилса, катта сармоя ҳосил бўлади.

Иқтисод қилишга, тежапга одатланган одамлар саодат ва тинчлик билан умр кечирадилар. Тўғри, яхши ёйиш, ичиш, кийиш ке-

рак, аммо «кўрпангта қараб оёқ узат» нақлига амал қилинса, бошқаларнинг нарсаларига таъна қилинмайди, кўнгил ҳам ҳотиржам бўлади. Қўлида бўлган пулга, мулка қаноат қилмаган одамнинг нафси бутун дунё молига ҳам қаноат қилмайди.

Исроф – ўринсиз фойдасиз ишларга пул ва мол сарфлашдир. Қўлдаги пул ва молни керакли жойларга сарфлаш, яхши идора қила олиш, исрофгарчиликдан сақланиш лозим. Шуҳрат қозониш учун тўй ва зиёфатлар қилиб, пул сарф этиш нодонликдир. Исроф натижасида йўқчилик, кейин ҳар кимнинг мол, давлатига таъна ва ҳасад қилиш келиб чиқади.

Байт:

Сен агар исроф этишни ташладинг,  
Ул замон давлат этагин ушладинг.

Ўқувчиларнинг ана шу икки лавҳа хусусидаги фикрлари умумлаштирилиб, давом этилади.

Ҳар қандай оила маълум бир даромад ҳисобига яшайди. Ҳукуматимиз оиласаларнинг иқтисодий қувватини оширишга яқиндан ёрдам бериш мақсадида йилдан йилга меҳнаткашларнинг ойлик иш хақларини оширияти, пенсионер, студент, ёлғиз она ҳам давлат эътиборидан четда қолаётгани йўқ. Давлатимиз оиласага маънавий, иқтисодий жиҳатдан ёрдам берар экан, оиласада келажак яратувчисининг характеристи, меҳнатга муносабати, ахлоқи, ғоявий-маданий савијаси ўсишини кўзда тутади, оиласаларни кундалик рўзгор учун зарур нарсалар, уй-жой билан таъминлашни, аёлнинг меҳнатини енгиллаштиришни ўз олдига вазифа қилиб қўяди. Бу эса ўзбек оиласининг мустаҳкамланишида, бюджет ва хўжалиги ривожида муҳим аҳамият каасб этади.

Ёш оиласалар фақат бир-бирларини тушунмаслик туфайлигина эмас, балки иқтисодий шароитни йўлга қўя олмай ажralадиган ҳоллар ҳам учрайди.

Шундай оиласалар борки, қийинчилик билан топилган пулни, осонгина совурадилар, улар оиласининг иқтисодий масалалари билан юзаки шуғулланадилар. Аммо бу борада ўнлаб кўрадиан кўп муаммолар бор.

Оила аъзолари ойига қанча иш ҳақи олишлари аниқ, лекин шу пулни қайси мақсадларга, қандай сарфлаётгандарни ҳақида аниқ ҳисоб-китоб йўқ.

Оила бюджети – оила аъзоларининг ойлик иш ҳақи ҳисобидан түпланиб, даромад ва ҳаражатлар йиғинди сидир. Хўш табиий ва майший эҳтижга сарфланганидан қолган мабларни нимага сарфлаш керак? Туркистон саёҳат учунми? Китоб сотиб олишгами? Қиммат баҳо кийимлар учунми? Машина харид қилишгами? Буни оила аъзолари ҳал қилиши керак.

Оилада болаларни ёшлигиданоқ оиланинг иқтисодий масалаларни ҳал қилишга жалб этиш биринчидан, боланининг ота-она оддидаги қадрини оширади, боланинг ўзига ишончини кучайтиради, иккинчидан, пул сарфлаш маданиятига, ҳисоб-китобга, тежамкорликка ўргатади. Оила хўжалигининг иқтисодий масалалари демократик асосда, ҳамма оила аъзолари иштирокида ўтадиган оилаларда пул-маблағ сабабли жаңжаллар рўй бермайди, балки оила аъзоларини оила жамоасига янада жиспластиради.

Доимий равишда пул етмай қолиши, кўпгина оилаларда уруш жаңжалга сабаб бўлади. Улар пулни расамади билан ҳаражат қилишини билмайдилар. Пулни ҳисоб-китоб билан ҳаражат қилиш ҳақида ўқувчиларга бир топишмоқ айтиш мумкин:

«Ота ўғлига чақа пул бериб:

· Ўзимизга, сиришимизга, товуқларимизга егулик бирор нарса харид қил, -деди.

Ўғли бозорга борди, ўйлаб-ўйлаб бир нарса харид қилиб келди. Бундан ота хурсанд бўлди. Ўғил нима сотиб олган эди?»

· Қовун.

Ўқитувчи жавобини изоҳлаб, давом қилди.

Оила бюджетини, хўжалигини тўғри бошқариш учун йил бошида эр-хотин бир йил давомида қилинадиган ҳаражатларни ҳисоблаб чиқади. Бу умумий даромадга нисбатан олинади. Ҳаражатлар уч қисмга ажратилади.

1. Ҳар ойда такрорланадиган жорий ҳаражатлар: озиқ-овқат, турар жой ҳақи, транспорт, гигиенага сарфланадиган маблағ.

2. Аниқ ҳисоб-китобсиз, таҳминий сарфлнадиган (китоб харид қилишга, газета-журналга) маблағ.

3. Узоқ муддат сақланадиган буюмлар сотиб олишга сарфлана-диган маблағ.

4. Йиллик умумий даромаддан страхованиега, оиланинг катта аъзолари сарф қиласидиган баъзи ҳаражатларни чиқариб ташлаймиз.

Ҳаражатни режалаштиришни кунда бўладиган ҳаражатларнинг аниқ миқдорини белгилапдан бошлаб керак, шундай ундан даромад узоқ муддат сақланадиган буюмлар сотиб олишга ҳаражатланади

Кундалик ҳаражатлар оиланинг умумий даромадига ҳамда яшаш усулига қараб белгиланади. Бунда уй-рўзғор ишларини бошқарадиган аёлга ҳам кўп нарса боғлиқ, шундай аёллар борки, ҳеч қачон овқатни, нонни исроф қилмайди, ҳаммаёқ сарамжон-саришта, ҳеч шошиб қолмайди, рўзгорида доим ҳамма нарса етарли бўлади. Бошқа бир аёл бунинг мутлақо тескариси. Бу эса аёлнинг қизлигидаги уйида олган тарбиясига ҳам боғлиқ.

Баъзи оилалар кайф-сафони, тўкин-сочин дастурхон атрофида меҳмон кутишни, совға-салом билан меҳмонга боришни, бошқа бирлари саёҳатни, яна баъзиларни кутубхоналари учун китоб йиғини севадилар. Ҳаражат ҳам шунга қараб бўлади.

Айрим болалар ота-оналарининг ойлик даромадлари қанча эканлигини билмагани учун баъзи қимматбаҳо нарса олиб беришни талаб қилиб туриб олади. Ойлик даромадни билганда у бундай қилмасди. Шунинг учун Макаренко болани оила хўжалигини юритиши ишларидан хабардор қилиб туриш кераклигини уқтирган эди.

Агар оила яхши таъминланган бўлса, бу ҳақда боланинг ўртоқларига мақтанишига йўл қўймаслик керак.

Оила ўз эктиёжларини қийинчиллик билан (маълум бир сабабларга кўра) қилаётган бўлса, шундай қилиш керакки, бола бошқаларга ҳасад билан қарамасин. Бола меҳнатсиз келадиган даромаддан кўра, қийинчиллик билан, меҳнат билан оила ҳаёти яхшиланишидан фахрлансин.

Агар оилада пул маблағлари тўғри сарфланса, бу оиладаги бола босиқ, тежамкор, пулнинг қадрини биладиган бўлиб улгаяди.

Шунақ оилалар борки, ойлик олиши билан болаларга шириналлар, ўйинчоқлар совға қилинади-ю, кейин танг ҳолга тушиб қолишиади. Бундай оилалардаги болалар пул ва буюмларнинг қадрига етмайди, борган сари катта талаблар қўя бошлайди. Ота-она қийинчиллик билан бўлса-да боланинг хархашасидан қутилиш учун айтган нарсанини олиб беради.

Бундан болада боқимандалик кайфияти, исрофгарчилик одати, худбинлик пайдо бўлади. У ҳақиқий юрт граждани, меҳнаткаши бўла олмайди.

Бундан болага умаман совға бермаслик керак, деган маъно чиқ-майди, совға болага катта хурсандчилик баҳш этади ва совға кутади! Пухта ўйлаб қилингган совғанинг тарбиявий аҳамияти катта бўлади.

Боланинг оила хўжалиги ишларида қатнашиши ўзининг ортиқ-ча талабларини тийишга, исрофгарчиликка қарши курашга ўргатади. Бола 8-9 ёшга етганда ҳаражатларни ҳисобга олган ҳолда олдиндан пул бериб туриш мумкин. Бола бунга ўргангандан кейин уни мунтазам таъминлаб туриш зарур.

Боланинг меҳнати ёки ўқиши ҳеч қачон пул билан рағбатлан-тирмаслик керак.

### **5-§ Ота-оналарга тарбияга оид билим бериш**

Инсон омилини ҳар томонлама камол топтириш, ўзаро ёрдам, ўртоқлик муносабатларини янада яхшилаш, шахсий оилавий ва ижтимоий ҳаётда оддийлик ва ҳалоллик, хушмуомалалик ва ростг-ўйлик каби маънавий-аҳлоқий инсонларга хос бўлган сифатларни янада такомиллаштириш асосида республикамизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш давримизнинг энг муҳим истиқболли режаларидан хисобланади.

Кишилик жамият тараққиёти тарихидан маълумки, бола шахсининг камолоти оиласида шаклланади.

Оила жамият ҳаётини олға сурувчи, уни янада юксак босқичларга кўтариб, равнақ топтирувчи, келажак авлодларни тарбиялаб етиштирувчи, камол топтириш учун масъул бўлган фоят муҳим ўчидир.

Жамиятимиз тараққиёти ўзининг ривожланиш қонуниятларига асосланган ҳолда шахс етуклигини таъминловчи ва тарбия самара-дорлигини оширувчи омилларни вужудга келтириш талабини қўймоқда. Шу билан бирга республикамиз тараққиёти билан оила, унинг барча ҳаётий босқичлари жiddий ўзгаришларга учраётганлигини ҳам эсдан чиқармаслик керак. Бизнинг янги оила вужудга келтириш борасидаги муваффақиятларимиз шак-шубҳаиздир. Оила эркаклар ва аёлларнинг тўла тенг ҳуқуқлиги, оила учун баб-бара-вар жавобгарлиги асосида қурилади. Бироқ, янги оилани вужудга келтириш оддий иш эмас. Бу мураккаб жараён бўлиб, унинг ўз муаммолари мавжуд. Мустақил оила – унинг энг муҳим негизларидан биридир.

Республикамиз моддий-техника базасининг ривожланиши ўз навбатида оиланинг моддий маънавий камолотига, бу эса ўз навбатида оиладаги болалар тарбиясига ўёки бу даражада таъсир кўрсатади. Меҳнаткашларнинг турмуш шароитларининг муттасил яхшиланишига, фаровонлигига олиб келади.

Оиладаги даромадларнинг ошиши, бир томондан, ота-оналарнинг билим савиялари ва маданий ҳаётларнинг яхшиланишига сабаб бўлса, иккинчи томондан, оила аъзоларнинг юқори маънавий эҳтиёжларининг ижобий шаклланишига, оилавий муносабатларнинг такомиллашувига, бойишига, катталар ва кичиклар орасидаги мулоқот мазмунига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Шу сабабдан бўлса керак, республикамизнинг, жамоатчиликнинг диққат-эътибори оилаларни мустаҳкамлаш, янги оилаларнинг қарор топиши ва шаклланишига қаратмоқда. Чунки ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш давр талабига айланиси бормоқда.

Оила ва оилавий тарбия муаммолари ичидаги ота-оналарнинг тарбиячилик маданиятини ошириш ва уларга умумий тарбияга оид билим бериш давримизнинг долзарб масалаларидан биридир. Оилаларни педагогика ютуқлари билан таништириш уларнинг мустаҳкамлигини таъминлаш воситаларидан, иккинчи томондан, бу ўз навбатида, болаларнинг тарбиясида тегишли шакл ва услубларни такомилластириш йўлларидан биридир. Шунинг учун ҳам ота-оналарни, оилаларни тарбияга оид билимлар билан, тарбия услублари билан қуроллантириш ниҳоятда зарур.

Тарбияга оид билим бериш муаммоси фақат ота-оналарнинг иши бўлиб қолмасдан, балки барча меҳнаткашлар оммасининг иши, кенг маънода давлат аҳамиятига молик ишдир. Республикализ қарорларида таъкидланганидек, барча ташкилотлар, меҳнат жамоалари, умуман жамият аҳлоқий соғлом, маънавий бой, мустаҳкам оилани вужудга келтириш тўғрисида, оналар ҳақидаги, мамлакатнинг келажаги бўлган ёшлар ҳақидаги ғамхўрликни кучайтириши зарур! Ота-оналарнинг болалар тарбияси ҳақидаги, уларни турмушга ва меҳнатга тайёрлаш тўғрисидаги масъулиятини ошириш зарур.

Гап шундаки, жамиятимиздаги ҳар бир тўлақонли шахс болаларнинг тарбиячиси бўлиши, янги инсонни ҳар томонлама камол топтирувчи барча ҳолатларда шарт-шароитларда иштирок этиши лозим. Улар бир йигит-қиз бўлажак ота-оналардир. Шу сабабли

жамиятимиз уларнинг қандай оила қуришларига бефарқ қараб ту-  
ролмайди. Республика из болаларни баркамол инсон қилиб тарби-  
ялаш вазифаларини, оиласарнинг мустаҳкамлиги учун қўйилаёт-  
ган талаблар меҳнаткашларнинг тарбиявий маълумотини ошириш  
заруритини кўтариб чиқмоқда. Бу масала ҳозирги кунда ҳар қачон-  
гидан ҳам муҳимдир.

Атоқли педагоглар тарбияни мақсадга мувофиқ ташкил этиш  
шароитларидан бири ота-оналарнинг тарбиявий саводхонлигига деб  
хисобланган эдилар. Улар оналар ва аёлларни тарбиячилик ишига  
тайёрлаш, уларни тарбиянинг мезон ва услублари юзасидан ўқитиш  
заруритини кўтариб чиққан эдилар. Фақат тарбияга оид билим-  
ларни тарғиб қилиш орқалигина оиласавий тарбия билан ижтимоий  
тарбия уйғунлигини таъминлаш мумкин. Бу ишларни амалга оши-  
ришда маҳаллий шарт-шароит, ўлка материаллари ва ниҳоят, тар-  
бияга оид журналлар, газеталар ва уларда босилган тарбияга оид  
мавзулардаги мақолалардан унумли фойдаланиш мақсадга муво-  
фиқдир. Ота-оналарни тарбияга оид психолого-билимлар билан  
қуроллантирумасдан туриб оиласада тарбия жараёнини тўғри ташкил  
етиш мумкин эмас. Демак, оила ҳаётини тарбиявий жиҳатдан тўғри  
ташкил қилиш учун ўқитувчилар, кенг жамоатчилик педагогика  
фани орқали аҳолига ёрдам бериш ота-оналарга тарбиявий билим  
бериш тизимини ишлабчиқишилари лозим.

Педагог-олимлар тадқиқотларида исботланганидек, оиласавий тар-  
бияга доир ишлар қуйидаги шароитларда бажарилса, унинг сама-  
радорлиги янада ошади:

1. Мактаб ўзининг барча таъсирлари мажмuinи оиласавий тарбия  
жараёнига изчил йўналтира олса;
2. Ўқитувчилар жамоаси оила билан ўзаро ҳамкорлиги даврида  
ўзларининг этик-педагогик тарбиявий талабларини тўғри ташкил  
эта олсалар;
3. Халқ маорифи бўлими ва муассасалар ташкилотчи ота-она-  
ларни тарбиявий жараёнга торта олсалар;
4. Ўқитувчилар томонидан оиласавий тарбияга раҳбарлик бола-  
лар мактабга келмасдан олдин бошланса ва бу иш уларнинг барча  
ўқув йилларида давом эттирилса.

Бу масалаларни ижобий ҳал қилишда шаҳар, ноҳия ижроия  
қўмиталари ва халқ таълими бўлимларининг тарбиявий имконият-

лари кенгаяётган пайтдаги таъсири ҳозирги кун нуқтаи назаридан муҳим аҳамият касб этмоқда. Демак, мамлакатимизда умумий таълимни сифат жиҳатидан тубдан янгилаш асосида ёшларни ҳар томонлама камол топтириш учун аҳолига тарбиявий билим беришни ҳар қаочонгидан ҳам юқори савияга кўтариш бизнинг муқаддас бурчимиздир.

Оиланинг ижтимоий куч-қуввати унинг тарбия бериш имкониятларида, ижтимоий фаол инсонни тарбиялаш қобилиятларида эканлигини деярли ҳаммамиз биламиз. Лекин била туриб ҳамма вақт ҳам бу имкониятлардан фойдалана олмаймиз ёки тарбия беришда ўзимиз сезмаган ҳолда хатоларга йўл қўймиз.

Кузатишлиар шуну кўрсатмоқдаки, ота-оналарга тарбияга оид умумий таълим беришда ечимини кутаётган муаммолар ҳам кўп. Шу сабабли уларни бир йўла йўқотиб бўлмайди. Тарбиявий умумий таълимнинг самарадорлиги кўп жиҳатдан ва асосан, барча меҳнаткашлар оммасининг бир мақсад асосида бирлашмаларига, бу борада ҳалқ таълими муассасаларига, ўқитувчилар жамоаларининг стакчилик қилишларига ҳамда ташкилотчиларга боғлиқ. Амалда нима бўлмоқда? Амалда эса бу масалалар билан фақат ҳалқ таълими органлари ва ўқув юрглари шуғулланмоқдалар. Маданият, соғлиқни сақлаш, адлия, педагогика жамияти ходимлари, завод, фабрика, жамоа хўжалиги ишчи ва хизматчилари бу ишга деярли жалб қилинмаган. Тарбиявий умумий таълим тизимига ҳали барча тарбияси қийин ўсмирларнинг ота-оналари жалб этилмаган ва ҳакозо.

Тадқиқотлар шуну кўрсатмоқдаки, умумий ўрта таълим савишининг паст малакали шахсларнинг вужудга келишига, бу эса ўз навбатида моддий таъминотнинг ёмонлашишига, оила маънавий дунёсининг ғариблапшишига, маданий бойликлардан маълум даражада бебаҳра қолишига, шунингдек, уларни ўзлаштириш қийинчиликларини юзага чиқаради. Шуларга асосланиб, болаларнинг таълим ва тарбия тараққиёти савиаси кўп омилларга:

- а) ота-оналарнинг саводхонлигига;
- б) болалари учун хоналарнинг таъминланиш шароитларига;
- в) оиласдаги болалар сонига;
- г) оиласда ота ёки онанинг борлигига ёки бирортасининг йўқлигига;
- д) ота-оналарнинг маълумоти, касбига;

е) оиланинг моддий таъминланиши ва ҳакозоларга боғлиқ деб айта оламиз.

Ҳозирги кунда жумҳуриятимизнинг кўпгина шаҳар ва қишлоқ-ларида тарбияга оид билимларни тарғиб қилишда қуйидаги шакллардан фойдаланиш мақсадгага мувофиқдир:

Аҳоли учун очилган тарбия маданиятини тарғиб қилувчи халқ университетлардан: халқ маорифи томонидан ясли, боғча ва мактабларда очилган ота-оналар университетларидан: жамоатчилик асосида ишловчи олий ўқув юртлари қосида очилганота-оналар факултетидан; ота-оналар лекторийси; семинарлар, курслардан; тарбиявий ҳуқуқий билимлар мактабларидан; мактаб ёшидаги болаларнинг ота-оналари учун тарбиявий ва тиббий маслаҳатларидан; педагогика ва болалар риҳиятига доир масалаларни ўрганувчи тўгараклар ва бошқалардан.

Бу ана шунга ўхшаш илмий-ташкилий ишларни илмий жамиятлар, руҳшунослар жамияти, мактаб ота-оналар қўмитаси, оиласда ёрдам берувчи кенгашлар, газета, журнал таҳририятлари ва телевидение кўрсатувлари олиб боради.

Агар ота-оналарга умумий тарбиявий билим беришда олимларнинг тавсиялари, оиласий тарбияга доир халқ педагогикаси тажрибалари, шаҳар, туман, қишлоқ, меҳнат жамоалари, шунингдек, меҳнат ва уруш фахрийларининг маслаҳатлари, тавсияларига таянилса, сўзсиз бу ишнинг самарадорлиги ошади.

Оиласадаги тарбиявий шароитни яхшилаш ёшлар тарбияси самарадорлигини оширишга бевосита ижобий таъсир кўрсатади. Албатта, бунда оиланинг руҳий муҳити, оила аъзоларининг ўзаро муносабатлари асосий ва ҳал қилувчи роль ўйнайди. Мактаб, синф, ўртоқлари ва барча мuloқot манбаларига нисбатан оиласда аниқ тарбиявий омилларга амал қилинса, назорат остига олинса, тарбия тўғри йўлга қўйилган бўлади.

Ота-оналанинг болалар тарбиясига доир ўз билимларини доимо ошириб боришлари, тарбияда талабчанлик, ота-она ва катта ёшдаги кишиларнинг ўзаро аҳиллиги, кичикларга ғамхўрлик оиласий тарбия асосини ташкил этади. Бусиз оиласий тарбияда муваффақиятта эришиш мумкин эмас.

Иккинчи томондан, ҳар бир оиласда бола тарбияси юзасидан аниқ бир мақсад бўлиши керак. Энг муҳим, ёш авлод тарбиясига ота-она

ёки ака-ука, опа-сингил сифатидагина эмас, балки жамиятнинг ҳақиқий фуқароси сифатида ҳам эътибор бериш, ёшларни мазмунли келажагимизга ишонч ва садоқат руҳида тарбиялаш зарур.

Бола ҳаёт ҳақида, яхшилик ёки ёмонлик, фойдали ёки заарали тушунчаларни биринчи навбатда оиласда ота-онаси, ака-ука ёки опа-сингилларидан олади. Агар боғча, мактабларда тарбиячи, ўқитувчи болаларга таълим берса, тарбияласа ота-оналар фақат тарбиялаб қолмай, балки улар билан бирга яшайдилар ҳам. Бинобарин, улар болаларга таъсир кўрсатишнинг кўп имкониятларига эгадир. Ҳамма гап шундаки, оиласвий тарбиянинг самарадорлиги болаларнинг тарбияси учунгина сарфланган вақт билан ўлчанмай, балки оиласнинг ижтимоий ҳаёт босқичи билан, ота-оналарнинг обрўси ва уларнинг ахлоқи билан аниқланади. Бунда ота-оналарнинг катта ёшдаги кишиларнинг бола тарбияси юзасидан бурч масъулиятини чуқур ҳис қилишлари етакчи мезондир. Аниқроқ қилиб айтганда, оила даврасида катталарнинг, хусусан, ота-оналарнинг ижобий муносабатлари болаларни тўғри тарбиялашнинг бирламчи ва зарурий шартидир.

Баён этилган фикр ва мулоҳазалар ота-оналарга тарбияга оид билим бериш юзасидан қуйидаги умумий хулосаларни чиқариш имконини беради.

Республикамиз мустақилликка эришгач, оиласвий тарбия самарадорлигини ошириш, аҳолининг умумий маданий савиясини ошириш маълум даражада ота-оналар ва катта ёшдаги кишиларнинг саводхонлигига боғлиқ. Сўзсиз бу масалани ижобий ҳал этишда таълим-тарбия юзасидан тарбибот ишларини олиб борувчи ва бу борада тарбиявий марказ ролини ўйновчи ўрта умумий таълим мактабларининг роли бекиёсdir.

Ота-оналарни таълим-тарбия ва ўқув фанлари мазмуни билан таништириш мактабнинг муқаддас бурчидир. Бу вазифаларни фақаттинг амалий ишда, ўқитувчиларнинг амалий фаолиятларидангина рӯёбга чиқариш мумкин. Ота-оналарни тарбиявий маорифга жалб қилишда сўз билан иш бирлиги амалда таъминланган бўлиши шарт.

Мактабнинг том маънода тарбия марказ ролини ўйнапи учун ўқитувчи ва ота-оналарнинг мақсад ва вазифалари, уларнинг амалий фаолиятлари бир-бирлари билан чамбарчас боғланган бўлиши шарт. Бу борада мактабнинг энг муҳим вазифаси ота-оналарга тар-

бия ишида ва болаларнинг меҳнати ва дам олишини кўнгилдагидек уюштиришда амалий ёрдам беришдир.

Аҳоли ва ота-оналар ўргасида ижтимоий тарбиявий муҳитни соғломлаштириш борасидаги ишларни жонлантириш, такомиллаштириш оила ва мактаб алоқасини мустаҳкамловчи омиллар. Бу борада ўзаро белгиланган ва тасдиқланган дастурлар асосида ишловчи ота-оналар лекторийлари, университетлар, шунингдек, уларда таҳсил кўрувчи ота-оналар ва ниҳоят, мақсадга мувофиқ танланган лекторлар асосий ва ҳал қилувчи роль ўйнашини ҳам таъкидлаб ўтмоқ лозим.

Тарбиявий маданиятининг самараадорлигини оширишда мактабларда ўтказиладиган ота-оналар мажлиси муҳим аҳамият касб этади. Мақсадга мувофиқ, мазмунли ташкил этилган синф мажлисида тарбияга оид мунозаралар бўлади, ўзаро ёки жамоа таъсир кўрсатишнинг йўл ва усуллари меҳнатсеварлик, вижданли бўлиш, мустақиллик, яхшиликка меҳр-муҳаббат, дўстлик ҳақида фикр юритилиди.

Мактабнинг ота-оналар жамоатчилиги билан алоқа қилишида ўқитувчи ва тарбиячиларга яқиндан ёрдам берувчи бўғин мактаб ота-оналар қўмитасидир.

Мазкур қўмита қабул қилинган умумий қоидалар асосида ота-оналар жамоатчилигини мактаб ҳаётига, синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишларга жалб қилиши лозим. Ота-оналар қўмитаси мактабни оталиққа олган ташкилотлар, жамоа ва давлат хўжаликлари ва бошқа ижтимоий муассасалар билан тарбиявий ишлар юзасидан алоқа қилиш ҳуқуқига эга.

Болаларни тарбиялаш ота-оналарнинг муқаддас бурчидир. Бу борадаги ота-оналарнинг ҳуқуқларини бекор қилиш бизда жуда катта салбий ҳолат саналади. Лекин болаларининг ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишлари ҳақидаги бурчлари тўғрисида эса сукут сақлаймиз. Ахлоқан пок, матънавий дунёси бой сила деганда, биз катта ва кичикларнинг ўзаро ҳурмати, бир-бирларига ёрдами, бир-бирларига иззат ва ҳурмати тушунилади. Халқимизда ёмонликка қарши кураш бўлмаган жойда яхшилик туғилмайди, деган маъноли гап бор. Бу гап ёшлар тарбиясига ҳам тааллуқлидир. Айрим ёшларда кўринадиган ахлоқий нуқсонларни йўқотиш уларда маънавий гўзаллик ҳосил қилиш учун қунт ва қатъият билан курашмоқ

лозим. Бу муҳим вазифани бажариш фақат мактаб ва оиласнинг бурчи бўлибгина қолмай, балки кенг жамоатчиликнинг ҳам асосий вазифаси бўлмоғи керак.

## 6-§. Оиласвий урф - одатлар, анъаналар

Ибтидоий жамиятнинг ilk даврида урф-одатлар шаклланган бўлиб, бу даврда ҳали ҳеч қандай доимий тасаввурлар вужудга келмаган эди. Урф-одатлар жамиятнинг динсиз даврида юзага келган ижтимоий ходисадир. Улар кишиларнинг ижтимоий моҳияти заминида вужудга келиб, жамият ривожланишига, кишилар онгининг ўсишига фаол таъсир кўрсатган. Чунки кишилар анъана ва урф-одатлар орқали ўзларининг меҳнат жараёни, ижтимоий хатти -ҳаракатларини табий-эстетик шаклда ифодалаганлар. Бундай одатларга кўпчилик қизиқиш билан қараган, улар фаол меҳнат малакаларининг ўсишига жиддий таъсир этган, кишиларда кучли ижобий туйгулар уйғотган.

Урф-одатлар орқали шахс жамоа билан чамбарчас боғланган, жамоанинг ижтимоий, аҳлоқий нормаларини, идеалларини англаган ва қабул қилган. Демак, анъана, урф-одатлар инсоннинг ҳам ҳиссиётига, ҳам тафаккурига кучли таъсир этувчи ходисадир. Улар инсонда турли кечинма ва кайфиятлар уйғотади.

Инсон турмушидаги урф-одатлар маълум даражада одамнинг ўз - ўзини, ижтимоий бурчини англашга, шахс сифатида шаклланишига ҳам ижобий таъсир қиласди. Улар одамларга ҳаёт кечириш, курашиш учун ижтимоий йўл - йўриқлар беради. Бу хусусият узоқ ўтмишдаги урф - одатлардан тортиб, бизнинг давримиздаги урф - одатларга ҳам хосдир. Чунки - фан, адабиёт, санъат соҳасида урф - одатлар амал қилмайди, меҳнат анъаналари ҳам урф - одат саналмайди. Урф-одатлар оиласвий турмуш муносабатларининг, аҳлоқий нормаларнинг майдада тафсилотларида намоён бўлади. Хотин - қизлар билан муносабатда бўлиш тартиблари, улар билан саломлашиш қоидалари, кексаларга кўрсатиладиган ҳурмат-эҳтиром, меҳмондорлик ва мезбонлик қоидалари, дағн маросимларига бориш, ундан қайтиш тартиблари ва бошқалар урф- одат ҳисобланади.

Анъаналардан фарқли ўлароқ урф - одатлар кишиларнинг ишлабчиқаришдан ташқари фаолиятларини ўз ичига олади. Шунинг

учун урф - одатлар нисбатан барқарор ижтимоий муносабатлар йиғиндиси ҳисобланиб кўпинча жамоатчилик фикрига таянади. Хулоса қилиб айтганда, кишиларнинг мустаҳкам қарор топган урф - одатлари, дидлари, ҳулқ - автор қоидалари ҳамда ижтимоий муносабатларнинг норма ва принциплари йиғиндисидир.

Маиший ҳаёт ва оилавий турмуш урф - одат билан чамбарчас боғланган ҳодисадир. Улар кишилик жамиятининг тарихий тараққиёт жараёнида шаклланган ва ривожланиб борадиган объектив ҳодиса бўлиб, жамият тарихининг ilk даврида вужудга келган. Урф - одатлар ижтимоий онг билан узвий боғлиқ бўтандагина жамиядаги ижтимоий - иқтисодий ўзгариш ва ривожланиш суръати ҳар бир оиланинг ички тартиби, бошқа оиласардан ажратиб турадиган ўзига хос хусусиятлари бўлади, яъни ҳар бир оилада дам олиш, меҳнатни уюштириш, байрамларни нишонлаш, ўзаро муносабатларга киришда ўзига хослик бор.

Кўпчилик оиласар учун кўтаринки руҳ, завқ - шавқлик, қувноқлик, барча аъзолари учун яхши кайфиятлар хос бўлади. Бундай оиласарда келишмовчилик, нифоққа хожат йўқ. Оила аъзолари бир-бира га меҳрибон, ғамхўр, иттифоқли бўлади. Меҳнат ҳар бирининг ижтимоий мажбурияти, оила аъзолари ҳаётида рўй берадиган ҳар қандай воқеа ҳамма томонидан тантанали нишонланади. Табиийки, бундай оиласарда тарбияланган болалар ҳам ҳар томонлама етук бўлиб етишадилар.

Айрим оиласарда эса, аксинча, ярамас, бўлмагур, ёмон одатлар унда ўрнатилган тартиб бўлиб қолади. Бу оилада оддий муносабат ҳам қўполлик, дағаллик, зулм ва зўрликка асосланган. Ота - она муносабатидаги иллатлар гувоҳи бўлган болалар ҳам қўпол, баджашл бўлиб ўсади. Бу ҳол боланинг тенгдошлари, оиласаги ака - укалари билан муносабатларида салбий шаклда намоён бўлади.

Анъаналар ва урф - одатлар ёшлиарни юксек идеаллар руҳида тарбиялашда таъсирчан воситадир. Зоро, анъана ва урф - одатларни шакллантирип, ҳаётга талбиқ этиш мураккаб жараён бўлиб, бунинг учун узоқ вақт кураш олиб бориш, ижтимоий ва маънавий, ютуқларимизни янада ривожлантириш, умуммиллий анъаналарни такомиллаштириш талаб этилади.

Янги анъаналар ва урф - одатлар турмушимизни маънавий жиҳатдан тўлдиради, турмуш тарзининг ижтимоий - аҳлоқий, эстетик

идеалларини, хулқ - атвөр намунасини, кишиларнинг меҳнатта бўлган  
муносабатини мустаҳкамлайди, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик,  
фояларини акс эттиради.

## VI. БҮЛІМ.

### ТАРБИЯВИЙ ТАДБИРЛАРНИНГ БОЛА ТАРБИЯСИДАГИ ҮРНИ

#### Мавзу: «Бириңчи құнғироқ - салом мактаб» байрамы

Инсоннинг шақылланиши жараәнида унинг мактабга илк қадам қўйиши ва билим олишга киришиши энг муҳим ходисалардан биридир. Бу воқеага ота-оналар, мактаб маъмурияти ва болалар олдиндан тайёргарлик курадилар. Болалар мактабга илк марта борганды ҳаяжонли ва тантанали ҳолат, яъни байрам кайфияти вужудга келади. Айнан шу пайтда мактабларда «Салом мактаб» ёки «Бириңчи құнғироқ» байрами шунчаки бириңчи сентябрни нишонлаш бўлиб қолмай балки жаҳжигина ўғил-қизларнинг буюк ва муқаддас даргоҳ – мактабга қадам қўйишлари кунидир.

1 сентябрь – Мустақиллик, Тинчлик, Билимлар байрами кунидир ва буларнинг билимлари тантанасининг тимсолидир. Мустақиллик байрамининг давоми сифатида Янги ўкув йили бошланишининг ўзида ҳам рамзий маъно бор. Бу умумхалқ байрами бўлиб чуқур ва Ёрқин билимлар оламига саёҳат қилиш учун ижодий кураш сифатида анъанага айланмоқда.

Ўқитувчи ўкувчилар учун муборак шодлик куни бўлган бириңчи құнғироқ чалинадиган байрамни муносиб ўтказиш учун қуидаги биричи құнғироқ байрами тартиботини эътиборингизга ҳавола этамиз.

#### «Бириңчи құнғироқ» байрами тартиботи

Бугун янги ўкув йилининг бириңчи куни катаю ёш ўқитувчию ўқувчи барча-барча шод.

Мактаб ҳовлиси байрамона безатилган. Ҳамма ёқ ораста. Деворларда қуидаги шиоралар осилган: «Истиклол муборак Ўзбекистоним!», «Ватан мустақиллик нурига тўлсин», «Жаҳон харитаси мукаммал бўлсин», «Янги ўкув йилингиз муборак бўлсин», «Биричи құнғироқ». Тантаналарига ота-оналар, ҳомий ташкилот вакиллари, маҳалла фаоллари фахрий ўқитувчилар таклиф этилади.

Тадбир бошқарувчиси тантанага тайёргарлик ҳақида ахборот беради.

*I-сухондон.* Азиз юргдошлар! Бугун элимизда Яна бита байрам – Мустақиллик байрами. Мустақиллик ва билимлар куни байрами-

дир. Байрам муборак азиз дўстлар.

Ўзбекистон мадҳияси янграйди.

2-сухондан.

Мустақиллик куйлайман сени

Бор овозим куйларим билан.

Мустақиллик асрайман сени

Керак бўлса куйларим билан.

Мустақиллик куйлайман сени

Бор ҳаётим билан.

Мустақиллик куйлайман сени

Керак булса ҳаётим билан.

*1-сухандон.* Ҳурматли меҳмонлар, қадрли ўқитувчилар, азиз устозлар Ассалому алайкум! Бугун биз учун ҳақиқий байрам. Бугун Янги ўқув йили бошланади. Биринчи қўнғироқ чалинади. Она мактаб ўз эгаларини бағрига олади.

Мактаб ҳақида шеър ўқилади.

Бугун кўпгина ука ва сингилларимиз биринчи маротаба мактаб остонасига қадам қўйдилар. Улар илк бор мактаб ўқитувчи - устоз билан юзма-юз келмоқдалар. Бу жажқи кичкинтойлар мактабимиз даргоҳида таълим-тарбия олгани қадам қўйдилар. Келинг, бугун биз уларга билим олишларида ирода тилаб қоламиз.

*2-сухондан.* Бугун юртимиз қўша-қўша байрамларнинг гувоҳи бўлаяпти. Бугун чалинаётган карнай-сурнай садосига жўр бўлиб янги ўқув йили бошлананаётганидан дарак берувчи қўнғироқ ҳам жаранглади.

**«Салом мактабим» қўшифи ижро этилади.**

*2-сухандон.* Мустақиллик мактабимиз энг ёпи авлоди бугун интилик билан қалбларида ҳаяжон қўлларида гулдаста билан мактаб остонасига илк қадамларни қўйяптилар. Уларнинг ота-оналари комил ишонч билан, келажакка катта умид билан ажойиб, меҳрибон, билимдон, жонкуяр устозлари қўлларига фарзандларини топширадилар. Ўз навбатида болалар ҳам устозларга миннатдорчилик изҳор этадилар.

Кичкинтойларнинг чиқиши.

*1-йқуевчи:*

Мен мактабга бораман  
Бугун биринчи септемврь  
Үртоқжон бўл бирга юр!  
Нега шошилмай ахир  
Мен мактабга бораман.

*2-йқуевчи:*

Чехрамда шўх табассум  
Гулга тўла қучоғим.  
Бу кун сени кутяпман  
Жарангла қўнғирогим.

*3-йқуевчи:*

Ўқитувчим онамдир  
Мактаб билим қучоғи.  
Тезроқ китоб очайин  
Жарангла қўнғирогим!

*4-йқувчи:*

Янги сафарга бошла  
Гулласин чаман боғим.  
Жарангла қўнғирогим!  
Ютуқлар бўлсин мўл-кўл  
Очайлик тинчликка йўл.  
Ватан-суянган тоғим  
Жарангла қўнғирогим!

*«Олиб беринг алифбе» шеърий саҳна кўриниши (қизча ва онаси иштирок этади)*

*Онаси:* Қизалогим сенга мен  
Атлас олиб берайми

*Қизча:* Йўқ!

*Онаси:* Чамандаги алвон ранг  
Гулдан териб берайми?

*Қизча:* Йўқ!

*Онаси:* Нима бўлди айт қизим? Олақолгин ўйинчоқ!

*Қизча:* Ҳей,

Мени севсангиз ойи  
Олиб беринг алифбе.

## «Тинчлик» шеъри

*1-ўқувчи:*

Тинчлик бўлсин доимо  
Осмон бўлсин мусафро.  
Куёш кулсиян дунёда  
Уруп бўлмасин асло.

Ўқувчилар ваъдаси  
Ўқийман! Мақсадим- мактабимизнинг фахри, аълочиси, эркаси  
бўлмоқ!

*1-сухандон:* Юракка ва кейин дафтарга аввал «ватан» сўзини  
битамиз

### Ватаним.

Ватан бу-озодлик дегани  
Ватан бу-она тилингда ўйламоқ  
Ватан бу-она тилингда сўзламоқ.  
Кани болалар биргалашиб ҳайқиринг.  
«Ўзбекистон – ватаним менинг»  
Ўзбекистон ҳақида кўшиқ ижро этилади.

*2-ўқувчи.* Табрик учун сўз 11-синф ўқувчиларига (11-синф ўқув-  
чилари сўз оладилар)

*1-ўқувчи* Бу кун ўзгачадир жилвали олам  
Бу кун ўзгачадир қувонч ҳамдам.

*2-ўқувчи.* Бу оламда сиз борсиз азиз устозлар  
Шунчалар жилвали, шунчалик эрка.  
Ана кўраяпсизми олам гулларин  
Сизга узатмоқда қалблари ила.

*3-ўқувчи.* Бу олам гуллари сизнинг гулингиз  
Сиз таратган зиё келажак олар  
Бу олам-у сизнинг ўқувчиларингиз  
Сиздан таълим олган ҳақиқий одам.

*4-ўқувчи* Азиз устозлар мисли гўё  
Ҳарорат-ла яшар ҳар шогирд каби.  
Куйи меҳри-зиёси тушанмас абад  
У ҳудди сизнинг нур меҳрингиз каби.

**Ҳамма ўқувчилар биргаликда.**

**Азиз устоз сизга ҳамиша таъзим! (карнай-сурнай садоси остида хаваскорлик тўғараги қатнашчилари рақсга тушади)**

**Жажоқи кичкинтойларни табриклиш учун сўз мактаб директорига берилади.**

**Мактаб директори:** Ҳурматли устоз муалимлар, азиз ўқувчилар! Мана бугун сиз янги ўқув йилини бошлаш учун йифилдингиз. Сизларни янги ўқув йили билан табриклайман. Азиз ўқувчилар сизлар билим олишга жиддий эътибор беришингиз лозим. Илмли билим-дон киши ҳар доим ўз қадрини топган. Буюк донишманд Мирзо Улугбек ўз даврида

«Илм инсон кўзини очар қулогин очар,  
Фан мияга идрок билан ёргуллик сочар.

**2-сухандон.** Шукурлар бўлсинки мустақиллик туфайли ўз тили-мизга эга бўлдик. Унга Давлат тили мақоми берилди.

### **Она тили**

Тилим тилим она тилим  
Тиллар ичра сора тилим.  
Ширин шакар маъно тилим.  
Она тилим-аъло тилим.  
Ўтмиши бор, тарихга бой  
Навийдан олган чирой.  
Орзу-хавас бунда талай  
Она тилим-аъло тилим.  
Яна қайта туғилгансан  
Бахт иқболга йўғрилгансан.  
Ўлкамизга нур бўлгансан  
Она тилим – аъло тилим.

**1-сухандон:** Энди табриклиш учун сўз навбати маҳалламиз оқсоқолига (Ўзбекистон Республикаси Конститутсијасининг ҳалқ таълимига оид моддаси ҳақида гапириб ўтди).

**2-ўқувчи:** навбт 10- синф ўқувчиларига «становар» рақси ижро этилади.

**1-ўқувчи:** Сўз бошланғич синфлар бўйича илмий бўлим мудирига берилади.

**2-ўқувчи:** Ўқувчи: энди азизлар табриклаш навбатини укажон-ларимизга берамиз.

Сүз 3-синф ўқувчилариға берилади. Улар «мактабни соғиниб» шеърини ўқишилади.

**1-ўқувчи:**

Соғинибман мактабим  
Росаям буни қарап.  
Юракдан чиқар гапим  
Юрган эканман аранг.

**2-ўқувчи:**

Иккінчи соғинганим  
Синфдош-тенгүрларим.  
Уларни күрганимда  
Тұлғандай бүлди бағрим.

**3-ўқувчи:**

Құнғирок жараптари  
Мусиқадай жонга ҳузур.  
Ортиқроқ айттан бүлсам  
Соғинчим узр-узр.

**4-ўқувчи:**

Синфимиз эшиги-чи  
Очғандай бүлди қулоқ.  
Соғинчу севинчимни  
Таърифлаш кийин шу чор.

**2-ўқувчи:** 1-синфларни табриклаш учун сүз 11-синф ўқувчилариға берилади .

**1-ўқувчи:** Бириңчи құнғироқни қалиш 11-синф аълочи ўқувчиси билан 1-синф ўқувчисига топширилади.

Байроқдор гурух чикиб кетади.

11-синф ўқувчилари 1-синф ўқувчилариға эсталик совғалари беріб мактабга олиб кирадилар. Шу вақтда мусиқа янграйди (хамма ўқувчи ўз устозлари бошчилігінде синфларига йўл оладилар).

**Мавзу: «Ватанни севмоқ иймөндандыр»**

Эртаниң күнинг эгалари бўлган ёшларни ватанпарварлик, милитий фурур ва ифтихор руҳида тарбиялаш энг долзарб масаладир. Чунки ватан келажагини ёшларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шунинг учун келажак авлодни ҳар томонлама етук, баркамол инсонлар қилиб тарбиялаш иши Президентимиз ва давлатимиз раҳбариятининг олиб

бораётган ишларида энг муҳим вазифа бўлиб туриди.

Ёш авлодни Ўзбекистонимиз тарихи, унинг бой маданий меъро-си, республикамиз рамзларига садоқат руҳида тарбиялаш, шундай Ватанда яшаётган фаҳрланиш туйғусини шакллантириш бизнинг шарафли бурчимиздир. Бунинг учун ҳар бир дарсда ватанпарвар-лик туйғусини шакллантиришга ёрдам берувчи омиллардан моҳи-рона фойдаланиш, шахснинг ўзлигини англашга, халқ баҳт-саода-ти учун курашувчи қилиб тарбиялаш, уларни ҳалол меҳнатга ўрга-тиш даркор.

«Ватанинни севмоқ иймондандир» мавзусидаги эрталикнинг мақ-сади ҳам, аҳамияти ҳам Ватан туйғусини муқаддаслигини аниқлашга йўналтирилган эрталикни ўтказиш учун мактаб саҳнаси чиройли қилиб безатилади. Ўзбекистоннинг давлат байроғи, герби, саҳна тўрига қуйилади. Саҳнадан Ўзбекистонимиз гузал табиати акс эт-тирилган расмлар, етиштирилган ноз-неъматлар ўрин олади.

Эрталик ўқитувчининг кириш сўзи билан очилади:

- Она ватанимиз - ҳур Ўзбекистон! Истиқбол туфайли очади жамол

Инсонлар дили фурур ва иймон, меҳр оқибатда топмокда камол. Саҳнага ўзга сайёраликларнинг фазовий кемаси чироқдарини ёқиб-ӯчириб келади ва тўхтайди.

Ундан овоз эшитилади:

-Мен - Марс! Мен - Марс Мени эшитаяпсизми? Кеманинг кувват олиш қисми ишламай қолди. Мен бир нотаниш сайёрага қўнишга мажбурман.

Кемадан икки киши тушиб келади. Улар саҳнадаги нарсаларни, даврадаги одамларни кўриб ҳайрон бўладилар.

*1-меҳмон:* Бу қайси сайёра?

Оламнинг қайси нуғтаси?

Номи недур?

Унда кимлар яшайди?

*Ўқувчи:* Бу сайёра, Она ердир.

Ер ва инсон дўстлашган.

Жаннат каби гўзал бу юрт,

Номин айтади сен эшиг.

Ўқувчилар жонли ҳарфлар билан «ЎЗБЕКИСТОН» сўзини ҳосил қилишга киришадилар:

Ў - Ўзлигимни топди ўзбек сунбуланинг кунида,

З - Замон силсиласи қайтара олмас мақсаддан.

Б - Баҳт-саодат келар албат, аҳил бўлсак, бизларга

Е - Етукликка интиламиз инсонийлик бурчимиз

К - Камолат, улуғлик томон интилар ҳалқим.

И - Инсонлар орзузи эзгулик, ахир.

С - Сабр-тоқат, иймон булса-да йўлдош,

Т - Тинч ўтар инсон умри, баҳт унга доим йўлдош.

О - Орзу ниятларимиз: тинч бўлсин бутун жаҳон,

Н - Номи жаҳонда жаранглар она юрт - Ўзбекистон !!!

*2-мөҳмон:* Офарин, офарин!

Доимо бўлсин омон,

Юртингиз ва ҳалқингиз доимо бўлсин омон.

*Мөҳмон:* Бу не шодиёна, қандай тантана,

Нега бунда барча одам жамулжам?

*Ўқувчи:* Юртимизда байрамлар кўп, тўйлар кўп,

Бағри кенглиқ, мөҳмандўстлик ҳалқимизга хос

Мустақил Ўзбекистон мадҳини куйлаш,

Дилимизга нур, қалбимизга зур кувонч.

*Мөҳмон:* Ватанингиз анча иссиқ,

Юзингизда ажиб нур.

Менимча, ҳар кунингиз,

Жуда ўтади масрур

*Ўқувчи:* Серқуёшдир ватаним,

Қалбимиз қуёшдан-да илиқдир,

Шунинг учун ҳар кунимиз

Бошланади қушликдан.

Ўзбекистон давлат мадҳияси ижро этилади.

*Мөҳмон:* Юртингиз Ўзбекистон жуда гўзал бу макон.

Давлатингиз рамzlари, не билдирап қадрдон?

Ҳалқим, орзу нияти дилга қувонч солади.

*Ўқувчи:* Байроғимиз дунё узра, юрга довруғ солади.

Байроқдаги тўрт хил ранг, ҳамоҳангдир бирликда.

Бир-бирини тўлдириб, мақсад сари тенглиқда.

*Ўқувчи:* Ҳаво ранг – тинчлик демак,

Оқ рангдир-поклик рамзи

Яшил- яшнагай эл  
Қизил ранг-ҳаёт рамзи,  
Юлдузлари доимо сирли,  
Маъноларни сўзлайди.  
Ўн икки - бу ўн икки ой,  
Тарихдан сўзлайди.

Янги чиққан тўлин ой,  
Ҳар кузни ўзга чорлар  
Дуога очамиз қўл  
Дилга нур, поклик солар.

*Меҳмон:* Байробингиз дунё бўйлаб,  
Хилпирасин, довруг солсин.  
Юрт мақсади, орузиси,  
Ўсиб камолга етсин.

*Ўқувчи:* Тўғримизда орзу,  
Акс этгандир, билинг сиз,  
Хумо қуши етаклар,  
Мақсад сари билинг сиз.  
Пахта буғдой чамбари  
Тўкинилик, тўкин рамзи.  
Куёш, юлдуз, сув тоғлар  
Яшнаган юрт тимсоли

*Меҳмон:* Сўзларингиз тилимизни,  
Кўнглимизни чор қилди  
Юртингизга меҳрингиз,  
Бизни ҳайрон лол қилди.  
*Ўқувчи:* Юртни севмоқ бизларга  
Пайрамбардан меросдир.  
Темир бобом ўғитлари  
Дурлар ичра олмосдир  
Номи дунёда машҳур,  
Боболарим бор менинг,  
Улугбек, Сино, Бобур  
Навоий - жоним менинг.

Шоирларим сўзлайди,  
Ватан мадҳими аъло  
Кўнгилларнинг мадҳида  
Мустақиллик бебаҳо

Шу ерда ўқувчилар шоирларнинг она-Ватанинни улуғловчи шеърлардан, Ватан ҳақида мақол, ҳадислар ўқийдилар, қўшиқ айтадилар, рақсга тушадилар.

*Меҳмон:* Само узра кемамиз,

Йўл кезиб қанот қокди.

Юрт, одамлар ичра сузиб,

Чин дилдан бизга ёқди.

*Ўқувчи:* Сизлар хали биз билан,

Кўп сухбат қурмадингиз,

Юртим бўстонларида,

Сайр қилиб юрмадингиз.

Шундан сўнг ўқувчилар саҳнада давра айланиб, қўлларидағи йўзбекистоннинг ноз-неъматларини, гулларини намойиш қиласди. Уларни тавсиф этадилар.

*Ўқувчи:* Поклик, оқликини пахта,

Халқим дилидан олган.

Шунинг-чун пахта қадри,

Олтингдан ортиқ бўлган.

*Ҳамм а ўқувчилар:* Қанча айтсак шунча оз.

Ўзбекистон мадҳини,

Кўнглимиз тўқ зўр ишонч,

«Ватан -барчамизники»!

Шу ерда фазовий кеманинг чироқлари ёниб, шуъла соча бошлияди.

*Меҳмон:* Эй, азиз инсонлар, баҳтлисиз доим, шундай юрт, шундай эл ичрасиз доим сизни сурурингиздан, кўнглимиз тўлди. Она - юртга меҳрингиздан, серқуёш юртингиздан, қувват олиб кетамиз, кемамиз учишга тайёр бўлди.

*Меҳмонлар:* Хайрлашамиз!

Қолар омад сиз билан,

Яшнасин эл!

Қолар иймон сиз билан

*Ўқувчилар:* Биз ўзбеклар меҳмонларни улуғ кўрамиз,

Ерга ташрифингизни кутлур биламиз,

«Оқ йүл» деймиз күксимизда қўлимиз.

Мәҳмонларга доим очиқ уйимиз.

Ўқитувчининг хотима сўзлари билан эрталик якунланади:

Ақл бойлик берган билан камаймас,

Ватан мадҳин айтган билан тутгамас.

«Софлом авлод» ўзлигини хор қилмас,

Эл-кортигин улуғлаган асло кам бўлмас!

Раҳмат, ўқувчилар! Элу юртимиз баҳтига доимо соғ-саломат бўлинглар.

Бошлангич синфларда бу каби эрталикларни ўтказиб бориш ўқувчиларда она - Ватанга меҳр-муҳаббат, ундан фахрланиш туй-фусини ортиради.

### Мавзу: Устоз меҳри!

Бошлангич синфларнинг битирув байрами сценарийси.

Мактаб саҳнаси байрам руҳи билан йўғрилган. Ўқувчиларнинг қўлларида аъло ўқиши, билим олишнинг афзаллиги, ватанинг она каби муқаддаслиги, тўғрилик, ҳалоллик, меҳнатсеварлик, миллий қадриятларимизни улуғлаш ҳақидаги ёзувлар битилган шиорлар, саҳнага яқин қатордан ҳурматли мәҳмонлар, устозлар, санъаткорлар, ота-оналар ўрин олган. Мусиқа таралиб «Устозлар» қўшири янграйди.

*1-ўқувчи:* Азиз мураббийлар, ҳурматли ота-оналар, мактабимизга ташриф буюрган қадрли мәҳмонлар! Бугунги бошлангич синфларнинг битирув кечасига, билим даргоҳига хуш келибсиз!

*2-ўқувчи:* Бу байрам ҳаммамиз учун ардоқли. Чунки биз биринчи синфдан бошлаб ўқитган устозимиз қўлидан бошқа устозлар қўлига учирма бўлаётитмиз.

*1-ўқувчи:*

Мактаб деган қутлуг даргоҳ,

Муқаддасдир бизга ҳар чоғ.

Билим сари бошлар йўлга

Азиз ўлка, таниш йўлка.

*2-ўқувчи:*

Ҳар кун эрта тонгдан бошлаб,

Аста-аста қадам ташлаб,

Биз у томон отланамиз.

Дўстлар ичра шодланамиз.

1-ўқувчи: Алифбе ва ҳисоб ортда

Бари қолди, қолди ёдда

Рақам таниш ҳарфлар таниш

Қўлдан келар ўқиши, ёзиши.

2-ўқувчи: Бизлар битирувчимиз бутун,

Бизлар учун қувончли кун

1-ўқувчи: Фақат қалбда ғамлик бир оз

Ўқитмайсиз энди устоз

Ўқувчилар бир қатор бўлиб, «Биринчи муаллимим» шеърини ўқишиади.

1-ўқувчи: Чуғурлашиб торганча саф

Анграйганча турли тараф

Синфга кирган кунни илк бор

Эслаймиз биз такрор-такрор.

2-ўқувчи: Танаффусга чиқсан пайтда

Сизни излаб қайта-қайта

Хўп адашиб юрганимиз

Турли ҳаёл сурганимиз.

Ҳамма бир овоздан:

Ҳали-ҳали ёдда устоз,

Сизга таъзим – сизга эъзоз.

3-ўқувчи: Кўлга олгач қалам, дафтар,

Қийшиқ, гоҳо тўғри қатор

Ёзувимиз чиқар эди

Кўнглиминиз гоҳ чиқар эди.

4-ўқувчи: Кўлимини олиб қўлга

Ёзувимиз солиб йўлга

Оlam олам қувончингиз

Бизга бўлган ишончингиз.

Ҳамма бир овоздан:

Ҳали-ҳали ёдда устоз,

Сизга таъзим – сизга эъзоз

1-ўқувчи: Тинмас эдик бериб савол

Нима түгри, нима ҳалол?  
Қалбимизга жойлаб одоб  
Ёритдингиз гүё офтоб.  
Нега қүёш шунча иссиқ?  
Тунда қайта кетар, қизиқ?  
Бизни бола билганингиз,  
Тинмай жавоб берганингиз.

Ҳамма бир овоздан:  
Мудом ёдда қолар устоз  
Сизга таъзим, сизга эъзоз.

3-ўқувчи:  
Мактабда энг митти эдик,  
Баъзан ноҳақ дакки ердик.  
Бирор бизни қилса, хафа  
Чопардик деб: устоз опа.

4-ўқувчи:  
Келардингиз дарров чопиб,  
Қайдан бўлса, бизни топиб,  
Паноҳ бўлиб бизга доим  
Айтгандингиз сўз мулойим.

Ҳамма бир овоздан:  
Ҳали-ҳали ёдда устоз,  
Сизга таъзим – сизга эъзоз

5-ўқувчи:  
Бизлар гүё ниҳол эдик,  
Қаранг – анча бўй ҳам чўздик.  
Билимни дўст қилиб олдик,  
Эзгулик не – билиб олдик.

6-ўқувчи:  
Аммо ҳали олдда ўқиши,  
Неча ёзу баҳор ва қиши.  
Неча кузда мактаб томон  
Йўл оламиз ҳали-ҳамон.  
Аммо ўша таниш хона,  
Ва сиз, гүё азиз она

Ҳамма бир овоздан:  
Интиқтирар бизни устоз  
Сизга таъзим сизга эъзоз

1-ўқувчи: Энди бизлар нима ўргантанимизни сизларга намойиш

қиласыз. Даврада ўйин ва рақслар, интемедиялар ижро этилади.

1-ўқувчи: Күрдінгизми, бизлар бордаги турфа гуллар

2-ўқувчи: Юлдузлар каби ўз истеъдодимизга эга бўлдик.

1-ўқувчи: Биз касбларга эга бўлиб қолмай, балки ана шу касбларга тайёргарликни ҳам бошлаб юбордик.

2-ўқувчи: Биз орзу қилишни ўргандик, орзулар эса, бизни юксакларга етаклайди.

Осмон тўла юлдузлар,  
Шунда тун ҳам кундуздир.  
Биз бордаги гуллармиз  
Бизлар орзу қилармиз.

1-ўқувчи: Мен истардим бўлмоқ шифокор  
Дард бор жойда, албат даво бор.  
Шифокорлар заҳмати хайҳот  
Бунёд этмоқ шод, соғлом авлод.

2-ўқувчи: Менинг орзум бўлмоқлик олим  
Ва илмдан бермоқлик таълим.

3-ўқувчи: Мен бўламан мураббий устоз  
Шу касбим-ла топаман эъзоз.

4-ўқувчи: Истагим бўлмоқдир моҳир мухандис  
Уйлар қад рослади, виқорли, нафис.

5-ўқувчи: Менинг орзум бўлмоқлик нозир  
Тартиблашга ҳар ишни қодир.

6-ўқувчи: Мен космонавт бўлиб учтайман,  
Фазоларни бир-биридан қучтайман.

7-ўқувчи: Мен-чи компьютерни эгаллаб мутлоқ  
Информатикадан бераман сабоқ.

1-ўқувчи: Ана орзуларимиз билан ҳам ўртоқлашдик энди эса яна қувноқ куй ва ашула эшиитдик.

Кўшиқ янграйди.

2-ўқувчи: Тўртинчи синфи битирар эканмиз, биз ўқиган фанлар кўз олдимиздан ўтмоқда. Гўё улар ўзи бизга эслатаётгандай.

3-ўқувчи: Қилиб кўп-кўп хафсала,  
Ишлар эдик масала  
Шодланиб гоҳ, қолиб лол  
Бош қашлаб ечиб мисол.

**4-ўқуевчи:** Варак узра кўз тикдик  
Ишлаб қанча тер тўқдик  
Меҳнат кетмайди бекор  
Сенинг катта нафинг бор.

**5-ўқуевчи:** Биз деб қанча тер тўккан  
Раҳмат математика  
Она тили ва ўқиш  
Осонмас гўё.

Қоидаси унинг кўп  
Ва фойдаси унинг хўп  
Маърифат билан савоб  
Улар берар умрбод.

**6-ўқуевчи:** Раҳмат сенга табиат  
Билим бердинг нафақат  
Билдик кўплаб сирларни  
Тоғ, адир ва қирларни

**7-ўқуевчи:** Бўлма, дея нимжон, норгул,  
Сабоқ бердинг бадантарбия  
Санъат бобида қултурмиз таъзим  
Қалбга нур сочдинг ашула, расм.

**1-ўқуевчи:** Раҳмат дермиз ҳар қачон  
Жуда қизиқ жонажон  
Билим тили дўст тили  
Инглиз тили, рус тили.

**2-ўқуевчи:** Миннатдормиз сендан беҳад  
Азиз меҳнат, сенга раҳмат.

Шундан сўнг ўғил болалар ижросида рақс, қизлар иштирокида хоразмча куйда рақс.

**1-ўқуевчи:** Азиз мураббийлар, ҳаммамиз учун ардоқли бўлган бизни биринчи синфдан бошлаб, қўлимизга қалам тутказиб, ёзиши, ўқиши, санацни ўргатган биринчи устозимизга чин дилдан мийнгаидорчилик билдирамиз. Бундан кейин ҳам юқори синфларда «аъло» ва «яхши» баҳоларга ўқиб, устозимиз берган билимни оқлаймиз.

## **Мавзу: Устоз отангдан улуг**

Зал байрамона безатилган «Устоз отангдан улуг», «Байрамин-гиз құттулға бүлсін» каби шиорлар осилған.

**1- бошловчы:** Ассалому алайкүм, азиз ва муҳтарама устозлар!

**2-бошловчы:** Ассалому алайкүм, заҳматкаш ёш авлодға таълим - тарбия беришда тинмай фаолият күрсатаёттган азиз, мураббийлар!

**1 - бошловчы:** Ҳақ йўлида ким сенга бир ҳарф ўқитмиш ранж ила Айламак бўлмас адо аниңг ҳаққин юз ганж ила.

**2 - бошловчы:**

Оlamda kўr эрур муборак онлар  
Табаррук зотлар гарчанд kўp эрур  
Сиздан бошланади асли тафаккур  
Мунис муаллимлар сизга ташаккур

**1 - бошловчы:**

Азиз ва муҳтарама устозлар. Бугун улуг кун, «Устоз ва мураббийлар куни». Ушбу кунда барчангизга сиҳат - саломатлик, узоқ - умр, сермашаққат, лекин шарафли ишларингизда омадлар тилаймиз.

**2 - бошловчы:** Бугунги байрам кунида касби фахри фуурига айланган фидоий устозларимизнинг номларини ифтихор билан тилга олсак, уларни ҳар қанча эъзозласак арзиди. Улар нафақада бўлишларига қарамай ҳамон биз ёш авлод тарбияси йўлида тинмайдилар, шогирдлар камолига қараб қувонадилар.

**Кўшиқ «Устозлар «**

**1-бошловчы:** Таълимда яна бир дастур яралди. Бу Миллий дастур - ҳали бўлмаган. Маорифда бу янги инқилоб.

**2-бошловчы:**

Маърифат уйини ёриттан офтоб.  
Дастурга асосдир янги илмлар,  
Янги фанлар ҳамда янги билимлар  
Дувё имидаги барча янгилик  
Бизларга берилар бекаму – бекўст.

**1-ўқуевчи:**

Давраларнинг тўри сиз учун устоз,  
Мақтоворларнинг зори сиз учун устоз,

Сиз бор мактабларнинг файзи бўлакча  
Сиз кўйлаган куйнинг авжи бўлакча  
Сиз эккан гулларнинг мавжи бўлакча  
Қалбимизнинг ќўри сиз учун устоз  
Мактабларнинг тўри сиз учун устоз.

2-ўқувчи:

Ой қуёш бўлса сиз - учун қулар,  
Босган қадамингизда чечаклар унар  
Сиз учун гўзаллик, сиз учун гуллар  
Давраларнинг тўри сиз учун устоз.

Рақс «Лазги»

1 - бошловчи:

Таърифга сўз етарми,  
Меҳрибон муаллим  
Фикри доно, ақли теран,  
Жонажон муаллимим .  
Йўлчи юлдуз бўлдингиз  
Меҳрибон муаллимим .  
Сўзингиз ҳикмат эрур,  
Дилимизни ёриттай,  
Йўлимизни ёриттай  
Жонажон муаллимим.

1- бошловчи: Энди устоз мураббийларни табриклиш мактаби-  
мизнинг энг аълочи ўқувчиларига, марҳамат.

1 - ўқувчи:

Байрамингиз муборак,  
Муаллиму, устозлар  
Зиё нурларин сочгай  
Сўзлари дур, муаллимлар.  
Бугун устозлар куни  
Қалбларимиз бегубор  
Ҳаётимиз хушчақчақ,  
Йўлимиз доим баҳор.

2- ўқувчи:

Бугун сизни табриклар,  
Шогирдингиз басма - бас  
Байрамингизга атаб,  
Кийиб келдик биз атлас.  
Бу ҳам ҳурмат белгиси,

Шодликлардан нишона  
Шеър ўқий устозларга,  
Бўлай доим парвона.

**3- ўқувчи:**

Устоз номин тилга олсам,  
Еру само қулоқ солар  
Устоз номин куйга солсам  
Қалбим ундан илҳом олар.  
Чунки улар онамдайин,  
Мехрибон устоз - раҳбар  
Ҳар бир сўзи куч бағишилар,  
Бизга азиз ҳам мўътабар.

**4- ўқувчи:**

Муаллим сизга атаб  
Ёзай мадҳия достон  
Дил меҳрин сизга тилаб  
Кўнглингиз айлай бўстон.  
Бўлармикан деб маъкул  
Ўйлаб юрдим ёзишим  
Ўтди шеър билан машғул  
Баҳор, ёз, кузу, қишим.  
Қоғозларга битардим байт,  
Юракдан айтиб сўзим,  
Хаёлимда кутардим  
Суҳбат қиласардим ўзим.

**5 - ўқувчи:**

Ўйламабмиз беҳуда  
Насиҳатингизни биз  
Севинамиз лек жуда  
Ёдимиизда турибсиз.  
Муаллимим шеъримда  
Илк нафасингиз бор.  
Кўзларингиз нурида,  
Юрак меҳри устувор.

**1-бошловчи:** Мураббийларни табриклиш учун сўз мактабимизнинг бошланғич синф ўқувчиларига.

**2-бошловчи:** Улар ижросида «ҳикматлар гулдастаси» ни тинг-лаймиз.

(Ўқувчилар олдиндан кўрсатилган жойларига туриб олишади).

## *1-ўқувчи*

Муаллим - жамият кўзгуси  
 Муаллим - ҳаёт йўлининг сарбони  
 Муаллим - муҳит бофининг бобони,  
 Тарбиячи - онгни онгга улайди  
 Устознинг сўзи - мангу машаъла.

Устознинг марҳамати - қўёшдек ҳаммага тенг  
 Ўқитувчининг муомаласи - ипак, талаби тошдири  
 Ўқитувчининг таълими - имкониятга ёруғлик  
 Ўқитувчи маъно денгизининг дуридири  
 Муаллим маънавий нуқсонсиз одамдир.

Рақс. (Бошлангиря синф ўқувчилари ижросида)

## *2-бошловчи:*

Инсонга бағрин очган,  
 Илм нурларин сочган  
 Оламда бўлиб машхур  
 Сўзингиз жонга ҳузур.

Муаллимим устозимсиз  
 Қалбимнинг мумтозисиз  
 Исми жисмига монанд,  
 Бизларга жони пайванд.

Меҳри дарё дур маржон,  
 Кўриб яйрар бу жаҳон  
 Муаллимим устозимсиз  
 Қалбимнинг мумтозисиз!

## *2 - бошловчи:*

Бошимни силаб доим,  
 Қўлимдаги китобим  
 Муаллимим устозимсиз  
 Сизда бор чексиз бардош.  
 Деймиз «Устозим - қўёш»  
 Номингиз қалбда сақлай,  
 ишончнингиз оқлай  
 Муаллимим устозимсиз  
 Қалбимнинг мумтозисиз!

## *1-ўқувчи:*

Отани бошинга кўтариб яша,  
 Онани кўзингнинг қарогига бос  
 Фарзандлар бахти деб ёниб яшамоқ,  
 Аслида бизларнинг феълимизга хос.

Уларнинг олдида узолмай қарзин  
Дилингдан бир армон ўлгунча кетмас  
Устозлар қарзининг юки оғирроқ  
Бу қарзни узмоққа умринг ҳам етмас.

### Ўқитувчи:

Дилдан айтай шогирдларим саломин  
Наво бўлиб қалбга кирсин қаломим.  
Сизни кўрсам дейман, ҳаёт давомим,  
Мен муаллим, муаллимман муаллим  
Шогирдларим камолига жон фидо,  
Ел юртига муҳаббати зўр аъло  
Ваъдасига доим қилишар вафо.

Хурматли ва азиз устозлар, мураббийлар, меҳмонлар, шунинг билан бугунги «Устоз ва мураббийлар» кунига бағишлаб тайёрланган бадиий кечамиз ниҳоясига етди. Сизларга узоқ-умр, сиҳат-саломатлик, ҳамиша шарафли ишларингизда улкан зафарлар тилаймиз. Мустақил Ўзбекистонимизда баркамол, ҳар томонлама етук ёш авлодни тарбиялашингизда сабр-тоқат куч - қувват этишни ти-лаб қоламиз, доимо соғ бўлинг.

**Мавзу: Амир Темур – фахримиз, ғуруримиз**

### Мақсад:

- Ўқувчиларни соҳибқирон Амир Темур билан таништириш, буюк бобоколонимиз кўрсатган шижаотларини ўргатиши.
- Ўқувчиларни Амир Темур йўлидан боришига жалб эта олиш. Байрам кечаси методи: амалий, назарий, кўргазмали
- Байрам кечаси жиҳози: Магнитафон, байрамга мос кийимлар, шарлар, расмлар.

*1- бошловчи:* Ассалому алайкум, азиз тенгдошлар, ҳурматли устозлар, қадрли ўқувчилар

*2-бошловчи:* Ассалому алайкум, азиз тенгдошлар мана бутун мактабимизда катта тантана. Бугун синф, ўқувчиларининг «Амир Темур фахримиз, ғуруримиз, мавзусига бағишлаб ўтказишаётган тадбирга хуш келибсиз»

### *1 - бошловчи:*

Дил меҳригиёси - саломим менинг.  
Юрагим кимёси - саломим менинг.

## **2 - бошловчи:**

Ассалом дермиз юракдан аввало хуш келдингиз.

Изларингиз гарди кўзга гўё хуш келдингиз,

Бу кўнгил кўзгусини қилмай губори заррага

Қалбингиз олтгай яна нур зиё хуш келдингиз.

**1-бошловчи:** Бугунги байрам кечамиз соҳибқирон Амир Темур бобоколонимиз ҳақида экан улар ҳақида қанча гапирсак, мунозара юритсак ҳам озлик қиласди

**2-бошловчи:** Келинг азиз томошабинлар ҳозир ўқувчилар ижросида Соҳибқирон айтганларини тинглаб томоша қилсан марҳамат!

Мен сифатларимнинг энг аввали деб бегаразликини тушундим. Ҳаммага ҳам бир хил ижодий ва одил қарадим ҳеч бир кимсани бошқасидан фарқ қиласдан бойни камбағалдан устун қўймадим.

Мен ҳар доим Исломга қатъий риоя қилдим ва Аллоҳ таолонинг амри билан улуғланган шоҳларга, ҳурмат билан қарадим

Мен камбағалларга ҳайр-эҳсон қилдим. Ҳар бир можаро ва муаммони диққат билан текширдим ва уни мумкин қадар тўғри ҳал қилишга бутун шаҳдимни сарф қилдим. Барча сўзларимда доими ҳақиқатгўйликка амал қилдим. Бу дунё ва у дунё ҳақидаги эшитганларимдаги ҳақиқатни ажратса билдим.

Мен ҳар кимгаки ваъда берсам унга вафо қилдим, ҳаргиз ваъдага хилоф иш қилмадим. Мен доимо ваъдаларимни аниқ бажарсан шундагина одил бўлишимни ва кимсага жабр етказишилигимни англадим.

**1-бошловчи:** Демак Амир Темур соҳибқироннинг юрагидаги каби ибратли ҳаёт тарзи ва тутган, йўл-йўруғи бугунги кун учун ҳам ўрнак қилса арзийдиган улкан мактабдир.

**2 - бошловчи:** Бугун шарқда тенги уйқ саркарда буюк соҳибқирон Амир Темур мустақиллик истиқдол шарофати билан ўз Ватанига қайтди. Узоқ йиллар мобайнида унинг ватандошлари Амир Тумурни қадрлаш, унинг тарихий мавқеини муносиб ўрнинг қўйиш имкониятларидан маҳрум эдилар.

**1-бошловчи:** Инсоф, иймон туйғуси, диёнат, мезони Амир Темур ҳаётининг мазмунини ташкил этади.

Оlamнинг қарийб ярмига жаҳонгир эрса-да у куч-кудрат, зўрлик, зўравонликлида эмас, аксинча теран адолатда эканлгини англади.

Шундай экан келинг азиз томошабинлар бугун бобоколонимиз

Амир Темур руҳларини шод етиб, туғилган кунини байрам кечаси тарзида нишонлаймиз.

**2 - бошловчи:** Ҳозир саҳнага қизларимизни таклиф этамиз. Ўйин *Мустаҳзод*.

Саҳна кўриниши

**1-бошловчи:** Ҳозир сизларга синф ўқувчиларининг Амир Темур фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида тайёрлаб келган чиқишиларини намойиш этамиз, марҳамат томоша қилинг.

Биринчидан у мамлакатда кучайиб кетган феодал тарқоқликка барҳам бериб эл-юргти ўз қўли остида бирлаштира олди.

Марказлашган йирик феодал давлатга асос солди. Бу билан, тижоратчилик, савдо-сотиқ ва маданият ривожига мустаҳкам замин яратди.

Иккинчидан, Амир Темур бир қатор ҳалқлар ва юртлар мустамлакачилар зулмидан озод бўлишда ёрдам берди. Масалан, ўша даврнинг енг қудратли подшоси Боязид, Елдиримни (1389-1402) тор-мор келтириб (1402) Усмонли туркларнинг истибододига тушиб қолган «Болқон» ярим оролидаги ҳалқлар ва мамлакатларига озодлик бағишилади.

Олтин Ўрда хони Тўхтамишни (137-75) икки хукмдорлигидан қутулишни қарийб 300 йил тезлаштириди.

**2 - бошловчи:** Учинчидан, Туркистон заминини, ҳунармандчилик, илм, фан ва маданияти ривожланган илор мактабларга айлантириди. Амир Темурнинг саъй-ҳаракатлари билан обод этилган шаҳарлар ва уларда қад кўтарган иморатлар, Темур ва Темурийлар маданияти дунё хабарлари тарихига олтин ҳарфлар билан ёзилиши ҳам Амир Темур билан боғлиқдир.

**1-бошловчи:** Анча зерикиб қолдингиз — а? Энди мактабимиз қошида ташкил этилган «Истеъдод» номли гуруҳимиз ижросида қўшиқ тинглаймиз. Марҳамат (қўшиқ ижро этилади).

**2-бошловчи:** Бугун бунёд этилган улур боболаримиз ҳайкалида теран рамз бор гўёки жаҳонгир тулпорининг, жиловини тортиб туриди, қиличсиз, қўлини олдинга чўзиб жаҳон ҳалқларига омонлик тилаб, «Куч адолатдадир» демоқда.

**1-бошловчи:** Президентимиз Ислом Каримовнинг таъбири билан айтганда Амир Темур аввало қудратли давлат қурган. Давлат қудратли бўлмаса бетакрор маънавий обидалар ҳам, тарихий ёдгорликлар ҳам бўлмасди.

*1-бошловчи:* Соҳибқирон Амир Темуминг бергаи насиҳати ва сабоқлари унинг ўз даври учун қанчалик муҳим бўлган бўлса, бугун мустақил Ўзбекистон ривожланишида ҳам унинг илгари сурган ғоялари аҳамиятини йўқотган эмас. Бугун Туркистон халқларининг ривожланишида ўзаро муносабатларини ривожланишида Темур Тузукларидан фойдаланиш мухим аҳамият касб этади.

*2-бошловчи:* Давлат ишларининг тўқиз улуши кенгаш, тадбир ва машварат, бир улуши эса қилич билан бажо келтирур.

*1-бошловчи:* Ишбилармон, мардлик ва шиҷоат соҳиби, азми қатъи тадбиркор ва ҳушёр бир киши минг-минглаб тадбirsиз лоқайд кишидан яхшидур.

Гарчи ишнинг қандай якунланиши тақдир пардаси ортида яширин бўлса ҳам, ақли расо ва ҳушёр кишилардан кенгашу тадбир истаб фикрларини билмоқ лозимдир.

«Бир ишга киришмай туриб ундан қутулиб чиқиш йўлларини мўлжаллаб қўй» деган экан Темур тузукларида.

Амир Темурнинг ибратли ва пурмаъно ўйтитларининг ҳар бир мазмuni мантиқнинг кучлилиги, теранлиги таъсири умуминсоний қадриятлар асосида қурилганлиги билан алоҳида аҳамият касб этади, улар, ҳадсиз хазина, одоб- ахлоққа оид дастуриламалдир.

*Рақс ижро этилади*

*Ўқитувчи:* Қадрли меҳмонлар, муҳтарам устозлар, азиз тенгдошлар. Шу билан бобокалонимиз соҳибқирон Амир Темур руҳларини шод этиб «Амир Темур- фахримиз фуруримиз» мавзусига бағишлиб ўтказилган тантанали кечамизни якунлаймиз, эътиборингиз учун катта раҳмат. Кимки ўзбек номини, ўзбек миллиатининг куч-қудратини, унинг умумбашарий ривожига қўпглан ҳиссасини шу аснода келажакка ишончини англамоқчи бўлса, Амир Темур сиймосини эслаш керак.

### **Мавзу: Олтин куз**

Синф байрамига мослаб безатилган ўқувчилар чизган расмлари, куз неъматлари қўйилган стол, турли расмлар, шарлар, гуллар осилган.

*Бошловчи:* Ассалому алайкум азиз устозлар ва ҳурматли меҳмонлар, бугун фарзандларингиз сизларни барчангизни ҳосил байрамига тайёrlаган тадбилари билан табриклашмоқчи.

**Үқувчи:** Хуш келибсиз меҳмонлар  
Синфимизга марҳабо  
Келди ҳосил байрами  
Шодлик бўлсин доимо.

**Ўқувчи:** Йиғилдик биз бугун ҳосил тўйига  
Деҳқонлар меҳнатин қадрлаш учун  
Марҳамат сизлар ҳам келинг бу тўйга  
Улкан хирмонларни олқишилаш учун

**Бошловчи:** Азиз ўқувчилар! Бугун синфимизга ҳамма ёқقا нур сочиб, олтиндай товланиб саҳий куз меҳмон бўлиб келди. Қани ҳаммамиз биргаликда «Олтин куз» ни кутиб олайлик (*Қарсақлар. Куз киради*). Қаранг ўқувчилар куз билан бирга Ҳосилжон, Деҳқонбобо ўзларининг ҳосиллари билан келишибди. Ассалом олтин куз қадамингта ҳасанот.

**Ҳамма:** Ассалом азиз болажонлар!

**Куз:** Азиз меҳмонлар!  
- Мени дерлар «Олтин куз»  
Тайёрланар барча халқ  
Улут байрамга шу он.

**Ҳосилжон:** Сизга дўстлик саломим,  
Келтирдим мен хирмондан.  
Дастурхонимиз тўйисин.  
Ўлкамиз тинч бўлсин,  
Юргимиз омон бўлсин!

**Деҳқонбобо:** Мана бу дараҳт - беҳи  
Тарс-тарс ёрилиб зеҳи  
Таъмичи ҳуш - хўр ўзак  
Асл пайданди ўзак  
Манави ёқ шафтолизор  
Бир кам ўттиз хили бор.

Синф хорлигига «Анжир» ашуласи айтилади, сўнгра “Ҳосиллар” шеъри тингланади.

**Шафтоли:** Сариқ-оқ шафтолиман  
Зарғалдоқ шафтолиман  
Мақтаниб ўтирумайман

Манадоқ шафтолиман.

Узум:  
Менга яхши қаранглар  
Кокилимни таранглар  
Берай асалдай узум  
Сиздан ўргилай ўзим.

Олхўри: Олхўри ман — олхўри  
Мен ҳам мевалар зўри  
Еган борки дармонда  
Емаганлар армонда.

Ёнгоқ: Мен ширин ёнғоқман  
Ичим тўла ёр  
Дўстлар ҳар ёқни  
Қилинг ёнғоқ бор.

Олма:  
Мен сизларнинг олмангиз  
Ҳомлигимда олмангиз  
Билмасвойга ўхшаб сўнг  
Вой қорним-деб қолмангиз!

Синф хорлигида «Олма» ашуласи айтилади. Сўнгра бир гурӯҳ ўқувчилар ижросида «Сўнгти ахборот» шеърига ишланган саҳна кўриниши қўйилади.

Сўнгги ахборот  
Бўлиб ўтди қишлоқда  
Кеча зўр шамол  
Натижада рўй берди  
Анчайин кор-ҳол.  
Узум боши айланиб  
Бўб қолди касал.  
Шоҳдан йиқилиб олма  
Ётибди ўсал.

Ҳатто голос лат еди  
Бўлса ҳам абжир.  
Тўқнашувда анорга  
Чапланди анжир.  
Шамоллатди қорнини  
Ошқовоқ полвон  
Пачоқ қилди бурнини  
Мулла бақлажон.

Үйқичироқ бир тарвуз  
Юмалаб бориб  
Үйғотибди қовуннинг  
Бошини ёриб.

Ноклар ерга түкилди  
Бўлишиб бир том  
Аммо зарар кўрмади  
Сабзи ва шолғом.

*Бошловчи:* Энди рақс томоша қиласиз.

*Бошловчи:* Энди бир гуруҳ ўқувчиларимиз сизларни табриклиаш учун «Олтин куз» шеъри тайёрлаб келишибди. Марҳамат, уларни тингланг

*Ўқувчи:*

Куз келди, бизларга олтин косада  
Шарбат ола келди, бол ола келди  
Сават-сават қилиб ширин мевалар  
Омборлар лиқ тўла дон ола келди

*Ўқувчи:*

Кузимизнинг гўзаллигин  
Оғайнилар кўрганмисиз  
Гала-гала дўстлар билан  
Дув-дув ёнғоқ қоққанмисиз

*Ўқувчи:*

Ҳар барг тилла тусин олиб  
Шитирлатиб тўкилади  
Олма шохида олмасини  
Кўтаролмай букилади

Синф хорлигига «Ҳандалак» апгуласи тингланади

*Бошловчи:* Шунинг билан байрамга аталган тадбиrimиз ниҳоясига етди. Эътиборингиз учун раҳмат!

### **Мавзу: Конституция куни**

Зал байроқ, герб, гуллар билан безатилган. Конституция қонун ҳақидаги шиорлар илинганди.

*1-бошловчи:* **Маргар башимни эгиб  
Сизга таъзим қиласман.**

**Озод Ватан бағрингда  
Ёшлик завқин сурман.**

**2-бошловчи:** Бошимизда кенг осмон  
Бўлсин доим мусафро  
Она Ватан хурлиқда  
Ягонасан сен танҳо.

**1-бошловчи:** - Ассалому алайкум, ҳурматли устозлар!

**2-бошловчи:** - Ассалому алайкум, мактабдош дўстлар.

**1-бошловчи:** - Сизларни даврамизнинг азиз меҳмони сифатида  
кўриб турганимиздан ғоятда ҳурсандмиз.

**2-бошловчи:** - Хуш келибсиз, азиз меҳмонлар!

**1-бошловчи:** Устозлар, мураббийлар ассалому алайкум. Бўлинг  
умри боқийлар, ассалому алайкум.

**2-бошловчи:** Бугун сизни чорладик,  
Ушбу зал-кошонага  
Қомусимиз баҳт берган,  
Ҳар инсон ҳар хонага.

**1-бошловчи:** - Дарҳақиқат, бугунги тантанали тадбиrimiz «Бах-  
тилиз қомуси» деб аталади.

**2-бошловчи:** - Боиси 8 декабр куни ҳаммамиз учун севимли  
бўлган «Конституция куни»ни нишонлаймиз. Шу муносабат билан  
биз бугун сизларга Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳақида  
ҳикоя қилиб бермоқчимиз.

**1-бошловчи:** - Демак, суҳбатимизни бошладик. Ўзбекистон Респу-  
бликаси Конституцияси 1992 йил 8-декабрь куни Ўзбекистон  
Республикаси Олий Кенгашининг 12-чақириқ 11-сессиясида қабул  
қилинган. Конституциямиз 6 та бўлим, 26 боб, 128 та мoddадан  
иборат бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Фуқароларининг ҳуқуқ ва  
бурчларини аниқ белгилаб беради.

**1-ўқувчи:** Ўзбекистон, она юртим,  
Мустақиллик муборак  
Кенг оламда қуттуғ номинг,  
Таралгувсидир бешак.

Аму билан Сирдарёдан,  
Камол топган ўзбекмиз.  
Ўз эркига ҳуқуқига,  
Эга бўлган ўзбекмиз.

*I-ўқувчи:* Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қонунлар мажмуаси бўлиб, унда муқаддас юрт, она тилимиз, муборак ислом динимиз, Ватанимиз ҳудуди-ю сарҳадлари, мустақил юртимиз олиб бораётган одилона давлат сиёсати аниқ белгилаб беришган. Шу билан бир қаторда ҳар бир Ўзбекистон фуқаросининг ҳуқуқ ва бурчлари ўз аксини топган.

*Ўқувчи:* Ўзбекистон Республикаси конституциясининг 5-моддаси «Ўзбекистон Республикаси қонун билан белгиланадиган ўз давлат рамзлари, байроби, герби ва мадҳиясига» эга.

Декабрнинг саккизинчи кунидаги эрк кунини халқим байрам қиласди. Дунё узра кўз-кўз қилиб баҳтини, шодлигини, жумла олам қиласди. Саккизинчи декабрдир – кун буюк. Ушбу кундир халқимизда энг суюк.

*Бошловчи:* Бошим узра хилпирайди байробим (Қизил чизиқ)  
Сенга боқсан чақнар кўзим. қарагим.

Мовий, яшил, оппоқ эрур ранглари  
Қизил чизиқ томирдаги қонлари.

Осмонимиз бўлсин мовий мусаффо  
Пойи узра яшил водийлар пайдо.

Оппоқ қорлар рангларини яшнатиб,  
Ой юлдузлар шуласини порлатиб

Хилпирайвер она юртим байроби  
Сен эрурсан юракларнинг ардоғи.

*Ўқувчи:* Оппоқ пахта ҳамда буғдой бошоги,  
Гербимизда кўрки хусн багишлар.  
Юқорида ою юлдуз қуёшдан,  
Юксак тоғлар, водийлар хўб яшнар  
Зилол сувлар халқимизда жон берар,  
Хумо қуши баҳти иқбол келтирас  
Гербимиздир фаҳри гурур ифтихор  
Ўзбегимда оллоҳ эрур мададкор.

*1-бошловчи:* Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 6-моддаси: «Ўзбекистон Республикасининг Пойтахти – Тошкент шаҳри».

**Үқувчи:** Қомусимда Пойтахти – Тошкент дейди.

Үзбегимда Тошкент – бошкент түюлди

Кўрки ҳуснинг, таровати беҳисоб,

Мангуликка пойдеворлар қўйилди.

**2-бошловчи:** 31-модда: «Ҳамма учун виждан эркинлиги кафола-  
нади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динига эътиқод қилиш ёки ҳеч қан-  
дай динга эътиқод қўлмаслик ҳукуқига эга. Диний қарашларни маж-  
буран сингдирилиши йўл қўйилмайди».

**Үқувчи:** Ўзбекистон фуқароси бўлсангиз,  
Ихлос билан қайси динни севсангиз,  
Пок дил билан динингизни авайланг  
Оллоҳ меҳри қалбимизда билсангиз.

**Бошловчи:** Қомусимни бугун билмоқ истадим,  
Ҳар моддасин дилга солмоқ истадим,  
Қомус эрур қонунларинг тўплами  
Қонунларни дилдан тўймоқ истадим.

**Бошловчи:** Қомус берди ҳукуқимни, бурчимни,  
Шон-шуҳрати ошисин доим юртимни  
Қонунларни агар яхши ўргансам,  
Албат етар, қайга чўзсам қўлимни.

**2-бошловчи:** Ҳурматли меҳмонлар! Биз бугун Конституциямизни  
ўрганишга бел боғлаганимизнинг гувоҳи бўлдингиз.

**1-бошловчи:** - Албатта, биргина тадбир билан Қомусимизни тўла-  
тўқис билиб бўлмайди. Қомусимизни чуқур билиш, унга риоя қилиш  
ҳар биримизнинг бурчимиздир.

**2-бошловчи:** - Конституция кунингиз муборак бўлсин!

**1-бошловчи:** - Қомусимиз йиллар оша халқимиз учун ишонч,  
нажот, фахр, ифтихор намунаси бўлиб қолсин.

**2-бошловчи:** Минг шукурки бошда мовий  
Осмон бор.  
Ҳаётимиз қўриқловчи  
Посбон бор.

**1-бошловчи:** Йиллар ўтиб  
Қомусимиз бўлсин омон.  
Кенг жаҳонда, ўзбек элим  
Сурсин даврон.

**2-бошловчи:** Доим бўлсин ўзбек элим  
Қомусли эл.  
Омон бўлсин Қомусли эл –  
Номусли эл.

*Табрик сўнгида Ватан ҳақида қўшиқ кўйланади*  
Давлатимиз рамзлари – бизнинг фахримиз.  
Давлат мадҳияси ижро этилади.

**1-бошловчи:** Яшна, юксак диёrim,  
Сенсан баҳтим, баҳорим,  
Мадҳинг жўшиб куйламоқ  
Кўнглимдаги шиорим.

**2-бошловчи:** Гўзал гулшан боғларинг,  
Гўзал ўлкан тоғларинг,  
Дилга ором берувчи  
Нурафшон ҳар оёқларинг.

**1-бошловчи:** Сен тандаги жонимсан,  
Томирдаги қонимсан.  
Меҳринг яшар қалбимда,  
Фурурим ҳам шонимсан.

**2-бошловчи:** Яшна, юксак диёrim,  
Сенсан баҳтим, баҳорим.  
Мадҳнинг жўшиб куйламоқ,  
Бўлгай мангубарорим.

*Даврага Доно бобо кириб келади*

**1-бошловчи:** Ассалому алайкум, Доно бобо

**2-бошловчи:** Яхши келдингизми? Бобожон, бизга бу гал қандай ҳикоя-ривоятлар айтиб берасиз?

**Доно бобо:** Вааллайкум ассалом, болажонларим. Мен келаётib сизларнинг Ватан ҳақида чиройли шеър ўқиганингизни эшитиб қолдим. Келинглар, бугун сизларга Давлатимиз рамзлари, уларнинг тарихи ҳақида сўзлаб бераман.

**1-бошловчи:** Жуда яхши бобожон, биз эса сизга Ватан, байроқ, гербимизни улуғловчи шеър-қўшиқлар айтиб берамиз.

**Доно бобо:** Қани менга айтингчи, Ўзбекистон давлатимизнинг рамзларини биласизми?

*Болалар:* Байроқ, герб, маджия

*Доно бобо байроқ ҳақида сўзлаб беради.*

*Саҳнага б нафар қиз чиқади.*

*1-бошловчи:* Болалар, қизлар байробимиз ҳақида сўзлаб беради, марҳамат

*Мовий либос кийган қиз:* Мен мовий ранг бўламан - юрг осмоним бир парчаси. Бу – оламда тинчлик бўлсин деганимдир.

*Қизил либос кийган қиз:* Мен қизил рангдирман бамисоли томирдаги оққан тоза қондирман. Ҳамма-ҳаммани Ватан байроби остида яшашга, меҳнат қилишга, куршишга чақираман.

*Оқ либос кийган қиз:* Мен оқ рангман. Ўзим ҳам оқ, кўнглим ҳам оқ, қиласар ишларим эса пок, шунинг учун ҳам мақтовим кўпроқ, узоқ-узоқларни кўрайин деб, элга «Оқийўл» тилайин деб байроқдан ўрин олдим.

*Яшил либос кийган қиз:* Мен яшил рангдирман. Яшиллик яшариш-яшнатиш, эртанги кунга ишониш дегани. Орзулари буюк, юрагим доим яшнаб турсин.

*Бошига оймомо кийган қиз:*

Оймомоман, оймомо!

Кўринишим уч ёки тўрт кунлиkdir

Ниятларим одамларга тўкинлиkdir

Ўй сурсалар ўйларига сирдошдирман

Йўл юрсалар йўлларига йўлдошдирман

*Бошига 12 юлдуз таққан қиз:* Ўн икки юлдуз - ўн икки оймиз, жамласангиз, бир йилга жоймиз. Кимки қандоқ яшайди, яхшими, ёмон? Ҳеч иккиланмай баҳолаймиз. Яна биз ўн икки буржмиз. Ойю, қуёш билан ҳаракатдамиз. Биз акс этган, юрг байроби ҳам, ўзи ҳам дунё тургунча турсин деймиз.

*2-бошловчи:* Раҳмат сизларга. Ҳозир дўстларимиз ўзлари ёд олган шеърларини айтиб берадилар.

*Үғил бола:* Озод мамлакатимнинг муҳташам қўрғонида,

Исёнкор болаларим руҳида-жонида,

Турон, қадим Туркистон, улуғ турк осмонида,

Камалакдек товланар истиқдолим маёғи –

Ўзбекистон байроби! Ўзбекистон байроби!

*Қиз бола:* У адолат, коинот, оби- ҳаёт тимсоли,

У эзгулик, шон-шуврат, баҳт-саодат жамоли

Буюк Амир Темурнинг фолиб туйғу мисоли,  
Камалакдек товланар истиқлолим маёғи –  
Ўзбекистон байроби! Ўзбекистон байроби!

*Үгил бола:* Тинчлик, тириклик эрур мовий, яшил, оқ ранглар,  
Чақноқ ўн икки юлдуз шамолларда жаранглар,  
Эрк қўшиғи навқирон ярим ойда жилвагар,  
Камалакдек товланар истиқлолим маёғи –  
Ўзбекистон байроби! Ўзбекистон байроби!

*Қиз бола:* Бундай яйлов қайдা бор, бундай байроқ бизга ёр.  
Уни сарбаланд тутсак, бизникидир ҳур иқбол  
Она халқим баҳтини дунёга қилиб ошкор,  
Камалакдек товланар истиқлолим маёғи  
Ўзбекистон байроби! Ўзбекистон байроби!

«Ишонч қўлларида» қўшиғи ижро этилади.

*Қиз бола:* Ҳаво ранг оқ ва яшил,  
Бордир қизил - қизил белбоги.  
Шунинг учун чиройли  
Ўзбекистон байроби.  
Ўн икки баҳт юлдузи  
Ўзига хўп ярашар.  
Унга дунё халқлари  
Ҳавас билан қараашлар.

Мустақил юрт, деб атар  
Ер юзининг ҳар ёри.  
Бизга жуда муътабар  
Ўзбекистон байроби.

*Үгил бола:* Қизларга нур багишлар, Республика байроби,  
Осмони кенг мусаффо Ватанга маниъ ҳар ёғи  
Йўлдошдир йўлимизда, ширпираб қўлимизда  
Меҳри дилларда яшар, сурати кўнглимизда  
Республикам байроби, Республикам байроби.  
Тинчлик-мустақиллик бу, ҳаммага яқинлик бу,  
Бунда орзу-умидлар, келажак ёрқинлик бу.  
Бу шонли Ўзбекистон, баҳтимиз баҳоримиз.  
Номи тилларда достон, шараф ифтихоримиз  
Республикам байроби, Республикам байроби.

*Қиз бола:* Ўзбекистон келажагин порламоқ чироги,  
Хиллирайди кўкда унинг жилваланиб байроби.

Ўн икки чақмоқ юлдуз вилоятнинг сонидир,  
Оймомачи нур сочди, юртим нурлар қонидир.

Мовий бўёқ-кенг осмоннинг мусаффолик дараги,

Оқ ранг эса, пок иймонли ўзбекларнинг юраги.

Яшил бўёқ – яшаришу, янгиланишинг белгиси,

Қизил бўёқ – халқ әркичун кетган қоннинг сўнггиси.

«Тинчлик бўлар барқарор» қўшиғи куйланади

Доно бобо: Баракалла, болаларим. Қаранглар, ким келаяпти?

Болалар: Эй, бу Ҳумо қуши-ку!

Ҳумо қуши: Салом, бобожон, салом болалар!

Болалар: Салом, Ҳумо қуши! Хуш келибсан!

Ҳумо қуши: Мен неча асрлардан бўён халқнинг эзгу орзу-умидлари тимсолиман. Менинг ниятим ўзбек халқини мустақил, эркин кўриш эди. Ниятимга эришдим. Ўзбекистон буюк давлат. Сизлар унинг келажагисиз. Амир Темур, Фарғоний, Навоий, Бобур ва кўплаб аждодларимиз юртимизни довруғини оламга таратганлар, сизлар уларнинг муносиб вориси бўлишингиз, мустақил юртимизнинг шуҳратини янада оширишингизни сўрайман. Бу йўлда сизларга омад тилайман.

Болалар: Раҳмат, Ҳумо қуши! Биз сенинг тилагингни бажариш учун бор куч-билимимизни сарфлаймиз. Ўзбекистон бизнинг Ватанимиз.

Қўшиқ: «Ҳумо қушим» Пўлат Мўмин шеъри.

Доно бобо: Қани яна сизларни кўрай-чи. Ҳар куни дарсни бошлидан аввал фаҳр куйладиган давлатимиз мадҳиясини ким ёзган?

Болалар: Ўзбекистон республикаси Давлат Мадҳиясининг матнини Абдулла Орипов, мусиқасини Мутал Бурхонов яратганлар. 10- декабр мадҳиямиз тасдиқланган кун.

Доно бобо: Давлатимиз байроби қаерларда учрайди?

Болалар: Давлатимиз маъмурий биноларида, турли мамлакатда ги элчихоналаримизда, байрам кунлари бизнинг қўнимизда, турли юртларда ўтказиладиган спорт мусобақаларида.

Доно бобо: Тасанно! Жудаям яхши жавоб бердинглар.

Бошловчи бола:

Тонг билан янграйди мадҳиям

Порлайди юксакда қўшим,

Йўл кўркам, эл кўркам, дил кўркам,  
Карвоинг бошлайвер, юртбошим.

*Шу қўшиқ билан тадбир якунланади.*

**Мавзу: Янги йил арчаси байрами**

*1-бошловчи:* Ассалому алайкум, азиз меҳмонлар, меҳрибон устозлар!

*2-бошловчи:* Қадрли акалар, опалар, укалар, сингиллар! Бирга:-  
Кириб келаётган янги йилингиз муборак бўлсин!

*1-бошловчи:* Табнатда қиши фасли ўз ҳукумини ўтказар. Аёз бобо шимолдан совуқ шамол етказар.

*2-бошловчи:* Кириб келди қиши фасли бўрон, совуқ, қор билан.

*1-бошловчи:* Табриклаймиз сизларни дўстлар янги йил билан!

*2-бошловчи:* Ўтиб кетди эски йил кунлар гуё липпиллаб. Қари бобога ўхшаб қолди охир мункиллаб.

*1-бошловчи:* Миннатдормиз эски йил, рисқу насиба бердинг, уч юзи олтмиш беш кун. Бизларга ҳамроҳ бўлдинг.

*2-бошловчи:* Мана бугун хайр хўш-  
Келажагимиз сен билан.  
Янги йилда ўқийлик  
Фақат «турти», «беш» билан.

### **Қўшиқ**

Кузатамиз эски йил,  
Бир йил ишлаб чарчадинг,  
Хайр, хайр эски йил,  
«Тўрт» ва «беш»га сийладинг  
Сенда маза қилдик биз  
Ёшимиз бир ёш ошиб.  
Хайр, хайр, яхши қол  
Энди эса хордиқ ол.  
Хурсанд қилдинг бизларни  
Яхши ўтил, қизларни.  
Роса ўйнаб кулдик биз  
Бўлдик катта ўғил-қиз.

*1-бошловчи:* Дарҳақиқат-йилимизни тарих қарига кузатиб, янги йилни қарши оладиган пайтимиз кириб келди.

*2-бошловчи:* -йил мучал ҳисобида ..... йил эди,  
-йилимиз эса ..... йил экан.

Балки шу боисдан ҳам-йил тулпор сингари чопқир бўлгандир. («Тулпор» қўшиги ва унга мос рақс изжро этилади).

*1-бошловчи:* Дугонажон янги йил жуда ажойиб байрамда! Мен бу байрамни жуда яхши кўраман. Сиз-чи?

*2-бошловчи:* Мен ҳам бу байрамни соғиниб кутаман. Гуё янги йил байрами арафасида сирли ажойиб воқеалар бўладигандек туйилади манга.

*1-бошловчи:* - Ростан ҳам янги йил арафасида кутилмаган воқеалар бўлиши табиий.

*2-бошловчи:* Базан эса эртаклар ҳам жамланиб кетади. Ҳатто жониворлар ҳам бизнинг тилда сўзлай бошлайди.

*1-бошловчи:* -Ростдан ҳам биз сизларга бир эртак айтиб бермоқчимиз. Бу эртак мана шу янги йил арафасида бўлиб ўтади.

*2-бошловчи:*-Келинг эртагимизни маза қилиб тамоша қилинг. (*Саҳнага эртакчи чиқади*).

*Эртакчи:* -Бир бор эканда йўқ экан, оч эканда тўқ экан, бўри бакавул экан, тулки ясавул экан, қарфа қақимчи экан, чумчуқ чақимчи экан, қирғовул қизил экан, думлари узун экан, тошбақа тарозибон экан, қурбақа ундан қарздор экан. Биз яшаб турган шу замонда бир аёз бобо бор экан. Аёз бобо ҳар йили бутун оламга қор ёғдирап, бўрон юборар, қиши фаслини безатар экан. Олам оппоқ либосга қирганда, одамлар янги йил байрамини нишонлаётганда, совғалар олиб, бутун ер юзини сайр қиласар экан. Энг яхши энг одобли болаларга совғалар улапшар экан.

Болалар эса арча безатиб қўшиқлар, шеърлар айтиб аёз бобони кутиб олишар экан. Аёз бобо бир куни набираси қор қиз билан чаққон қуёнчаларни чақириб, уларга болаларга совға йигишни топширибди.

*Аёз бобо:-* Хой қуёнчалар! Оппоққина беозор қуёнчалар жониворлар! Менга совға тайёрлашга ёрдам беринглар. Ўрмондан ёнгоклар териб келинглар.

*Куёнчалар:* Хўп бўлади бобожон. Айтганингиз тезда бажарамиз

*Куёнчалар қўшиги:* Оппоқ момиқ жонивор,

Куёнчалар бизлармиз.

Аёз бобо айтганин,

Тез-тез чаққон қиласармиз.

Сахий ўрмон бағрида,

Диккилаб чопамиз.

Болаларга ўрмандан,  
Совға салом йирамиз.

(Күёңчалар хурсанд бўлиб у ёқдан бу ёққа югуршишади. Панада турган бўри ва тулкини сезишмайди).

Оч бўри айёр тулки: -Мана бу филай, маймоқ, калтафахим жоноворлар нега бунча хурсанд бўлиб қолишиди? Келинглар бир таъзирини бериб қўямиз.

Кўшиқ: Совуқ қишининг кунида,

Югурдамиз, еламиз.  
Ошпоқ күёңчаларни,  
Тутсак, ямлаб қўямиз.  
Хой ўртоқлар мен айтай,  
Күён ейиш маззада.  
Гўштлари момиқина,  
Юнглари ҳам тозада.  
Күёңчалар қўрқиб бекинадилар,

Шу югур-югурда айиқни уйготиб юборадилар.

Айиқ: -Нима шовқин, нима тўполон. Эндиғина ухлаган эдим, ким у менинг оромимни бузган. Ҳозир у безорининг таъзирини бериб қўяман.

Кўшиқ

Менман, айиқ полвонман,  
Асалга кўп тўйғанман.  
Оромим бузилмас  
Баҳоргача ухларман.  
Пўстиним бор хўп қалин  
Совуқ менга писандмас.  
Кимки оромим бузса  
Сира жазосиз қолмас.

Бўри ва тулки: Сизни ўйғотган анови довдир қуёnlар. Уларнинг жозосини бериб қўёning. Биз уларни тутишда сизга ёрдам берамиз.

Олмахон: Ёлғон, айиқ полвон ака. Уларнинг ўзлари сизни ўйғотиб юборишиди. Аёз бобо қўёnlарга совға йиғищни топширган эдилар. Бўрилар эса қуёnlарни қувлаб, қўрқитиб юборишиди.

Айиқ полвон: Ҳой очкўз бўри, айёр тулки. Ҳали мени алдамоқчи бўлдиларингми? Ҳозир сенларни тутиб жазоларингни бераман. Бўри ва тулки қочишшади ва ялмогиз кампирнинг ҳузурига боришади.

Ялмогиз кампирнинг кулбаси.

*Тулки:* Бувижон, бувижон, эшигингизни очинг, бизлар келдик.  
Юзлари ойдай, сочлари сунбул бувижон, эшигингизни очинг.

*Бўри:* Бувижон бизни айиқ полвондан қутқаринг.

*Ялмогиз кампир:* Дунёдаги энг яхши кампирдирман мен ўзим.  
Чапга қарап бириси, ўнгни кўрар бир кўзим. Тўполончи, қулоқсиз  
болаларни севаман. Аълочи болаларни жуда ёмон кўраман. Сеҳр жоду  
қилиб гоҳо кучимни кўрсатаман. Ёмонларга дўст бўлиб, яхшини  
йиглатаман. Кўлга тушар пайтимда лалайиб ўтирумайман. Келинглар  
шумтакалар! Сизларга нима керак? Нега ит талагандай қочиб юриб-  
сизлар?

*Бўри, тулки:* Қуёнчалар болаларга совра тайёрлашармиш. Айиқ пол-  
вон бизларни еб қўярмиши. Уларни жозосини бериб қўйинг.

*Ялмогиз кампир:* Юринглар менинг кулбамга. Кириб маслахат  
қиламиш. Агар учаламиш бир бўлвосак, роса катта ишлар қиламиш.  
(*Кулбага кирадилар*).

*Олмахон аёзбобога хабар беради.*

*Олмахон:* Аёз бобо, тулки, бўри ялмогиз кампир бир ёмонлик ўйлаши-  
ди. Улар қуёнчаларни еб, совғаларни йўқ қилишимоқчи.

*Қорқиз:* Вой ярамасларей! Энди нима қиламиш, бобожон?

*Аёз бобо:* Юр қизим у очкўзларнинг жазосини берамиш, токи  
иккинчи марта бундай ишлар қилиша олишмасин. *Аёз бобо, қорқ-  
из, олмахон, қуёнчалар, айиқ полвон ялмогизнинг кулбасига бори-  
шади.*

Шум ниятли кампир  
Эшигингни очгин бир.  
Башарагнни бир кўрай,  
Жазоингни мен берай.

Ёнингдаги оч бўри,  
Мурамбир тулкини ҳам  
Жазолайман баровар  
Айби эмас сендан кам.

*Ялмогиз кампир:*  
Келинг Аёз бобожон  
Нима шовқин тўполнон  
Мени чақиртирган ким?  
  
Ҳеч гапдан йўқ хабарим  
Бўри, тулки бечора  
Нима қиларини билмай  
Қочиб юрас айиқдан

Айиқ бевақт уйрониб  
Уларни қувиб қопти.  
Бечораларни кўриб  
Тўуплон шовқин сопти.

*Күёнчалар, айиқ полвон:* Ёлрон у ёлғон айтятти.

*Аёз бобо:* Эй ярамас безори, қораниятли ялмогиз кампир. Нашотки, мен сен, бўри ва тулкининг сўзларига ишонаман. Ҳар йили, болаларнинг байримини бузиб, ёмон ишлар қилмоқчи бўласизлар. Яхши ҳамки вақтида бундан хабар топдим. Ҳозир сизларни умрбод музлатиб қўяман.

*Ялмогиз, бўри ва тулки:* Кечиринг бобожон, бошқа бундай қилмаймиз.

*Қорқиз:* Бобожон келинг янги йил арафасида уларни кечира қолинг.

*Аёз бобо:* Бўпти бу гал кечирдим . Яна шундай қилсангизлар, унда мендан хафа бўлманглар.

*Ялмогиз, бўри ва тулки:* Раҳмат бобожон, раҳмат!

*Аёз бобо:* Қорқиз, қуёнчалар, тез бўлинглар, болалар бизни кутуби қолишди.

*Эртакчи:* Мана, болалар даврамизга қор бобо билан қорқиз келяпти. Тезда даврани қиздиринг, менинг эртагим эса давом эта ве ради.

*1-бошловчи:* Арча атрофида куй ва қўшиқ авжига чиқсин. Янги йил базмимиз давом этсин.

*2-бошловчи:* Даврамизга келадиган меҳмонлар бизни кўриб хурсанд бўлишсин.

*1-бошловчи:* Дарвоқеа йил ҳам бугун даврамиз меҳмони.

*2-бошловчи:* Янги йил бизларни табрикламоқчига ўхшайди.

**Янги йил**

Салом, салом меҳмонлар.

Ўғил, қизлар, чақонлар.

Росарайрат қилибсиз,

Зиёфат тузатибсиз.

Янги йил бўлиб мен ҳам

Келиш навбатим етди.

Кўрятисиз жужуқман

Йиллар ичра кичикман.

**Келдим сизга ўсгани**

Кўп зафаг тар қучгани.

Сиз ўсасиз бир ёшга  
Юрт кон бўлсин ион ошга.

Уч юз олтмиш олти кун  
Ва шунга теша тенг тун.  
Сизга мәҳмон бўламан  
Ўсаман, семираман,

Вақти соат етганда  
Муддатим тугаганда.  
Тарихга қўшиламан  
Лекин ҳозир шундаман.  
Байрам завқин сурйлик

*Шўх уйин ижро этилади.*

Янги йил эртак қаҳрамонлари рақсга тушибади.

*1-бошловчи:* Болалар орангизда шеър, қўшиқ рақс ижро этадиган ўқувчилар бўлса марҳамат.

*2-бошловчи:* Барча қатнашчиларни ва қорбобомизни совсалари кутмокда. Келинг баймимиздан четда қолманг.

*1-бошловчи:* Янги йил байрамимиз ўз ниҳоясига етай деб қолди.

*2-бошловчи:* Тўғри бутунги байрам тугаяпти.

*1-бошловчи:* Янги йил келтирсин

Сизларга зафар.

Янги йил яна гулласин диёр.

*2-бошловчи:* Ҳар бир хонадонга

Ризқу рўз тўлсин.

Барча инсонларнинг

Иқболи кулсин.

*1-бошловчи:* Истиқлол кулсин қолсин абадий,

Дегаймиз янги йил бўлсин омадли.

*2-бошловчи:* Бугунги шодликлар тарк этмай бизни

Аллоҳим мўл қилсин насибамизни.

### Мавзу: Саводхонлик байрами

Мақсад:

а) ўқувчиларнинг алифбе даврида билимларини мустаҳкамлаш, ифодали ўқишга ўргатиш, нутқий маданиятини ошириш;

б) болаларнинг она-ватанга меҳр муҳаббатини ошириш, ота-она, устоз, опа-ака, атрофдагиларни ҳурмат қилишга ўргатиш, китобни севишга, тоза-озодаликка, одобли-аҳлоқли бўлишга ундаш;

в) ўқувчиларнинг дунёқарашини кенгайтириш, эстетик дидини ошириш, сўз бойлигини ошириш, билим доирасини кенгайтириш;

**Жиҳоз:** саҳна гуллар ва турли ҳил шарлар билан безатилади, шарлар осиб кўйилади, ўқувчилар байрамона кийинадилар, кесма ҳарфлар, ўқиш ва алифбе китоби, Ўзбекистон давлат байроғи ва герби.

**Ўқитувчи:** Ассалому алайкум азиз ота-оналар, ҳурматли меҳмонлар, устозлар, шириндан-шакар болажонлар. Бугун 1-синф ўқувчилари *Саводҳонлик байрам* кечаларини сизларга намойиш этадилар.

Болаларим, билинглар шуни,  
Сиз дунёнинг эртанди куни!  
Кўзимизнинг қорачигисиз сиз.  
Қизил гулнинг ёш уруғи сиз.  
Билинг, сизни асроймиз ҳар дам  
Авайтаймиз, севамиз маҳкам.  
Қуёш чиқар эрта-эрталаб,  
Ундан нима қиласиз талаб?  
Сизга кўп-кўп нур сочсин деймиз.

*Кеча саҳна кўринишдан бошланади.*

Ялқов бола ухлаб ётади онаси уни мактабга бориш учун турғизади. «*Бахтли эркатой*»

*Она:* Тур ўғлим мактабга кечга қоласан.

*Ялқов:* Яна бир пас ухлай.

*Она:* Мен сенга кўп ширинликлар бераман.

*Ялқов:* Юзимни ювмайман, дарс тайёрламаганман (*туриб юзи ни ювив келади*).

Она китоб дафтарларни кичкина сумкага солиб, катта сумкага озиқ-овқатлар солиб беради. Ялқов йўлда кетаётганида ўқувчилар «*Бахтли эркатой*» қўшигини ижро этадилар.

1. Вой, вой, вой, вой  
Бахтли эркатой  
Эрталаб туриб  
Ичмасакан чой

2. Вой, вой, вой, вой  
Тўғри йўл қолиб  
Кечар экан лой.

3. Вой, вой, вой, вой  
Бахтли эркатой  
Дарсни қолдириб  
Кейин иши вой, вой, вой, вой.

Ялқов бола (*Синфга кириб болаларга*): Болалар мен сизларни зүр жойга олиб бораман.

**Болалар:** Қаёққа?

Ялқов бола: Юринг мен билан. **Болалар унинг кетидан эргашадилар.** Ялқов бола уларни «*Иккичилар маконига*» бошлаб боради. У ерда эшик бўлади, шу эшикдан кирадилар. **Бу ерда китоблар йиртилган, ўйинчоклар синган, ҳаммаёқ бесарамжон бўлади.** Бир қизча синган қўғирчоқни калит билан бураб турғизиб қўядио. «*Қўғирчоқ*» ашуласига қўғирчоқ рақсини ижро этади.

**Қўғирчоқ:** Бу ерга қандай қилиб келиб қолдингиз?

**Болалар:** Бизни ялқов олиб келди.

**Қўғирчоқ:** Ахир бу ер иккичилар, дангасалар макони-ку. Бу ерда ҳамма ўйинчоклар синиб ётибди. Бу ердан дарҳол кетишмиз керак. Ана эшик бу «*Билимлар макони*»га борадиган эшик. **Қўғирчоқ** эшикни очиб кўрмоқчи бўлади. *Лекин эшикда катта қулф осилган бўлади.*

**Қўғичоқ:** Калитни чақириш керак.

**Болалар:** Калитчи деб чақирадилар.

**Калитчи:** Ие-е очилмаяпти-ку, нима бўлди, қани эшиклар жавоб беринг (*Кулфни очиб кўради*).

**Эшик:** Қулфлар жуда мустаҳкам «*Билимлар макони*»га кириш учун саволларимизга жавоб беришингиз керак.

**Калитчи:** Хўш, ундай бўлса, келинг азиз ўқувчилар шартларни бажарамиз. Марҳамат қанча саволлар бўлса бераверинг.

**Эшиклар:** Соддароқ шартдан бошлаймиз. Аввало она тилимизга оид шеърлар ва ҳикматлардан айтиб беринг.

**Калитчи:** Ўқувчилар она тилимизни севишимизни бир исботлайлик.

### Она тилим

Бугун элга танилдинг  
Сўзга бой она тилим.  
Сен билан фаҳрланар  
Авлоду аждодларим.

**1-ўқувчи:** Донғи кетган она тилимсан,  
Меҳри дарё она тилимсан,  
Риштонларни узун боғлаган  
Бағри кенг она тилимсан.

**2-ўқувчи:** Опажоним биргина  
Кўзларимга нургина.  
Опажоним ўргаттан  
Ўзбек тили, ўз тилим.

**3-ўқувчи:** Бурро-бурро сўзлайман  
Келажакни ўйлайман.  
Истиқболим, иқболим  
Ўзбек тилим, ўз тилим.

### **«Она тилим» қўшиги ижро этилади.**

Она тилим	Она тилим
Жони дилим.	Бобо тилим.
Сенинг билан	Севар сени
Бийрон тилим.	Юрту элим.
Она тилим	Сенла олай
Кону илим .	Чуқур билим.

### **Онага**

Сиз дунёда тенги йўқ  
Мехрибонисиз, онажон.  
Даста-даста гул тутай  
Соф бўлинг, бўлинг омон.

### **Таъзим**

Ҳам ойим, ҳам қўёшимсиз  
Ҳар бир ишда йўлдошимсиз  
Ҳам яйратган, кулдирган  
Уйни нурга тўлдиргач, Ойюкон, сизга таъзим!

*Эшиклар:* «Лаганчам» қўшиғи рақси билан.  
*Эшиклар:* Энди биз сизларга топишмоқ айтамиз, диққат билан  
тингланг.

Болажонлар сирдошлар  
Жарангли ва жарангсиз  
Товушлардир товушлар.

**Болалар:** Ундошлар

**Эшиклар:** Баракалла бу топишмоқни жуда тез ва түғри топдингиз. Энди математика, яъни риёзатдан ҳам бизга шеър ва топишмоклар айтиб берингчи.

*1-йұкувчи:*

Үйнар учта қызы бола  
Гүё очилған лола.  
Дүстлари келди бештә  
Айт улар бүлди нечта?

**Болалар:** 8-та

*2-йұкувчи:* Бордан тердик нок, олма  
Тингла, эшитмай қолма  
Беш сават эди ярми  
Қанча бүлди жами?

**Эшик:** Шеъру топишмоқларни маромига етказиб айтиб бердингиз.  
Математик мақоллар ҳам биласизми?

*1-йұкувчи:* Бир йил тут эккан киши  
Қирқ йил олтин теради.

*2-йұкувчи:* Йигит кишига қирқ  
Хунар ҳам оз.

*3-йұкувчи:* Санамай саккиз дема.

*4-йұкувчи:* Етти ўлчаб бир кес.

*5-йұкувчи:* Қинғир ишнинг қийиги  
Қирқ йилда ҳам чиқади.

**Эшиклар:** Болалар герб қақида нималар биласиз? «Мустақил үзбегим» қўшиги остида саҳнага Ҳумо қуши чиқади.

**Бола:** Ассалом, эй, чиройли қуш қанотлари кумуш.

**Ҳумо:** Воалайқум ассалом, эй мустақил юрг боласи.

**Бола:** Исминг нима, эй қуш, қанотлари кумуш?

**Ҳумо:** Мен баҳт қупши - ҳумоман

**Бола:** Э, ҳа танидим сен ҳақингда эртакларда ўқиганман. Ўқиб ўйга толганман.

**Ҳумо:** Нима учун ўйга толгансан?

**Бола:** Қадимда бир юрг бўлиб унинг подшоси зўравон бўлган экан. У оламдан ўтибди. Юрг подшосиз қолибди. Ӯшанда одамлар

кимни подшо қиласыз деб туришганида юрт осмонида ҳумо қуши пайдо бўлибди. Донолар кенгашиб, «шу қуши кимнинг болига қўнса, ўша киши подшо бўлади» дейишибди. Осмонда баҳт қуши чарх уради. Шу қуши кимнинг бошига қўнса, ўша подшо бўлади. Буни эшитганлар шошиб қолишибди. Куш энг камбағал, энг сахий ва адолатли, тўғрисиз ва доно кишининг бошига кўнибди. Мамлакатда адолат ҳукумрон бўлибди. Сен ўша қушсан, Ҳуможон!

*Ҳумо:* Янглишмадинг эй, мустақил юрт боласи. Кўп юртлар кездим, Сенинг Ватанинг худди эртаклардаги мамлакатта ўхшаркан. Шу боис юртинг сари талпиниб учдим.

*Бошоқлар:* Ҳумо күшининг айтганлари тўғри бу юртнинг одамлари қадоқ қўлли, бағри чўғли. Биз гербда нон-насиба, қут барака рамзи бўлиб ўрин олганмиз.

*Пахтаой:* Бизлар Ватанинг миллий бойлиги гўёки, ишонч ёрлиғимиз.

*Қуёш:* Бу юрт менинг юртим. Нурларимни мўл кўл сочгумдир. Ҳар тонг баҳт эшикларини очгумдир.

*Аму ва Сир дарё:* Юрт-бир тан, бизлар эса, жонмиз томирида оққан тоза қонмиз.

*Оймома:* Герб узра турибман, мен ила осойишдир осмонимиз.

*Зуҳро юлдузи:* Менинг ишим йўл кўрсатмоқ, адашмас ҳеч карвонимиз.

«Ҳумо қуши» қўширини ижро этадилар, “Ўзбекистон” ва “Ватаним” шеърини ўқидилар, Ватан ҳақида мақоллар айтадилар

*1-ўқувчи:* Ватан менинг онамсан

Иссик қучоринг.

Оламда ятонасан

Азиз тупрогинг.

*2-ўқувчи:* Тарихинг жуда узоқ

Машхур жаҳонсан.

Амир Темур Ватани

Буюк Туронсан.

*3-ўқувчи:* Эркинг ўз қўлингдадир

Бўлдинг, озод ҳур.

Баҳт қуёши истиқлол

Сочгай шуъла, нур.

**4-йүүчүчү:** Хумо қуши бошингда  
Айлайди парвоз.  
Мадхия янграр ҳар тонг  
Элим жўровоз.

**5-йүүчүчү:** Келажагинг буюкдир  
Яшина доимо  
Ватаним сени бугун  
Таниди дунё.

## САВОЛ – ЖАВОБ

- Тингла сўзим, дугона
- Айт ким иккинчи она?
- Ватан жонажон!**
- Оқмасин деб кўз ёшинг, кимлар силайди бошинг?
- Халқим меҳрибон!**
- Ким бериб билим, ҳунар, ақлингта ақл қўшар.
- Мактаб онажон!**
- Сенг ҳақингда ким сўйлар,
- Доимо баҳтингни ўйлар?
- Онам меҳрибон!**
- Қучиб меҳнатдан зафар,
- Қайга қиласиз сафар?
- Мустақиллик томон!**

**Эшиклар:** Китобларни севасизми?

**Болалар:** Ҳа!

### «Китоб» шеъри

Сен билан бутун умрим  
Чамбарчасдир китобим.  
Ардоқлайман доимо  
Эпсит шундоқ хитобим.  
Сен офтобсан нурингдан  
Чароғондир бу онгим.  
Сени ўқиб, ўрганиб,  
Нурағшон бўлар тонгим.

**Эшиклар:** Устозларингизни ҳурмат қиласизми?

**Болалар:** Ҳа!

**I-ўқувчи:** Устозим энг аввало сизга таъзим,

Берган билимларингиз учун таъзим.

Токи тирикдурман унуттам сизни

Ёшингиз чўлгансин юзларга киринг.

### «Муаллимим» шеъри

Кўз ўнгимда	Улграйтириди
Очди дунё	Мени доно
Муаллимим.	Муаллимим.
Йўлларимда	Шогирдманки
Сочди зиё	Гаҳт тураман
Муаллимим.	Хизматига,
Гўдак эдим	Қилса агар,
Она каби	Битта имо
Парваришлаб	Муаллимим.

### «Ўрганамиз мактабда» қўшиғи

Партада ўтиришни,

Кўшишни, айришни

Ручка тўғри тутишни

Кўпайтириш, бўлишни

Ўрганамиз мактабда.

Ўрганамиз мактабда.

Ўргатади мактабда.

Ўргатади мактабда.

Расмларни солишини

Китобларни севишини

Ҳарфларни ёзишини

Ҳам одобли бўлишни

Ўрганамиз мактабда.

Ўрганамиз мактабда.

Ўргатади мактабда.

Ўргатади мактабда.

Дўст-дўст бўлиб бир сафда

Кўшиқ айтиб ўйнанг

Залда ўтирганлар болаларга топшишмоқлар айтадилар.

Ўзи бир кичкина нарса,

Керак бўлар ҳар дарсда,

Чизиб қўйсанг иотўғри

Йўқ қиласиди бир пастда

(ўчирғич)

Биз эдигу, биз эдик  
Йигирма түккіз қыз эдик  
Бириң кетин тизилдік  
Маңно бұлыб түзілдік. (харфлар)

## Сирти таёқ Ичи бүёк. (қалам)

Деворда бор сўзанам  
Унда яшар кенг олам. (ҳарита)

*Топышмоқ жавабини топган ўқуевчиларга сөвгәлар берилади.*  
*Эшик: Сиз болалар жуда зүкко, топқыр ва ҳозир жавоб экансиз.*  
*Сизлар учун эшикларимиз очиқ. «Билимлар макони»га марҳабо.*  
*Калитчи келиб калити билан қулуфларни очади. Ўқуевчилар «Билимлар макони»га кирадилар.*

## **«Салом мактаб» шеъри**

**Салом мактаб, салом мактаб  
Боғча билан ҳайирлашдик.  
Боғчадаги ўғил-қизлар  
Ўқувчимиз энди бизлар.**

Етти ёшга тўлиб қолдик,  
Мактабжонга кулиб келдик.  
Мактаб бағри иссиқ экан,  
Китоблари қизиқ экан.  
Кенг синфга тўлиб тошиб  
Дарс тинглаймиз хушёр бўлиб.

Бүлай десанг боғбон  
Ё ватанга посбон  
Ё денгизда сузувчи  
Ё осмонда учувчи  
Нимаизи қылсанг тилак  
Барига ўқиши керак  
Ўқувчи сендан талаб  
Мактабга бор эрталаб  
    Үртоқжоним – ўртоқжоним  
    Етти ёшга тўлибмиз.  
    Табриклайман мен сизни  
    Сиз ўқувчи бўлибсиз.

«Үйнагани құймаслар» қүшигига қызлар рақс ижро этадилар.

### «Тинчиллик бўлсин» шеъри

Ер юзида	Биз болалар
Тинчлик бўлсин	Үйнашайлик.
Оlam доим	Қўл ушлашиб
Бахтга тўлсин.	Куйлашайлик.
Нурли қуёш	Биз ватаннинг
Порлаб турсин	Эркасимиз.
Осмон доим	Шу диёрнинг
Кўм-кўк бўлсин.	Эркасимиз

«Осмондаги юлдуз» қүшигига рақс ижро этилади.

### Я К У Н Л А Ш

Ўқувчиларга ота-оналар табриги.

Ота-оналар қўмитасининг раисига сўз берилади. Ўқувчиларга совғалар берилади. Мактаб директорига сўз берилади.

Ўқитувчи: Азиз болажонлар кечамизни якунлар эканмиз, сизларга ўқишиларингизда катта омадлар тилаймиз. Соғ саломат бўлинг.

Кутлуг бўлсин болалар  
Байрамингиз  
Бахт нурига, болалар  
Тўлсин дилингиз.

Ота-оналаримиз  
Илғордир ишда  
Сиз ҳам лочин бўлинг  
Доим ўқища.  
Истиқдол нуридан  
Ёруғ йўлингиз.  
Халқимизнинг бахтига  
Омон бўлингиз.

## **Мавзу: «Ватан саждагоқ каби муқаддас»**

Синф хонаси байрамона безатилган бўлади. Саҳнага бир ўкувчи чиқиб келади.

**Ўқувчи:** Ватан менинг онамсан, иссиқ қучогинг оламда ягонасан, азиз тупроғинг тарихинг жуда узоқ. Машхур жаҳонсан, Амир Темур ватани буюк Туронсан. Эркин ўз қўлингдадир, бўлдинг озод, ҳур. Баҳт қуёши, истиқлол, сочгай шула, нур. Ҳумо қуши бошингда айлайди парвоз. Янграр ҳар тонг мадҳия. Элим жўровоз. Сўнгра Ўзбекистон Республикасининг *Давлат мадҳияси янграйди*.

**Бошловчи:** 1991 йил 1 сентябр Ўзбекистон Мустақиллиги куни 1991 йил 23 декабрда Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президента этиб Ислом Каримов сайланди. И Каримов давлатимизнинг бозор муносабатларига ўтиш моделини ишлаб чиқди. Беш тамойили или ушбу танланган йўлингни моҳиятидир. Бу ер юзида бошқа давлатлар томонидан тан олинган. Биринчи тамойил иқтисодиёт сиёсатдан устун туриши ва барча сиёсий мафкуралардан холи қилиниши. Иккинчи тамойил. Давлат асосий ислоҳатчи ва ислоҳатларни амалга ошириш йўлларини белгиловчи. Учинчи тамойил. Қонун ҳамиша устивор бўлиши. Тўртинчи тамойил. Аҳоли Демократик таркибини ҳисобга олган ҳолда кучли ижтимоий сиёсатни ўтказиш ва аҳолининг ҳар томонлама ижтимоий ҳимоясини таъминлаш. Бешинчи тамойил. Бозор иқтисодиётига босқичма босқич ўтиш.

**1-ўқувчи:** Олий мажлис Қонун чикарувчи олий орган бўлиши Ўзбекистон Республикасининг Олий мажлиси 1994 йил 25 декабрда ташкил бўлди. Олий мажлис 250 депутатдан ташкил топган унинг таркибида 12 қўмита мавжуд Ватанимиз ўз Герби ва Байробига эга.

**2-ўқувчи:** Олий кенгаш 1992 йил 2 июл куни тасдиқлаган Ўзбекистон Республикаси давлат гербнинг юқори қисмида ҳалқ жипислигининг рамзи сифатида 8 қиррали юлдуз, мусулмонларнинг қутлуг рамзидир. Герб марказида химмат, олижаноблик ва гўзаллик рамзи ҳумо қуши тасвиrlанган. Ушбу рамз ва тимсоллар ҳалқимизнинг тинчлик, баҳт - саодат, фаровонлик йўлидаги орзу - умилларини ифодалайди. Гербда тасвиrlанган гуллаган водий қуёш томонда буғдой бошоқлари, сўл томонда пахта чаноқлари бойликларимиз рамзидир.

**Бошловчи:** Қўлингизга ватанимиз гербини олишда, хаёлингизни жамлаб, унга меҳр кўзи билан тикилинг, назарингизда ундаги

чирийли қүш гүё жонланиб кетади.

**Хумо қуши:** Мен баҳт қуши ҳумоин кўп юртларни кездим. Сенинг ватанинг худди эртаклардаги мамлакатларга ўхшаркан. Шу боис, юртнинг сари талпиниб учдим.

**Бошоқлар:** Биз гербда нон насиба, қут барака рамзи бўлиб ўрин олганмиз.

**Пахтаой:** Бизлар Ватанинг миллий бойлиги, гүё ишонч ёрлиғимиз.

**Қуёши:** Бу юрт менинг юртим. Нурларимни мўл кўл сочгум ҳар тонг баҳт эшигини очгум.

**Аму ва Сирдарё:** Юрт бир тан бўлса, бизлар эса томирида оққан қонимиз.

**Оймомо:** Герб узра турибман, мен билан осойишта осмонимиз.

**Зуҳро юлдузи:** Менинг ишим йўл кўрсатмоқ, адашмас ҳеч карвонимиз!

**Ўқувчи шитирокида «Хумо қуши» қўшиги янграйди.**

**3-ўқувчи:** Байроқ. Ўзбекистон Республикаси Давлат Байробини Ўзбекистон Республикаси Олий кенгаши 1991 йил 18 ноябр куни тасдиқлаган. Байробимизнинг мовоий ранги-тириклик мазмуни, беғубор осмон ва обиҳаёт, оқ-ранг муқаддас тинчлик, яшил ранг табиатнинг янгиланиши рамзидир, қизил чизиқлар вужудимизда жўшиб оқаётган ҳаётий қудратни ифодалайди. Навқирон ярим ой қўлга киритилган мустақиллигимиз 12 юлдуз маданиятимизнинг қадимийлиги халқимизнинг комилликка, саодатга интилиши рамзларидир.

**1-ўқувчи:** Озод мамлакатнинг муҳташам қўрғонида исёнкор боларим пок руҳида, жонида Турон, қадим Туркистон – улуғ Турк осмонида камалакдек товланар истиқлоним маёғи – Ўзбекистон байроби. Ўзбекистон байроби у адолат коинот, обиҳаёт тимсоли. У эзгулик шон – шуҳрат баҳт - саодат.

Буюк Темурнинг ғолиб туғи мисоли. Камалакдек товланар истиқлоним маёғи – Ўзбекистон байроби, Ўзбекистон байроби. Тинчлик, тириклик эрур мовий, яшил, оқ ранглар. Ўзбекистон байроби Ўзбекистон байроби. *Шу тариқа Ўзбекистон Республикасига бағишланган шеърларга наебат берилади.*

**2-ўқувчи:** Нега Она Ватан деймиз?

**Юрт Онадек биттадир жонимизнинг ўқ илдизи, меҳр, баҳт шу**

ортдадир Мустақиллик эса элнинг ғуури, ор, номуси.

3-үкүвчи: Ўзбекистон Республикаси Конституциясини Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши 1992 йил 8 декабр куни қабул илган. Конституцияда 128 модда 26 боб, 6 бўлим бор. Бу йил Конституциямизнинг қабул қилинганига ... йил тўлди. «Мустақиллик болаларимиз» қўшиги үкүвчи томонидан болалар томонидан ижро этилади.

4-үкүвчи:

Амир Темур бобомиз,  
Марду жасур бобомиз,  
Жангут жадаллар кезган.  
Улуг давлат юрг тузган.

Абадий ўчмас номи.  
Дилимизда каломи  
Унитмаймиз ҳеч качон.  
Сизни азиз бобожон.

5-үкүвчи:

Амир Темур. Биз ким мулким  
Турон Амир Туркистонимиз,  
Биз ким миллатларнинг энг улуғи  
Амир Темур набиралари:

1-үкүвчи:

Чор атрофга нигоҳ ташлаб.  
Кулиб турса кўзлар яшинаф,  
Кулундайн турса кишинаф.  
Булар кимлар?  
Бу ўғлонлар марду майдон соҳиби даврон.  
Амир Темур набиралари.

2-үкүвчи:

Очиқ юзли ширин сўзли.  
Яхшилиқдан ёруғ юзли.  
Билим истар ўтқир кўзли  
Булар кимлар?  
Бизлар - бизлар ўғил - қизлар.  
Марду - майдон соҳиби даврон  
Амир Темур набиралари.

Қизлар ижросида ўйин бўлади.

*I-ўқувчи:*

Тарикингдир минг асрлар ичра пинхон ўзбегим  
Сенгда тенгдош Помириу.  
Оқсоч Тиёншон Ўзбегим.  
Сўйласин Афросиёбу,  
Сўйласин кўхна Термиз,  
Кўхна тарих шодасида,  
Битта маржон Ўзбегим.

*2-ўқувчи:*

Ал Беруний, ал Хоразимий  
Ал Фаробий авлодидан  
Асли наслинг балки узлук  
Балки тархон ўзбегим.

*Ватан ҳақида мақоллар:*

*Ўқувчи:* Ватани борнинг бахти бор, меҳнати борнинг тахти.

*Ўқувчи:* Ватанинг тинч, сен тинч.

*Ўқувчи:* Ватан остонаядан бошланади.

*Ўқувчи:* Ватанинг остонаси олтин.

*Бошловчи:* Ҳурматли азиз ўқувчилар, меҳмонлар, устозлар. ўқувчилар томонидан тайёрланган «Ватанин севмоқ» мавзуидаги кечамиз ниҳоясига етди. Мустақил Ватанимиз – Ўзбекистонни севинг, асранг, ардоқланг!

**Мавзу: Мардлар қўриқлайди Ватанини.**

*1- бошловчи:* Ассалому алайкум, ҳурматли меҳмонлар, қадрли устозлар.

*2-бошловчи:* Ассалому алайкум азиз тенгдошлар! Мана бугун мактабимизда катта тантана. Бугун мустақил Ўзбекистонимиз Қуролли кучларининг жасур ва мағрур аскарларининг байрамлари.

*1- бошловчи:* Қуролли кучларимиз давлатимиз хавфсизлиги ва тинч ҳаётини таъминлайди.

*2- бошловчи:* Юрган тинчлиги - ватан озодлиги ва мустақиллиги билан чамбарчас борлиқдир. Сизларга, маълумки, Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришгандан сўнг биринчи навбатда мамлакат тинчлигини сақловчи Қуролли кучларини такомиллаштиришни мақсад қилиб қўйди.

**1- бошловчи:** Шу сабабли 1992 йил 14 январ куни қуролли кучларни бирлаштириш ҳамда Ўзбекистон Куролли Кучларини ташкил этиш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов фармон чиқарди.

**2- бошловчи:** Ўтган йиллар давомида ушбу кунни кенг миқёсда байрам қилинмоқда. Сизларни ҳам ушбу байрам билан муборакбод этамиз.

**Бошловчилар шеър айтишидаи.**

**1 - бошловчи:**

Таърифинг тилларда достон,  
Лол бўлибди сенга кенг жаён.  
Меҳнатинг - ла кун кўрдинг ҳар он,  
Омон бўлгин ўзбегим, омон.  
Қадамингдан чечаклар унсин,  
Осмонингда Куёш, Ой кулсин.  
Фалак сенга бош эгиб турсин,  
Омон бўлгин ўзбегим, омон.

**2 - бошловчи:**

Эзгуликлар жон - танингдадир,  
Аждодлар ёди қон-қонингдадир.  
Ватан меҳри жон жонингдадир  
Омон бўлгин ўзбегим, омон.  
Истиқолинг муборак бўлсин,  
Омборларинг ғаллага тўлсин.  
Фарзандларинг қалқонинг бўлсин,  
Омон бўлгин ўзбегим, омон.

**1 - ўқувчи:**

Мен сени севаман онажон Ватан,  
Хуш сурат, хушсуҳбат момоларимни.  
Мен сени севаман жонажон Ватан,  
Ҳар сўзи ҳикмат боболаримни.

Севаман мен сенинг бир парча бўлган,  
Дўшидек қишлоғинг - далаларингни.  
Тушлари бешикка суюшиб айтсан,  
Онамнинг шўх - шодон аллаларини.

**2 - ўқувчи:**

Биламан, тупроғинг тиллоларга тенг,  
Тенглар ичра тенгсан, Ватан Онажон.  
Сен учун меҳнатта шимараман енг,  
Керак бўлса фидо бўлсин сенга жон.

Мен сени севаман Онажон Ватан,  
Сен борим-борлигим, кенг жаҳонимсан.  
Тоабад омон бўл, бўлгин саломат,  
Бахтимнинг тахтисан, пок имонимсан.

*Рақс ижро этилади.*

*1-бошловчи:* Ватан - бу бизнинг ота боболаримиз, буюк аждодларимиз яшаган юрт.

*2 - бошловчи:* Ватан - бу биз туғилиб ўсган, киндик қонимиз тўкилган юрт.

*2 - ўқувчи:*

Тинчлик учун жонимни бериб,  
Ўз постимда мардана туриб,  
Ватанимга хизмат қиласман!  
Соҳибқирон Амир Темурдай,  
Жаҳонгашта Мирзо Бобурдай  
Ҳақ йўлида оғишмай бирдай,  
Ватанимга хизмат қиласман.

*3-ўқувчи:*

Аскарларга.  
Кўкка етар бўйингиз бор,  
Ватан деган уйингиз бор,  
Ҳали қанча тўйингиз бор,  
Ватанимнинг шунқорлари,  
Ҳам номусу ҳам орлари.

Аскарликни бурчим деган,  
Адолатда кучим деган.  
Душманда бор ўчим деган,  
Ватанимнинг шунқорлари,  
Ҳам номусу, ҳам орлари.

*4 - ўқувчи:*

Сиз тинчликнинг посбонисиз,  
Юртимнинг соф осмонисиз  
Шоирларнинг достонисиз  
Ватанимнинг шунқорлари,  
Ҳам номусу, ҳам орлари.

Ёв кўнглига кўркув солган  
Алломишини ёдга олган,  
Тинчлик куйин баланд чалган,  
Ватанимнинг шунқорлари,  
Ҳам номусу, ҳам орлари.

*1 - ўқувчи: «Бир парча ер учун»*

Бир куни уришиб қолди құшнилар,  
Бир-бірини дилини этдилар хуфтон,  
Бири құл күттарса, бири үшқирап,  
Наҳот шұнчаликка этиби инсон.

*1 - бошловчи:* Ватан - бу бизнинг қувончимиз ва қайғумизнинг гувоҳи бўлган дийдор.

*2 - бошловчи:* Ватан - бу бизнинг кейинги авлодларимиз яшайдиган юрт.

*1 - ўқувчи:* Ватанга муҳаббат, ватанпарварликнинг асл кўринишидир. Ватанга муносиб фарзанд бўлиш, қадрдан тупроқ билан чамбарчас боғлиқ эканлигимизни теран идрок етиш, унга чин фарзандларча муносабатда бўлиш, ундан бир ҳисса олинса - юз ҳисса қилиб қайтариш, Ватанинг англаш ва ардоқлашнинг бир кўришидир.

*Саҳна кўриниши*

Ўғлини ҳарбий хизматта кузатган онанинг кўнгли ғалати бўлади. Юртга тинчлик, ўғлининг эса соғ - саломат келишини худодан илтижо қилиб сўрайди. Шу пайт ўғлининг душман билан бўлган жангда мардларча ҳалок бўлганлиги ҳақидаги хабарни етказишади.

Онаизор нима қилишини билмай зор - зор йиғлайди. Душманларга ўлим тилайди.

*1-бошловчи:* Ҳозир саҳнада кўрганингиз ҳеч қандай муболагасиз ҳаётий воқеадир. Чунки, юртимиз мустақиллигидан сўнг, унинг тинч, осойишта ҳаёт кечиришини кўролмайдиган ғаламислар бир неча бор суқилиб киришга ҳаракат қилишмоқда.

*2-бошловчи:* XXI аср вабоси ҳисобланган терроризмга қарши ватанимиз Қуролли кучларида хизмат қилаётган ўғлонлар ўзларининг маҳорати, мардлиги ҳамда содиқ юрт фарзанди эканлигини кўрсатишмоқда.

*1-бошловчи:* Юртимиз мустақиллигини кўролмайдиган айрим ватанfurушлар 1999 йил 16 февраляда Ватанимиз пойтахти Тошкентда ўз террорчиллик ҳаракатларини амалга ошириб, қанчадан-қанча бегуноҳ инсонларнинг умрига завол бўлдилар.

**2-бошловчи:** Яхшиямки, бахтимизга Ватан ҳимоячилари, посбонлари, мард ва жасур ўғлонлари, ҳукуқни муҳофаза қилувчи ички ишлар ходимлари бор экан.

**1-бошловчи:** Ватан ҳимоячиларининг саъи-ҳаракатлари, ватанга бўлган муҳаббатлари, садоқатлари эвазига юрган тинчлиги сақлаб қолинди.

**2-бошловчи:** Ватандошларимиз-лейтенант Сайёр Саъдинов, катта лейтенант Алишер Салимов, лейтенант Бобуржон Фаниев, катта сержант Маъруфжон Ражапов, сержант Улугбек Барноевлар Сурхон воҳасига суқилиб кирган бир тўда ғадамислар билан олишув чоғида Ватан ва ҳалқ осойишталиги учун қаҳрамонларча ҳалок бўлишиди.

**1-бошловчи:** Хурматли меҳмонлар, азиз устозлар ва тенгдошлар! Шу азиз Ватан деб шаҳид кетган марҳум ота-боболаримиз, акаларимиз, ватандошларимиз хотираси учун бир дақиқа сукут сақлашингизни сўраймиз.

**1-ўқувчи:** Адолат қуролу, ҳушёрлик шиор, Пўлатдай мустаҳкам иймонларимиз. Юрган учун, ҳалқ учун ичғанмиз қасам, Бағри кенг элимнинг вижданларимиз.

**2-ўқувчи:** Бизда бор - ҳалоллик, мардлик - матонат, Қалбларда мужассам ирова, бардош. Сезгирмиз, чақонмиз сен учун Ватан, Фанимга шавқатсиз, дўстларга йўлдош.

«Аждодлар руҳи» қўшиги янграйди.

**1 - бошловчи:** Энди навбат “Аскар ҳазиллари”га.

**1 - ўқувчи:**

Ўрлониман Турон юртнинг,

Озод, обод, бўстон юртнинг.

Ўзи беклар зурриётиман,

Ватанимга хизмат қиласман.

Бир парча ер учун хўп тортишдилар,

Инсофу вижданни отдилар ҳар он

Бир пайтлар қиёмат кўшни эдилар,

Бойлик йўлларидан оздирди осон.

Талашиб тортишиб юрдилар кўп он,

Яна жанжал чиқди, дардлари эски.

Шу он садо келди, ердан ногоҳон

«Нодонлар, мен эмас, сизлар менини»

*1 - бошловчи:* Мана азизлар, ушбу шеърнинг маъносини тушундингизми ҳисса шуки бир - биримиз билан тинч, осойишта яшайлик.

*Рақс ижро этилади.*

*2 - бошловчи:* Азиз меҳмонлар, қадрли устозлар ва тенгдошлар, шунинг билан Ватан ҳимоячилари кунига бағишилаб ўтказилган тантанали кечани якунлаймиз.

### Мавзу: «Мен нечун севаман Ўзбекистонни?»

Зал байрамона безатилган. Саҳнага «Мен нечун севаман Ўзбекистонни» деб ёзиб қўйилган. Ўқувчилар шу қўшиқ садолари остида саҳнада ўз жойларини эгаллайдилар.

*1-бошловчи:*

Ассалом даврамизнинг  
Кувноқ ўғил қизлари.  
Шеърият осмонининг  
Чақноқ юлдузлари.  
Қабул айланг, дўстларим,  
Деймиз Ассалом.  
Қўлимиз кўксимиизда,  
Салом – Ассалом.

*2-бошловчи:* Ассалому алайкум, азиз болажонлар, ҳурматли устозлар, қадрли ота-оналар, aka ва опалар! Бугунги кечамиз барчангизни қизиқтиради деган умиддамиз. Чунки у Ватан ҳақида. Биз бу сўзни жуда кўп эшитганмиз. Қани, Ватан ўзи нима?

*1-ўқувчи:* Ватан биз туғилиб, киндиқ қонимиз тўкилган жой, отабоболаримиздан мерос қолган замин, бизларни оқ ювиб, оқ тараб вояга етказаётган юртдир.

*1-бошловчи:* Нима учун Она Ватан деб атаймиз?

*2-бошловчи:* Ватан ҳам, она ҳам ҳар бир инсон учун ягонадир. Она бизни ёруғ дунёга келтиради, бизга жон бағишлиайди. Ватан эса камолга етказади.

*3- бошловчи:* Онамдек ардоқли, азизсан Ватан.

Сен менга қадрдон туғулган макон.  
Мен сени авйлаб, асрайман ҳар чоқ,  
Виждонимдек тоза, тушурмасдан дор.

*2-бошловчи:* Биз яшаб турган Ватанимизнинг номи қандай?

*Хамма:* Мустақил Ўзбекистон!

#### **4-бошловчи:**

Дўстлар менинг юртимни  
 Ўзбекистон дейдилар.  
 Донги кетган дунёни  
 Бори бўстон дейдилар.

Осмони кенг, беғубор,  
 Шифобаҳшдир ҳавоси.  
 Диморларни чоғ этар,  
 Унинг шодон навоси.

Боғчаларда мевалар,  
 Шарбат бўлиб пишади.  
 Узум, олма, беҳилар  
 Йўлимизга тушади.

#### **5-бошловчи:**

Баҳорлари, ёзлари  
 Бир-биридан ортиқдир.  
 Мазали ноз-неъмати  
 Халқимизга тортиқдир.

Меҳмон қилас бободеҳқон,  
 Саҳро чўллар бору бўстон.  
 Ана шундай гул-гулистон  
 Менинг юртим Ўзбекистон.

**6-ўқувчи:** Тингланг! Ўзбекистон чегараларининг умумий узунлиги 5300 минг километрдан ортиқ. Қозогистон, Туркманистон, Қирғизистон, Тоҷикистон ва Афғонистон билан чегарадош.

**7-ўқувчи:** Тингланг! Мустақил Ўзбекистонда 22 миллиондан ортиқ аҳоли яшайди. Уларнинг 65 фойзи ўзбеклардир. Бундан ташқари рус, қозоқ, татар, тоҷик, корейс, қирғиз, украин ва бошқа миллат вакиллари дўст бўлиб яшайдилар.

#### **8-ўқувчи:**

Бағри кенгдир,  
 Барча тенгдир.  
 Барча миллат ёнма-ён.  
 Ҳамма ўртоқ, жисп иттифоқ,  
 Борар олдинга томон,  
 Халқларимиз аҳил бўлса,  
 Мустақимдир юртимиз.

Болалар ҳам аҳил бўлса,  
Будир бизнинг баҳтимиз.

**9-ўқувчи:** Тингланг! Мустақил Ўзбекистон таркибида 12 вилоят, Қорақалпоғистон Республикаси, 100 га яқин шаҳар бор. Олтин конимиздан фақатгина 10 таси ишга тушган. Пахта толаси етиштириш бўйича Ўзбекистон дунёда АҚШ дан кейин 2 – ўринда, пилла етиштириш бўйича Япония ва Хитойдан кейин 3-ўринда турада.

### *Пахта қўшиги*

**10-ўқувчи:** 1991 йил 31 август. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши IV сессиясида Ўзбекистон Республикаси Мустақил Республика деб зълон қилинади.

**1 сентябр** Ўзбекистон Республикаси БМТ га аъзо бўлди. Жаҳондаги 100 дан ортиқ давлат Ўзбекистонни таниди.

**1-ўқувчи:** Ўзбекистон ўтмишда қандай эди? Ўтмишга бир назар ташлайлик.

Куй янграб, Э.Воҳидовнинг «Ўзбегим» шеър ўқилади. Ўтмишдан лавҳалар кўрсатилади.

**11-ўқувчи:** Тингланг! 1989 йил 21 октябр. Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилди. Туркестон мана шу тилда ижод этиб, умумисоният тараққиётига арзирли улуш қўша олган буюк алломаларни берди. Улар юргимиз, элимиз равнақи учун меҳнат қилиб, илм-фан ривожига катта ҳисса қўдилар.

Фаробий, Ал-Хоразмий, Абу Али Ибн Сино, Беруний, Улугбек, Навоий, Бобур, Амир Темурлар билан ҳақли равишда фахрланамиз.

### *Саҳна кўрининиши.*

#### *2-бошловчи:*

Ҳозирги кунда она Ватанимиз Ўзбекистон жаннатмакон ўлкага айланган. Ҳозир куйлаганидек, унинг тупроғида олтин гуллайди. Ҳар хил мевалару, шириш-шакар қовун-тарвузлар, қўйингки, тош ҳам унар бу тупроқда.

#### *«Ўзбекистон Ватаним» рақси ижро этилади.*

**1-2 – бошловчилар:** Шукурлар бўлсинким, Мустақиллик туфайли маънавий қадриятларимиз тикланмоқда. Қуръони Карим, Ҳадису Шариф, Ҳайит маросимлари, Наврӯз ва бошқа удумларимиз хаљқимизга қайтди.

**13-ўқувчи:** Шукурлар бўлсинким, ўзлиги, миллий фурурини химоя қилган, уни олқишилаган ва шунинг учун қатл этилган Файзул-

ла Хўжаев, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир ва ёмон отлиқ қилингандар ҳам халқимизга қайтди. Ҳақ йўлида қурбон бўлганлар руҳини яратганинг ўзи шод этсин.

**14-ўқувчи:**

Илоё ўзингдан урмасин зобит,  
Бемаҳал ҳеч уйдан чиқмасин тобут.  
Виждонинг тир бўлсин, имонинг собит,  
Яссавий иймони муборак юртим.  
Истиқлол кўзлари тийрак бўладир,  
Минг йиллик тарихдан сабоқ қоладир.  
Ўзбек омон бўлса, у ҳам қоладир,  
Чўнг тарих ўрлони муборак юртим.

**Ҳамма:**

Ватан Мустақиллик нурига тўлсин  
Жаҳон ҳаритаси мукаммал бўлсин!

1-бошловчи: *Дўстлар, Мустақил Республикализнинг равнақ топиши ақлу камолимиз, билим, олиш йўлида интилишишимиз, хулқимизга боғлиқдор.*

Мустақил Ўзбекистоннинг ҳақиқий эгалари бизлармиз. Унга муносиб фарзанд бўлайлик!

**Қўшиқ. «Чаманда гулларимиз».**

**15-ўқувчи:**

Ҳар доим бўлсин қуёш,  
Ватан нурларга тўлсин.  
Истагимиз ягона,  
Тингчлик барқарор бўлсин.  
Ҳар доим бўлсин қуёш,  
Коинот нурга тўлсин.  
Ватанимиз қўйнида,  
Халқлар шод омон бўлсин.

Рақс. «Эй азиз юртим».

2-бошловчи: *Азиз меҳмонлар! Ҳурматли устозлар, қадрли тенгдошлар! Шунинг билан ватанимиз Ўзбекистонга бағишиланган кечамизни якунлаймиз.*

*Ўзбекистон шеъри асосида шеърхонлик бошланади.*

Юксак гулзор боғ бўлсин  
Кўкрагимиз тоғ бўлсин.  
Истиқболга бошлаган  
Йорт бошимиз соғ бўлсин!  
Ўсаверсин бўйимиз  
Тинчлик орзу ўйимиз  
Бу дувёда бор бўлсин  
Ўзбекистон уйимиз.

### Мавзу: Китоб - бизнинг дўстимиз

*Китоб* - инсоннинг яқин дўсти, ақлий суҳбатдоши, беқиёс сирдоши ҳисобланади. Китоб инсон учун ҳаётдаги энг муҳим нарсадир.

Китоб инсоннинг дунёқарашини кенгайтиради. Ҳар бир китоб асари сизда ўзгача таассурот қолдиради. Ўқиган ҳар бир китобингиздан кейин дунёга бошқача қарайсиз. Сизнинг онгингиз кенгаяди, ақил-идрокингиз ошади.

Китобнинг жуда кўр турлари мавжуд. Масалан, эртак китоблар, қаҳрамон китоблар, романтик китоблар, фантастик китоблар ва бошқалардир. Ҳар бир ёшга алоҳида китоблар яратилган. Адабиёт дарсларида ҳам ҳар бир синфда ўзича мураккаблашиб кетган асарлар берилади.

Китоб - бу сенинг энг яқин дўстингдир. Шунинг учун китобни сев ва уни ардоқла.

*1-Бошловчи:* Ассалому алайкум, азиз меҳмонлар, ҳурматли устозлар, қадрли ўқувчилар!

*2-Бошловчи:* Ассалому алайкум, азиз тенгдошлар, мана бугун мактабимизда катта тантана. Бугун мактабимизда синф ўқувчиларининг “Китоб - бизнинг дўстимиз” мавзусига бағишиаб ўтказишаётган тадбирига хуш келибсиз!

Дил меҳригиёси -саломим менинг,  
Юрагим кимёси - саломим менинг.  
Ҳақ ёки ноҳақдани кўнгли синганинг  
Ямар мўмиёси - саломим менинг.

*1-Бошловчи:* «Гарбия китобдан бошланади» деган гап бежиз айтилмаган, зеро боланинг келажаги - китобга бўлган ҳурмати ва китобни ардоқлашидан иборатdir.

Беш асрким, назмий саройни  
Титратади занжирбанд бир шер.

Темур тири етмаган жойни  
Қалам билан олди Алишер.

**2-Бошловчи:** Биз фарзандларимизни китобни ҳурматлашга ўргата олмас эканмиз уларни биз умрга ёлғизликка маҳкум этамиз. Донишмандлар «Яхши китоб кўтариб ўтган одам ҳеч қачон ёлғиз эмас» дейа таъкидлаганган бежиз эмас.

Ёш ўйноқи кўзларим  
Шуур олар китобдан.  
Ташкил топиб сўзларим  
Бахтим кулар китобдан.  
Шунинг учун дейманки  
Китоб менинг асл дўстим.

**1 - Бошловчи:** Биз ҳозир сизларга армуғон этаётган табрик сўзларимиз қалбимизнинг дурдона фикрларини ўзида мужассамлаштирган ҳикматлардан ташкил топган.

**2 - Бошловчи:** Марҳамат, тингланг

**1 - Ўқувчи:**

Ота олдидан ўтма,  
Одоб олдидан кетма.

**2 - Ўқувчи:**

Бўлар одам ўн бешида бош бўлар,  
Бўлмас одам қирқида ҳам ёш бўлар.

**3 - Ўқувчи:**

Тилингни тийсанг омондир бошинг.  
Сўзингни қисқа қил узаяр ёшинг.

**4 - Ўқувчи:**

Одоб билан баҳт топилар  
Сабр билан тахт.

**5 - Ўқувчи:**

Инсон одоби билан,  
Осмон офтоби билан.

**1 - Бошловчи:** Навбат рақсга

**2 - Бошловчи:** Барча мавжудотлар ичидаги энг олийси инсон. У ўзининг одоби билан, илми билан ёқимли бўлиб, меҳнати билан шараф топади.

Эй, Ўзрон наслидан яралган ўзбек,  
Шавкати оламга тараалган ўзбек.  
Асли насли тоза буюқ миллатсан,  
Улуслар ичидаги кутбни иззатсан.

### *1 - Бошловчи: Китоб шеъри*

Ҳар кўнгилнинг орзуси шул эрур обиҳаёт  
Қадрини билган кишига, шубҳасиз жондур китоб  
Ҳар муроднинг бошидур, ҳар муддаонинг гавҳари  
Ҳар нарсаларнинг шифоси, яъни луқмовидир китоб  
Кўз нури, дил ҳузури, дилларнинг дармонидур.  
Ҳар қоронғу дилга гўё моҳи тобондур китоб  
Ҳар балодан асрарувчи энг муҳим қиймат яроғ,  
Тийри ваҳшат, ханжари зиллатга қалқондур китоб.

Одам ҳам гулзорга ўхшаб офтобга интилади, унинг офтоби эса ўзгалардан кўрадиган меҳр-оқибатидир. Шундай экан, келинглар, бир-биримизга оқибатли бўлайлик, азизлар, орамиздан оқибат ҳеч кўтарилемасин.

### *1 - Ўқувчи:*

Танишайлик, мен китоб, асл илмларга кон.  
Бойлик берай беҳисоб, бўлар агар қадрдон.

### *2-Ўқувчи:*

Лекин йиртиб, бурдалаб  
Камайтирма варагим.  
Сендан яна бир талаб,  
Ифлос қўйма ҳеч ёғим.

### *3 - Ўқувчи:*

Китоб ўзи бир олам.  
Ватан ичиди ватан.  
Китобни кўр ўқиган  
Доно бўлар ҳаммадан.

### *4-Ўқувчи:*

Китобимда қўзичоқ дикир-дикир чопади  
Қувсам қочиб ўша чоқ онасини топади.

### *5 - Ўқувчи:*

Китобимда бўри ҳам  
Одам бўлиб гапирап.  
Ёлларини силасам  
Индамай боқиб турар.

## *6 - Ўқувчи:*

Ҳар сўзни китобимдан  
 Лола каби тераман.  
 Устоз муаллимларга  
 Совға қилиб бераман.

## *Рақс ижро этилади*

### *1 - Бошловчи:*

Биз сизларга келгусида яхши ва аъло ўқишингизни, аъло хулққа ега бўлишингизни тилаймиз.

Гўзал Ўзбекистон, сенсан Ватаним,  
 Сени ололмайди ҳеч қандай раним.  
 Юртбошинг, элбошинг сенга раҳнамо,  
 Жасур ўғлонларинг кучли мардона.

### *2 - Бошловчи:*

Эркин юракларга иймон Ватандир,  
 Тоза кўнгилларга дармон Ватандир.  
 Ҳалоллик қасрига посбон Ватандир,  
 Озод ҳур Туркистон, Турон - Ватандир  
 Ҳалқимни оламда бор қил худойим.  
 Толмас фарзандларни асрагил доим!

### *1 - Бошловчи:*

Қадрли меҳмонлар, муҳтарам устозиар, азиз тенгдошлар! Шу билан «Китоб - бизнинг дўстимиз мавзусига бағишлиб ўтказилган тантанали кечамизни якунлаймиз. Тафаккур дурдонаси - китоб барчангизга бир умр ҳамроҳ бўлсин!

## **Мавзу: «Баҳор ва гул байрами»**

Бу байрам мактаб ҳовлисида ёки мактаб залида ўтказилади. Байрамга ота-оналар, ўқитувчилар ва бошлангич синф ўкувчилари таклиф этилади.

Зал ёки мактаб ҳовлиси «Баҳор» мавзусига оид расмлар, тувакда баҳорда очиладиган гуллар, вазаларда дараҳт новдалари, ўкувчиларнинг баҳор фаслига оид расмлари билан безатилади. Байрам масхарабозларнинг ва жарчиларнинг чиқиши билан бошланади.

*1 - жарчи:*      Болалару болалар,

*2 - жарчи:*      Тоғда очилған лолалар!

*1 - жарчи:*      Эшитмадим деманглар,

**2 - жарчи:** Эшитганлар жилманглар!

**1 - масхарабоз:** - Бутун мактабимизда

**2 - масхарабоз:** - Зўр томоша бўлади. - ҳо - ҳо - ҳой!

**1-2-жарчилар:** - Наврўз ва гул байрамига хуш келибсизлар!

Шундан сўнг залга от ўйинда, ёғоч оёқда масҳарабоз, полвонлар кириб келишади ва мусиқа садолари остида турли томошалар кўрса-тилади.

Қизлар гулчамбарлар ва соchlарига сочпопук тақишиб, атлас қуй-лаклар кийишиб, ўғил болалар эса, яхтак ва дўппи кийишиб залга кириб келишади. Сўнгра саломлашишади.

Ассалом ваврамизнинг қувноқ ўғил қизлари.

Шеърият осмонининг чақноқ юлдузлари.

Қабул айланг дўстларим деймиз ассалом,

Қўлимиз кўксимизда салом-ассалом!

Ўқувчилар шеърни айтиб булишгач, «Баҳор» вальси чалинади қизлар рақсга тушадилар.

**Ўқитувчи:** Инсон ўз ерини севади. Чунки инсон япроқлар ҳидисиз, жарангли қўшиқсиз, ариқ-анҳорсиз, қип-қизил лоласиз яшай олмайди. Ўзларингизга маълумки, қадим-қадимдан ота-боболаримиз «Наврўз» ва «Гул байрами»ни кенг нишонлаб келишган. Кекса-ю ёш бу байрамда бир-бирига жуда яхши тилаклар билдиришган. Ариқларни тозалаб гуллар, мевали дараҳтлар экишган. Айниқса, баҳорда очилган чучмома, бойчечак, ялпизларни теришиб момоларимизга, оналаримизга совға килишган. Улар бу гул ва кўкатларни кўзларига суртишиб, «омонлик, омонлик, ҳеч кўрмайлик ёмонлик» деб фотиҳа ўқишган.

Ушбу сўзлардан сўнг саҳналашган кўриниш қўйилади. Қизча бувисига бойчечак совға қиласди. Буви эса қизини дуо қиласди, сўнгра «Бойчечак» ашуласи айтилади.

**1-ўқувчи:** Очилдими бойчечак

Энди ҳар ёш гул демак,

Чунки баҳор элчиси -

Шу митти гул бойчечак.

**2-ўқувчи:** Ариқ лабига боринг,

Ё кўпчилик, ё ёлғиз

Ҳаммангизга бирдай тенг

Атир пуркар кўк ялпиз.

**3-ўқувчи:** Ариқ лабида ялпиз,  
Атир сочгани, сочган.  
Барг ёзиб яшнаб гул қиз  
Кучоқ очгани - очган.

Шундан сўнг куй остида байрамга Деҳқонбобо ва Баҳорой ташриф буюришади.

**Баҳорой:** Ассалому алайкум, азиз болажонлар, мана яна ўлкамизга мен ўз кўркимни ёйдим.

**Ўқитувчи:** Айлабон лутфи карам Наврӯзи олам келадур.

Ўсмадек кони қалам  
Наврӯзи олам келадур  
Ниши уриб сер барглар аргуманд айлаб яна  
Майсага сероб далам  
Наврӯзи олам келадур

**Баҳорой:** Мендан хурсандмисизлар?

**Ўқувчилар:** Ҳа, жуда хурсандмиз, сен фаслларнинг энг гўзалсан. Баҳорой болаларга турли туман гуллар, куртак очган новдаларни совға киласди.

**Деҳқонбобо:** Бугун айёмингиз муборак қилиб,  
Зумрад сепи ёйибди баҳор

Баҳорий гулларининг ҳуснидай бўлиб  
Оlam гўзаллиги бўлсин барқарор

Шундан сунг ўқитувчи ўқувчиларни икки гуруҳга бўлиб, улар билан «Гул базми» ўтказади. Бир гулга қараб шеър айтади ва биринчи гуруҳдаги ўқувчига беради.

Гул бу яхшиликдан эрур нишона,  
Софлик, дўстлик доим унга ҳамхона

Бунда ҳар бир ўқувчи гулни олгандан сўнг шу гулга бағишлаб бир мисра шеър айтади. Агар шеър топиб айти олмаса ўша гуруҳ ютқазган бўлади.

**1-ўқувчи:** Ҳали эримасдан қор,  
Дала қирда гул баҳор,  
Чиқди мигти гул чечак,  
Май элчиси бойчечак.

**2-ўқувчи:** Мана сенга пушти гул,  
Хоҳласанг оқ гулга қўн  
Гулсафсар ҳам гўзалдир.  
Анор кийган қизил тун.

Үйин шундай давом этади. «Читти гул» ашуласи ижро этилади. Читти гуле, читти гул, Этагинга гул босдим, Ҳаю читти гул Ҳаю читти гул.

**Баҳорой:** - Болалар қаранглар, менда қандай чиройли гуллар бор. Қани ким билади, бу гулларнинг номи нима? Уларнинг ранги ва шакли қанақа?

**Бир ўқувчи:** Бу гулнинг номи лолақизғалдок, ранги қизил, у баҳорда қир-адирларда чаман бўлиб очилади. Бошқа гуллар ҳам шундай таърифланади. Сўнгра табиатта оид топишмоқлар айтилади. Жавобини ўқувчилар топадилар.

Ерда аста унади  
Жонон коса кўз ўйнар  
Илк баҳорда кулади (бойчечак)  
Сочлари жилва-жилва (булоқ)

Кейин баҳор гуллар викторинаси 2-та гуруҳ бўйича ўтказилади. Патнисда конвертларга турли саволлар ёзиб ўқиласди. Шу саволларга тўғри жавоб берган гуруҳ ғолиб деб топилади.

Шу билан байрам якунланади ва ўқувчилар мактаб маъмуряти томонидан рағбатлантирилади.

### **Мавзу: Онажоним сизга таъзим**

Мақсад:

1. Ўқувчиларга 8-Март онажонларимиз байрами ҳақида тушунча бериш.

2. Ўқувчиларга жамоат жойларида ўзини тута билиш тартибини ўргатиш, онажонларга ёрдам беришга ўргатиш.

3. Коллективчилик, ўртоқчилик тарбиясини ошириш.

**Безаги:** Ҳар хил баҳор гуллари, майсалар, онажонларнинг расмлари, Ўқувчиларнинг қўлларида гуллар, қизлар атлас кўйлакда.

**РЕЖА:**

1. Байрам кечасининг очилиши.
2. Байрам ҳақида қўшиқ ва ўйин.
3. Байрам тарихи.
4. Рақс.
5. Ўйин табассуми.

Хуш келибсиз, эй азиз  
Үқитувчи, мәхмөнлар  
Она жон, она жонлар  
Аввало ҳамманғизга

Ҳамма:

Ассалом.

Үқувчи:

Ассалом деганда очилгай гуллар,  
Ассалом деганда сайрап булбуллар,  
Ассалом деганда алик олурсиз  
Ушбу байрам совғамизни қабул қилурсиз.

Үқувчи:

Баҳор келди гул очилди,  
Нур сочилди борлыққа  
Юрак түлди шодликка.

Үқувчи:

Саломим сўлим-сўлим,  
Кўксимдадир ўнг қўлим  
Энг аввало устозлар.

Ҳамма: Салом Ассалом

Үқитувчи:

Фарзандини ардоқлаб она,  
Ўстиради етказмай завол  
Атрофига бўлар парвона.  
Бўлса ҳамки ўзи қадди лол  
Бир мақсадни кўзлайди она  
Шу мақсадда яшайди ёна.  
Эшитилар қалбидан бир сас  
Болам аввал одам бўлса бас.  
Она-бу сўзда олам-олам маъно бор.  
Она тарбиячи, она тадбиркор уй бекаси

Онанинг меҳри қуёшдек беминнат ва мусаффодир. Онанинг фарзандлари учун қилган хизматини ҳеч нарса билан ўлчаб ҳам, баҳолаб ҳам бўлмайди.

Үқувчи:

Аъло баҳо совғамиз  
Она жонлар ассалом

Доимо соғ бўлинг  
Меҳрибонлар ассалом.

Ўқувчи:

Авайлаб бир парча гўштдан  
Инсон қилолган онага таъзим.

Ўқувчи:

8-Март бугун  
Онажонлар байрами  
Йўлларига поёндоз  
Даста гуллар бойлами.

Ўқувчи:

Қўшиқ - Олча.  
Қуёш кулиб боқдан кун  
Баҳор танга ёқдан кун  
8-Март бу кун  
Онажонлар байрами.

Ўқувчи:

Сиз тенги йўқ  
Меҳрибонсиз онажон.  
Даста-даста гул тутай  
Соф бўлинг - бўлинг омон.

Ўқувчи:

Она азиз, она мўтабар,  
Она боғу - рогимиз  
Она номи нурафшон  
Ўчмас ҳеч чирогимиз.

Ўқувчи:

Бувижоним келяпти  
Ҳасса дўй-дўй қилипти  
Мен очаман эшикни  
Тез очаман эшикни  
Бувим юзи маржон тер  
Елшигични менга бер.  
Мен елпийман бувимни  
Тез елпийман бувимни.

Уйга кирди бувимиз  
Нурга тўлди уйимиз  
Мен қўяман пар ёстиқ  
Тез қўяман пар ёстиқ.

Үқувчи:

Тунлари ухламай чиққан,  
Меҳр чирогин ёқдан,  
Куёшдай кўқда балққан  
Бағри осмон онажон.

Меҳри жаҳон онажон,  
Огушида улгайтган,  
Одам бўл дея айтган  
Тонгда силаб уйғотган.

Үқувчи:

Ота-она икки сўз,  
Бири қош-у бири кўз.  
Бир-биридан ҳимматли  
Меҳри дарё ҳимматли.

Үқувчи:

8 -Март бутун  
Кувончларим бир жаҳон  
Байрамингиз муборак  
Азиз Она, онажон.

Үқувчи: «Нон ёпганда»

Үқувчи:

Сўзлари бол дурдона  
Меҳнатда энг мардана  
Оlam ичра ягона  
Сиз-сиз эй азиз она!

Үқувчи:

Ҳам ойим, ҳам қуёшим,  
Ҳар бир ишда йўлдошим.  
Ҳам яраттан, ҳам кулдирган,  
Уйни нурга тўлдирган  
Опажон, сизга таъзим.

Үқувчи:

Бувижоним, бувижоним,  
Сўзларингиз мулоим.  
Шунинг учун биз сизни  
Хурмат қиласиз доим.

Бувижоним, бувижоним,  
Меҳрибонсиз бунча ҳам.  
Меҳрингиз тафтидан  
Очилади рунча ҳам.

Үқувчи:

Ёқимли шириң бирам  
Ойижоним алласи.  
Дилга баҳш етар ором  
Ойижоним алласи.  
Ухла қўзичоғим дер,  
Сен суюнган торим дер,  
Улга тўлар борим дер,  
Ойижоним алласи.

Ўқувчи: «Ҳар доим бўлсин қуёш»

Ўқувчи:

Ойижоним Ойижоним  
Сизни яхши кўраман  
Битта айтинг ойижоним  
Мен сизга ким бўламан?

Сен сан мени асал қизим  
Ширмон қизим тилла қизим  
Кўллари гул эпчилгина  
Ақли расо доно қизим  
Ундаи бўлса хафа қилиб  
Тилла қизга солма қовоқ  
Синиб қолди чинни товоқ

Ўқувчи:

Үйимизда ўқисам шеър,  
Аяжоним еркалаб дер,  
Қизим бунча тилинг шириң.  
Қанд едим-ку ахир боя  
Тилим шириң шундан ая.

Ўқувчи: «Қўзичоқ»

Ўқувчи:

Дастурхонда шаколад  
Куйдирар Нор кўзини  
Қанча слма десса ҳам  
Тия олмайди ўзини.  
Ойиси дер, томогин оғриган,  
Ема Норжон.  
Томоғимга теккизмай  
Ютвораман ойижон.

Үқувчи: “Офтоб чиқди оламга”

Үқувчи:

- Холам келди
  - Ойи, ойи холам келди
  - Қани-қани?
  - Мана - мана
  - Есонмисиз омонми-сиз?
- Қопға тиққан сомонми-сиз?  
Орқа бошингиз оловдек  
Дамлаб қуидан палов-дей.

Үқувчи: «Әмғир ёғолоқ»

Үқувчи:

Бувижоним-бувижоним  
Оқ пахтадек сочингиз  
Омон бўлсин бошингиз.  
Айта қолинг бувижон  
Хозир қанча ёшингиз.  
Сўзларингиз қўп қизиқ  
Юзингиз нега чизиқ  
Ачомласам бувижон  
Бағрингиз бунча иссиқ.  
Дадамларни бокғансиз  
Ойимларга ёқгансиз  
Топишмог-у эртакга  
Бувижоним чақонсиз.

Үқувчи:

Уйғатмасалар ойим  
Ухлаб дарслан қолардим  
Уйкуга баҳо йўқдир  
Унда тўрт ёки беш олардим

Үқувчи:

Жажи ниҳол гул ғунчаман  
Меҳрингиздан бол ичаман  
Сўзларингиз жойлаб дилга  
Отланаман порлоқ йўлга  
Сиз қувончим ҳаяжоним  
Меҳрибоним- ажоним.

**Үйүвчи:** “Боғымда гуллар чаман”.

**Үйүвчи:**

Бувижоним, бувижоним келади  
Дил-у жоним келади  
Узоқ йүлдош келади  
Иссик күлдан келади.  
Бувим келса бир хурсанд  
Чүнтаклари тұла қанд  
Майиз олиб келади  
Магиз олиб келади.

Шириң-шакар күзлари  
Нуронийдир юзлари  
Айтмоққа шеър афсона  
Бувижоним ягона.

**Үйин:** “Учала қыз”.

**Үйүвчи:**

Мехри мисоли дарё  
Қалби тұла нур зиё  
Күзларимга түтиё  
Үзимнинг онагинам  
Юзин нуридан чунон  
Атроф бұлар чарагон  
Доим мендан гир-гитдон  
Үзимнинг онагинам.

**Хамма:** Онагинам

**Үйитүечи:** Хурматли ва азиз онахонлар, мұхтарам опа-сингиллар. Барчангизни баҳор айёми, 8-Март байрами билан чин дилдан муборакбод этаман? Болажонларимиз баҳтига соғ омон бўлинг, чеҳрангиздан табассум аримасин. Юртимиздан тинчлик кетмасин. Уйигиздан ғам, кипригинизда нам бўлмасин?

**Мавзу:** Наврӯзи олам

Хона байрамона безатилган Наврӯз байрамига аталган суратлар. Шунингдек деворий газеталар осилган. Наврӯз таомлари билан түлдирилган дастурхон. Байрам эрталитига устоз, үқувчилар, ота-оналар таклиф этилган бўлиб. Уларнинг олдида анвойи гулдастлар териб қўйилган. Иштирок этувчи болалар миллий кийимларда ясаниб олишган.

Ниҳоят байрам эрталыги бошланди. Магнитафондан «Баҳор валь-си» мусикаси янграб бир оз давом эттік, охиста пасайиб, даврага бошловчи қызы кириб келади.

**Бошловчи** У Ассалому алайкум, муҳтарам устозлар. Ассалому алайкум меҳрибон ва қалби қайноқ ота-оналар. Қувноқ даврамизга хуш келибсизлар.

Хұрматли меҳмонлар. Бугунғи Наврӯзи олам, яшиллик, мүл-күлчилик, тұқынлик, барака йилимининг бошланиши билан куттлаймиз. Хаммаларингизга улкан соғлик, омад, оиласый баҳт тилаймиз. Фасллар келинчаги, баҳор фаслиға бутун олам, коинот ўзининг гүзалигини тақдим этиб, МАРҲАБО ГУЛБАҲОР деб даврамизга таклиф этамиз.

**Бошловчи:** Мана бепаён ўлкамизга зарғалдоқлар гулчамбарлар тақиб, хушрүй Наврӯзи олам кириб келмоқда.

-Марҳабо, Наврӯзи Олам!

**Наврӯзой:** Ассалом, эй ўртоқлар. Хуш келдингиз!

Яшнади тоғлар, безанди бөргелар. Хуш келдингиз!

Соябон феруза ранг япроқлар. Хуш келдингиз!

Күнглимин ўсмоқда, бўлди тоғлар. Хуш келдингиз!

Келди насиба Навбаҳор, ўлкамизга парвоз айлади.

Кўк майсалар боғаро баҳмал паёндоз айлади.

- Она замин борлиқни барча жонзорларни муборакбод қилмоқда.

Унинг фарзанди бўлмиш инсон ҳам кўҳна она ерни ҳамиша севиб ардоқлайди. Унга таъзим қилади.

**Болалар:** Салом Наврӯз, Салом Наврӯз.

**Наврӯзой:** Салом кўм кўк баҳорим,

Сойлари шўх оқарим,

Хой-хой гўзал шамолинг

Гулкирайди жамолинг.

Очилдими бойчечак, энди ҳар ён гул демак,

Чунки баҳор элчиси шу митти гул Бойчечак,

Янги йилингиз муборак бўлсин, ҳой Бобо,

Наврӯзингиз муборак бўлсин, ҳой Момо,

Айёмингиз муборак бўлсин, ҳой Она

Бойчечак чиқибди бутун Наврӯз экан.

Ҳой боғбон бобо, ниҳолга берсин барака

Ҳой дехқон бобо, ҳосилга берсин барака.

Хой чўпон бобо, насиљга берсин барака  
Бойчечак чиқиби дуғун Наврӯз экан.  
Ариқ бўйига боринг, ё кўпчилик, ё ёлғиз  
Ҳаммангизга бирдек тенг, ўзларин килиб кўз-кўз  
Замин янги кўйлак кияр, келса меҳрибон Наврӯз.  
- Болалар, даврамизда Деҳқон бобо кўринмаяптиларми?  
Келинглар бирга чакирамиз.

- Деҳқон бобо,
- Деҳқон бобо,
- Деҳқон бобо,

*Ўғил бола деҳқонча кийиниб даврага кириб келади.*

Лаббай азиз болаларим.  
Гулгун чеҳра доналарим  
Наврӯзингиз муборак  
Шонли байрам муборак.

- Раҳмат Деҳқон бобо сизнинг ҳам байрамингиз муборак бўлсин.
- Раҳмат, раҳмат.

Келтиридим сизга кўчат ва гуллар  
Эксангиз уни яшнагай диллар.

Ватанимиз сарҳади кенг. Унинг ишларида ҳали қиши давом этмоқда. Аёзбобонинг кеттиси йўқ. Бизда эса мана Наврӯзи Олам. Тупроқ илиб қолди, далалар мени чорламоқда. Баҳор эса мени куттиб турмайди. Сизларининг ризқу-рӯзингиз барака уруғини айни ерга сепиш пайти. Мен борай, ҳайр, бўталоқларим (*аста-секин чиқиб кетади*).

Бувим солдилар сумалак  
Пиширолмай биз ҳалак  
Суйилиб кетган экан  
Ун ташладик бир челак.  
Мехнат зойи кетмади.  
Ширин бўлти сумалак  
Энди биз қўшиниларга  
Сумалак ташиб ҳалак.

Болажонлар бошлайлик  
Ялло наво назмини  
Савол-жавоб қисми-ю  
Топағонлар базмини.

Кўклам келса унади  
Офтоб чикса, кулади.  
У баҳорнинг элчиси  
Буни ҳамма билади.  
Уният номи бойчечак.

Қозонсиз қайнар эрта кеч  
Сувда қўлинг куймайди ҳеч.      (*Бу булоқ*)

Ўзи қизил гўзал бирар  
Қирга ёзар гилам.                  (*Бу лолақизгалдоқ*)

Атир пуркар кўк ялпиз,  
Ариқ бўйида ялпиз  
Атир сочгани сочган  
Барг ёзиг яшнаб гул қиз  
Кучоқ очгани очган.

Наврўзи оламда тўкин дастурхон,  
Кадимий таомлар олдимда бугун.  
Ота-боболар руҳин этиб шод,  
Чин авлод бўлмоқни дилимга тутдим.

Наврўз Ўзбек халкининг азалий ва узоқ тарихига эга бўлган Баҳор байрами бўлиб, унда ажойиб халқ сайиллари, дор ўйинлари, полвонлар беллашуви, айтишув, алёрлар каби халқ саънатлари на мойиш этилади.

Маҳаллаларда ариқ ва ҳовузлар тозаланади. Сумалак ва кўк со мса, кўк чучвара ҳамда ҳалим Наврўзниңг асосий таомлари ҳисобланган. Аразлаган кишилар бир бирларини кечириб, ярашиб олишган. Катталарга ҳурмат, кичикка меҳр-шавкатли бўлиш ҳақида суҳбатлар бўлган. «Одобнома»да айтилганидек

Офтоб яхшими, одоб яхшими?  
Офтоб берар нур, одобчи ҳузур.  
Болаликда хушёр бўлинг чалишманг  
Минг қиласа ҳам «Сизни» «Сенга» алишманг.  
«Сиз» бу ҳурмат, элдан раҳмат олади  
«Сен» сонда йўқ, аро йўлда қолади.  
Бугун куртак ўғир зартак  
Баҳор келди, баҳор келди.

Сочи тол-тол силкинар тол  
Баҳор келди, баҳор келди.

Шўх қалдиргоч сайрап ғоч-роҷ  
Баҳор келди, баҳор келди.  
Тождор турна чалар сурнай  
Баҳор келди, баҳор келди.

*Наврӯзой:* Мен гўзал баҳорнинг даракчиси Наврӯзойман. Дала-да боғларни уйқудан уйғотаман. Даражтлар куртагини шарбатларга тўлдираман. Кушлар барча ҳайвонлар беҳаловат бўлиб қолдилар. Ху-у ана, чумолилар ҳам уйларидан чиқиб «Баҳор келдими-кан» деб мўралаб-мўралаб қўймоқдалар. Ким менинг дўстим бўлса, топаман. Хўш, баҳор даракчилари ҳақида нималарни биласиз?

Мен айтаман.  
Гуллар ичра биринчи  
Очиласан Бойчечак.  
Дала қирлар бағрига  
Сочиласан Бойчечак.

Жаҳоқи нимжон бўлсанг ҳам  
Йўл очасан кўкламга.  
Ясантириб оламни  
Ҳидинг тараб ўлкамга.  
Борлар, торлар, далалар,  
Кўнгил гулдай яшнайди  
Ширин тотли туйфудан  
Баҳор чори очилиб.  
Хушбуй ҳидга тўлибсан  
Согинганим билибсан  
Шунчалар дилкаш кўклам  
Безанар яна ўлкам.  
Новдалар тақар гулдан сирралар  
Арғимча солиб учар турналар

*Олис олислардан ёқимли най овози эшишилди.*

*Икки бола ўртага чиқиб ўз жўраларини даврага чорлайди.*

Бор ҳо бор  
Кел ҳо кел  
Тез чопиб кел  
Кувнагани кел  
Сайилга кел.

Келавер ҳ-о-о-о-у. Даврага бир гуруҳ болалар чиқиб тугиб таш-

ланган белбоғ атрофида «Ким олади-ё шугинани-ё» құшиғини айтиб, қарсак билан давом эттирадилар.

Ким олади-ё шугинани-ё  
Ким олади-ё шугинани-ё

Мен оламан-о шугинани-ё  
Мен оламан-о шугинани-ё

У даврада айланиб бир үйнаб чиккач, әнгашыб оғиз билан белбогини олмоқчи бўлади, лекин ололмайди.

Ололмади-я шугинани-ё  
Эпчил бўлсанг ҳам, ўзингни кўрсат  
Чаққон бўлсанг ҳам ўзингни кўрсат  
Ололмайсан-о шугинани-ё

*Иккинчи ўқувчи ҳам белбогини ололмайди.*

*Ниҳоят бир кичкина, эпчил бола үйнаб бориб оғзи билан белбогни әнгашыб олади. Болалар қийқиришиб қарсак чаладилар.*

Ушиб келди ҳар ёқдан қадрдан қушлар,  
Кўчиб келар йироқдан меҳрибон қушлар,  
Софинганмиз келинглар кўзлари мунчоқ  
Учкур ботир зарфалдоқ, куйчи кадрдонлар.

*Магнителефондан қушларнинг чуғур-чуғур овози кела бошлайди.*

Сиз-ла келди Навбаҳор  
Кўклам бўлди ҳамма ёқ.  
Эрта тонгдан куйлаб сиз  
Кўнглинизни этинг чор.

Чах-чах этиб учаман  
Гулдан-гулга кўчаман  
Фунчалар юз очганда  
Қўшиқ айтиб учаман.

*Бошловчи:* Шу билан “Наврӯз” байрамига бағишлиган тадбиримиз ўз ниҳоясига етди.

**Мавзу: «Софлом авлод орзулари»**

Тантана мактаб залида ўтказилади. Саҳна миллий анаъналарига хос безатилган. Ўқувчилар мусиқа садолари остида саҳнага чиқадилар.

*1-бошловчи:* Ассалому алайкум азиз, меҳрибон устозлар ва ҳурматли ота-оналар!

*2-бошловчи:* Хуш келибсиз меҳмонлар

Ассалом сизга,  
Табаррук инсонлар  
Минг таъзим сизга.

Яна бир таъзим  
Дилдан эҳтиром,  
Мўътабар мураббий,  
Сизга минг салом

*1-бошловчи:* Ассалом, мустақил Ўзбекистоним!

Ассалом, құдрагатли, нурли бўстоним.  
Соғлом фарзандларинг муборак бўлсин!  
Биздек фарзандларинг доим бор бўлсин.

*2-бошловчи:* Азиз меҳмонлар! Бугунги кечамизниң номи «Соғлом авлоднинг – соғлом орзулария». Кечамиз орқали олган билимларимизни намойиш этамиз. Марҳамат тамоша қилинг.

*Ўқувчи:* Биз синфда анчамиз

Лекин зўр синфчамиз  
Бўш келмаймиз дарсларда,  
Биз бешчимиз, тўртчимиз

*Ҳамма:* Аълочи ўқувчимииз

«Синфимиз» қўшиги ижро этилади.

*1-бошловчи:* Ўтган йилларимизни бирма-бир эслаб кўрайлик-чи. Шу йилларда нималарни кўргандик. Айтишади-ку «Ёшликда ўрганган билим исмга ўйилган нақш» кабидир.

*2-бошловчи:* Авваламбор Ватанинни севишга ўргандик. Ватан бу инсоннинг қони тўкилган жойидир. Ватан авлод-аждодларимиз, отабоболаримиз яшаб ўтган, биз таваллуд топиб улрайган, ҳаёт кечираётган диёrimиздир.

Барча неларга жавоб излаймиз,  
Олам сирларини очамиз албат,  
Илму-маърифатла бўлмоқ истаймиз  
Бизни Ватан кутар, буюк келажак  
«Ватанжоним» қўшиги ижро этилади

*Ўқувчи:* Юртим сенга шеър битдим бу кун,  
Қиёsingни топмадим асло

Шоирлар бор ўз юргин бутун  
Оlam аро атаган танҳо.

Улар шеъри учди кўп йироқ,  
Томонида кумуш диёри,  
Бир ўлка бор дунёда бироқ  
Битилмаган достондир бори.

Фақат онсиз қаламим маним,  
Ўзбекистон Ватаним маним  
Тамға, байроқ кўтарган ўқувчилар саҳнаг чиқали.  
Байробимда юлдузлар бор, ойлар бор.

Яшил рангда яшнаб турган жойлар бор  
Оқлигида ошпоқ тилак, ўйлар бор,  
Хилшираган сайин кўзим кувнайди,  
Юртимизни дадил олға бошлиди.

Тамғамиз бор жуда кўркам,  
Яшнаб турар худди кўклам  
Бир ён пахта, бир ён буддой  
Ватан бизга азиз макон.

Кўрганингиз икки дарё  
Ана Аму ва Сирдарё  
Ўртадаги ҳумо гўзал,  
Баҳт тимсоли эрур азал  
Ойу, юлдуз парвонадир

*Ҳамма:* Ўзбекистон ягонадир.

*1-ўқувчи:* Оилада энг мўътабар зот,  
Фарзандига у баҳт ва најжот  
Турсин энди турмушга ҳаёт  
Ўзбегимнинг гўзал аёли

*2-ўқувчи:* Гул юзига ярашар ҳоли,  
Доим бошда турар рўмоли  
Фарзандида баҳти, иқболи  
Ўзбегимнинг гўзал аёли

*3-ўқувчи:* Сариштадир ҳар қилган иши,  
Йўқ фарзанддан ўзга ташвиши  
Бу дунёда энг улур киши  
Ўзбегимнинг гўзал аёли.

*4-ўқувчи:* Қизи бор уйнинг файзи бўлак, дейдилар  
Уйимизда ўғил йўқ деб ўксинманг,  
Тоғ бўлмаса, қир ҳам тиргак дейдилар  
Элнинг баҳти ботирларга ёз бўлсин,  
Шаҳнозалар, Фаридалар бор бўлсин!

«Ўзбек қизлари» рақси ижро этилади.

«Она ва бола – гул билан лола» шиорини кўттарган бола саҳнага кириб келади.

5-ўқувчи: Ислом бобом таъкидлаб,

Йилни бизга атади.

Соф бўлсин деб набирам

Онамни ардоқлади.

6-ўқувчи: Онам соф бўлса доим

Мен ўсгайман саломат.

Юртим тинч эрур, қаранг,

Софлом авлод ҳур ҳаёт.

7-ўқувчи: Элим гуллаб яшиасин

Оналар соғлом бўлсин,

Онажонлар баҳтига

Фарзаандлар омов бўлсин!

8-ўқувчи: Йўлбошчимиз орзу қилган

Юртда ўйнаб кулагийлик.

Ватанимиз корига

Соғлом авлод бўлайлик!

«Чак-чак» рақси ижро этилади

Танбур ноласи эшитилади. Саҳнага буюк аждодларимиз Амир Темур, Алишер Навоий, Мирзо Бобур, Улугбек, Ал-Бухорий, Ал-Хоразмий, Чўлпон сиймосида ўқувчилар пайдо бўлишади.

Ўқувчи: Аждодларимиз – фахримиз. Бизнинг Ватан ботирлар ватани, Широқ, Жалолиддин Мангуберди каби ботирлар ватанидир.

*Амир Темур:* Мен ким, мулки Туронман,

Амиру Туркистонман

Ўз юртимни моли қуру

Жаҳон қилган инсонман

Ўтса ҳамки асрлар

Қадримга етди авлод.

Танитиб жаҳон ичра

Пок руҳимни этди шод.

Ўқувчи: Сиз Амирсиз, Сиз Темурсиз, жаҳонгир султон

Имондирсиз, вижондирсиз, сиз азиз инсон,

Қалблараро кўтармоқда руҳингиз исён,

Сиздай мард зот турилса деб, умидвор жаҳон,

Темур бобо, номингизни ёд этажакмиз

Оламаро руҳингизни шод этажакмиз.

*1-ўқувчи: Ал-Бухорий, Ат-Термизий ҳазрат бизга,*

Улугбеку, Ал-Фарғоний савлат бизга,

Темур бобо, Мангуберди давлат бизга,

Она халқим, доно халқим, бизга ион!

*2-ўқувчи: Юртнинг дўстига очиқ бағри бағримиздир,*

Алпомишинг ёвга қаҳри қаҳримиздир,

Навоийнинг туркий тили фахримиздир.

Она халқим, доно халқим, бизга ион!

*Аждоҳларимиз таъзим бажо айлаб, саҳнадан чиқиб кетишади.*

*Шўх куй таралади.*

*1-бошловчи: Ибн Сино бобо ушалар даво.*

- Ҳом сув ичма, соғлиқдан кечма

- Еб бўлгач овқат, югурма фақат

- Бадантарбия, куч этар ҳадя

- Ким ҳаракатда соғлом албатта

Саҳнага спорт мусиқалари остида қатнашадиган ўқувчилар чиқадилар.

- Биз каратэ бўйича жаҳон чемпиони бўлиб, Ўзбекистон байронини янада юқори кўтармоқчимиз.

Машқлар бажарив кўрсатадилар.

*2-бошловчи: Биз бир қатор фанларни ўрганиб саводхон бўлдик.*

*1-ўқувчи: Математика ҳар ерда керак,*

Уни билиш учун ўқиш ҳам керак.

Кўпайтира олмасанг иккини учга

Ўргангандаринг чиқади кучга.

*2-ўқувчи: Ўзбек тилим жону дилим*

Чунки бу тил – она тилим

Эга, кесим, от, сифат, феъл

Гап таҳлилин ўргандим мен.

*3-ўқувчи: Мусиқа дарси биз учун*

Энг қувончли дарс эди.

Чунки бизни санъатта

Устозим олиб кирди.

Бир қанча ўқувчилар «Улур зот, Устоз» деган мазмунда шеърлар ўқишади. Яна бир қанчалари «Жаннат оналар сёғи остидалар» мазмунидаги ўз оналарини шеърий тараннум этишади. Шўх куйлар

янграйди. Устозлар билан ўқувчилар рақсга тушишади. Тадбир сўнггида 4-синф ўқувчиларининг орзулари магнитафон орқали янграйди.

Биз янги асрда яшаб, компьютерлар билан тиллашамиз, мана-ман деган хорижий тадбиркорлар билан беллашамиз, билимдонлар бўлиб етишамиз.

### **Мавзу: Ўзбекистон ватаним маним.**

*Мақсад:* 1. Таълимий мақсад:

- а) Биз туғулиб ўсаётган юрт, ватан Ўзбекистон жаннатмакон диёр эканлиги;
- б) Ҳар бир ўқувчи шу юрт фуқароси эканлиги, яшаш, ўқиш меҳнат қилиш ва уни севиш ҳуқуқига эга эканлигини тушунтириш.

2. Тарбиявий мақсад:

- а) Ватанпарварлик руҳида тарбиялаш;
- б) Ватанин асраб авайлашга ўргатиш.

3. Ривожлантирувчи мақсад:

- а) Ватан тушунчаси ҳақида билимларни ривожлантириш.

Дарснинг бориши.

Ташкилий қисм болалар билан саломлашиб олинади. Ватанимизда шу кунда рўй берадиган воқеа-ходисалар, янгиликлар ҳақида суҳбат ўтказиб олинади. Янги мавзу баёни. Доскага дарс жихозлари осиб қўйилади ва даре мавзуси ёзилади. Биз ўсаётган юрт Ўзбекистон жаннатмакон эканлиги, ҳар бир ўқувчи шу юрт фуқароси эканлиги тушунтирилади. Диёrimizning табиати, бойликлари меҳнаткаш ҳалқи нималарга қодирлиги ҳақида тушунтирилади. Унинг ҳудуди, ахолиси бунёдкорлик ишлари ҳақидаги айрим рақамлар киритилади. Пахта, буғдой, пилла ва чорвачилиги ҳақида сўз боради. Ҳ.Олимжоннинг «Ўзбекистон» ҳамда А.Ориповнинг «Ўзбекистон» шеърлари таҳлил қилинади. Давлатимиз рамзлари ҳақида сўз боради. Президентимиз И.А.Каримовнинг болаларимизга қилаётган ғамхўрлиги ҳақида гапириб ўтилади.

### **Давлат органлари вазифалари.**

Давлат – умумий ишларни хал этиш учун бутун жамиятни уюштиришидир. Жамият эса бизлармиз, яъни муштарак тарих, маданият, тақдир билан ўзаро боғланган бир мамлакатда яшовчи одамлар-

дир. Давлат органлари: олий мажлис, ҳукумат, милиция, ҳокимят, суд кимнинг манфатларини химоя қилиш ҳақида. Мамлакатимизда ҳокимиятнинг бирдан-бир манбай халқидир. Улар ўз вакилларини-депутатларни сайлайдилар. Депутатлар халқ номидан жамиятга риоя этиб яшайдиган қонунларни ишлаб чиқади.

Давлат ҳаётининг муҳим масалалари овоз бериш – Референдум йўли билан ҳал этилади, бунда фуқаро ҳукумат қарорини мақуллашни ёки мақулламаслигини изҳор этади. Барча овозлар санаб чиқилади ва қарор қабул қилинади. 18 ёшга тўлган давлатни бошқариш аришда иштирок этиш мумкин. Ўзбекистонда давлатни бошқариш муаммосини қуийдагича ҳал этилган. Демократик давлатда ҳокимијатлар бўлиниш, принципи амал қиласи: Парламент деігутатлари қонунларни қабул қиласи, уларни ҳукумат ижро этади, судлар эса қонунларни тадбиқ этиш борасидаги баҳсли масалаларни ҳал қиласи.

## Байроқ

Давлатнинг расмий фарқловчи белгиси. 1991 йил 18 ноябрда тасдиқланган. Байроқдаги мовий ранг осмон, зилол сув рамзи. Шарқда эзозланган Феруза рангни қачонлардир Соҳибқирон Амир Темур ҳам ўз байроғи учун танлаган эди. Оқ ранг тинчлик ва покизалик рамзидир. Қизил чизиқчалар ҳар бир тирик жонга ҳаёт бағишловчи куч қудратдир. Яшил ранг – гўзал табиат тимсоли. Ҳилол ой бача ислом давлатлари байроғида мавжуд. Байроқда камоллик белгиси ҳисобланувчи сон –12 юлдуз ҳам бор.

## Герб

1992 йил 2 июлда тасдиқланган. Герб ўнгдан буғдои бошоқлари ва чап тарафида фўза новдаси билан хошияланган чамбар билан ўралган тоғлар, дарёлар, водийлар устида чарақлаётган қуёш тасвирини ўзида мужассамлаптирган. Саккизқирра ичиди ой ва юлдузлар мусулмонларнинг муқаддас рамзлардир. Герб марказида бағрикенглик ва фидоийлик рамзи бўлмиш афсонавий ҳумо қуши тасвирланган.

## Мадҳия

1992 йил 10 декабрда тасдиқланган. Шоир Абдулла Орипов Ўзбекистон табиати ва шу заминда яшовчи одамлар нақадар ажойиблиги ва гўзаллиги ҳақида тароватли сатрлар битди. Мутал Бурхонов

тантанавор мусиқа басталади.

## **Конституция**

1992 йил 8 декабрда қабул қилинга. Хужжат муқаддимасида Ўзбекистон халқининг инсон ҳуқуқларига ва давлат суверенитети принципларига, демократия ва ижтимоий адолат идеалларига ва Республика фуқаролари муносиб турмушини тамиллашга, интилишга содиқлиги эълон қилинган. Конституция 26-боб, 6 бўлим, 128-моддадан иборат.

- 1-боб Давлат суверенитети
- 2-боб Халқ ҳокимятчилиги
- 3-боб Конституция ва қонуннинг устинлиги
- 4-боб Ташқи сиёсат
- 5-боб Умумий қоида
- 6-боб Фуқаролик
- 7-боб Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар
- 8-боб Сиёсий ҳуқуқлар
- 9-боб Иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар
- 10-боб Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатлари
- 11-боб Фуқораларнинг бурчлари
- 12-боб Жамиятнинг иқтисодий негизлари
- 13-боб Жамоат бирлашмалари
- 14-боб Оила
- 15-боб Оммавий ахборот воситалари
- 16-боб Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилиши
- 17-боб Қорақалпогистон Республикаси
- 18-боб Ўзбекистон Республикаси олий мажлиси
- 19-боб Ўзбекистон Республикаси президенти
- 20-боб Вазирлар Маҳкамаси
- 21-боб Маҳаллий давлат ҳокимяти асослари
- 22-боб Ўзбекистон Республикасининг суд ҳокимяти
- 23-боб Сайлов тизими
- 24-боб Пракратура
- 25-боб Молия ва кредит

## **Инсоннинг асосий ҳуқуқлари.**

Инсон-ер юзидаги олий қадриятдир. Туғулганиданоқ инсон яшаш ҳуқуқи ва бошқа ҳуқуқларга эгадир. Инсоннинг асосий ҳуқуқлари конституциянинг П бўлимида белгилаб қўйилган: Яшашга, эркинлик ва шахсий дахлсизликка; қадр қиммати ва шаъни химоясига; туарар жой дахлсизлиги; виждан ва диний эътиқод эркинлиги; жамият ишларини бошқаришда иштирок этиш; мулкдор бўлиш; меҳнат қилиш; таълим олиш; малакали тиббий ёрдамдан фойдаланиш; маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқларига эга.

### **Оилада бола ҳуқуқи.**

Худди давлатдаги сингари оилада ҳар ҳар кимнинг ўз ҳуқуқи ва бурчлари мавжуд. Боланинг энг асосий ҳуқуқи оилада тарбияланиш ҳуқуқидир. Ота-оналарнинг энг асосий бурчи эса болаларга ғамхўрлик қилишдир. Ота-оналар болаларни парваришлаб, уларга кийим кечак ва бошқа зарур нарсаларни харид қилиб олиб беради, ўқишида ва бошқа ишларда ёрдам беради. Ота-она ўз болалари саломатлиги борасида ташвишланади.

Аммо ҳаётда бола ота-онасиз қоладиган ҳоллар ҳам учраб туради. Ана шунда унга ғамхўрлик қилишни давлат зиммасига олади. Конституциянинг 69 моддасида: «Давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарнинг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқишиш тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди» дейилган.

### **«Алишер Навоийнинг газалхон ёшлигиги»**

Ассалому алайкум азиз устозлар ва ҳурматли ўқувчилар. Бугунги кечамизни сўз мулкининг султони бўлмиш Алишер Навоий бобомиз таваллудларининг..... йиллигига бағишилаймиз ва уларни хотирлаб руҳларини шод айлаймиз. Кимки бизни ёд этса, ҳақ уни ёд айласин. Йўлнимизга ким тиканлар сочса, душманлик билан васл боғи ичра гуллар унса баҳор айлансин. Икки оламда бирорвга кўнглимида йўқ фубор. Кимки бизга берса озор, айш бисёр айлансин.

Ўзбек халқининг миллий ифтихори Алишер Навоий 1441 йил 9 февралда Хирот шаҳрида дунёга келади. Отаси Фиёсиддин темурийлар салтанатининг амалдорларидан, шоҳ саройининг ишончли кишилариридан эди, шунинг учун у ёшлигидан Хуросоннинг бўлаҗак султони Ҳусайн Бойқаро билан жуда яқин дўст бўлиб, бир мад-

расада таълим олишган. Ёш Алишер кичгиналигидан китоб ўқиши, шеър ёд олишни севган.

Алишер бир куни шеър ёзиб, уни боғда баланд овоз билан ўқий бошлиди:

Ҳар ерда баҳор бўлса, чаман бўлса керак,  
Ҳар ерда чаман, гулу-суман бўлса керак,  
Ҳар қайда хазон бўлса, тикан бўлса керак,  
Ҳар ерда тикан миҳан бўлса керак.

Навоийнинг ёқимли овозда шеър ўқишини эшитган булбул ундан сўрабда:

- Эй хушваз шоир, сен ўқиган шеърлар бубулларнинг эрта тонгдаги новосидан ҳам ёқимли экан. Номингни билсан бўлади-ми?

- Алишер! – деб жавоб беради бола. Билдим билдим янги чиққан шоир экансан-да. Энди ўзингга чиройли тахаллус танлаб шеърларингнинг охирига ўшани қўйгин.

- Наво қандай чиройли сўз-а! Раҳмат бубулжон, сен менга таҳаллус танлашда ёрдам бердинг, бу кундан бошлаб мен шеърларимнинг тагига Навоий деб қўшиб қўяман.

1465 йили Навоий самарқанд томон йўл олади ва шоир сифатида жуда катта шуҳрат топа боради. Шоирнинг дастлабки ёзган шеърий китоби «Илк девон» номи билан машҳурдир. Шу билан бир қаторла шоир (1469-1472) йиллари саройда муҳрдор, (1472-1476) йилларда вазир, (1487-1488) йилларида Астрободда ҳокимлик қилган.

Ҳокимлик даврида Навоий шаҳарни обод, ҳалқни тўқ ва фаровон ящапчи чун бир қанча ишларни амалга ошириди, лекин Ватан ва юргита бўлган мұхаббати бир сония ҳам унга тинчлик бермади ва юргини қўмсаб бир қанча асарлар яратди.

Ёрабки, иноятингни ёр айла манга,  
Йўқлуқска хидоятингни бор айла манга,  
Ҳар қаҳри кифоятингни дор айла манга,  
Ҳар дури иноятинг нисор айла манга.  
Гурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш  
Эл анга шафиқу меҳрибон бўлмас эмиш.  
Олтин қафас ичра гар қизил гул битса,  
Бубулга тикондек ошён бўлмас эмиш.

Навоийнинг энг катта орзуси йирик достонлар, ҳамда туркий тилда «Хамса» яратиш эди. 1485 йили шоир туркий тилда биринчи маротаба «Хамса» асарини яратиб Ҳусайн Боқарога тақдим этди.

XV асргача турк тили мавжуд бўдган. Лекин ўша пайтда шоирлар бу тилни камбағал деб форс тилида асарлар яратгандар. Мана шу даъволарга бир мукаррам зот, Мир Алишер Навоий ҳазратлари нуқта қўйдилар.

Боғда шоир шеър машқ қиляпти.

Турк назмида шу мен тортиб алам

Айладим ул мамлакатни яқалам.

Шоирнинг устози Лутфий кириб келади. Саломлапгач, шоир Лутфийга туркийда биттан икки қатор разалини ўқиб беради. Фазалдан завқланган Лутфий шоирнинг:

Оразин ёпқач кўзимдан тўқилур ҳар лаҳза ёш,

Бўйлаким пайдо бўлур юлдуз ниҳон бўлгач қуёш.

Мисрлари чучи 32000 байтли бутун асарини алмашишга тайёр эканлигини айтди.

Навоий фазалларидан намуналар.

**Бошловчи:** Бизлар ана шундай иқтидоли, истеъододли мутафаккир авлодлари эканлигимиздан ғурурга тўлиб, уларнинг ижодлари, ҳаёт ва фаолиятлари билан яқиндан танишишимиз, ўқиб ўрганишмиз керак.

**Бошловчи:** Рубоийлар.

Фурбатда ғарип шодмон бўлмас эмиш

Эл анга шағиқу меҳрибон бўлмас эмиш.

Олтин қафас ичра гар қизил гул битса,

Бубулга тикондек ошён бўлмас эмиш.

Зоҳид, санга ҳур-у, манга – жонона керак,

Жаннат санга бўлсин, манга-майхона керак.

Майхона аро соқи-ю паймона керак,

Паймона неча бўлса, тўла ёна керак.

Жондин сени кўп севармен, эй умри азиз,

Сондин сени кўп севармен, эй умри азиз.

Ҳар неки севмак ондин ортиқ бўлмас,

Ондин сени кўн севармен, эй умри азиз.

«Жоним» даги «Жим» икки доминга фидо,

Андин сўнг «алиф» тоза ниҳолинга фидо.

«Нур»и доғи анбари ҳилолинга фидо,

Қолган икки нуқта икки холинга фидо.

Ўлсам ясаманг бундан мозоримни менинг,  
Юқлаб элитинг, жисму-жонимни менинг.  
Ўтру чиқарып, аҳлу диёримни менинг,  
Кўйида кўйинг, тану-зоримни менинг.

Ҳусайн Бойқаро Ҳурсоннинг шоҳи бўлганида Навоий унинг вазири бўлиб хизмат қиласди. Сарой аҳли, бошқа вазирлар уни чиқиши тиришмаганлиги сабабли у бу лавозимида 4 йил ишлайди. Лекин, донолиги, ҳозиржавоблиги, ақли билан сарой аҳлини ром этади.

Саҳна кўриниши:

Саройда базм бўлмоқда. Шоҳ Ҳусайн Бойқаро таҳтда ўтирибди. Раққосалар рақс тушшаптилар. Алишернинг ташрифи ҳақида хабар берилди. Алишер янгигина битган байтини шоҳга ўқиб эшиттиради.

Билмаганни сўраб ўрганган олим,

Орланиб сўрамаган ўзига золим.

Ҳикматдан таъсирангандан шоҳ Алишерни 2000 тилло билан тақдирлайди. Бундан норози бўлган вазирлар жанжал кўтарадилар. Тақсир ҳар сафар Алишернинг ҳикмати учун 1000 танга инъом қиласдингиз, энди эса 2000 танга берибсиз. Нима учун бизларга ҳам бундай илтифотлар билдирамайсиз. Ё бизлар илтифотга нолойиқмизми?

Подшо уларга қараб:

Агар менинг саволимга яхши жавоб топсангиз 2000 танга сиздан айлансан.

- Майли олампаноҳ. Қанча саволингиз бўлса, бераверинг бизлар жавобни топамиш.

Ҳусайн Бойқаро вазирларга қараб чиқиб, бармоғи билан бошини кўрсатади.

Алишер эса бармоғи билан тилига ишора қиласди. Ҳеч нарсани тушунмаган вазирлар бир-бирларига қараб анграйиб тураверадилар.

Ҳусайн Бойқаро буюради:

Тингланг мен кўрсаттич бармоғим билан бөшими кўрсатдим. Мир Алишер эса бармоғи билан тилини кўрсатади. Сизлар шу жумбоқнинг маъносини топиб келинглар.

- Шоҳим бизга уч кун муҳлат берсангиз, бу жумбоқнинг жавобини топурмиз.

- Сизларга рухсат.

Вазирлар ўйлай-ўйлай жумбоқнинг жавобини топа олмай Али-

шернинг ҳузурига бордилар ва ундан жавобини сўрабдилар.

*Алишер:* - Агар ҳар қайсингиз 1000 тангадан берсангиз, 40000 танга эвазига майли жумбоқнинг жавобини айтиб берурман. 40 та вазир рози бўлибдилар.

*Алишер Навоий – Султон:* Бошга бола нимадан келади, - деб сўради.

*Мен:* «Ҳаркимнинг-ки бошига бола келса, ўзининг тилидан келади» - деб жавоб бердим.

Буни эшитиб вазирлар саройга югурдилар

*Улар:* Мен топдим, мен топдим.

*Султон Ҳусайн – «Тинчланинг, тинчланинг, ҳўш жумбоқнинг жавобини топдингларми?»*

*Вазирлар:* Ҳа, шоҳим, ҳар бошгаки, бало тилдан келадур.

*Султон Ҳусайн – Тўғрисини айтинг,* бу гапниларни сизга ким ўргатди. Тўғрисини айтмасангиз ҳаммандизни ўлимга буюраман.

*Жаллод (чапак чалиб)*

*Вазир:* Бир қошиқ қонимиздан кечинг олампаноҳ, сўровингиз дўстингиз Алишердан сўраб билдик.

*Ҳусайн Бойқаро:* Шу гап ростми дўстим Алишер?

*Алишер:* Ҳа, олампаноҳ, жавобимни улар 40000 танга билан сийладилар.

*Ҳусайн Бойқаро:* – Офарин, сизларга. Мен Алишерга 2000 танга берсам, сизлар бир оғиз сўзи учун 40000 танга берибсизларда. Дўтим, бу кун сизларга бир сабоқ бермиш. Умид қиласурманки, бу сабоқ сизларга тўғри йўл кўрсатур. Иззат бермас нақлу дирам борлифи. Ким бўлди таъмадин кишининг хорлиги.

Алишер Навоий 1501 йили 3 январда ҳасталиқдан сўнг вафот этади. бутун ҳалқ шаҳдан гадогача, олимдан чўпонгача, шоирдан деҳқонгача улуғ фарзандининг ўлимига қайғу ва истироб билан мотам тутади.

Фазал мулкининг султони шоир ва буюк мутафаккир, олим, адолатли давлат арбоби Навоийнинг руҳи мангу барҳаётдир унинг ҳикматларидан тинглайсиз:

Умрни зое этма меҳнат қил,

Меҳнатни соадатнинг қалити бил.

Хунарни асрарон неттумдир охир,

Олиб тупроққами кеттумдир охир.

Кўп деган кўп енгилур,  
Кўп еган кўп йиқилур.

Чин сўзни ёлронга чўлрама,  
Чин айта олур тилни ёлронга булғама.

Хақ йўлида ким сенга бир ҳар ўқитмиш равж ила,  
Айламак бўлмас адо анинг ҳақдин юз ганж ила.

Оз-оз ўрганиб доно бўлур  
Қатра-қатра йиғилиб дарё бўлур.

Бошни фидо айла ато қошиға,  
Жисмни қил сатقا ано қошиға.

Тун кунинга айлагил нур пош,  
Бирисин ой айла, бирисин қуёш.

Ўзбек ижодкорлари учун Навоийнинг мероси бугун ҳам катта мактаб вазифасини ўтамоқда. Бу кунга келиб бобомизнинг улуф номлари абадийлаштирилди. Уларнинг номларида вилоят, шаҳар, боғлар, майдонлар, театр ва мактаблар бор.

Қанчадан қанча бадиий асарларда, театр саҳналарида, кино экранларда бобмиз образлари яратилган. Уларнинг руҳи авлодларнинг кўзи қарогида, ардоғида яшамоқда.

Азиз устозлар! Ҳурматли меҳмонлар ва тенгдошлар. Бугун биз Навоий ижоди ва ҳаётидан баъзи бир лавҳаларнигина тилга олдик. Уларнинг ҳаёт ва ижодлари ҳақида сизларга озгина бўлсада сабоқ бера олган бўлсак, жуда баҳтиёр бўлар эдик.

Шу билан бугунги кечамизга якун ясаймиз. Ташриф буюрганингиз учун раҳмат. Ҳайр соғ бўлинг.

**Мавзу: Ёшикдан қабргача илм изла!**

**Бошловчи:** Ассалом дермиз юракдан аввало  
Хуш келдингиз,  
Изларингиз гард кўзга гўё  
Хуш келдингиз  
Бу кўнгил кўзгусини қилмай губори заррага

Қалбингиз олгай яна нур зиё  
Хуш келдингиз

**Бошловчи:** Дермиз бизлар ассалом  
Ҳаммага дилдан салом  
Меҳмонлар устозларга  
Чин юракдан ассалом

Мана дўстлар, устозлар, ўқувчилар томонидан «Бешикдан то қабиргача илим изла» деб номланган тадбир кечасини очиқ деб эълон қиласиз.

Шеър

Илим ақл чироги  
Ўқи! Ўқи! Ўқигил – деб  
Жаранглади бир садо.  
Бу садодан сабоқ олди  
Бутун олам – ер, фазо.  
Бешикдан то қабиргача  
Ўқимоқлик экан фарз  
Бу каломга амал қилмоқ  
Ҳар кишига экан фарз.  
Эй, ўғрил қизлар! Ўқи! Ўқи!  
Қалб чироги бу калом  
Ўқи! Ўқи! Ўқи чиндан  
Нурга тўлар бу олам.

**Бошловчи:**

Ўзбек халқи ўзининг яратган кўпдан – кўп ривоят, ҳикмат, ҳикояларда, илмни ва илим эгаларини, ақлни ва ақл эгаларини юксак даражада мадҳ этади. Уларнинг ҳаётидаги ютуқларини кўрсатади, илмсизлик, жохиллик, ақлсизлик, фаросатсизлик, нодонликни қоралайди, буларнинг хунук оқибатларини тасвирлайди ва кишини илм олишга, бу йўлда учрайдиган ҳар қандай қийинчилкларга бардош беришга даъват этади: «Илм-ақл чироги», «Илм баҳт келтирас, билим таҳт келтирас», «Ўқиган ўғил отадан улур», «Олим бўлсанг, олам сеники», «Илм диндан устун».

**Бошловчи:** Ҳикоя

Эй, ақлли ўғлонларим! Одам боласи учун илм ўрганиш вақти бешикдан қабрга киргунчадир. Илм шундай зарур бир нарсадурки, ер юзида илмсиз яшамоқ машаққатдир. Баъзи бир болаларга ўхшаб энди ҳарф таниган вақтингизда азиз умрингизни бекор нарсаларга

исроф қилиб, сўнг пушаймон бўлишингиздан фойда йўқ.

Ўзингизга хам маълумки, бир қанча одамлар катта бўлганларида илм қадрини билишиб, хар қанча афсус қилсалар ҳам фойдаси бўлмас. Илм олмоқ учун ёшлиқ вақти энг муносиб вақтдир. Ёшлиқда олинган билим, тошга ўйилган нақишидирки, асло йўқ бўлмас. Сизлар бу азиз вақтларни ғанимат билиб қўлдан бермаслигимиз лозим. Ёшлиқ пайти умрда бир маротаба келади ва бу вақт узоқ турмасдан қушдек учиб ўтади. Эй, ақлли болалар! Бу ҳикмат ва ғайрат фойдасини кўрмoringиз керак.

*Рақс:*      Ўзбегим.

*Бошловчи:* «Одамзот наслининг улуғлиги билимдан». У ақл – идрок туфайли не тугунларни ечишга қодир. Ақл – идрок, билим эгаси бўлган ҳар қандай одам шарафидир.

Билим ҳақида айтилган фикрларга қулоқ тутилса, улардан шундай ҳикмат мавжуд. «Билимдонга бало йўқ», «Билимга интилмаган киши хору-зор бўлиб ўтади»

*Бошловчи:* Қизлар мушоира тариқасида шеър ўқийдилар.

*Бошловчи:* Билим-мисоли бир жилов, у барча ёмон, ярамас ишлардан тийиб туради. Билим эгаси ўз тилакларини топади, орзу машаққатларга эришади.

Барча мураккаб ишлар билим билан ҳал этилади. Билимли киши ўз билими туфайли бало – қазолардан омон қолади.

*Саҳна кўриниши:* «*Илм сехри*»

*Бошловчи:*

- Илмга чанқоқлик китобхонлик самараси бўлиб, ўз илму-амалари билан ер юзида донг таратган ва ўзбек халқининг номини шоншарафга бурканган мапихур даҳолар Абу Али ибн Сино, Алишер Навоий, Беруний, Аҳмад Яссавий, Ал-Бухорий, Бобур, Машраб каби алломаларни санаб, санорига етолмаймиз.

*Рақс.*

*Бошловчи:*      Навбат шеърга

*Бошловчи:*      Рақс

**Бошловчи:** Илм ҳақида мақоллар айтиб беришади  
Мақоллар мусобақаси

1. Ҳунар ва билим – мулкдир.
2. Билим ва ҳунар – инсоннинг доимий ҳамроҳидир.
3. Ёшлиқда ўргансанг ҳунар ҳаёт айтганга кўнап.
4. Илм ақл чироги.
5. Ҳаёт қоронғулигини илм ёритади.
6. Илм билан билим топишганда, инсонни безайди.
7. Илмдан жаҳолат кўрқади.
8. Инсонни билими билан одоб безайди.
9. Ўрганиш – туғулишидан ўлимигача.
10. Ҳаёт мангу мактабдир.
11. Билим ақлнинг қаймоги.
12. Илмни китобдан билимни ҳаётдан ўрган.
13. Аввал бил, кейин қил.
14. Бахт бегиси – билим.
15. Билим баҳт қалитидир.
16. Аввал ўрган, кейин ўргат.
17. Гўзаллик – илму маърифатда.
18. Билимли – олим, билимсиз золим.
19. Олтин олма, билим ол.
20. Илим баҳт келтиради, билим таҳт келтиради.

**Бошловчи:** Китоб шеъри

Ҳар кўнгилнинг орзуси шул эрур обихаёт,  
Қадрни билган кишига, шубҳасиз жондир китоб  
Ҳар муроднинг бошидур, ҳар муддаонинг гавҳари  
Ҳар нарсаларнинг шифоси, яъни луқмондир китоб  
Кўзи нуру, дил ҳузури дилларнинг дармонидир.  
Ҳар қоронғу дилга гўё моҳитомондир китоб  
Ҳар балодан асрагувчи муҳим қиймат яроғ  
Тийри вахшар, ханжари зиллатга қалқондир китоб

**Бошловчи:**

Билим, - деди Юсуф Хос Хожиб, - мисоли бир жилов. У барча  
ёмон, ярамас ишлардан тийиб туради. Билим эгаси ўз тилакларини  
топади, орзу – мақсадларга эришади.

Ақл - идрок эгаларининг нафи ҳар доим кўпчиликка тегиб туради. Билим эгалари эса элда азиз бўлади, ҳурмат қозонади. Бутун ишлар ўқув – идрок билан амалга ошади.

Ўқув қуд беради, билим шараф-шон,  
Шу икков тифайли улугдир инсон.

*Бошловчи:*      Билим – бойлик ахир заволдан йироқ,  
                          Уни ола билмас қароқчи бироқ.

Илм ўз амали билан қадр топади. Билимга амал қилмаган киши йўлдан озиши, номаъқул ишларга кўл уриши муқаррар. Илму амал эгиздир дейди халқимиз, илим олдингми унга амал қил. Билимдон деган шарафли номга сазовар бўлдингми шунга мувофиқу муносаб иш тутишни ҳам ўрган. Ўз ақлу идрокинг ожизлик қилса, ўзингдан илимлироқ, ақллироқ кишиларнинг насиҳати маслаҳатларига қулоқ солки, буларнинг баъри келгусида машъял бўлиб, ҳаёт йўлини ёриттайди.

*Бошловчи:* Ашула «Бу дунёда ҳамма мөҳмон». Шу билан «Бешикдан қабргача илм изла» бадиий кечаси ниҳоясига етди.

## Х О Т И М А

Тарбиявий ишлар давомида тарбияланувчининг қарашлари, ҳаётий нуқтаи-назари аста-секин таркиб топиб боради. У тарбияланувчининг ҳулқ-атвори ҳамда теварак-атрофдаги муҳитнинг хилма хил таъсиrlарига унинг муносабатларини белгилайди. Шахснинг бу тутган йўли қанча аниқ ва изчил бўлса, теварак-атрофдаги ҳаёт шароитларининг турлича салбий таъсири шунча кучсиз бўлади.

Мактаб шароитида тарбиявий ишлар ўқитувчи, тарбиячилар, синф раҳбарлари томонидан амалга оширилади. Улар тарбияни жамиятнинг мақсади ҳамда вазифаларига мувофиқ равишда ташкил этадилар. Бошланғич синф ўқувчисининг хатти-ҳаракатидаги айрим камчиликларни тузатишга тўғри келади. Бу камчиликлар аввалги тарбия жараённада, кўпинча оиласда таркиб топган бўлади. Ўқитувчи ўз ҳаракатларини ва ота-оналарининг ҳаракатларини бу камчиликларни бартараф этишга қаратиши лозим. Одатда, бунинг учун болаларнинг оиласдаги ҳаёт шароитларини ўзгартириш, тарбияланувчиларда нотўғри хатти-ҳаракатни келтириб чиқарувчи сабабларин йўқотиши талаб этилади.

Шундай қилиб, тарбиялаш, ўз-ўзини тарбиялаш ва қайта тарбиялаш жараёнлари ўзаро мустаҳкам боғланган бўлиб, инсон шахсини таркиб топтиришнинг бир бутун жараённада доимо бир-бирига таъсир ўтказади.

Ҳар бир ишнинг ўзига хос, маълум қонун-қоидалари бўлганидек, бола тарбиясининг ҳам ўзига хос бир қатор муҳим қоидалари борки, уларга амал қилиш тарбия ишининг самарали бўлишини таъминлайди, чунончи:

- тарбиянинг бир мақсадга қаратилганилиги;
- тарбиянинг ҳаёт, меҳнат билан, Ўзбекистонимизнинг мустақиллиги, гуллаб-яшнаши йўлида қилинаётган фидойи ишлар билан боғлаш;
- шахсни жамоада, жамоа орқали тарбиялаш;
- тарбияда бола шахсини ҳурмат қилиш ва унга талабчанлик;
- тарбиявий ишларнинг изчиллиги, мунтазамлиги ҳамда бирлиги;
- тарбияда ўқувчиларнинг ёши ва ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш.

Бу қоида тарбиявий ишларнинг мазмуни ва ташкил этилишини доимо янгилашиб туришни талаб этади. Ўқитувчилар ўқувчилар тар-

биясини ҳаёт билан боғлар эканлар, уларга ўзларида имон-эътиқод-ни тарбиялаш имконини берадилар.

Тарбиявий ишлар шундай ташкил қилинганда ёшлар жамият ҳаётига фаолроқ жалб қилинади, бу эса ўкувчи шахсининг таркиб топишига ёрдам беради.

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. И.А.Каримов. «Ўзбекистон ўз истиқол ва тараққиёт йўли». Т., «Ўзбекистон» 1992 йил
2. И.А.Каримов. «Ўзбекистон келажаги буюк давлат». Т., «Ўзбекистон» 1992 йил
3. И.А.Каримов. «Ватан саждагоҳ каби муҳаддасдир». Т., «Ўзбекистон» 1995 йил
4. «Одоб – аҳлоқга оид ҳадис намуналари». Т., «Фан» 1970 йил
5. Н.И.Болдирев. «Синф раҳбари. Т., «Ўқитувчи» 1975 йил
6. Кайковус «Қобуснома» Т., «Ўқитувчи». 1986 йил
7. О.Бўриев. «Оила ва янги анъаналар». Т., «Ўқитувчи» 1988 йил
8. «Оила этикаси ва психологияси» (Т.Мақсудов таҳрири остида) Т., «Ўқитувчи» 1991 йил
9. Т.Жавлиев. «Анъаналар – ҳаёт сабори». Т., «Ўзбекистон» 1992 йил
10. А.Авлоний. «Туркий Гулистон ёҳуд аҳлоқ». Т., «Ўқитувчи» 1992 йил
11. Х.Узоқов, Э.Фозиев, А.Тожиев. «Оила этикаси ва психологияси». Т., «Ўқитувчи» 1992 йил
12. Ж.Йўлдошев, С.Хасанов. «Авето»да аҳлоқий – таълимий қарашлар». Т., «Ўқитувчи» 1992 йил
13. М.Имомова. «Фарзанд ниҳол, ота-она - боғбон». Т., «Ўқитувчи» 1993 йил
14. И.Жўрабеков. «Янги Ўзбекистон – янги қадамлар». Т., «Ўзбекистон» 1994 йил
15. А.Ж.Жўраев. «Тарбиявий дарсларни ўтиш». Т., «Ўқитувчи» 1994 йил
16. А.К.Мунавваров. «Оила педагогикаси» Т., «Ўқитувчи». 1994 йил
17. У.Махкамов. «Аҳлоқ – одоб сабоқлари». Т., «Фан» 1994 йил
18. М.Хайдаров. «Кичик мактаб ёшидаги ўкувчиларнинг меҳнат тарбиясида халқ анъаналаридан фойдаланиш». Т., «Ёзувчи» 1995 йил
19. О.Тўраева. «Одобрение». Т., «Ўқитувчи» 1995 йил
20. Ж.Йўлдошев. «Таълимимиз истиқоли йўлида». Т., «Шарқ» 1996 йил

21. З.Құзиев. «Синф раҳбари ишини ташкил этиш ва режалаштириш». Т., 1997 йил
- 22.М.Имомова. «Оилада болаларнинг маънавий-аҳлоқий тарбияси». Т., 1999 йил
- 23.Ж.Йўлдошев. «Ўқувчи маънавиятини шакллантириш». Т., «Шарқ» 2000 йил
- 24.Р.Мавлонова, О.Тўраева, К.Холиқбердиев. «Педагогика» Т., «Ўқитувчи» 2002 йил

# МУНДАРИЖА

<b>К И Р И Ш .....</b>	3
<b>I. Бўлим. СИНФДАН ВА МАКТАБДАН ТАШҚАРИ</b>	
<b>ТАРБИЯВИЙ ИШЛАР .....</b>	4
1-§ Синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишларнинг мақсади ва вазифалари .....	4
2-§ Синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишлар концепцияси .....	7
3-§ Тарбия мақсадини ишлабчиқиши тўғрисида .....	9
4-§ Тарбия тизимини ижтимоийлаштириш .....	13
5-§ Тарбия тизимида педагогик тизим .....	
6-§ Тарбия тизимида инновациялар .....	21
7-§ Тарбиявий ишларнинг йўналишлари .....	40
8-§ Синфдан ва мактабдан ташқари ишларни ташкил қилишда ташкилотчининг иш методикаси .....	46
9-§ Синфдан ва мактабдан ташқари ишларни ташкил қилишда ташкилотчи шахсига бўлган талаблар .....	55
Директор ўринбосарининг ҳуқуқлари .....	56
10-§ Ташкилотчи ва ўқувчиларнинг ўз-ўзини бошқариш ишларининг методикаси .....	60
11-§ Мактабда ўқувчиларнинг ўз-ўзини бошқариши .....	61
12-§ Истеъоддли болаларни аниқлаш ва уларни тарбиялаш .....	62
<b>II. Бўлим. СИНФ РАҲБАРИ ИШИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ</b>	
<b>МЕТОДИКАСИ. ....</b>	78
1-§ Синф раҳбари ишининг мақсади ва вазифалари .....	78
2-§ Мактабдаги тарбиявий ишлар тизимида синф раҳбарининг фаолиятини ташкил этиш методикаси .....	89
3-§ Синф раҳбари тарбиявий фаолиятининг самараадорлигини опириш шарт-шароитлари .....	92
Ҳақ йўлида сенга бир ҳарф ўқитмиш ранж ила, .....	93
Айламак бўлмас адo онинг ҳақин юз гаюж ила. ....	93
4-§ Синф раҳбарининг ўқувчиларни ўрганиш методикаси .....	96
5-§ Ўқувчиларни педагогик кузатиш .....	105
6-§ Ўқувчилар билим сифатини опириш ва синфда интизомни мустаҳкамлаш .....	108

<b>Агарда муаллим бўлса беозор,</b>	112
<b>Болалар синфи қилишар бозор,</b>	112
<b>7-§ Ўқувчиларда интизомлиликини тарбиялашнинг усул ва методлари</b>	113
<b>8-§ Ўқувчиларнинг ўқув фаолияти самарадорлигини ошириш борасида синф раҳбари олиб борадиган ишлар</b>	118
<b>9-§ Мактаб ўқувчилари шахсини ҳар томонлама камол топтириш</b>	121
<b>10-§ Синф раҳбари ишини режалаштириш ва ҳисобга олиш</b>	125
 <b>III. Бўлм. ЖАМОАДА ШАХСНИ ТАРБИЯЛАШ</b> ..... 132	
<b>1-§ Синф жамоасини ташкил этиш ва уни тарбиялаш методикаси</b>	132
<b>2-§ Шахсга жамоавий-тарбиявий таъсир кўрсатиш</b>	138
<b>3-§ Ўқувчиларни тарбиялашда жамоанинг роли</b>	142
<b>✓ 4-§ Жамоада ўқувчиларни ўртоқлик ва дўстлик ҳиссида тарбиялаш</b>	148
<b>✓5-§ Ўқитувчининг ўқувчилар жамоаси билан ишланишлари</b>	160
<b>Топшириқлар:</b>	165
 <b>IV. Бўлим. МАКТАБ, ОИЛА ВА ЖАМОАТЧИЛИК ҲАМКОРЛИГИ</b> ..... 170	
<b>1-§ Ҳамкорлик ишларининг мазмуни</b>	170
<b>2-§ Синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишларда оила ва маҳалла ҳамкорлиги</b>	177
<b>3-§ Ташкилотчининг оила ва жамаотчилик билан амкорликдаги</b>	184
 <b>V. Бўлим. ОИЛАДА БОЛА ТАРБИЯСИ</b> ..... 184	
<b>1-§ Шахснинг оила муҳитда ва жамиятда шаклланиши</b>	184
<b>2-§ Оиланинг бола тарбиясида халқ миллий анъаналаридан фойдаланиш</b>	190
<b>3-§ Оилада бола тарбиясининг ўрни</b>	195
<b>4-§ Тарбия жараёнида ўқувчиларда тежамкорлик тушунчаларини сингдириш</b>	200
<b>5-§ Ота-оналарга тарбияга оид билим бериш</b>	208
<b>6-§. Оилавий урф - одатлар, анъаналар</b>	215

## **VI. Бўлим. ТАРБИЯВИЙ ТАДБИРЛАРНИНГ БОЛА**

<b>ТАРБИЯСИДАГИ ЎРНИ</b> .....	218
Мавзу: «Биринчи қўнғироқ - салом мактаб» байрами .....	218
Мавзу: «Ватанни севмоқ иймондандир» .....	223
Мавзу: Устоз меҳри! .....	228
Мавзу: Устоз отангдан улуғ .....	232
Мавзу: Амир Темур – фахримиз, фуруримиз .....	237
Мавзу: Олтин куз .....	240
Мавзу: Мехржон байрами .....	243
Мавзу: Конституция куни .....	243
Мавзу: Янги йил арчаси байрами .....	251
Мавзу: Саводхонлик байрами .....	256
Мавзу: «Ватан саждагоҳ каби муқаддас» .....	266
Мавзу: Мардлар қўриқлайди Ватанини .....	269
Мавзу: Китоб - бизнинг дўстимиз .....	278
Мавзу: «Баҳор ва гул байрами» .....	281
Мавзу: Онажоним сизга таъзим .....	284
Мавзу: Наврӯзи олам .....	290
Мавзу: «Сорлом авлод орзулари» .....	295
Мавзу: Ўзбекистон ватаним маним .....	300
Мавзу: Бешикдан қабргача илм изла! .....	308
<b>Хотима</b> .....	313
<b>Адабиётлар рўйхати</b> .....	315

*Низомий номидаги Тошкент Давлат  
педагогика университети*

*Илмий кенгашин томонидан наширга тавсия  
этилган.*



**Муҳаррир: М.Содиқов**

Нашриёт рақами: М-820. Босишига рухсат этилди: 21.11.07.

Қоғоз бичими 60x841/16. Офсет босма. Офсет қофози.

Ҳисоб-нашриёт т. 21,5. Шартли босма т.18.

126-буюртма. 1000 нусхада. Келишилган нархда.

ЎзРФА «Фан» нашриёти: 100170, Тошкент, И. Мўминов  
кўчаси, 9-уй. ЎзРФААК босмахонаси: 100170, Тошкент, И.

Мўминов кўчаси, 13-уй.